



Uzbek Intelligentsia

1995
5-6

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ

64-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Бош муҳаррир:
Уткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Тоҳир МАЛИК
(Масъул котиб)
Мурод МАНСУР
(Наср бўлими мудири)
Омон МУХТОР
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Икром ОТАМУРОД
(Назм бўлими мудири)
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН
(Мерос ва қадрият бўлими мудири)
Али Назар ЭГАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИС:

ГАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

муҳтарам муштарийларимиз, азиз адабиёт мухлислари!

1995 йилда биз билан бирга бўлганингиз учун Сиздан беҳад миннатдоримиз. Ардоқли ёзувчиларимизнинг фидойи меҳнати, Сиз азизларнинг меҳри, эътибори туфайли журналимиз чиқиб турди.

Куз яқинлашиб, одатдагидек янги йил учун обуна бошланяпти. Умидимиз шуки, 1996 йилда ҳам «Шарқ юлдузи»га нисбатан бўлган лутфингизни дариг тутмайсиз, келгуси йил ҳам биз билан ҳамфикр, ҳамнафас бўласиз. Биз келгуси йили журнални ҳар икки ойда бир марта нашр этишни мўлжалладик. Обуна баҳоси — ҳар сон учун 20 сўм, бир йилга — 120 сўм.

Изоҳ: Бунга Республика матбуот тарқатиш марказининг журнални етказиш бўйича харажатлари қўшилади. Шу туфайли вилоятларнинг марказга яқин-узюқлигига қараб, обуна нархи турлича бўлади.

Муқоваларда:

Ҳазрат Алпшер Навоий. (1-бет)

Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия. (2-бет)

Самарқанд. Ғури Мир. (3-бет)

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

МЕН ШУ ЭЛ ФАРЗАНДИ

Шукур Холмирсасв. Замондош тасвирга чизги.

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Жалолиддин Румий. «Ичиндаги ичиндадир» асарининг охири.

Аҳмад Муҳаммад Турсун тасниф этган «Яхшилар одоби» асаридан журналхонлар илтимосига биноан яна бир улуш.

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Улмас Умарбеков. Сизга васият қилинган ҳикоялар.

НАСР

Тоҳир Малик. «Шайтанат». Қисса. II китоб.

УНУГИЛГАН НОМЛАР

Вадуд Маҳмуд ҳаёти ҳақида ҳикоя.

НАЗМ

Иброҳим Ғафуров. «Карманадан курмана». Навоийлик шодкорлар.

© Шарқ юлдузи № 5-6, 1995 й.

Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига _____

Маъруф Жалил

ТУРОНИМ

Бу дунёда боқий нарса йук,
Яратган бор, ёлғиз безавол.
Бу сир бағрин очади тўлик,
Маърифатда ким топса камол.

Шўмэр эли. Уруқ қалъаси,
Маърифатли мардларга ошён.
Бунда кезар ҳурлик нафаси,
Хукм сураб Гелгамиш полвон.

Тошқўрғоннинг тўрт томонида,
Тўрт дарвоза улғувор, соҳир.
Дарвозанинг икки ёнида
Посбон каби турар икки шер.

Ўз кучига ишонган каби
Уйчан боқиб турган арслон,
Ҳам жисм, ҳам руҳнинг қудратин
Акс эттирган тимсол бегумон.

Аммо, ҳаёт оқими гарчанд,
Ухшаса ҳам сокин дарёга.
Тошқин каби босқинлар баъзан
Айлантирган боғни саҳрога.

Саҳро кезиб Мусо пайгамбар,
Ўз элини тоблаган маҳал,
Туркийлардан Гуг ва Могуглар
Дунё сирин билган мукаммал.

Сув чиқарган ариқлар очиб,
Нанай каби шаҳарлар қурган.
Ерни ҳайдаб, уруғлар сочиб,
Тўй-тўйлашиб, жанг қилиб юрган.

Шайтон нафси йўлига кириб,
Панд берганда бири-бирига:
«Бир-бирингни нетасан қириб,
Қайгурсанг-чи эл тақдирига...» —

Дегим келар, аммо, йўл узюқ,
Етиб бормас уларга нолам.

Асрларнинг қаъридан шу чоқ
Етиб келар ўкинч билан ғам.

Маърифат бор, ҳунар бор сенда,
Олам сири беш кўлдай аён.
Орияту иқтидор сенда,
Ҳамжиҳатлик етишмас ҳамон.

Шўрли Турон, паҳлавон Турон,
Минг бўлакка булинган замин.
Яна қаддинг тикланар қачон,
Ким ёқади боболар шамин?

Эсласанг-чи, Афросиёбни,
Нима қилган, яшаган қачон?
Биласанми Утрор, Фаробни,
Кимдир Бумин, Истами ҳоқон?

Искитлар ким, хунлар ким эди?
Қайга кетди ўша ботирлар?
Шу чоққача тарих жим эди,
Ошкор бўлар энди кўп сирлар.

Турон элим, уйғонгин энди,
Кўзингни оч, ташла ғафлатни.
Мард боболар аён кўринди,
Кўлингга ол энди қисматни.

Унутмагин тарих сабогин,
Ишонч дурин жойла дилиннга.
Кўлда тутиб инсоф чирогин,
Эга бўлгин узинг тилиннга.

Озодликка чиққан қул каби,
Гоҳ ишониб, гоҳ ишонмасдан,
Зада ҳислар ўртайди қалбим,
Йул излайман баъзан қонмасдан.

«Ўзбекистон деган давлат ҳам,
Қозоғистон деган давлат ҳам,
Туркманистон деган давлат ҳам
Тарихда бўлмаган муқаддам!» —

Деб жар солган жаноблар билсин,
Турон деган давлат бор эди.
Қайга чўзса етарди илкин,
Бўлинмаган, бахтиёр эди.

Эрону Ҳинд, Хитой бир тараф,
Бир тарафи Буюк Турондир.
Йўқ эрса-да бурунги шараф,
Аммо, руҳи ҳануз омондир.

Бир-биридан бегона қилиб,
Ажратилган қавмлар бир кун —

Ажаб эмас Туронлимиз деб,
Бирлаштирса беш бўлак юртин.

Кўшни эди Эрон ва Турон,
Эрон бору Турон йўқ бугун...
Йўқолмас-ку юлдузли осмон,
Сен хабарсиз бўлганинг учун.

Сен билмаган сир кўп оламда,
Сен билмаган муаммо ҳам мўл.
Агар инсоф бўлса одамда,
Холис бўлар, топар оқил йўл.

Кутқу солиб, кўзғатиб элни,
Босқин, қиргин йўлини кўзлаб,
Узун қилиб суяксиз тилни,
Жароҳатли дилларни тузлаб —

Эрк истагин қил деб фаромуш,
Қайта кир деб темир қафасга,
Ғараз билан дўлайтириб мушт,
Ғап сотганинг етар ҳавасга.

Ўтмишга кўз ташлайман яна,
Қайдан, ахир, кўнгул бўлсин тўқ.
Салтанат ҳам тирик бир тана,
Бу дунёда боқий нарса йўқ.

Салтанат ҳам ёшини яшаб,
Қариб-чириб ўтар дунёдан.
Ватан қолар халқини ушлаб,
Бутунликни қилиб ифода.

Турон элим, Турон заминим,
Яхлит чоғинг кўрармиканман?
Шу гурурнинг завқин суриб жим,
Боғларингда юрармиканман?!

Эркин Самандар

ТАНГРИ ҚУДУҒИ

Роман

...Уларга Оллоҳ зулм қилмади.
Балки улар ўзларига зулм қилдилар.

Куръони Карим, Ол-и Имрон сураси.

I

Майса ердан бош кўтарди. Ҳовуз бўйи, йўлақларнинг афрофлари ям-яшил. Бўртиб турган ўрик куртаклари лаб очди. Шайхобод ёби тепасидаги бог, дарёга олиб борадиган йўлнинг икки чеккасидаги нав-ниҳоллар юзи оппоқ. Туқайгача чўзилган бедазор игна бўйи усди. Кўм-кўк. Болакайлар ва қизалоқлар саватчаларини кўтариб, кўк тергани бедазорга чиқдилар.

Қиблабоғ яхлит бодомзор. Уни хожамиз ўз қўллари билан яратганлар, деб келган-кетганга мақташади шайхободликлар. Мақтаганларича бор. Беш қатор-беш қатордан ўттиз учта бўлик, энига юрган одам элас кўриниб турган мажнунтол хиёбонига, бўйига юрган киши эса, бир қозон қайиновича йўл бошиб, Қарақум этагига чиқади. Бодом гулга кирди. Туппош қирмиз — шафақларга пайваста шафақ, ёстигидан эндигина бош кўтарган қуёшдай олранг.

Бодомзор олдидаги йўлақдан мажнунтол хиёбони томон бо-раётган Нигина агар шу маромни бузмай қадам ташлайдиган бўлса, ерга бош эгганча хаёл сураётган ўша яшил маъвога бугун етиб бориши даргумон. Бир одим ташлаб, бодомзорга икки қарайди. Одим жонивор ўзи товусниқидан майда, бодом гулларига маҳлиё бўлиб туриб қолишларининг эса, ҳисоби йўқ. Унинг учун бу қирмизи олма янгилик. Авваллари бодомзорларни кўрган экан-у, уларнинг барглари, гулларига, новдаларига боқмаган, боқса-да, кўзлари бу тенгсиз нафосатни илгаманган экан. Ё тавба, камалақда неча хил ранг бўлса ҳаммаси шу бодом гулида жамулжам. Қизгиш, тўқ-қизил, оқ-сарик, оқ, оч жигарранг, нафармон... Бир гулдаки шунча ранг, жило, кўриниш бор, еру кўкдаги гўзалликларнинг ҳисобига етиб бу-

ларми, қараган билан кўз тўярми? Ҳаёт қандай ранго-ранг, яшаш қандай ширин.

Инсон қалби ҳам худди табиат янглиг рангинмикин? Унда ҳам камалақ жилвалари каби турфа ранглар жобажоми? Ҳар туйғунинг ўз ранги бўлса эҳтимол. Осойишнинг ранги мовий, фахрники оқ, нафратники жигарранг, ҳасадники қора, севинчники қирмизи.

Нигинанинг ўз қалбида қайси ранг устивор? Олдинлари кўз ўнгини қоплаган кулранг булутлар ўз аксини қалбига ҳам ташлаган бўлса энди унинг ўрнини шишадай тиниқ мовий ишгол этди. Яқинда эса, у қирмизи ранг билан сайқал топди.

Қизиллик унинг кўнглига ташқаридан кириб келгани йўқ, юрагининг тўридан ўзи балқиб чиқди. Гўё у аввал бўлган-у сўнг кўмилиб кўзга кўринмай қолган, дафъатан топилиб, ярақ-лаб очилган тиллодай қалбини ёритиб юборди. Бу тиллонинг ихтиросиси ҳам, соҳиби ҳам бир сиймо... Абулғози султон бўлиб чиқди. Бу Шамсиддин хожанинг — сўнгги муолажасидан кейин бирданига рўй берди. Нигинанинг кўзи, кўнгли очилиши билан ўз қаршисида битта кўзгуни, унда ўша сиймони, болалигидан бирга ўйнаб ўсган, қарашлари дилга ўт солгувчи йигитни — Абулғозини кўрди.

Кўзгудаги йигит ҳамишадагидек виқор билан, лабида жозиб табассум билан қалайсан, жоним, дегандек унга термулиб турарди. Нигина топди, йўқотиб қўйган энг қимматли, азиз нарсаси — муҳаббатини, қалби аталган йигитни, тақдирини ёзилган битикни топиб олди. Битикка Абулғози номи ёзилган, икки дил ишқи унга нақшланган эди.

Кўп вақтлардан бери хабар олмаган йигитга Нигина таъна қилди:

— Бормисиз, мирзо йигит?

— Бормен, жоним, — деди кўзгудаги йигит ўша ўт қарашлари билан уни ҳаяжонга солиб, — васлинг умидида интизормен.

— Интизор одам ҳам шунчалик... йўқ бўлиб кетарми?

— Йўқ бўлиб кетган кимдур, менми ёки Сизми? Урганчда, бир кечада кўздан гойиб бўлган фаришта мен эрмасмен чоги.

— Чин айтурсиз. Айб ўзумда.

— Қўй, ўзингни айблама, Ануша, сен бегуборсен, айб бошқаларда, ҳаммасига ганимлар сабаб.

— Ануша дедингизми? Мен Ануша эмасмен, мен Нигинамен, ўз бахтини бир йўқотиб, қайта топган Нигина...

— Билурмен.

— Ажаб, қайдан билурсиз?

— Бухоро тошларининг тили бор, ул айтадур.

— Дарвоқе, Сиз Бухорода эмушсиз. Эҳ, Бухоро!..

Гойибона бу дийдорлашув Нигина янги ҳаётининг — муҳаббат роҳатлари ва азобларига чулганган умрнинг бошлангич нуқтаси бўлди. Шу янги йўл бошида туриб у англадики, аввал муҳаббат деб ўйлагани, Давлатёру ўзи орқасида ишққа ўхшаб кўринган ҳаётбахш дарё — сароб ва аксинча, сароб деб ту-

шунгани, Абулгози билан ўзининг ўртасида пайдо бўлган маъво — муҳаббат қасри экан. Энди у ана шу мунаввар қасрга етиб олмоғи керак.

Ҳаётидаги кейинги кўп ўзгаришлар Давлатёр билан боғлиқ. Шу танги ва фидойи йигит туфайли бало-офатлардан омон ўлди, хатарли сўқмоқлардан юриб бўлса ҳам ҳозирги кенг йўлга чиқиб олди, энг муҳими қалби мудроқлик касалидан халос бўлди. Кўнгил кўзлари очилганида кўрдикки, уни Давлатёрга боғлаб турган нарса муҳаббат риштаси эмас, балки оддий дўстлик ипларидир. Аммо Давлатёрнинг қалби ишқ истади...

Севги ўтларида куйётган йигитга Нигина икки-уч бор ростини айтмоқчи бўлди. Тили бормади. Унинг дилини яралаб қўйишдан чўчиди. Лекин буни пайсалга солгани сайин Давлатёрнинг изтироблари оша борди. Нигинанинг юрагида эса бошқа истак — тезроқ Бухорога жўнаш, жондан соғингани отонасининг дийдорига етишиш, Абулгози қадами тегиб турган жойга яқинроқ бориш... туйғуси куртак ёйтан эди.

Унинг илтижосини худо эшитди. Бухорога жўнашга Шамсиддин хожа кеча розилик берди. Шермерган йигитлари уни Бухорои шарифга бошлаб борадиган бўлишибди. Нигинанинг ҳозирги қайфчоғлиги шундан, ўзининг дили каби гарқ очилган бодом гуллари билан тиллашгани сафар олдиан боққа чиққан.

У гулларга мафтун, бог оралаб бораркан, кимнингдир оёқ товушларини эшитгандай бўлди. Орқасига қайрилиб ўзи томон келаётган Давлатёрни кўрдию кўнглидаги мафтункорлик тагин эски андиша билан алмашди. Муҳаббатдан сўз бошлагудек бўлса нима дейди, ҳақиқатни айтиш гоҳ шунчалар огир... Йўқ, йигитни хомтама қилишнинг ҳожати йўқ, ясама туйғуларни ўз кўнглидан ҳайдагани, аччиқ бўлса-да, унга тўтри гапни

Тапиқли шоир, носир, драматург Эркин Самандар 60 ёшга тўлди.

Адибнинг қатор шеърый китоблари, балладалари, «Қабул соатлари», «Эрк садолари» сингари достонларини ўқувчилар яхши билишади.

Эркин Самандар кейинги йилларда янада самарали ижод қилди. Тарихий мавзуда «Аждодлар қиличи» драматик достонини яратди. «Дарёсини йўқотган қиргоқ» романини чоп эттирди. Шу кунларда ёзувчи «Тангри қудуги» романини ёзиб тугатди. Мана, севиқли журналимиз — «Шарқ юлдузи» асарнинг бир қисмини эълон қилипти.

Эркин Самандарнинг «Аждодлар қиличи» ва «Тангри қудуги» асарлари, айниқса, жиддий изланишлар самараси бўлди. Бугунги ижтимоий-фалсафий, бадий тафаккурда кузатилаётган устувор тамойилларга Эркин аканинг ижодий изланишлари эш. У асрлар қаъридан туркий улус — ўзбек элининг миллат сифатида шаклланган умрбоқий изларини кўради.

«Аждодлар қиличи» — кўп қатламли асар. Ҳар бир образ алоҳида-алоҳида йўналишдаги ўз тақдирга, ўз ҳаёт фалсафасига эга. Лекин барчаси асардаги бош йўналишга — шахс эрки, миллат қад-

айтгани яхши. Эртами-кечми, бирибир ҳаммаси ошкор бўлади. Яхшиси ҳозир, ҳозир...

Давлатёр ер ағдарган бўлса керак, юзлари бутриққан, қўлида белкурак, тўнининг барини белбоғига қистирган, самимий, қувноқ...

Унинг юрагидаги кечинмалар, ҳиссиётлар аслида Нигина уйлаганидан чуқурроқ, долғалироқ... Куну тун ўз севган касб-кори билан машғул бўлган бу меъмор йигит қаср қурилишида афсона ва эртақлардагина учрайдиган соҳибжамолни кўрмаганида дунёда ипакдан-да майин, саратон қуёшидан-да иссиқ туйғулар борлигини эҳтимол ҳали ҳам билмаган бўларди. Кўрди-ю, шу пайтгача уйнамаган юраги ўйнади, жимирламаган танида қумурсқа юрди...

Меъмор отаси ёнида болаликдан турли қурилишларда кечган кунлари, йигит етиб ўзи кўркам бинолар яратиш иштиёқида ёниб-куйган йиллари устига гўё чизиқ тортилган, мисли буларнинг биронтаси ҳам бўлмаган, гўёки у бугун дунёга келгану кўзларини очиб шу афсонавий гузални кўрган. Ундан бўлак бу оламда ҳеч ким ва ҳеч нарса йўқ, фақат У бор, фақат У! Уни деб, У билан Хоразмнинг бошидан оёғига борди, ўзини ўтга-чўққа урди, Унинг ёнида бўлмаган кунини кун, ҳаётини ҳаёт эмас, деб билди. Анушанинг бир нигоҳи, имоси, биргина сўзи унинг учун ҳам ҳаво, ҳам қуёш, ҳам об-ҳаёт!

Яқиндан бошлаб қизда рўй берган ўзгаришни, муомаласидаги совуқликни Давлатёр тупроғи қоқилган олтиннинг илк кўриниши деб тушунди, артилса-авайланса яна нурдай чарақлаб кетади. Бухорога кетишини Нигинанинг ўзи айтмаганида ҳам огрингани йўқ. Шамсиддин хожадан эшитиб, аввалига ҳайрон бўлди, кейин бундоқ уйлаб қараса, сира ҳам таажжуб

ри, она-Ватан шаъни учун кураш гоъсини ёритишга қаратилган. Қаҳрамонлар ўз фаолияти билан «Миллий гурури синган халқ асло рўшнолик кўрмайди. Биз ўзлигимизнинг, шаънимизнинг оёқости қилинишига йўл қўймаймиз», деган маънони нураантиради.

«Тангри қудуги» романи Абулгози Баҳодирхон тимсолида миллатнинг ўзлигини, озодлигини ҳимоя қилувчи, сақлаб қолувчи ва келгуси насларга етказувчи беқийс, бетимсол ирода кучларига, буюк салоҳиятга бағишланган насрий достон. Ижтимоий тузумлар, мафкуралар, сиёсатлар ўзгаради, лекин халқнинг бирлигини, миллатнинг бутунлигини, иймон-этиқодлар саломатлигини таъминловчи буюк фарзандларини тарих вояга етказиши, камол топтиради. Зеро, қўллар йиғилиб бош бўлмаслиги мумкин, аммо қўмлар йиғилиб тош бўлади. «Тангри қудуги» асарининг бош фалсафий маъзи мазкур халқ ҳикматида мужассам, дегим келади.

Эркин Самандарни қўлга 60 ёши билан қўлаб, унга янги ижодий зафарлар тилаймиз.

Нуъмон РАҲИМЖОНОВ, филология
фанлари доктори, профессор

қиладиган жойи йўқ. Нигина ўн йилдан ортиқ ота-онасини кўрмаган, тугилган уйига қадам босмаган. Айтишга осон. Уёқда ота-онасининг юраги қон бўлиб кетгандир. Давлатёрнинг узидан ҳам ўтган. Нигинанинг бухоролик эканини билгани ҳамона унинг ота-онаси билан топишишига ёрдам бериши лозиммасмиди? Ҳали ҳам кеч эмас, унга мададкор бўлади, унинг билан бирга ўзи ҳам Бухорога боради...

Бодомзордаги суҳбат ана шундан бошланди. Давлатёр белкуракни ерга санчиб, унга суянди. Нигинага бир жилмайиб қаради-да, тез кўзини олди. Белкурак дастасига қараганча Нигинага деди:

— Баҳорни кўринг... Бухорога кўклам олдинроқ келурмиш-а?
— Ҳа, беш-ўн кун олдинлиги бор дейишур.

Нигина болалигидаги Бухорони тасаввур этиб:

— Онда боғлар, боғларида қушлар бисёр, — дея сўзини давом эттирди. — Минорада ҳам доим лайлак ўлтирур. Кўкқарга бирла қадригоч кўп турур. Лекин... ҳозир қанақа Бухоро, билмасмен.

— Борулса... билинур, — деди Давлатёр мужмал қилиб.

Сафардан хабари бор экан, деб ўйлади Нигина, юзи лов қизарди.

— Жаноби хожа... ўзлари айтдилар, — деди ўзини оқлагансимон.

— Дуруст, яхши... Лекин, мен-чи, нечун камина ҳақида бир сўз-да демассен?

— Ким борур, ким бормас, хожа ҳазратлари билурлар...

— Сен-чи, сен ўзинг билмасмусен?

— Мен, ... қайдин билурмен, — қошларини чимирди Нигина.

— Магар билмас эрсанг, билиб олгин, — деди Давлатёр кулиб, — фақир-да борур Бухорои шарифга.

Нигина унга саволомуз қараб:

— Ҳазрат айтдиларми? — деди беихтиёр.

— Йўқ, ҳазрат айтганлари йўқ. Узум айтурмен.

— Узингиз? Ахир...

— Қизиқ, — деди Давлатёр унинг сўзини бўлиб, — мен... наҳотки бузда қолуб, сен онда кетурсен?

— Шу л маъқул, — совуқ жавоб қилди Нигина.

Давлатёр қотиб қолди. Бироздан кейин овози чиқди.

— Шу л маъқул?

— Ҳа.

— Сабаб?

Нигина жавоб бермади. Чопқиллаб химаткор бола келиб қолди.

— Сизни ҳазрат чорлабдурлар, — деди Давлатёрга. Нигина енгил тортди.

Давлатёр бола билан хожа олдига кетиб бораркан, бодомзорда қолган қизсиз яшолмаслигини ўйлаб, ўзича аҳд этди: ўлса ўлади, аммо Нигинадан бир қадам ҳам ажрамайди. Ажрала олмайди. Жон қайда бўлса, тан ўша ерда...

Ҳазор денгизининг уйинларига манқишлоқликлар ўрганиб қолишган. У қари шерга ўхшайди, укиради, лекин ўлжага ташланмайди. Кеча унинг феъли айниганида ҳам қалъадагилар шундай деб ўйлашди-ю, кўрпаларига тинчгина оёқ узатишди.

Бироқ Ҳазор бу галги укириши билан ҳадиқ билмайдиган шербаччага ўхшаб, у ўлжасини олмай қўймайдигандек эди. Тонгга яқин тўлқинларнинг ҳавойи шашти каттаю кичикни уйғотиб юборди.

Қалъа ҳокими Сабуктош бусиз ҳам уйғоқ эди. Кеча кутилмаганда Исфандиёр султоннинг элчиси унинг Манқишлоққа келаётганидан хабар бергач, черигига жой ҳозирлаш, эскириб қолган ўрда биносини тартибга келтириш каби юмушлар билан банд бўлиб мижджа қоқгани йўқ. Исфандиёр султоннинг ташрифи сабабини у биларди.

Ўрганч остонасидаги саваш арафасида Сабуктош унга ёрдам таклиф этди. Лекин шаҳзода бунга зурурат йўқлигини айтиб Манқишлоқ суворийларини йўлдан қайтарди. Оқибатда ўзига ортиқча ишонган шаҳзода қўлга қўнай деб турган иқбол қушини учириб юборди. Сабуктош суворийлари аттанг деб қолаверди.

Унинг отлиқ паҳлавонлари шуҳратини ким билмайди. Улар Оллоҳу акбар, деб ҳайқиришларининг ўзидаёқ ҳар қандай рақибнинг тиззасига титроқ тушади. Уларнинг отлари ҳазрати Алининг дулдулидан тарқаган экан. Тош, сув ва олов устидан ўқдай учиб ўтолади. Уз суворийларини бошлаб кирган жангдан ҳали Сабуктош бир марта ҳам бошини эгиб чиққан эмас.

Сабуктошга Исфандиёр султоннинг тахтга чиққани фойда. Ҳабашларнинг ранжи Ҳазор бўйига ҳам етиб келган. Арабмуҳаммадхон даврида Манқишлоқ беклари ўзига бек эди. Диёнатсиз шаҳзодалар эса кун бурундан огизларини катта очдилар. Мабодо Манқишлоқни ютиб юборган чоқда ҳам (бунга аввало тишлари ўтмайди) бу очофаглар тўйдим дейдиганга ўхшамайди. Исфандиёрда ҳар қалай инсоф бор, у Оллоҳга ёқмайдиган ишлардан ҳазар қилади...

Бутун кеча давомида денгизнинг укириги эшитилиб турди. Сабуктош одатдаги пўртана деб ўйлаб эътибор бермади бунга. Ҳайбатли гулдираклар худди ваҳимали зилзилага ўхшаб қалъа деворларини титратиб юборди. Ниманингдир гумбурлаб йиқилгани, хотинларнинг қий-чуви, болаларнинг чинқириги эшитилди.

Сабуктош фалокатни сезиб қалъа девори устига кўтарилди. Ҳали тонг отмаган, осмон булутли, баъзи кулбаларнинг дарчаларида сўниқ чироқ шуъласи милтилларди. Пастда кимдир машъала ёқди. Одамларнинг оҳ-воҳлари тўлқинларнинг гумбурлашига қўшилиб, тунни зим-зиё даҳшатга айлангирди.

Йигитлари ёққан фонуслар ёрдамида Сабуктош қалъа дар-

возасидан чиқиб соҳилга бормоқчи булганида галаёшли денгиз оёғи остига келиб қолганини кўрди. Шиддатли тўлқин йигитларнинг қўларидаги фонусларни уриб туширди.

Сабуктош тошқин фақат соҳилга чиққан деб ўйлаб, уни тезгина кечмоқчи, далага ўтиб олмоқчи бўлди. Лекин сув қирғоқдан юқори кўтарилиб далани ҳам босиб кетган эди.

Икки юз йилча олдин Ҳазор бир марта қирғогидан чиққан экан. Чор атрофни босиб тупроғу одамларни ютиб алаmidан чиққанидан сўнггина ювoш тортган. Наҳотки, шу фалокат тагин такрорланди, деган хаёлда Сабуктош қалъанинг юқори-пастига йигитларини жўнатди. Унда-бунда машғала кўтариб сув кечаётган одамларнинг саросимали овозларидан ҳам тошқиннинг узоқларга бориб етгани билиниб турарди. Тонг ёришгач, ҳаммаси аён бўлди. Денгиз тошиб қирғоққа отилиб чиққан, соҳилга ҳам сигмай далаларни, бог-роғларни босган, йўлида не йўлиқса домига тортган, йўқотган.

Одамлар яқингинада қалъадан далага чиқиб, экин-тикинни бошлаб юборишган, навбахор шамоллари бари жонзотни ҳаракатга келтирган эди. Дала бошига тикланган чайлалар ҳам, уларга олиб чиқилган баҳор кўчларини омову ҳўкизлар, от-аравалар ҳам тошқин остида қолиб кетган.

Исфандиёр султон етиб келганида қутурган денгиз биров ҳовуридан тушган, ўлжасини еб нафсини қондирган йиртқичдай ювoш торта бошлаган эди. Шаҳзода ўз навкарларини дарҳол Сабуктош ихтиёрига берди. Одамларни қўтқариш ва қалъа тепасида омонат капалар қуришга киришиб кетган йигитлар бу шароитда саваш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини ҳис этишарди.

Аммо қутилмаган ҳол юз бердию қасоскорлар кўнглида сўнабошлаган умид қайта нурланди. Бу воқеа йигитларни қувонтирган бўлса, Исфандиёр султонни ўйлантриб қўйди, Сабуктошни таажжубга солди. Манқишлоқ остонасида ҳисобсиз черик пайдо бўлган, уни Алп арслон билан Эрнийез Шариф бошлаб келган эди.

Исфандиёр султон билан Сабуктош тушган кема денгиз қўли етмаган тепаликка — ёмгирдан кейинги замбуругдай бир зумда пайдо бўлган қўшин олдига келиб тўхтаганида, ҳатто шовқинли тўлқинлар ҳам жимиди. Исфандиёр султон майдонни тўлдириб турган суворийлар ва пиёда навкарларга разм солди. Уларнинг юз-кўзларида самимият ва илиқликни кўриб, ўзининг ҳам эзилган кўнгли ёришди. Майдоннинг икки томонида суворийларникидан ташқари эгарланган-юганланган мингдан зиёд от, шундан кам бўлмаган миқдорда туя, қуроляроғ, озик-овқат ортган аравалар турнақатор бўлиб турарди. Катта қўнғирот араваларга кемалар ва соллар ҳам юкланган эдики, чамаси меҳмонлар Манқишлоқ бошига тушган фалокатдан ҳам хабар топиб гапларини еб келганлар.

Учта туяда кажава, олдиндаги кажава сарпардаси қия очиқ, бир жуфт сергак кўз шаҳзодани кузатиб тургандай... Қўшин олдида Алп арслон, унинг ўнг қўлида Эрнийез Шариф; сўл

томонида жигарранг чакмон кийган, ориқ жуссали киши. Исфандиёр султон уни танимади.

Алп арслон билан Эрнийез Шариф отларидан тушиб, шаҳзода олдига келган ҳам эдиларки, навкарларнинг ўктам овозлари қирғоқни тутди: «Исфандиёр султон!» Олдин бир-бирлари билан беомон савашган ганимлар гулдурoс садолар остида қўл олишиб омонлашдилар.

Лекин кўпчилик нозик бир ҳолатни пайқамай қолди. Алп арслон шаҳзодага қучогини очди, у эса қўлининг учини бериб қўя қолди. Исфандиёр султон биров билан ёвлашса, охиригача ёвлашади. Кечирим — унга бегона. Унинг учун оқ-оқ, қора-қора. Бир куни келиб унисининг қорага, бунисининг оққа айлана олишига ишонмайди. Алп арслон ёв ва шаҳзоданинг фикрича, у ҳеч қачон эл бўлмайди. Душман асло дўстга айланмас, букирни фақат гўр тузатар, душманнинг «давоси» қилич, ўлдирибгина қутулиш мумкин ундан...

Яқиндаги савашда Алп арслонга аввалига тушунмади шаҳзода. Бир неча дақиқадан кейин англадики, сардор унинг душманларини — Эшимбек черигини қириб, ўзига имдоғга келяпти. Нечук? Муддаоси нима? Шу йўл билан ўзини оқламоқчими, гуноҳларини ювмоқчими? Энди унинг этагини тутмоқчими? Йуқ, бунинг билан айб ювилмайди. Алп арслоннинг Тошли Ермиш буйидаги изларини фақат унинг ўз қонигина ювиши мумкин. Шу ўй билан сардорнинг «марҳамати»дан воз кечганди.

Энди-чи, энди нега қабул қиляпти уни? Уни эмас, у бошлаб келган черикни қабул қилмоқда. Бу черикнинг раҳнамoс ҳозирча Алп арслон. Сардорнинг қўлини қайтарса, черик тушунмайди. Бу келганлар эса, ҳозир шаҳзодага таянч, шундай имдоқки, усиз нураган тахтни тиклаб, тожни қўлга киритиш мушкул. Алп арслон бўлса, ҳозирча туратурсин... Сардор билан келган мингбоши ва бошқа «йўловчилар» ҳақида ҳам шаҳзода шу фикрда.

Алп арслон Исфандиёр султон сари иккинчи қадамни қўйишни — Манқишлоққа келишни асло истамас эди. Огзи куйган қатиқни пуфлаб ичади. «Торс¹ шаҳзода» билан ошқатиқ бўлолмаслигини билади у. Зикриё бегимни деб заҳарли ошга қўл урмоқда. Мингбоши ҳам, Обид тужжор ҳам (жигарранг чакмонли киши) шу «ўз сўзли бегим»нинг ёнини олишди-да.

Отаси кўндиролмаган ишга Зикриё бегим буларни кўндирди. Бегим билдики, Исфандиёр султон буларнинг кўмагисиз ҳам тахтни эгалайди. Кўмак ўзларининг жонларини сақлаб қолиш учунгина керак. Эшакни мақтаб, от миниб юрган маъқул. Мард бўлиб ўлиб кетгандан номард бўлиб яшаб қолган яхши бу дунёда...

Мингбоши билан тужжорни бошлаб келган нарса «беш кун кўпроқ яшаш» илинжигина эмас. Улар пулнинг, мол-дунё-

¹ Торс — тескари иш тутувчи.

нинг қудрати нималарга қодирлигини кўп кўришган. Султонлар одамларга шоҳ, олтин-кумушга қул. Исфандиёр бундан мустасно эмас.

Эбниёз Шариф Обид тужжорни зиндондан чиқартириб олгач, наша солинган халтани унинг қўлига тутқазди-да, дастурхоннинг бир чеккасига ўз олтинларини ярақлатиб тўқди. Энди буларни ишлатадиган вақт келди, тужжор, деди. Эртасига Обид ўзи кўмиб кетган олтин сандиқнинг калитини чиқазди. Манқишлоққа олиб келинган от-туялар, арава-арава бойликлар уша «чилиим чекилган кун»нинг маҳсули. Навкарларни йиғиш, кийдириб-едириш, қуроллантиришга кетган харажатлар мисли шундай қушки, ҳозир учиб кетгани билан эртага болалаб қайтиб келади. Исфандиёр султон тахтга мингач, хизматларига яраша уларга амал берар, балки, бировини вазир, бировини хазиначи қилар, кесмагунча қонамас, бермаганга бермас...

Эрниёз Шарифнинг ўгли Элгузар суворийлар орасида туриб, Исфандиёр султонни кузатар, унинг совуқ қарашларидан ҳам бир илиқлик, чуқур маъно топмоқчи буларди. Лекин Исфандиёрни энг кўп ва синчковлик билан кузатаётган кўз кажаводаги хонимга тегишли. Туя устидан унга манзара аниқ кўринар, Зикриё бегим шу пайтгача ўзи ўлим тилаган шаҳзодага энди инсоф тилар, ундан шафе истар эди.

Қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам. Омадни қай бирига беради, ёлғиз Яратгanning ўзига аён.

3

Муртазобек хонадонида бир ҳафтадан бери давом этаётган шодиённинг бугун «супра қоқдиси», энг яқин биродарлар «базми охир»га тўпланган. Келди-кетдига хизмат этган, чойчилимда турган йигитлар бугун белбоғларини сал бўшатиб, оёқ чигалларини ёзиптилар. Шундай бўлса-да, беш-ун хизматкорнинг пешонаси ҳали жиққа тер, бог тўридаги меҳмонхона билан қозон-учоқ орасида қумурсқадай бири уён боради, бири буён келади.

Дарвозадан кираверишда, ўнг қўлдаги дангиллама ҳужрада қизни олиб келган хоразмлик меҳмонлар ҳофиз навозишидан сармаст, айвон тўридаги иккинчи қаватда Нигина ўз болалиқдаги дугоналари ва қўшни қизлар гурунғидан днашод, лабларида, кўзларида кулгу, унинг хоразмча лутф-шеваси ва қизларнинг бухороча ширин суханлари назокатли жаранг билан гоҳ-гоҳ айвонга ҳам қанот қоқиб чиқади.

Улар базмининг тўйдан фарқи кам. Қизларнинг қўлларида хино, қош-кўзларида усма-сурмалар, юзлари гулгун, сочлари қирқ ўрим, либослари ҳарир, диллари нашъали. Бунинг боиси — «ўғирланган қиз»нинг топилиши, ўз оёғи билан кириб келган Нигина, ундан таралаётган қувонч жиёлари, дийдор нашъу намоси.

Нигинанинг бошида зардузи дўши, эғнида жигарран кўйлак, нимча, шу рангдаги лозимнинг жияклари хинодай тўқ, рақди ўйинга тайёрланиб турган, соз чалинишини кутаётган ҳаққосадай вужуди қайноқ, сунбулалар ичида якто гул, юлдузлараро тўлин ойдаи очилиб-сочилиб утирибди.

Ота уйига кириб келиши ҳам антиқа кечди унинг. Бир даракчи кириб Муртазобекдан, иккинчиси, Фотима бонудан суюнчи олганидан кейин кунни кеч қилиб, эшик олдида қизни отдан туширишди. Ўн йилдан ортиқ айрилиқ гамида саргайган хонадон қора кийимларини ечиб ташлади.

Нигинанинг ҳикояси икки кунни олди — у сўйлар, отаси хўрсинар, онаси мўлтирарди. Айниқса, Раҳмонберди мутавалли хонадонида кечирган кунларини тилга олганида Фотима бонунинг тутинмаган рўмолчаси кўз ёшларидан ҳўл бўлди. Ўз буваси-бувисининг қанотида бир ойча яшаганини билгач, Нигина ҳам чидолмади, ойисига қўшилиб янглаб юборди. Севинч ёшлари дил доғларини ювди.

Давлатёр ҳақидаги ҳикояни эшитиб, Муртазобек қизига қалқон бўлган, унинг билан Бухорогача келган балоғардон йигитни қошга чорлаб сийлади, бошқалар қатори кийдирган сарупоси устига қўлидаги тилло узугини эсдаликка ҳада этди. Нигина йигитнинг нозик туйғулари бундан янада оловланганини сезар, уни ўчирмаса, икковини-да ёқиб адо қилишини уйлаб, пинҳон-пинҳон ўртанар эди.

Муртазобек яна бир «қарз»ни узди — Нигинани асранди қизи ўрнида кўриб, саройда инжитмай камолга етказган Арабмуҳаммадхон руҳига атаб хотира оши берди. Абулғози султон иштирокида кўпгина аёнлар, бекар, аслзода уламоларга тўшалган поёндоз нурли бир йўл рамзи ҳам эдики, у шоҳд икки элни ҳамқадам қилгай, авлодларни тинч ва бегубор уфқларга олиб боргай. Шоҳд!

Абулғози султоннинг гам-андуҳларини ҳам сал бўлса-да аритмоқ истади қози калон. Шаҳзода ютаётган аламларнинг ниҳояси йўқдай кўринади гоҳида. Не мақсадда амир унинг йўлини беркитиб қўйгани Муртазобекка номаълум. Шаҳзода-нинг илтимосини у бир марта Имомқулихонга етказди ҳам. Шошиласин, деди амир. Вақт эса утяпти. Шаҳзода ўзини еб адо қилаёттир. Бугун чеҳраси бироз очилди...

Абулғози султоннинг чеҳраси очилгани сабабини қози калон қаяқдан билсин. Буни фақат битга юрак — Нигинанинг ошиқ қалбигина англаши мумкинлигини у хаёлига ҳам келтиролмайдди. Ануша-Нигинанинг топилгани ва унинг Бухорога омон-эсон етиб келгани ҳақидаги муждани Абулғози султон Тангрининг ўзига инояти деб қабул қилди. Муртазобекни, Фотима бонунини бориб қутлуглади, хонадоннинг ҳар битга гўшасидан ул нигор нафаси, унинг муаттар бўйи таралиб, юраги ҳап-риқди ва Тангри таолога шукроналар айтди.

Кеча пешин чоғи эса, шаҳзоданинг ҳужрасига Нигинанинг ўзи ташриф буюрди. Дийдорлашувни кечаю кундуз Оллоҳдан тилаётган, лекин Нигинанинг ўзи кириб келишини кутмаган

Абулгози бу саховатдан гангиб, айтар сўзини тамом йўқотди. Нигинанинг бор журъати ҳам бирпасда хуркак қушдай аллақайга учди-кетди.

Улар тикка туришар, ўтиришга таклиф этиш эса, Абулгозининг хаёлига келай демасди.

— Қуёшнинг булуғлар орасидан ярақлаб чиққани рост бўлмай, — деди Абулгози ўзини тутиб олгач.

— Қуёш қайда дер эдик. Онинг ушбу ҳужрага беркиниб олганини билмабмиз, — лабларидаги нозик табассумни яширолмади деди Нигина.

— Ҳужрамиз шу пайтгача зимистон эрди, сен келуб они чарогон айладинг. Алҳамдилуллоҳ, дилим шуълага юз тутибдур. Марҳабо!

Нигина юзидаги ой пардани кўтариб, гулгун қабосини ечди. Абулгози уни кўк духоба кўрпачага утқазди. Ўзи рубарўсига чўкди. Эшик олдида бир нима тақирлади. Абулгози кулганча бориб, Салоҳиддин остонага қўйиб кетган чойнак-пиёлини кўтариб келди. Нигина шошиб чойнакни унинг қўлидан олиб, чой қўйишга тутинди. Унинг иффати ҳуснидай жозиб, ҳусни лутфидай назокатли эди.

Сўз орасида Нигина меъмор йигит билан қочиб кетди, деган маломатни узидан соқит қилиш мақсадида Давлатёр ҳақида гап очди.

— Ул, бир ҳалол, довжорак йигитдур, — деди енгил ифода билан, — кўплар онинг ҳалоллигига шубҳа ила қарагайлар...

Абулгозининг кўнглига ҳам бир пайтлар шубҳа соя солиб ўтган. У Анушани билгани сабабли юрагидан бу шубҳани қувган, аммо қиз жонига қасд қилмадимикан деган ҳадиқдан сўнгсиз изтиробларга тушган эди. Уни қанча излади, ахир!

— Менга ишон, Ануш, кўнглим ҳар қандай гумон-шубҳалардан йироқ. Сени соғ-омон кўрганимдан шодмен. Бир ўкинчим шуки, сени ганимлар тажовузидин ҳимоя этолмадим.

Шаҳзоданинг худди болалиқдаги сингари оддий қилиб Ануш дегани қизга ҳаммасидан ҳам ёқиб тушди. Ҳа, Абулгози учун у Ануш, ўзи қандай яхши кўрса, шаҳзода ҳам уни шундай қаттиқ севади. Бу фикр Нигинанинг кўнглига маҳкам ўрнашди ва юрагида пинҳон сақлаб юрган шубҳаларини тарқатиб юборди.

— Сенинг овозинг эрса қулогимда мудом жаранглаб турди, мисли қўнгироқдек, — дея унга яқинроқ ўтирди Абулгози ва қўлини қўлига олганини билмай қолди, иккинчи қадамни қўйишдан ўзини аранг тўхтатиб сўзини давом эттирди. — Ул кўнгироқ гоҳ фиғонли овоз берур, гоҳида худди дуторнинг майин торлари янглиғ аста-аста эшилур эрди. Оллоҳга шукрим, бул жаранг соҳибаси бугун қаршимдадур. Гапир, Ануш, жарангни ўз тилингни эшитай. Қайларда бўлдинг, не савдолар бошинга тушди, айтгил, ҳаммасин билмоқ истармен.

Нигинанинг ҳикоясини у саволлар билан бўлиб турди. Ҳазорасп қамали, Чавдур қароқчилари, Шамсиддин хожа кароматлари ҳақида қайта-қайта сураб-суриштирди. Отасининг қата

этилиши тўғрисида олдин ўзи эшитган хабарларни аниқлаб олишга ҳаракат этар, лекин Нигина унинг бу саволларига ба-тафсил жавоб беролмас, кўп воқеалардан хабарсиз эканига хиёлат чекарди.

Нигинани бошлаб келган йигитлар сардори Шермерган, айниқса, уни қизиқтириб қолди. Отасидан юз ўтириб Қақралида макон тутганлигини, ҳабашларни кўришга кўзи йўқ эканини ва унинг ҳақида бошқа билган-эшитганларини Нигина гапириб берди. Таажжуб, деди Абулгози, одамзотдай мураккаб жонзот йўқдур, кўнглини англамоқ кўп мушкул.

— Сизни хожамиз интизорлик била кутмоқдалар, — деди Нигина Давлатёрнинг бу ҳақдаги сўзларини эслаб.

— Кошки эрди қанотим бўлса, Хива сари қанот қоқсам, табаррук тупрогин кўзларимга суртсам, жароҳатларига малҳам булолсам...

— Иншоолоҳ, юртингизга борурсиз, муродингиз ҳосил ҳам бўлур, ана шунда балким эсдан-да чиқарурсиз... Бухорони...

Нигина охирги сўзни нозик талаффуз этди. Абулгози бундан тўлқинланиб, қизнинг елкасига қўлини қўйди. Нигинанинг оёқ учларигача жимирлаб кетди.

— Қайда юрсам, ўтирсам-турсам, юрагимда Сен, Сенинг ишқинг, тилимда Сенинг исминг бўлур, азизам, — деди Абулгози уни ўзига яқинроқ тортиб.

Нигина ўз юзида унинг иссиқ нафасини сезиб энтиқди.

— Юрагингизда ишқим, тилингида исмингиз... ўзим-чи, ўзим қайда бўлурмен, шаҳзодам!

Абулгози хоҳлаб кудди. Қизнинг тиззасига тўкилиб турган қоп-қора сочларини силаб деди:

— Ануш, билурмисен, муҳаббат недур? Менинг учун муҳаббат бу Сен, Сенинг кўзинг, сўзинг, нафасинг, бошдин то оёгинг — ўзинг! Мен буни Сен Урганчдин гойиб бўлган кунда англаганмен, англаб... йиғлаганмен...

Абулгозидан бу сўзларни эшитиш... Нигинанинг кўзларида ёш айланди.

— Иншоолоҳ, саодатли кунларга етурмиз, — деди Абулгози ўрнидан аста тураркан. — Менинг юртим осмонидаги қора булуғларни ҳаётбахш шамоллар ҳайдаб-парчалаб ташлашига имоним комилдур. Фарзандлар қайда бўлмасинлар худди ўша шамоллардай муқаддас тупроқ бағрига оқиб борурлар. Бўгилган замин жисмига нафас бўлурлар, жон бўлурлар. Ул кунлар узоқ эрмас, Ануш, узоқ эрмас!

Сўзларини берилиб тинглаб ўтирган қизнинг тўғрисида келиб чўтдай гиламга тизза қўйди.

— Худо амирга инсоф берса, эрта-индин йўлга чиқурмен, — деди унинг кўзларига уйчан боқиб.

Абулгозининг бу сўзи Нигинага худди айрилиқ рамзидай бўлиб туюлди, кетса, гўё уни қайта кўрмайдигандай юракбағри увишди.

— Шунчалар... тез кетармисиз? — деди сочларини тузатаркан.

— Қанча тез бўлса, шунча яхши, Ануш.
— Сизни яна қачон кўрмоқ менга насиб этгай?

— Иншоолоҳ, тез дийдорлашурмиз. Сенсиз маним оромим бўлмас, не оромим, балким ҳаётим ҳаёт бўлмас.

Абулгози султоннинг бу сўзлари қиз қалбини энтиктириб-эритиб юборди. Зум ўтмай Ануша ўзини оловли қучоқда кўрди...

Улар бир-бирларига дил розларини айта-айта қуёш уфққа йўл тугганида хайрлашдилар. Бу кун Абулгози султон йигирма ёшда, Нигина ўн олтига тулган эди.

Нигинанинг ҳозир ўз уйида, қизлар базмидаги хурсандлиги кўпроқ, ана шу муҳаббат туфайлидан, юрак орзусининг юз кўрсатганидан. Қизлар қўшиқ айтар, рақсга тушар, Нигинанинг юраги эса, ҳам куйлар, ҳам ўйнар эди...

Хоразмлик меҳмонлар ҳужрасида эса ҳамма хурсанду, бир йигит — Давлатёр ўйчан, ҳофиз навосида қулогига кирмас, борлиги юқори қавағда — Нигинада, унинг бепарволиги, етти кундан бери лоақал бир марта бормисан-йўқмисан демагани, ситамидан юраги доғ.

Бог тўридаги асосий меҳмонхонада Муртазобекнинг қариндош-уруғлари, дўст-ёрлари хонадон қувончига шерик, шод-хуррам. Лекин узининг дили эрталабдан хира. Ҳозир кўзи кулиб тургани билан ичи тунд.

Марҳум отаси Исҳоқбек тушига кириб, қизингни ўғирлаган ул муттаҳамларни топ, деб унга васият қилди. Қизим топилди, деди унга Муртазобек. Отаси яна сўзини такрорлади: одамхўрларни топ. Овоз аста-секин кучайиб бораверди: топ, топ, топ! Охири гумбурлаган товушга айланди-ю, у чўчиб уйгоhib кетди.

Уйлаб қараса, отасининг руҳи бежиз безовта бўлмаган. Муртазобек элга ош бериш билан овора бўлибди-ю, лекин рўзгорини қаро этган, қизи таърифлаб берган одам ўғрилари ни излаб топиш, жазосини бериш пайига тушмабди. Ўзи қози калон бўлиб-а! Ахир, улар не-не одамларнинг ёстигини қуритмаган, қўйиб берса тагин қуритмайдими? Отаси Исҳоқбекни ажалидан беш кун олдин ўлдирган, Фотима бонунни, ўзини юрак касалига мубтало этганларнинг додини бермаса, бу дунёдан армон билан кетмайдими!

Нигина айтган тоғ — ўғрилар макони, боши туксиз бадбашара жодугар Муртазобекнинг кўз олдидан кетмай қолди.

4

Қасри Орифондан Ҳожиназар енгил тортиб чиқди. Гуё аввал қалби темирга айланган-у, занглагандек эди. Зиёфатдан сўнг на темир қолди, на занг. Ҳазрати Нақшбанднинг балоғардон деганларича бор экан. Юрагини кемириб келаётган дардлар утга тутилган кийимдаги битдек тукилди мақбара пойида.

Муқаддас қабр тошига пешонасини қўйганида Ҳожиназар

Оллоҳ қарами билан Нақшбанд отлиқ барҳаёт Рухдан бир нарсани сўради, илоё, мени ўз отамга тўқнаш қилмагaysен, деб илтижо этди. Уйдан бош олиб чиқиб кетганидан бери унинг хавфи ана шундан — отасига қарши қўл кўтариб қолишдан эди. Отага қўл кўтармоқ эса унинг наздида (ота ким бўлишдан қатъий назар) Оллоҳга қўл кўтармоқ билан баробар. Ҳабаш ва Элбарс ўз отасини мажруҳ этган кунда Ҳожиназар улардан қўл ювган эди.

Тошли Ёрмиш жанги ниҳоясида у Хўжамберди навкар билан Абулгози султонни соҳида қувлагани, иягидан яралаганини ўз фожиаси деб билди. Шаҳзодани қўлга туширолмай Тошли Ёрмишга қайтиб келганида хоннинг кўзини уйиб улгуришган экан. Шу падаркушларни деб у савашга кирдим, Абулгози султонни тутиб шуларга қўлини боғлаб бермоқчи бўлдими?

Уша кундан бери ўз отасидан нарироқ юришга интилади. Илоё, унга қўл кўтариб қўймасин. Бугун балоғардон Нақшбанд падаркушлик тамгасини олишдан уни халос айлади...

Қасри Орифондан чиқиб кенг йўлга бурилиши билан оти йўргалай кетди. Энди у иккинчи масканга — Абулгози султон ҳужрасига бормоғи, ўз бахтини синаб кўрмоғи даркор. Бухорога келишининг асл сабаби ҳам шу.

Бу қарорга келгунча бутун бир қиш ўтди. Қақрали хаёлбоп ўрмон, қанча дарахт бўлса уни шунча мулоҳазага олиб борди. Ҳовуз бўйидаги беш коромон¹ қаршисида туриб, айниқса, уйларга ботди. Беш коромон беш вужуд бўлиб кўринарди унга. Биринчиси (қарироғи) ўз отаси, иккинчиси ва учинчиси (қуртлаганлари) — Ҳабаш билан Элбарс, тўртинчиси (букир шохлиги) — Исфандиёр султон ва охиргиси — сербарглиси (тепасига қумрилар ин қургани) Абулгози султон. Қуртлаган икки коромонни олиб ташлаш даркор. Лекин улар қари коромонга яқин бўлганидан идизлари туташиб кетган, қирқилганда қариси, албатта, лат ёйди, мумкин эмас. Букир шохлиги ўсиб, қуртлаганларини ураб-чирмаб келяпти. Унга қувват берилса ёнидагиларни қуритади. Аммо букир-да, тирсаги қарисининг ҳам бўзига боради, мумкин эмас. Умидлик биттаси қолди — сербарглиси, қумрилиси. Унинг танаси аёл, япроқлари майин, тоза. Унга қувват берилса, ҳаммасидан зўр бўлиб кетади, боз устига қари коромонга захм етказмас, оралари анча очиқ... Демак, уни (Абулгози султонни) қўллаган маъқул.

Аммо сербарг коромоннинг қумриларига Ҳожиназар ҳам кесак отган, шохини яралаган ҳам, Тангри буни кечирадими, қайтар дунё, бир ёмонлиги икки бўлиб, ўзига қайтмайдими? Қайдам. Шуниси ҳам борки, балоғардон Нақшбанд ҳозиргина йўлни очдилар...

Хўжра эшиги олдида Ҳожиназар Салоҳиддинга дуч келди. Унинг кўриниши мулоим, муомиласи юмшоқ эдики, хайрият, деди ичида Ҳожиназар. Чунки уч кун олдин келганида бунинг

¹ Коромов — садақайрағоч туркумига хос чандир дарахт.

тескариси бўлган, Салоҳиддин уни йўлакдан қайтариб юборган эди. Йўқса, Ҳожиназар катта бошини кичик қилиб, тазаруга келганини очиб айтган, шаҳзода ҳузурига киритишни астойдил сўраган. Сўзларига қулоқ солиш ўрнига Салоҳиддин дарҳол Тошли Ермиш жангини эслатиб, эшикни тақатақ ёпди. Шаҳзодага айт, деб қичқирди Ҳожиназар, барибир яна келурмен. Айтганини қилди. Бу гал эса тамом узгача... Салоҳиддин хужрага кириб тез чиқди, тиржайди, тишларини бемаалол санаса бўларди. Салоҳиддиннинг юмшоқлиги тагида нима ётганини Ҳожиназар ичкарига қадам қўйиши биланоқ сезди. Шаҳзода жаҳл отига минган, газаб қиличини ялангочлаган, кўзлари ўқ бўлиб Ҳожиназарнинг юрагини тешиб ўтмоқчидай... Шаҳзоданинг авзойидан ҳам кўра Салоҳиддиннинг муромбирлиги, кулиб туриб ўт ичига итариб юбориши алам қилди Ҳожиназарга. Агар Салоҳиддин чалгитмаганида шаҳзоданинг олдига лақма болага ўхшаб бундай серрайиб турмаган, балким учрашмаган ҳам бўларди. Кўриниб турибдики, Абулгози султон уни ота душмани тарзида қабул қиляпти, бундай ҳолатда мулоқот бўлиши мумкинми? Ҳожиназар, ахир, юрагини очиб ташлагани келган, узидан ҳам кўпроқ мамлакат тақдирини ўйлаб келган.

— Магар отанг саломини келтирган эрсанг, омонати ўзинга буюрсин, — деди Абулгози нафрат ва киноя аралаш. — Магар уз сўзунг бўлса, айт, ҳар неки жирканчлик бордур, ондин юз ўгириб кетмоқ одатим йўқдур.

Сухбат аввалидаёқ иззат-нафси ерга урилган Ҳожиназар ичида уч марта «Астагфуриллоҳ»ни айтиб ўзини босди.

— Яхшидур, ёмондур, ул маним отам, маним падаримдур, — деди овозини равон тутишга уриниб. — Аввало ул менга омонат салом топширмас, магарким топширса, они оёқ остига ташламоққа ҳаққим бўлмас. Мен сизни, муҳтарам шаҳзода, афсуски, кўп умидлар ила излаб келган эрдим.

— Мени ўлдурмоққа кеча ружу этган дилдан бугун яна қандақ янги умид пайдо бўлубадур? — Абулгози сўзига алоҳида ургу берди.

— Яширмаймен, дарёда сизни тирик қўлга олмоқдин ҳам юқорироқ муддаом бўлган эмас.

— Рост сўзинг гуноҳингни юмшатмагай.

— Гуноҳимни юмшаттали келган эрмасмен.

— Нечун келгансен?

Ҳожиназар бундай ёвқурликда сўзни нимадан бошлашни билмай қийналиб қолди. Абулгози султон деди:

— Неки бахти қаролик бўлди, отанг илгидин бўлди. Беақл шаҳзодалар илгига онинг тутқазган шамшири салтанатимизни одил ва мукарам подшоҳдин жудо айлади, инқироз ботқоғига чўктирди, осмонимизни не-не ақл-заковат соҳиблари — ёруг юлдузларидан айирди, элни қатлаи ом этди. Сен ўшал илдоннинг боласи илон, сенинг-да туриш-турмушинг заҳар. Они менга сочмоққа келган эрсанг, соч, сени бунда юборганларнинг тузин оқла.

Ҳар қанча сўз айтса-да, газаби босилмайдигандай у аста Ҳожиназар сари борди. Ёқасидан олиб силтади.

— Жосус! Хоин! Не шумликни бошлаб келдунг, сўйла, сотқин, сўйла!

Абулгози султон юрт аламин ҳам, Бухорода кечган бўғиқ ойлари ҳусурини ҳам ёлғиз Ҳожиназардан олмоқчидай, юрагида тупланиб қолган зардобларини бус-бугун тўкиб солмоқчидай, унинг ёқасини буйнидан айлангириб бошини қайирди. Шу пайтгача бировга ёқасидан олдирмаган Ҳожиназар терисига сигмай шаҳзоданинг тирсақларига ёпишганида қулоқларига вазмин садо келди: Хув-ҳақ! Садо гуё Қасри Орифон тарафдан, балоғардон Нақшбанд боргоҳидан келаётгандай эди. Астагфуруллоҳ деб газабини ютди. У қаршилиқ кўрсатмаганидан бўлса керак, шаҳзода бироз шаштидан тушди. Ҳансираб рақибининг ёқасини бушатади. Эшик тирқишидан мўралаб турган Салоҳиддинга кўзи тушгач, юзини тескари ўгириб олди.

Ҳожиназар елкасига йиғилиб келган камзулини тортиб жойига туширди, ёқасини тузатди.

— Мен илоннинг боласи илон эрсам, Ҳабаш бирла Элбарс кимнинг боласидур ва кимдур? — деди сукутни бузиб. — Жаннатмакон Арабмуҳаммадхон чин инсон эрди, аммо ондин тугилмиш бу икки манфур недин отасига ўхшамас, одам сиёғи недин оларга бегонадур?

Ҳожиназар саволидаги мантиқдан шаҳзода таъсирланди ва тафаккури уйғониб миясидаги жаҳлни сиқиб чиқара бошлади. Рақибининг саволига жавоб қайтариш ўрнига ўзида тугилган саволни унга берди.

— Ҳабашларни билур эрсанг, недин оларнинг ногорасига ўйнарсен?

— Бировлар ногорасига ўйнамоқ оdatидан халосмен, шаҳзода. Аммо ҳеч ким адашмоқ, саҳв қилмоқ касалидин холи эрмасдур. Ўзум адашсам кошки эрди, жабрин ёлғуз ўзум тортар эрдим, балки бир куни келиб, йўлимни-да топиб олардим. Бироқ мен адашганлар аравасига тушиб қолдимки, оларнинг темир чангалларидин чиқмоқ душворлигин ул бебахт аравага тушганларгина билурлар.

— Эмди... кимнинг аравасига ўтмоқни ихтиёр айлагансен?

— Бировларнинг аравасига тушмоқ хаёлидин йироқмен. Мен сизга, муҳтарам шаҳзода, ёрдам қўлин чўзмоққа келган эрдим, надоматлар бўлгайким, тагин адашибмен.

— Бу гал сени адаштирган ким бўлур?

— Ўзум.

— Узунг... узунг адашган эрсанг, йўлингни-да узунг топиб олурсен. Ганим адаштиргандин худо асрасин, сардор.

Абулгози султоннинг «сардор» сўзини тилга олиши худди бирданига чиққан қуёшдек икки ўртадаги музни парчалади. Аммо унинг эриб кетишига ҳали қанча қовун пишиги керак бўлар.

Салоҳиддин дастурхон кўтариб кирди. Абулгози султон унга ҳайратланиб қаради.

— Муртазобек жаноблари келяптилар, — деди Салоҳиддин кулимсиб. Унинг бу кулишини Ҳожиназар аввалгисига ўхшатади. Эшик олдида у тиржайган эди.

Ҳожиназар кетмоқчи бўлиб эшикка йўналганида Абулғози султон уни тўхтатди.

— Кетма. Сен-да меҳмонимизсен, Салоҳиддин таомидин то-тинмай кетар эрсанг, йўлинг бўлмас, адашурсен...

Шаҳзоданинг бу ҳазилими, чиними, Ҳожиназар билолмади. Шундай бўлса-да, қолди. От тепкисини от кўтаради.

5

Коромон шоҳида тинмай чакалаётган ҳақкага жаҳл билан тош отди Фазлиддин. Ҳақка учиб нариги коромонга ўтди. Тагин чакалади. Отасининг сўзлари эсига тушди. «Хушхабар» дейиш керак. Балони даф этади. Айтди. Совуқ хабар даракчи-сининг барибир жағи тингани йўқ. Қаттиқ-қаттиқ чапак чалиб кўрди. Бўлмади. Кесак отди тагин. Барглар шитирлади. Хайрият даф бўлақолди.

Намозшомда ўзи Фазлиддиннинг руҳи мискин бўлади. Устига-устак бу ҳақка... Синиқ кайфият билан у божимоннинг ҳовли-сига йўл олди. Лекин ўшал ҳовлида Гулжамолнинг ҳам (божимо-ннинг қизи) борлиги хаёлидан ўтиши билан кўнгила шишаси тиниқ тортиб кайфиятидаги губор тарқади. Бориб ўзини кўрма-са ҳам унинг бўйи анқиб турган ҳаводан нафас олади.

Гулжамолни у Энамой орқали тасодифан учратиб қолган. Энамойларнинг тўйдан кейин, уларнинг уйда. Пуштиранг ёпинчигли қиз уни ўзига оҳанграбодек тортган. Қизнинг ким-лигини билиб олгач, йўли нуқул божимоннинг уйи олдида тушадиган бўлиб қолди.

Пуштиранг ёпинчигли қизни ўйлаб келаётган Фазлиддин дараклар орасидан чиқиб чап қўлдаги баланд дарвозали имо-ратга кўзи тушгач, тагин оғир хаёлларга берилди. Йиртқич ҳайвонлар сақланадиган бу серпанжара бинога қақраликлар яқинда «ҳибсхона» номини беришган. Энамой эргаштириб келган навкарларни шу бинога қамаб, номини ҳибсхона қўя-қолишди. У ерда сақланиб турган қобон ва буриларни сайисхона ёнидаги тиканли катакка кўчиришди.

Ҳибсхонадаги ўн бандидан ҳозир биттаси қолган. Бошқала-ри гуноҳларини бўйинларига олиб, тавба-тазарру қилишгач, молбоқарликка ўтказилди. Назорат остида, албатта. Ҳибсхона-да қолганнинг эса ҳамон тавбага тили келмаяпти. Таги номера ҳеч қачон мард бўлмас экан-да.

Қош қорайганида Фазлиддин божимоннинг ҳовлиси олдида отдан тушди. Бу галги ташрифига баҳона бор, бўлганда ҳам тош босадиган.

Фазлиддин қарамоғидаги ўн мерганнинг от-улови, ўқ-яроғи шай, бир оёқлари ерда, иккинчиси узангида. Исфандиёр чериги-га бориб қўшилишмоқчи. Бетарафлик жонимизга теғди, ё уёқ-лик бўлайлик, ё буёқлик дейишяпти. Ўн мерганнинг кетиши

Қақрали учун фожа эмас. Лекин Шермерганнинг йўқлигида буларнинг кўтарилиши... у ўлгани кетгани йўқ, эрта-индин қай-тиб келади, мерганларинг қани деса, Фазлиддин нима деб жавоб беради? Балким божимондан жўяли бир фикр чиқар?

Божимон кўпдан шу ўрмоннинг соҳиби. Ўрмондан тотина-диган жон борки, унга бож тўлайди. У — хазинага. Исми Муҳаммадпаноҳ экани ўзининг ҳам эсидан чиққан бўлса ажаб эмас, негаки, ҳамма уни божимон деб атайдди, катталар бу сўзнинг олдига «соҳиб»ни, кичиклар кетига «оға»ни қўшиб мурожаат этади. Соҳиб божимон, божимон оға... Ёши қирқлар-да, уч ўгли, бир қизи бор. Фазлиддин Гулжамолдан бошқаси-нинг исмини билмайди...

Божимон ўта сиёсатчи одам. Олис ва жим-жит ўрмонда ҳам қаерда қандай воқеа бўлаётганини билиб ўтиради. Гоҳ-гоҳ воқеалар оқимини ўзи истаган томонга буриб туради ҳам. Дех-қонча оддий юзини, одми кийинишини кўрган одам уни бож олиш ва тўлашдан бошқа нарсани билмайдиган ўрмончи деб ўйлаши турган гап. Аммо яқиндан биладиганлар уни топқир-лик ва уздабурроликда саройдаги вазир-вузародан ҳам устун қўйишди.

Муҳиддинбек бош вазир пайтида вақти-вақти билан улар-ни кига бориб тургувчи эди. Фазлиддин унда уйин боласи бўл-са-да, гоҳ-гоҳида отасининг пинжида ўтириб қолар, суҳбатлари магзини чақолмаса ҳам овозларининг салобатига қараб жуда муҳим гаплар бўлаётганини англар эди. Отаси қатл этилгани-дан сўнг ҳам божимон хонадондан оёқ узгани йўқ. Фазлиддин бўй тортиб оқ-қорани таний бошлагач, божимоннинг мақсад-муддаоларини ҳам чуқурроқ илғайдиган бўлди.

Арабмуҳаммадхон сиёсатига божимон умуман хайрихоҳ бўлса-да, катта ер ва мулк эгаларига эътиборсизроқ қарашини ҳам қилолмас экан. Давлатни ушлаб турадиган сиёсатчилар ва мафкурачилар эмас, балки йирик мулкдорлар деб билади бо-жимон. Кимда мол-давлат бўлса, уша зўр, давлатни ҳам ушалар бошқариши шарт. Фазлиддин ўз отасининг бундай фикрда бўлмаганини билади. Икки қарама-қарши фикрдаги одамни нима бирлаштирган? Бирлашувга ўхшаб кўринган нарса балким келишувчанлик бўлгандир, балким, бир-бирига таъсир ўтка-зиш ниятида улар учрашиб тургандирлар?

Хоннинг мажруҳ этилиши ва ўлдирилишини божимон фо-жа деб қабул қилди, Ҳабаш билан Элбарс ҳукмронлигини сув устидаги кўприкка ўхшатди. Лекин бу ўзи оқиб кетадиган кўприклардан эмас дейди, уни олиб ташлаб сувни тиниқтириш даркор. Шермерганни ҳам шу ниятда қанотига олган, мерган-ларга ҳомийлигининг сабаби шу.

Фазлиддиннинг ўзи Арабмуҳаммадхонга сиёсати учун эмас, балки отасини ўлдиргани учун қарши чиқди. Уни ҳабашларга эш этган нарса ҳам интиқом, уша пайтда унинг учун энг муҳими хонни ағдариш эди. Лекин хоннинг кўзини унга ўйдиртирганла-рида қон бўлиб оққан қорачуларга боқиб ўзини айиққа айлан-тириб қўйганларини кўрди-ю, миясини совуқ шамол ялаб ўтди...

Сўнг у узлат истади. Ҳожиназар бу ерга олиб келгач, Шам-сиддин хожа илгидан шифо топганидан сўнг яна адолат манзилига етмоққа бел болади, ҳаёт яна оқар дарёга ўхшаб уни-да гирдобларга рўбару этмоқда.

Божимоннинг меҳмонхонасида ҳар битта ашёга қиз бола-нинг қули текканлиги сезилади. Чойнак-пиёлалар ярақлаган. Хонтахта атрофидаги кўрпача-ёстиқлар «семиз» ва озода. Гули гулига тўғрилаб тушалган тўртта гилам худди ҳозир тўқилгандай оҳорли. Токчадаги гулларга сув қўйилган, ҳаммаёқ чинни-дай тоза. Бироқ шу тобда Гулжамолнинг ўзи ҳовлида йўқдай туюлди Фазлиддинга. Ҳар гал қайси бурчақда бўлмасин нафаси уфуриб тургунчи эди. Бу сафар гўё ашёлардагина ҳиди қолгану эзи алақайга кетгандай. Сўраб бўлмаса.

Исфандиёр султонга бориб қўшилмоқчи бўлган мерганлар ҳақидаги гапни божимон совуққонлик билан эшитди.

— Саваш бошланганидан хабаринг бормидур? — синовчан-лик билан савол берди у ва Фазлиддиннинг юзидаги ҳайрат ифодасини кўриб вазиятни батафсил тушунтирди.

Исфандиёр султон Манқишлоқдан қайтиб Урганча ҳужум қилган. Ҳабаш билан Элбарс ҳужумни қайтаришган. Аммо Исфандиёр бу гал орқасига қайтиб кетган эмас. Ур қазиб, черигини тўп-тўп қилиб жойлаштирган. Саваш узоқ давом этадиганга ўхшайди. Охир-оқибат Исфандиёрнинг энгиб чиқишига шубҳа йўқ. Қақралидаги баъзи мерганлар буни сезиб, ҳаракатга тушиб қолишган. Уларни ҳам тушуниш керак...

Божимон бир вақтлар Муҳиддинбек билан қандай суҳбатлашган бўлса, ҳозир унинг ўғлига ўзини шундай яқин тутиб эшитган-билганларини бемалол гапириб бераётган эди, Фазлиддин буцдан ҳам хурсанд бўлди, ҳам ўкинди. Хурсандлиги ота дўстининг садоқатидан бўлса, ўкинчи шундай огир дамларда падали бузрукворининг йўқлигидан...

— Мерганларинг ҳақида узинг не дейурсен? — Фазлиддиннинг хаёлини бўлиб сўради божимон. Унинг кўзлари суҳбатдошига қаттиқ тикилган эди.

— Менга қолса бировни-да юбормасмен, — деди Фазлиддин ҳам унинг кўзига тик қараб. — Кел дейилмаган жойга бормоқдин хосият чиқмайду. Боз устига Исфандиёр ҳеч қачон бизга эш бўлмайду.

— Нечун эш бўлмас?

— Шунданки, биз... Шермерган ва мен онга қилич кўтарганмиз. Мен... отасининг кўзларин ўйганмен, ахир.

Божимоннинг ўзи ҳам шундай фикрда бўлганидан Фазлиддиннинг сўзларига қарши ҳеч нима демади. Бироздан кейин унга яна савол берди.

— Исфандиёр тахтга чиққач, Қақралини омон қўярми?

— Қўрқув ва ҳадиқ бирла Исфандиёрга берилган имдод бизни фалокатдан қутқара олмас, — тез жавоб қайтарди Фазлиддин. — Имдод берулсун-берулмасун, Исфандиёр муқаррар ўч олур.

— Онда нетмоқ керак?

Синаб берилган бу саволга Фазлиддин жавоб қайтаргиси келмади. Божимон унинг огринганини сезиб, деди:

— Исфандиёр Қақралининг бир тўронгисин-да синдира билмас. Урмон деганнинг жони қаттиқ бўлур.

Божимон Фазлиддиннинг елкасига қўлини қўйиб кулди.

— Ул мерганларинг ила ўзум сўзлашурмен, — деди жиддий тортиб. — Олар ҳеч қаён кетмаслар.

Божимон яхши сўзлар айтиб жўнатгани билан Фазлиддиннинг юрагидаги гашик негадир тарқаб кетавермади. Кўксини босиб турган огир тош сира кўчай демасди.

У келган йўлидан орқасига қайтиб ҳибсхона ёнидан ўтаётганида қоровулхонада чироқ кўринмаганидан кўксигадаги тош янада огирлашди.

Отдан тушиб фонусни ёқди-да, қандайдир ички хавотир билан дарвоза сари юрди. Унинг эшиги ланг очик ётганини кўриб қоровулхонага югурди. Қоровулхонанинг ҳам эшиги очик, унга кираверишдаги йўлакда соқчи йигит юзтубан ётарди. Фазлиддин унинг бошини кўтариб фонусни юзига яқин олиб борди. Унда жон асари йўқ, огзидан оққан қон бўсагани шилта қилган Бу Қобилнинг иши эканига гўмон қолмади. Лекин унинг битта ўзи... Йўқ, унга кимларду ёрдам берган. Шермерганнинг йўқлигида...

Бандини ҳибсхонадан ахтаришнинг бефойда эканини билса-да, Фазлиддин қули синдирилган дарвозадан ичкари кирди. Оёғи бир нимага урилди, энгашиб тошчироқнинг тўнкарилиб ётганини кўрди. Пичогини қўлига олиб фонус ёруғида ҳибсхонани айланиб чиқди. Ҳеч ким йўқ. Нима қилиш керак?

Фазлиддин ташқарига чопқилаб чиқди ва қаёққа юришини билмай иккиланиб дарвоза олдида тўхтади. Орқасига, қоровулхонага қайтди. Уликни кўтариб танчага ётқизди, қозикдаги тўнини олиб юзини ёпиб қўйди. Яна дарвоза олдида чиқди. Қақрали кенг, сўқмоқ-йўллари беҳисоб, чор-атроф зим-зиё, чигирткаларнинг узлуксиз чириллашидан бўлак тиқ этган товуш йўқ.

Фазлиддиннинг ёдига Хужамбердиннинг гапи келди. Энамоини ўлдирмай қўймайман деган эмиш Қобил. Шу кунларда Хужамбердиннинг ўзи йўқ, Шермерган билан Бухорода, Энамоё ёлғиз, нахотки Қобил... Фазлиддин учиб отига миңди. Аввалига катта тўронгиликдаги «ин» соқчиларига хабар бермоқчи бўлди, лекин вақтдан ютқазинини ўйлаб фикрдан қайтди, Энамоини қутқариб қолиш керак, кечикиш ўлим дегани.

Олд томонида қатор терак ниҳоллари бўй кўрсата бошлаган иморатга (Хужамберди уйига) яқин келиб отидан тушган Фазлиддин дарча олдидаги шарпани пайқаб қолди. Паналаб яқин борди. Дарчадан синиқ шуъла чиқиб турар, деворга узун нарвон суялган, унинг иккинчи тишига кўтарилганча пакана бир кимса бўйинини чўзиб-чўзиб дарчадан ичкарига мўраларди. Унинг Қобил эмаслиги аниқ, унбоши дароз, дарчага нарвонсиз ҳам бемалол бўйи етадиган. Демак, бу Қобилнинг ҳамтовоғи,

унга эшик очишганлардан бири, Қобил ҳойнаҳой ичкарига кирди улгурган.

Фазлиддин нафасини ютганча нарвонга яқинлашиб бора-верди. Нарвондаги томошабин эса нуқул ичкарига муралаш билан овора, орқасига ўгирилиб қарашга ҳам «вақти йўқ» кўринарди. Оралари икки қадамча қолганида Фазлиддин пичогини тишига олиб қўлларини керди ва шиддат билан нарвонга отилиб галварсни уриб туширди. Устига миниб олгач таниди, тавба қилгани сабаб молбоқарликка ўтказилган навкар, зарб билан унинг кўксига пичоқ урди, у товуш чиқаришга ҳам улгурмай қолди.

Фазлиддин дарчадан ичкари қараб газабдан гезарди... ҳовлига тезроқ кириб олиш мақсадида чап қўлга, дарвозага югурди. Унинг олдида қорайиб ётган нарсани тўнка деб ўйлаб устидан ҳатлаб ўтмоқчи бўлди. Унинг ҳали совумаган ит улиги эканини, дарвозанинг берклигини билгач, воқеа равшанлашгандай бўлди. Қобил шеригини пастда қолдириб ўзи нарвондан кўтарилган.

Нарвон ёнида ўлиб ётган навкар билан тагин «шугуллашишга» тўғри келди. Фазлиддин унинг чўғирмаси, чакмон ва чоригини ечиб ўз кийимини алмаштириб қараса навкардан фарқи йўқ.

Узун сопли пичогини чориқ кўнжиги текиб нарвондан томга кўтарилди. Томнинг ўртасидаги туйнукка яқинлашганида илонга ўхшаб буралаб ётган арқонни босиб олди. Ҳали унинг асқотишини ўйлаб учини сиртмоқлади, чакмон ичидан қўлатишга қистириб олди-да, туйнукка қўйилган нарвондан пастга — айвонга тушди. Митги шам ҳужра эшиги олдида боши ёнига осилиб ётган йигитчанинг юзини гира-шира ёритиб турарди. Фазлиддин қонига беланиб ётган йигитчани таниди. Ҳўжамбердининг иниси, келинбинингга қараб тургин деб яқинда уни Оловидан олиб келишганини эшитган эди. Ёрма эшиги ланг очилиб қолган ҳужрадан эркакнинг дўқ ва аёлнинг йиғи овози келди. Фазлиддин ўзини нимқоронги ҳужрага урди.

Ташқарида навкар «томоша» этган, ўзининг кўзи тушган воқеанинг устидан чиқди. Энамоё бурчакка тиқилган, иккала қўли юқоридаги қозикқа тортиб боғланган, юзлари тилинган, сочлари кесилган. Қобил унинг бўғзига ханжар тираб, сўкиниб ниманидир талаб қилмоқда.

«Ўз навкари»ни кўриб Қобил унга юзланганида бўйнига арқон келиб тушди. Жумақул, деди қўзлари олайиб. Фазлиддин уни йиқитиб қўлларини орқасига қайириб боғлади. Қозикқа тортиб боғланган ипни кесиб юборди, Энамоё шилқ этиб йиқилди. Ҳушсиз аёлни авайлаб чеккага олаётганида оёғига тушган бехос тепкидан муккасига йиқилди. Судралиб-судралиб бурчакка келиб қолган Қобил унинг оёғини болдирлари орасига олиб сиқабошлади.

— Эсингни едингми, Жумақул, — деди хириллаб, — қўлларимни бушат.

Қобил тентираб ўрндан турди, сўзларини бежавоб қол-

дирган «навкар»нинг қорнига тепди. Жон аччигида Фазлиддин унинг жағига қулочкашлаб урган эди, чиранган унбошининг оёғи осмондан келди.

— Бул манжалақ фирибгарни ҳимоят этурмисен? — деди синган тишини қон аралаш тупуриб ташларкан, — мени, сени адаштирганди-я, жовга тутиб берганди-я? Ё тилласин ёлғуз ўзунг олмоқ бўлдингми?

Фазлиддин овозини ўзгартириб, «не тиллани айтурсен», деди.

— Анавиндан сўра, тилласи қайдадур, менга айтмай турур, — деди нафаси томоғига текилиб.

— Тилла берса омон қўярмисен?

— Йўқ. Тилласин олуб, ўзун ўлтуруб кетурмиз. Ушал гап гап. Анавинисин-да ўлтурурмиз, — деди ичкари ҳужрага ишора қилиб.

— Ул ким?

— Ўзундай қанжиқ. Божимонди қизи.

Фазлиддин кўнжидан пичогини чиқарди. Чўғирмаси ва чакмонини ечиб ташлади. Қобилнинг кўзлари қинидан чиқаёзди. Фазлиддинмисан, деди киприкларини пирпиратиб. Умрининг сўнггида айтган сўзи шу бўлди.

6

Йигирма кундирки, Урганч остонасида жанг тўзони кўз очирмайди. Чанг-чангга қоришади, қон-қонга. Урталигда қазилган икки ўр — ҳууд, сахро, кун чиқар томонда Исфандиёр султон ўрдаси, дарё ўзани бўйи, орқа тарафда Ҳабаш ва Элбарс қўшини макон тутган. Худонинг берган куни тонг отгандан кун ботгунча икки ўртасидаги оралиқ майдонда бир-бирларининг бошларини қирқиб, сара йигитларини қурбон бериб ҳар қайсиси ўз ўрдасига қайтади. Бир унисининг қўли балан қелади, бир бунисининг, голиб ҳам йўқ, мағлуб ҳам.

Кунчиқардагилар кўпроқ сахрога орқа берадилар. Утинчўп ҳам, озуқ (ов гўшти, турли кўкатлар) ҳам сахродан. Шу кенг маъво орқали Абулхон, Дурун ва Манқишлоқ билан алоқа ўрнатилган. Ярадорлар жўнатилиб, янги кучлар, от-улов, қуроляр-ярог келиб туради. Ҳар ўн навкарга битта ўтов қурилгани ҳисобга олинса ўр билан сахро орасидаги бу саҳннинг шаҳар ёки улкан мавзеъдан фарқи йўқлиги маълум бўлиб қолади.

Орқа томондагиларнинг эса таянчи — Урганч, ҳаёт қайнаб турган қалъа. Ҳисобсиз ўтов ва истехкомлар қурилган ўра билан шаҳар дарвозаси гўё бирлашиб кетган, қалъадагилар катта қўшиннинг қўл-оёғи, дастёри, белини маҳкам қилиб турган ҳалқаси.

Кунчиқар навкарлари ҳўроз бир қичқирганида «Ё, Оллоҳ» деб ўринларидан турдилар, икки қичқирганида «Бисмиллоҳ» деб қуролярини сддилар, уч қичқирганида «Оллоҳу акбар» деб сафга тизилдилар. Тангриберди сардор биринчи қаторнинг

марказида, ўнг авонгор¹да Карвак баҳодур, сул авонгорда Алп арслон, иккинчи қаторда эса Исфандиёр султон (уртада), баронгор²да Абултурк, жавангор³да Сабуктош ўз йигитларига бош, тонг ёришини кутяптилар. Иккинчи қаторнинг олдига учтадан чоповул ва шиқовул қўйилган, уларнинг ҳар учтаси — бир авонгор.

Биринчи қаторнинг вазифаси — ёв шаштини синдириш, иккинчи қатордагилар эса «дами қайтган» рақибни ўраб олиб янчиб ташлаши даркор. Энг орқада турган тарх⁴ заруратга қараб жангга кирилади. Тархнинг сардори Элтузар. Булардан ташқари пинҳон фавж⁵ ҳам йўқ эмас.

Қаторларни сафлашнинг бу кўҳна усулини Исфандиёр султон бугун биринчи марта қўллаётган. Уни шаҳзода ўзича «бўрма илон усули» деб атайди. Ёвни бўтиб, толиқтириб тиз чўктириш. Аввал майиб этиб сўнг жонини сугуриш. Ёв кўшини сеникидан кўп бўлганида бу усул, айниқса, қўл келади.

Кўшин ўр тепасига келганида уфқ ёришди. Кутилганидек ёв ҳам айна шу пайтда майдонга етиб келди. Биринчи бўлиб жангга кирган Тангриберди фавжи Элбарс черигига ташланди. Отлар кишнади, қиличлардан сачраган учқунлар, уфқнинг қизгиш ранги, танлардан оқабошлаган қонлар бир-бирига қоришиб кетди. Ўнг авонгор Ҳабашнинг, чап авонгор Эшимбей черигини орқага силтаб бораверди.

Иккинчи қатор ҳам жангга қираётганида Исфандиёр султон уларни тўхтатиб қолди. Ёв енгиллик билан чекинаётгандек бўлиб туюлди унга. Бир шумликни бошлаган бўлишлари керак деб савашни кузатди. Тангриберди ҳамон ўртани ёриб, ёвни икки томонга улоқтириб борар, Карвак баҳодур билан Алп арслон ўнг ва сул қанотдан исканжага олиб олга суринарди.

Дастлабки муваффақиятдан маст бўлган сипоҳлар қийқиришиб, тагинда шиддатлироқ ҳужумга ўтдилар. Тангриберди урган қилич Элбарс отининг бўйинини кесиб ўтди. Элбарс эпчиллик билан бошқа отга миниб олди. Унглини олишига йўл қўймаслик учун Тангриберди унинг устига тик бостириб борди. Элбарс тисарилгач, бошқа фавжлари орқага чекина бошладди.

Ора кўп очилиб қолмаслиги ва авонгорни ёлғизлатиб қўймаслик мақсадида Исфандиёр султон ўз қаторини юргизди. Орада икки юз қадамча масофа қолдириб, силжиб-силжиб боравердилар.

Оралиқ майдонга икки ёндан худди чигиртка галаларидек фавқулодда ганим суворийлари бостириб кириб келди. Икки кўшин орасида жонли девор пайдо бўлдики, Исфандиёр султон бунинг ҳийла эканлигини дарҳол англади. Олд ва орқа

қаторларни бир-биридан ажратиб, яхлит вужудни иккига бўлиб ташламоқчи. Тўпдан узилиб кетган биринчи қатор авонгорни ўраб олиб янчишмоқчи.

Жонли деворни ёриб утишни Исфандиёр султон ўнг қанотга — Абултурк черигига топширди. Сул қанот — Сабуктош суворийларни эса «деворни чап томондан айланиб ўтиб, олд қаторга бориб қўшилишга амр этди. Ўзи навкарларини ва тарх черикни ўнг қўлдан олга бошлади.

Аммо Абултурк чериги пешонасини «девор»га урганча бир жойда депсиниб туравергач, шаҳзода тархни — Элтузар суворийларини ёрдамга ташлади. Майдоннинг бу қисмида жанг узоқ давом этишини ўйлаб, хос навкарларини олислаб кетиб қуршовга тушган авонгор сари бошлади.

«Чекинган» ганим навкарлари дарё ўзанига яқинлашиб бормоқда эди. Алп арслон билан Карвак баҳодур авонгорлари ҳамон суронга маҳдиё, галабага кўзи етган полвонлардек саркаш, қилич ўйнатиб «қочоқлар»ни қувиб боришарди. Фақат Тангриберди тузоққа тушаётганларини сезиб орқага қараб қўяр, ёрдамга кўз тикар, аммо тикка кўтарилиган чанг-тузондан ўзга ҳеч вақо кўринмас эди.

Алп арслон қора отдаги сардорни узоқдан таниди. Эшимбей. Совут ва дубулгаси, қилич ва қалқони, белидаги садагию елкасидаги милтигигача ўша-ўша — саваш бошлаган кундан бери Алп арслон уни шу алфозда кўради. Ҳар гал қарганинг қанотини қайирмоқчи бўлади, лекин атрофидаги соқчилари кўпайгидан бирини тиндирдим деганда ўрнида иккитаси пайдо бўлаверади. Бироқ не бўлганда ҳам Алп арслон уни тирик-лайин қўлга туширмоқчи, терисига сомон тикиб томошасини кўрмоқчи.

Авонгорлар ўзанга етиб боришгач, икки тараф пиёдалари ва суворийлари бир-бирига қоришиб кетди. Кишнаб турган отлар пишқириб йиқилди, ҳавога кўтарилган қиличлар ногоҳоний зарблардан таёқдек отилиб кетди, бошлар туёқлар остига тушди, Ўзанинг лойқа суви қонга дўнди.

Алп арслон ўнг қўлдаги суворий — Қутлимуроднинг қиличидан чақнаган учқунларни кўрганида ўз қалбидаги аланга тагинда гупилаб кетганини сезди, навкарнинг жўшқинлиги ўзига ҳам ўтгандек эди. Қилич суворий қўлида шундай енгил ўйнардикки, гўё у ҳавасга ишлатилаётгандек, дам ҳавога кўтарилиб, отличнинг бошини узиб туширади, дам ўтмай пастга, пиёда елкасига, дам ўнг ё чапдаги рақиб куксига санчиллади.

Қутлимурод қиличбозлар сафини ёриб илгарилаб бораётганида тумшуги оқ отли рақиб билан туқнаш келди-ю, унга урмақчи бўлган қиличи ҳавода муаллақ қолди. Буни кўрган учинчи суворий Қутлимуроднинг нақ миясини мўлжаллаб қилич ураётганида оқ тумшукли отдаги сипоҳ унинг қўлини чопиб ташлади, бу билан қаноат этмай бошини уриб туширди ва ўзини саф ичига олиб, кўздан гойиб бўлди. Қутлимурод унга етиб олай деганида сипоҳларнинг қаршилигига дуч келди.

Кўз учида буни таажжуб билан кузатиб турган Алп арслон

¹ Авонгор — авангард.

² Баронгор — ўнг қанот.

³ Жавангор — сул қанот.

⁴ Тарх — захира

⁵ Фавж — қисм.

галати қилиқ кўрсатган навкарни сипоҳлар ҳужумидан ҳимоя этиш мақсадида отини у томон сурди. Аммо Қутлимуроод алақачон ганимларни ер тишлатиб, ўз шериклари қаторига утиб олган эди.

Тангриберди майдон марказида Карвак баҳодурни қолдириб, черигини аста-аста ўнг қанотга олиб ўта бошлади. Шунда ён томондан уларни Ҳабаш навкарлари ўраб келаётганини кўриб, суворийларини унга қарши йўналтирди. Бироқ ганим лашкари олдингисидан икки барабар кўпайиб қолган, чор атрофдан ҳалқа бўлиб ўраб-қистаб келмоқда эди. Қуршовга тушганини билган навкарларни шижоат тарк этди, отлари бири-бирига уриниб-суриниб орқага чекинмоқчи бўлишар, лекин қай томон суринмасинлар, қилич ва найзалар қиронига учраб, яна ҳалқа ичига қайтардилар.

Орқада қуюқ чанг кўтарилиб, Сабуктош суворийларининг таниш қийқириқлари эшитилганида умидсизликка тушган навкарларнинг кўзларига нур инди. Бир дақиқа олдин яъжуж-маъжуж бўлиб кўринган ганимлар оддийгина навкарларга айланди-ю, омад қушлари авонгорлар бошига қўнди. Сабуктош қиличбозлари зарб билан Ҳабаш черигини четга суриб чиқарди-да, бир бошдан қириб, отларига тепкилатиб ўтаберди.

Бунга жавобан Назарҳожии ўз ихтиёридаги икки минг кишилик черикни жангга киритди. Энди тарози палласи улар томон ога бошлади. Сабуктош аксарият суворийларини қурбон бериб орқага чекина бошлаганида Абултурк авонгорлари етиб келди. Уларнинг кетидан Исфандиёр султоннинг хос навкарлари на Элтузар тархи оқиб келмоқда эди.

Жангга аввал жазабийлар кирди. Ялангбош ва қалқонсиз, бир қўлида қилич, иккинчисида найза ушлаган, ўлимни назар-писанд қилмайдиган жазабийлар ҳамласидан қонга бўялган майдон ларзага келди. Худди ўрмонда ўзаро бўғишаётган бурилар устига филлар бостириб келгани янглиг ганимлар уларнинг зарбасига дош беролмай орқа-олдига қарамай қоча бошладилар.

Бундан завқланган Исфандиёр султон битта хатога йўл қўйди. Муддатидан олдин ўз черигини ва Элтузар тархини майдонга олиб кирди. У ҳали Элбарс чериги пайт пойлаб турганини назардан қочирган эди.

Элбарс ўзанининг орқа яланг пастлигида катта қўшин билан Исфандиёр черигининг ҳолдан тойишини пойлаб турарди. У бир ош пишар муддатни ўтказиб, майдонга сурон солиб кириб келди. Тагин ўзгарди кучлар мувозанати. Жазабийлар, дурунликлар шундай ногоҳоний кучли яшинга дуч келдиларки, бирпасда минг-минг отлар, навкарлар қора кўмирга айланиб қолди.

Жанг маркази пароканда этилгач, Исфандиёр султон, Алп арслон йигитлари ўнгга, Элтузар ва Сабуктош чериклари сўлга ажралиб чиқди. Гуё алоҳида-алоҳида иккита жанг майдони пайдо бўлган эдики, ўнг қўлдагисига Ҳабаш ва Элбарс; сўлда-

гисига Назарҳожии ва Эшимбей чериги икки аждарҳодай огзидан заҳар пуркаб ташланди.

Ўнгда ҳам, сўлда ҳам Исфандиёр султон навкарлари тутдай тўкилаётганини кўриб, Элбарс ва Ҳабаш султонлар йигирма кундан бери давом этаётган қиргин бугун ниҳоясига етишига, Исфандиёрни узил-кесил янчиб ташлашга заррача шубҳа қилмас эдилар. Аммо Исфандиёр султон аввали қатъиятгини йўқотади деб ўйлаганлари хато бўлиб чиқди. Аксинча, у дам сайин гайратга миниб, ишонч билан қилич сермамоқда эди.

Бунинг боиси борлигини улар билмасдилар. Исфандиёр султон Муҳаммад Ҳусайнбекни синалган черик билан пистирмада қолдириб, мабодо хабар келмагундек бўлса, намозшом пайти ўзанга етиб кел, деб топширган эди унга. Кун пешиндан оғиб намозшомга юз тутгани, Муҳаммад Ҳусайнбекнинг етиб келиш вақти бўлиб қолгани учун ҳам Исфандиёр султон хотиржам эди.

Абдулхонликларнинг кутилмаганда бостириб келиши булутсиз осмонда чаққан чақмоқдек элбарсларни ҳайратга, навкарларни даҳшатга солди. Кучлар мувозанати барабарлашиб қолган, ҳабашларнинг галаба ҳақидаги орзулари пучга чиққан эди. Қоронгу тушгунча жанг қилиб, майдонда саноқсиз қурбонлар қолдирган ҳар иккала томон ҳам навбатдаги саваш ҳаёлида ўз ўрдасига қайтди. Тунга бориб осмонни булут қоплади. Қоп-қора эди булутнинг ранги. Шамолнинг нафаси ҳам булутдай оғир. Ўрданинг у ер-бу ерида машғалалар атрофида жам бўлган навкарларнинг кайфиятлари ҳам шунга монанд. Ким жигарини йўқотган, ким яқин дустини. Ким қўлидан ажраган, ким оёғидан. Бировининг боши тангилган, бировининг қўли бўйнига осилган.

Ўчоққа яқин чўккалаб, лаҳча чўққа жимгина термулиб ўтирган йигит ёнига яқин келганида тўхтади Алп арслон. Қутлимуроод ё унинг келганини пайқамади ёки билса-да, парво қилмади. Чўг гуё сеҳрлаб қўйгандек эди.

Бугун жангда ганим сипоҳини аяган бу ажабтовур йигит билан гаплашгиси келди Алп арслоннинг. Ёнига бориб чўккалади. Галати қаради сардорга йигит. Кўзлари жиққа ёш эди унинг.

— Йигларсен? — деди Алп арслон унга раҳмдиллик билан боқиб, — нечун?

Йигит унсиз кўзларини чўққа тикди яна. Сардор ўзи сўз қотди. Саҳар от минган ганим сипоҳидан гап очди.

— Ул менинг акам бўлур, — деди йигит кўзига сигмаган ёшларини энги билан артиб. — Туққан акам. Жонимдан ортиқроқ суйган жигарим.

Гап нимадалигини англай бошлаган Алп арслон воқеа тафсилотини сўради.

Икки огиз сўз билан тушунтириб берди у.

— Урушнинг оти уруш, — деди сардор йигитнинг кунглини кўтариб, — отани ўгулдин, акани укадин жудо қилур, урушдан одамларнинг бошларига сўнгсиз кулфатлар ёғилур.

Кутлимурод унинг сўзларини на маъқуллади, на рад этди. Чўққа боқиб ўтираверди. Алп арслон яна унга таскин бериш мақсадида:

— Қайгурма, аканга етказурмиз, хоҳласа, биз томонга ўтсун, — деди ҳамдардлик билан.

— Аввал-да ўтмоқчи эди, энди истар эса-да ўтабилмас, — деди йигит сардорга маъюс боқиб.

— Нечун?

Қутлимурод Абулхон йўлидан воқеа, Назархожи ҳийласи ҳақида гапириб деди:

— Гишт қолипдан кўчган. Акам энди ул томондур. — Сўнгра акасини ҳимоя қилмоқчидай қўшиб қўйди: — Одам шамол эмаски, гоҳ ул томон, гоҳ бул томон эсса.

Навкарнинг бу гапидан кейин Алп арслон ўйланиб қолди. Шамолга ўхшаб кўринди ўзи-ўзига. Аввал ул томон эди, энди бул томонга еляпти. Ўз хоҳиши биланми? Йўқ. Алданди. Турга тушди. Лекин манави йигитнинг акаси ҳам алданган-ку. Шамолдек беқарор эмас. Собит. Тақдирга тан берган. Тақдирга тан бериб яшаш керакми? Ундан кўра хатони тузатган, ўзинг истаган томонга юрмоқ учун курашган афзал эмасми? Бу йигит фикрининг жони ҳам, иллоти ҳам бор. Вақт топиб у билан гаплашар. Ҳозир Исфандиёр султон ўтовига, амир ва сардорлар кенгашига бормоғи даркор.

Ўтовга Алп арслон ҳаммадан олдин етиб борди. Исфандиёр султон Чавдурга чопар жўнатаётган экан. Демак шаҳзода Чавдурнинг келишига рози бўлибди, деган хаёл ўтди кўнглидан. Бу масала аввал муҳокама қилинган, сардорлар Карвак баҳодур ўрнига Чавдурнинг ўзи келиб савашга кирсин, деб тақлиф қилишган, аммо шаҳзода кўнмаган эди.

Чавдурнинг сиёсати Исфандиёр султонга яхши маълум. Унинг хайрихоҳлигига шубҳа йўқ. Кўп бўлмаган навкар билан бўлса-да, Карвак баҳодурни унинг ихтиёрига бериб қўйибди. Лекин ўзи пайт пойлаяпти. Энг охирги, ҳаёт-мамонт жангини, Исфандиёр султоннинг шахсий сўровини кутяпти. Узилаётган томирни мен уладим демоқчи саваш сўнггида. Тахт эгаллангач, Исфандиёр султоннинг ўнг қўлида ўтирмақчи. Шаҳзода буни билади, билгани учун ҳам орада масофа сақланаётган эди. Барибир Чавдурсиз бўлмас экан, мана, унга чопар юборяпти.

Алп арслондан кейин ўтовга Сабуктош кириб келди.

— Бир ҳийла ўйлаб топ, — деди унга шаҳзода ҳазил аראлаш. — Шундоқ бўлсунким, ганим аросатда қолсун.

— Ҳийла йўқ эрмас, — деди Сабуктош мугомбирона кулиб.

Сардорлар йигилиб кенгаш туздилар.

7

Савашдан кейинги уч кун Ҳабашга гуё уч йил бўлиб кўрилади. кун ботмайдигандай, тонг отмайдигандай. Атроф жимжит. Ҳатто қушлар ҳам учмай қўйди. Исфандиёр абжаги чи-

қиб чекинганидан бери дами ичига тушиб кетган. Ҳабаш икки-уч марта устига бостириб бормоқчи бўлди ҳам. Аммо Элбарс билан Назархожи қўймади.

Исковичлар кеча янги гап топиб келишди. Исфандиёр яна бир ҳафта-ун кун майдонга чиқмас эмиш. Демак, нафас ростлаб куч тўпламоқчи. Нега энди шароит яратиб бериш керак унга? Эсини йиғмасдан хиппа бўтиш даркор эмасми?

Исфандиёр куч тўплай олмайди, дейди Назархожи. Унга оқадиган ариқлар оқиб булган эмиш. Чавдур-чи деса, унинг зўр йигитлари савашда қурбон бўлиб кетди, истаса ҳам берадиган одами йўқ дейди.

Буларнинг ҳаммаси бекор гап. Озуқа етарли, жароҳат еганлар оёққа турганлари билан қилич чополмайди, сафга келиб қўшиладиган янги кучининг ўзи йўқ. Энди черик озайса озаядики, аммо кўпаймайди. Навкарларнинг ҳаммасига ҳам ишонч йўқ. Ана, бирови рақибни ҳимоя этиб, шеригининг қилич ушлаган қўлини, сўнгра бошини чопиб ташлабди. Ўша кечасиёқ навкарлар олдида уни сўроқ қилди.

— Ул ҳимоят этганим укам бўлур, — деди Яхшимурод бошини гоз тутиб.

Ҳабаш жазавага тушиб бақирди:

— Савашда ака-ука бўлмас, рақиб бўлур, ганим бўлур. Сен жосусни ҳозир ўз қўлларим билан чавақлаб ташлармен.

Яхшимурод ўзи томон келаётган Ҳабашга тик боқиб:

— Ака-укаларни сен қайдин билурсен? — деди.

Жаҳл билан мушт урди унга ҳабаш. Йиқилди. Бурнидан оққан қонни бармоқлари билан артаркан, аста ўрнидан турди. Навкарларнинг ўзига ҳайрихоҳлик билан боқиб турганликларини кўриб, дадиллашди.

— Ҳа, сен учун на ака бор, на ука, на ота. Мен сендан... ҳазар қиламен!

Ҳабаш қиличинини қиндан сугурди. Яхшимурод навкарларга юзланиб деди:

— Укамни... Қутлимуродни кўрсанглаар айтинглар, мен уни... Узимдин ортиқроқ севардим!

Унинг гоз турган бошини Ҳабаш чопиб ташлади.

Аммо навкарларга Ҳабашнинг бу иши ботмади, кўзларидан сезди. Уларга вақт берилса Исфандиёр томонга утиб кетишлар ҳеч гап эмас.

Элбарслар рози бўлсин-бўлмасин, ўз черигини эртагаёқ Исфандиёр устига бошлаб боради, уни мажақлаб ташлайди. Ортиқ кутишга тоқати йўқ.

Шу хаёллар билан Ҳабаш энди чодиридан чиққан эди, ўзи томон от едириб келаётган соқчига кўзи тушиб, совуқ бир хабарни сезгандай эти сесканди. Ҳали оти тўхтамасданоқ соқчи ўзини бесаранжом шаҳзода пойига ташлади.

— Отлар, шаҳзодам, лак-лак отлар келаёттир, — деди у тили танглайига тиқилиб.

Шаҳзода тушунмади.

— Отларми, отлиқларми?

— Отлар, эгасиз отлар.

— Навкарларни оёққа тургизинг, — буюрди у ва ўзи соқчи курсатган томонга от суриб кетди.

Элбарс ва Назарҳожиларга ҳам хабар етказилган экан, улар узан устидаги кўприкка баравар етиб боришди. Соқчилар айтганидек саноқсиз отлар подаси қуюндек учиб келмоқда эди. Турфа жойи шунда эдики, отлар эгарланган-юганланган, аммо биттасининг ҳам устида суворийси йўқ, бариси худди бирон офатдан ҳуркиб қозикни кўпориб келаётгандек.

Устларига келиб қолган хатарни биринчи бўлиб, Назарҳожини пайқади. Отларнинг қоринлари остидаги айилларга осилиб келаётган суворийларни кўриб, кўзининг пахтаси чиқиб қичқирди:

— Қўзгал, навкарлар!

Лекин черик қўзғалишга улгурмади. Суворийлар бир зумда айиллардан эгарларга чиқиб оддилар. Элбарс, Ҳабаш ва Назарҳожини учаласи уч томонга тумтарақай қочди. Саросимада ўтовларидан чиққан навкарларни қириб чопаверди Сабуктош суворийлари. Аҳалтака отлари гўё қанот пайдо қилган эди. Нафақат одамлар, ҳатто чодирлар ҳам туёқлари остида қолди. Манқишлоқликларга келиб қўшилган Алп арслон ўз йигитлари билан Эшимбей чодирини ўраб олди. Ясовулбоши пешин уйқусида экан, қўлларига кишан урилганидан сўнг кўзлари катта-катта очилди. Лекин шаҳзода ва Назарҳожини ўз навкарларини сафга тизиб майдонга чиқиб улгурган эдилар. Исфаңдиёр султон мерганлари ўзанининг баланд рошидан уларни ўққа тутдилар. Бундан фойдаланган жазабийлар, дурунликлар ва Карвак баҳодур авонгорлари ганимга яқин бориб қолдилар.

Бехос отилган ўқлар ва гурас-гурас келаётган отликлар ҳамда пиёдалар олдинги қаторларга тизилган Ҳабаш черигини шундай ваҳимага солган эдики, қўшин бир пасда бузилган ари уясига айланди, ҳар қайси ҳар томонга учди.

Черигидан олдин Ҳабашнинг ўзи тезроқ қалъага кириб олишни кўзлаб отига қамчи урган эди, дарвозага яқинлашиб борганида билдики, Муҳаммад Ҳусайнбек чериги алақачон қалъа дарвозаси олдига келиб жойлашган, Урганчнинг қулф-калити менинг қўлимда дегандай пулад саф бўлиб турибди. Ҳабаш ўтгиз-қирқ чоғли йигити билан ўзини саҳрога урди. Дарвозанинг «қўшимча посбонлари» — Элтузар навкарлари уни қува кетди.

Саваш майдонида эса ҳар икки томон жон олиб жон берар, жангнинг ниҳояси гўё шу дегандай сўнгги томчи қонлари қолгунича олишмоққа мисоли қасд этган эдилар.

Назарҳожининг кўздан гойиб бўлганини Исфаңдиёр султон сезиб қолди. Бу қари тулкининг тагин бир қилиқ курсатиши аниқ эди. Худди шаҳзода ўйлаганидек бўлиб чиқди. Лак-лак отлик лашкар пайдо бўлди рош тепасида. Қўшин олдида Назарҳожининг ўзи. Ҳаммасининг елкасида милтиқ, қўлида қилич. Исфаңдиёр султон бунинг ҳийла эканлигини дарҳол пайқади. Ик-

ки-уч қатор жонли навкар, уларнинг орқасидагилар отга миндирилган кўғирчоқ-қаратқи суворийлар, Исфаңдиёр султон черигига ваҳм солиш учун қилинган сипоҳий ҳийладир.

Бу икки томонга икки хил таъсир утказди. Элбарс қўшинига ишонч бағишлаган бўлса, Исфаңдиёр черигини кўрқувга солди. Назарҳожини қаратқи миндирилган отларни баланд тепаликда — кўзга кўриниб турадиган жойда қолдириб, уч юзтача навкарни ваҳимали қийқириқлар билан жанг майдонига бошлаб келди.

Ҳарб-ҳийлани чин деб ўйлаган Исфаңдиёр чериги пароканда бўлиб орқага чекина бошлади. Унг елкаси яраланган Алп арслон бақириб-чақириб навкарларини орқага қайтармоқчи бўлар, лекин овози хирилаганидан кўпчилиги эшитмас, эшитганлари ҳам парво қилмас эди. Тангриберди чериги ҳам жон сақлаб қолиш пайида, ўзини ҳимоя этиш билан овора. Ҳеч иккиланмай ўт-олов бўлиб олишаётганлар фақат Абултурк жазабийлари, лекин улар озчилик. Савашнинг бундай ҳалокатли тус олишини кутмаган Исфаңдиёр султон не қилишни билмас, кўнглида бир неча дақиқа олдин ёнган умид чироқларини гўё Назарҳожини қиёфасидаги жодугарлар пуфлаб-пуфлаб ўчираётгандек эди.

Сунаётган ишончларни тириштириб қиблада қўшин қораси кўринди. Чавдур! Минг от саҳросининг чапдаст йигитлари! Нажот қўшларидек улар ер бағирлаб учиб келмоқда эдилар. Буни кўрган Исфаңдиёр султон суворийлари букилган қадрларини ростладилар. Ярадорлар жароҳат азобларини, ҳолдан тойганлар мадорсизликни, кўрққанлар умидсизликни унутди.

Ҳадемай жанггоҳга етиб келган Чавдур қўшини гир атрофни худди ҳалқадек ўраб олди. Толиққан ганим навкарлари ўктам кучлар тазийгига дош беролмас-да, ётиб қолгунча отиб қол қабилида тиш-тирноқлари билан ўзларини ҳимоя эта бошладилар.

Исфаңдиёр султон Тангрибердини ҳамон тепада турган қаратқили отлар томон жўнатди. Тангриберди уларга яқинлашиб борганида отлар олдида турган элик-олтмиш нафар суворий, бошқа мингдан зиёди эса навкар суратидаги кўғирчоқ-қаратқини эканини кўриб, йигитларини уч гуруҳга бўлди. Иккитасини отликлар қочиши мумкин бўлган унг сўл тақирга йўллади, учинчисини ўзи тўғри тепага бошлади.

Қаратқилар олдида турган суворийлар бошқа йўл қолмаганидан ўзини орқага — ўзанга чўлп-чўлп ташлайберди. Қаратқили отлар ҳам уларга эргашиб сувга кирди. Қиргоққача уларни қувиб борган Тангриберди учун ўзини сувга уришнинг ҳожати қолмади. Негаки қалъа дарвозасидан воқеани кузатиб турган Муҳаммад Ҳусайнбек нариги соҳилда чочоқлар йўлини тўсиб олганди. Узанини кечиб ўтганлар ичун ўзларини ва отларини унинг қўлига топширишдан бўлак илож йўқ эди.

Тангриберди билан Муҳаммад Ҳусайнбек ўрин алмашишди. Унис дарвоза олдида қолди, буниси отлардан қаратқиларни итқитиб, ўрнига йигитларини кўндирди-да, жанггоҳга етиб борди.

Жанг майдони доира шаклини олган, унинг ичида яна алоҳида-алоҳида тўртга айлана ҳосил бўлган эди. Биринчи айланада Абултурк, иккинчисиди — Алп арслон ва Карвак баҳодур, учинчи, марказий доирада Исфандиёр султон, охиргисиди Сабуктош йигитлари ганимни исканжага олгандилар. Катта доира гирдида эса Чавдур чекинганни, қочмоқчи бўлганларни уриб туширмоқда.

Муҳаммад Ҳусайнбек ўз суворийлари билан тўғри марказий айланага кириб борди. Исфандиёр султон Элбарс атрофини ураб уни тобора сиқувга олиб бораётган экан. Муҳаммад Ҳусайнбекни кўриб, Элбарс билан юзма-юз чопишаётган биринчи ҳалқа навкарларини орқага олди-да, ўрнига ўктам кичкин ва Элтузар уни қувиб кетганини Муҳаммад Ҳусайнбек Исфандиёр султонга билдирганида шаҳзода бир нима деб сўқинди. Карвак баҳодурга қандайдир топшириқ берди, сурон ичида аниқ эшитолмади сардор. Элбарсни тириклай қўлга ол деб топширди шаҳзода Муҳаммад Ҳусайнбекка, ўзи хос навкарларини олиб, Назарҳожини билан олишаётган Абултурк томон силжиди.

Агар Элбарс жонини жабборга бериб олишаётган бўлса, Назарҳожини унга тескари йўл тутган, икки ёнида иккита жиловланган от, олди-орқасида тиш-тирногигача қуролланган пиёда ва отлик соқчилар, жонли тўсинлар орасида турганча сардорларга йўл-йўриқ кўрсатиб, черик ҳаракатини бошқармоқда. Исфандиёр султонни кўргач, Назарҳожини бор кучини унга қарши йўналтирдикки, шаҳзоданинг бу «доира»га келишидан ҳам мақсади шу, айна — ганим диққатини тортиб жазабийларга устун шароит яратиб бериш эди.

Абултурк ўз черигини четга олди. Доирада шаҳзодаю Назарҳожини юзма-юз қолишгач, саваш жаҳли ўз-ўзидан авж нуқтага кўтарилди. Назарҳожини ўйлардики, агар Исфандиёр султон ўлдирилса ёки унга оғир жароҳат етказилса, бутун қўшинини ёриган пуфакка айланади, кейин уни оёқ остига олиб, истанганча топтайверса бўлади. Бошдан жудо этилган вужуд вужудми?

Исфандиёр султон қадам-бақадам чекиниб, рақибни ҳолдан тойдириш усулини танлаганини Назарҳожини илганмади шекилли «касофатнинг томири»ни қирқиш — шаҳзодани ўлдириш пайида унинг устига калхатдай бостириб бораверди. Шаҳзодани гумдон қилиш истагани шу қадар кучли эдики, унга қазилган чоғга ўзи тушиб қолиши мумкинлигини ҳаёлидан соқит этди, катта ўлжага қадалган кўзлари гўшт тагидаги тузоқни кўришга ожизлик қилди. Жазабийлар орқадан келиб, унинг бўйнига сиртмоқ соддилар.

Исфандиёр султон яна ўз жойига — марказий доирага қайтиб Элбарс билан Муҳаммад Ҳусайнбекнинг яккама-якка олишуви устидан чиқди. Қарасаки, Муҳаммад Ҳусайнбекнинг қули устун. Элбарсни тирик олиш умидида олишувни атайлаб чўзаётганга ўхшайди. Маррага бир баҳя қолган. Элбарснинг бир-икки-

та пайдан бошқа ҳаммаси қирқилган. Шундай бўлса-да, охирги кучини билагига тўплаб ҳаммангдан ўзим зўрман дегандай чиранияпти. Узоққа боролмаслиги аён. Лекин Муҳаммад Ҳусайнбекнинг шуҳрат таратишини Исфандиёр султон асло истамасди. Қўлдан тушган байроқни Чавдур келиб кўтарса, Элбарсни Муҳаммад Ҳусайнбек тиз чўқтирса, Ҳабаш Элтузарни тутиб келтирса... Исфандиёр эртага не кўз билан тож кияди?

Навкарлари йўл очди — Исфандиёр султон Элбарс султон сари тўқланиб борди. Исфандиёрнинг ишораси билан Муҳаммад Ҳусайнбек орқага олди узини. Исфандиёр султон аҳалтака бедовда, белида садоқли камар, бошида дубулга, Элбарс султон оқ-сарик аралаш ола отда, шундай кийинганки, бутун танасидан фақат кўзлари кўринади, жисми гўё мисга, темирга ўралган.

Бир кўз дегандай бемураса икки рақиб, қони бир, лекин дили бошқа-бошқа икки ака-ука, бир отанинг икки ёвқур ўгли, бири падаркуш ва бири хунталаб икки шаҳзода ниҳоят рўбарў келди. Иккалови ҳам бу учрашувни кўпдан кутгани, бесаноқ одамларни ўз бағрига сиғдирган бу кенг оламга иккаласи сигмаслигини билиб, иккаласи ҳам ҳаёт-мамонт жангига тушиб кетди.

Элбарс кўпроқ қанот кериб, рақибига кўпроқ чанг солар, тезроқ қонини тўкмоқни истар, Исфандиёр эса гўё узини ҳимоя этган бўлиб уни тириклай қўлга олиш чорасини излар эди. Боши устига келган қиличдан икки марта тасодифий жон сақлаб қолган. Исфандиёр султон охири манқишлоқча эгардан улоқтириш усулини қўллади. Гўё зарбдан қулаётгандай бўлиб эгарга осилди-да, ола отнинг олд оёғига қилич урди. От ағдарилиб, Элбарс эгардан учганча ун беш-йигирма қадам наридаги Абултурк бедовига бориб урилди. Қиличи бир ён кетди, қалқони бир ён. Юзтубан йиқилганича ўрнидан туролмай қолди. Ётган ерига ижирганиб туфлади. Туфути зардоб экан, тушган ерини саргайтирди.

8

Ҳаётда турли тасодифлар, қутилмаган воқеаларнинг бўлиб туриши Исфандиёр султон учун ҳам сир эмас. Бу дунё нима-ларни кўрмаган, қандай ҳодисаларнинг шоҳиди бўлмаган. Кейинги икки йилда Хоразм замини озмунча воқеаларни бошдан кечирдимми? Одамзод ҳаммасига кўникавераркан. Лекин бугунги саваш ниҳоясида, галаба қўлга киритилган дамда Абулгози султоннинг жангоҳда пайдо бўлиши Исфандиёр султонни ҳайратга солди. Галабадан олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас, айна Элбарс отдан қулаган аснода осмондан тушдимми, ердан чиқдимми, эллик чоғли йигити билан келиб қўтлуглаб турибди. Тагин ёнида Қурбонҳожининг ўгли Ҳожиназар шумтака.

Абулгози очиқ чехра билан хиёл қулганча акаси сари самий қучоқ кериб келгани учунгина Исфандиёр унга елка тутди. Юртни биргаликда талаб қилайлик деб хабар юборганида келмаган, уроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир шаҳзода-

ни у бошқача кутиши мумкинми? Амир Имомқулихон қўйиб юбормади дегани бир чўпчак-ку... Эртагини сувга айтсин!

Акасининг бу кайфияти Абулғози султоннинг зийрак кўзларидан пинҳон қолмаган бўлса-да, у гўё ҳеч нарса сезмагандай Исфандиёрга ўзини яқин тутиб, қалъага бора-боргунча бошдан кечирганларини ҳикоя этди.

Имомқулихон ниҳоят юртга қайтишга ижозат бериб айтиб-дики, Абулғози, туш кўрдим, Исфандиёр султон бошига иқбол қуши қўнибдур, қатига боргил, онга инидурсен, инилик қилгил, дебди.

Амир берган элик отлик, ўн туялик «карвон» билан Ҳожиназар ва Салоҳиддин, яна Абулғози қум саҳролари оша уч кун деганда Амурдарёга чиқдилар. Сув кечиб Ҳазорасп сарҳадига етганида йўлини тўсган Элбарс ноиблари унинг «савдогарлиги»га шубҳа қилиб, Урганч сари ўтишига қаршилик кўрсатдилар. Амир Имомқулихон ёрлигини ноиблар қалбакига чиқарганларидан сўнг қурол уқталиб олишмоққа ружу қилдиларки, Оллоҳ таоло карами билан «савдогар»нинг қўли балаңд келмаганида бу саодатманд кунга етишмоқлиги душвор эди.

Хивага яқин келгач, Урганч остонасида саваш кетаётганидан хабар топдилар. Туяларни йўлга қолдириб, отларига худодан қанот тиладилар, муддаолари тезроқ жангга кирмоқ, ҳақ ва адолат лашқарига имдоқ айламоқ эди. Имдодни Оллоҳ таоло ўзи берганидан Абулғози ва унинг ҳамроҳлари бениҳоя шодмондурлар.

Иниси сўзларининг ҳақ-ноҳақлигини Исфандиёр султон тарозига солиб утирмади, уз кўнгида Абулғози султонга нисбатан аввалдан пайдо бўлган шубҳа ва ишончсизлик губорлари заррача ҳам тарқалгани йўқ. Шундай бўлса-да, уни бир синаб кўриш лозим деган фикрга келди. Урганчни ишғол этиб, Арка кириб утирганларидан сўнг қалъани Абулғози султонга берганини маълум қилди. Шаҳзодадан сўрамаёқ Тангриберди сардорни унга оталиқ қилиб тайинлади. Бу Абулғозига ишончсизлик белгиси эдики, Урганчнинг «янги ҳокими» бундан қанчалик ранжимасин, Исфандиёр султон амри билан ҳисоблашишга мажбур, негаки, музаффарлик байроғи унинг қўлида, ганимларни тиз чўктириб, юртни қўлга киритган у!

Исфандиёрга хизмат қилганлар рағбат кутардилар. Аммо ҳеч бировининг пешонаси ярқирагани йўқ. Алп арслон сардорлигича, Эрнийез Шариф мингбошилигича қолди. Мол-дунёсини Исфандиёр султон пойига сочган Обид тужжорни биров кимсан, демади. Зикрийё бегимнинг орттиргани шу бўлдики, макр-хийлага тўла боши ўз елкасида қолди. Эртасига у онасининг фарёидан чўчиб уйғонди. Отасининг боши эшиклари олдида хомага илиб қўйилган эди. Эсини йўқотиб хомага югурган онасини Зикрийё бегим зўрга тўхтатиб қолди. Назарҳожининг қонга беланган боши утган-кетганга томоша бўлиб, ўз эшиги олдида анчагача осилиб турди. Уни булғанган қаргаларга биров ҳезлангани ҳам йўқ.

Қўлга олинмаган бир Ҳабаш қолди. Элтузардан эса ҳамон

дарак йўқ. Карвак баҳодурга топшириқ бўлди; осмонга учган бўлса оёғидан, ерга кирган бўлса қулоғидан тортиб топасан. У саҳрога отланди.

Хивага йўл олган Исфандиёр султон Қурбонҳожининг қоғчиб кетмаслиги чорасини кўриб, Элбарс имзоси билан унга мактуб жўнатди. Қалъа дарвозаси олдида ўзини кутиб олишни тайинлаган бўлди унга Элбарс султон. Муҳаммад Ҳусайнбек Исфандиёр султондан ярим кунча олдин Элбарсни Хивага олиб борди ва уни шоҳона кутиб олишга чиққан Қурбонҳожини дарвоза олдида қўлга туширди.

Ҳибсдан озод этилган шайх Носириддин, Раҳмонберди мутавалли, қози калон, уламо ва аъёнлар йигилиб, Исфандиёр султонни хон кўтардилар. У бошига довур¹ кийиб, белига жавоҳир камарни боғлаб тахтга ўтириши билан дарҳол иккита фармони олийга имзо чекди. Масжидлардан тортиб олинган вақф ерлари эгаларига қайтарилиди, аҳли ислом мулки даҳлсиз деб эълон қилинди.

Ҳабаш ва Элбарснинг онаси Гулсимбону тутқундан озод этилиб, Хивада маликаи олия рутбасига ноил қилинган эди, Арабмуҳаммадхон фармони тикланиб, найманларга қайтарилди, занжирбанда этилди.

Орадан уч кун ўтгач, жума намозидан сўнг жарчилар оломони Арк олдидаги қатлгоҳга чорладилар. Майдон уртасида дор ва сирих² тайёрланиб, ҳар бирининг ёнида иккитадан жаллод ойболтасини ялтиратиб турар, оломон тўрт томондан дарёдай оқиб келар эди. Ниҳоят, майдонда оёқ босадиган жой қолмади. Ёш-яланг дарахтларнинг шохларига, қизлар томларга чиқишди, ҳаманиннг кўзи Арк олдидаги зиндон эшигида.

Зиндон Арк дарвозасининг чап томонида, қалъа деворига тираб қурилган, бор-йўғи иккита хонадан иборат, беш-ўн кишилик. Унга тушган маҳбус узоқ сақланмайди, гуноҳига лойиқ тез қатл этилади, мабодо кун кесиладиган бўлса, ички ҳибсхонага ўтказилади. Асосан ўлимга ҳукм этиладиганлар сақланади унда.

Зиндон эшиги очилиб, кўзлари қора доқа билан боғланган, қўл-оёқларига кишан урилган уч маҳбусни икки қатор бўлиб турган найзабонлар орасидан майдонга етаклаб боришди. Учалоғида кулранг матодан қопга ўхшаш қўйлақ-иштон кийгизишган, бошлари худди кўзларидагидек қора қийиқ билан боғланган, оёқларида оддий сариқ шиппак. Олдиндаги миқтисини дор тағида, ўртадаги семизини сирих ёнида, охири-новчасини кунда олдидаги жаллодларга топширишгач, ногоралар садоси остида Аркнинг нақшин дарвозаси оҳиста очилди-да, қора отли суворийлар қўш қатор бўлиб салобат билан чиқиб келабошлади. Уларнинг уртасида — қўтирчоқдай безатилган оқ отда салтанатнинг янги ҳукмдори Исфандиёрхон. Ҳашаматли, газабнок. Бошида жигарранг довур, устида зар-

¹ Довур — хоннинг тоғли, узунчоқ бош кийими.

² Сирих — учи ўткир ҳода.

рин тўн, узун қўнжли сариқ этиги олтинранг узанги билан бир хил ялтирайди.

Суворийлар бироз юриб чапга бурилишгач, хонни олдинга ўтказдилар. Ногора садолари салобатли танбур навоси билан алмашди. Вазирлар, аъёнлар оёққа қалқди. Арк дарвозасига қарама-қарши томонда қурилган омонат шоҳсупа олдида мулозимлар хонга пешвоз чиқдилар. Исфандиёрхон шоҳсупа ўртасидаги кўчма тахтга ўтирганидан сўнг унинг ўнг томонидан бош вазир Чавдурбек, сўлидан шайхулислом Носириддин жой олди. Бошқа жоҳ соҳиблари орқадаги гиламларга мартабаларига қараб қатор-қатор жойлашдилар.

Муסיқа тиниб майдонни ҳазин сукунат босди. Жаллодлар маҳбусларнинг кўзбойлагичларини ечдилар. Оломонга боқмаслик учун бўлса керак бирови кўзини булут тўла осмонга, бирови дор ва бири сирихга қадади. Элбарсда тақдирга иқрорлик, Қурбонҳожиди ваҳима, Эшимбейда ўлимга чап бериш илинжи кўриниш бердики, хон ҳам, уларни яхши биладиган аъёнлар ҳам буни дарҳол пайқаб олдилар.

Девонбеги фармони олийни халойиққа эшиттирди. Элбарс бугун тунда Арк ичида қатл этилиши, Қурбонҳожиди ҳозир ҳодага ўтқазилиши, Эшимбейнинг боши кундага қўйилиши ҳақидаги олий ҳукм ҳеч кимда таажжуб уйротгани йўқ, аксинча у ер-бу ердан «боракалло», «ал-қасосул мин ал-ҳақ» деган овозлар эшитилди. Қози калон гуноҳкорларнинг қатл этилиши сабабларини халойиққа тушунтириб, фармони олийни шарҳлаб берди. Шаҳзодаларни машғум йўлга бошлаган оталиқ, хонга иккилик қилган, хоин ясавулбоши ва бошқа сотқиналарнинг кирдикорлари содда, бегубор қалбларни ҳайратга, кўпни кўрган донишмандларни ларзага солди, оломон гуё сокин денгиз эди, довулга учраб жунбушга келди. Дор остида турган Элбарснинг қатли нечун тунга кўчирилганини баён этиб, қози калон айтдики, бул падаркуш халойиққа кўрсатилиш учун майдонга чиқазилди, уни дордан-да азоблироқ ўлим кутмоқда. Яна бир падаркуш шаҳзода — Ҳабаш қидириляпти, деди қози калон, иншоолоҳ, яқин орада қўлга олинур, халойиқнинг кўзи олдида жазога тортилуур.

Қотиларнинг ҳар биридан айтадурган сўзинг борми, деб сўради, уларнинг тиллари калимага келишдан ожиз эди.

Биринчи бўлиб ҳода ёнидаги жаллодлар ишга киришди. Қалт-қалт титраётган Қурбонҳожиди даст кўтариб, юмшоқ ҳода учига тўгрилаб, силтов билан унга ўтқазганларида бўғзидан учган оҳ ҳатто қалъа деворига қўнган қушларни ҳуркигиб юборди. Арабмуҳаммадхон ётган жойида бир айланган бўлса неажаб, деди шайхулислом ҳар ён тўзгиган қушларга боқаркан. Уни маъқуллаб бош ирғади Исфандиёрхон.

Бошини кундага қўяётганларида Эшимбей хон томонга илтижо билан қараб олди. Гуё у унсиз авф сўраётгандай, тасодиф омад келиб қолишидан умидвордай эди. Аммо бу сафар у ажалнинг кўзини шамғалат этолмади, боши танасидан жудо қилинди.

Майдонга катта бир гуруҳ иккиюзламачи сардорлар олиб келиниб, бараварига дорга осилди, уларнинг сони ўттизга яқин эди.

Исфандиёрхоннинг халойиқ билан биринчи учрашуви ана шундай кечди, раиятга у адолат белгиси, донишларга эса қонли сиёсат рамзи бўлиб кўринди.

Уша кечаси Арк ичида Элбарсни тириклай ерга кўмдилар. Бундай жазога мустаҳиқ этилганлардан фарқли ўлароқ то бўйнигача тик кўмиб, иягидан юқорисини тупроқдан ташқари қилиб қўйишди. Унинг оҳу фиғонларини харсангдай қалин Арк девори ютиб турмаганида бутун шаҳар доду фарёдага кўмилган бўларди.

Кундузлари ўз ҳужраси дарчасидан бир жуфт кўз Элбарснинг жон беришини томоша қилиб турди. Бу икки жажжи ўғилчаси доғида адо бўлган Гавҳар хонимнинг жичча таскин топган зийрак кўзлари эди...

9

Ҳабаш ўзини саҳрога урганида тезроқ Хивага етиб олишни кузлаган эди. Оби ҳаёт деб уйлагани сароб экан. Хивага яқинлашганида кўрдикки, Элтузар алақачон қалъа остонасига етиб, утар йўлни беркитган. Дайди итдек тагин саҳрога кетди. Элтузар тагин из қувди.

Қамишли қўларуно саксовуллари сероб бўлган бепойн кум ичида Ҳабаш изкуварларни чалгитишга муваффақ бўлди. У ҳали кумда Карвак баҳодурнинг ҳам қулоқлари динг бўлиб юрганидан беҳабар эди.

Кун ботар чоғи йигитлари чодир қуриб бердилар. Бир ёни кўл, иккинчи томони саксовулзор эди, шунда қўнатурамиз, деди Ҳабаш уларга. Узи чодирда ёлғиз туни буйи не қилишини ўйлаб чиқди.

Қочиб-қўниб саҳрода кун кечириб мумкин. Чодир атрофида ивириётган, увлаётган, жониворлар ҳам кун кечиряпти-ку. Тирикчилик ўтаверади. Лекин ҳар нарсадан адоғи бор. Наҳотки шу кимсасиз саҳрода, йиртқич махлуқлар орасида яшаб, бир моҳовдек хору зорликда ўлиб кетаверади? Бунинг устига Исфандиёр эртага тахтга кўтарилгач, саҳрони элакдан ўтказиб бўлса ҳам уни топмай қўймас, қочиб қаёққа боради?

Сир буйига, қорақалпоқларга борса-чи? Ўз оғам деб кучоқ очмасми? Борди-келдилари тузук, сан-манга боришмаган. Кўнгида кири йўқ, саҳрои халқ. Дардини айтса, балким қўлаб ҳам юборишар. Балким улар билан биргалашиб Исфандиёрнинг устига юриш ҳам мумкин бўлар? Мабодо рози бўлишмас, салтанатимнинг ярми сенларники деб ваъда беради. Шундоқ қўнишсинки...

Оғир-енгил хаёллар билан тонгга яқин уйқуга кетди у.

Бу саҳро бўлаги Бўризодага «қарашли» экани, у чодир атрофида изгиб юргани ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, келиши

ҳам мумкин эмас эди. Ҳабаш уни болалигида кўргани. Қопмоқчи бўлганида сайисхонага қочиб қутулгани, кейинчалик унинг бушалиб саҳрога дайдиб кетгани эсида бўлса бордир. Бури-ит хонники эди, хон билан кетди, деб хаёлидан соқит қилган бўлса ҳам эҳтимол.

Бўризода ҳақидаги ҳикоя у Йилдиримни ўлдириб, саҳрога йўл олган жойда тўхтаган эди. Арава кетидан Хивагача бориб, ундан саҳрога бурилиб кетганидан кейин у йиртқилич ҳаётининг кўп гирдобларига тушиб чиқди. Шерлар, қобоналар, бўрилар билан олишиб гоҳ енгди, гоҳида енгилди. Енгилганида думини қисиб ўзини четга олгани йўқ. Йиқилса-да, курашга тўймайдиган чандир полвонлар янглиг яна майдонга чиқаверди. Бир жароҳати битмай туриб, иккинчисини орттирган вақтлари кўп бўлди.

Саҳро кенг бўлгани билан унинг ҳар қаричи йиртқиқлар аро талаш. Айиқ бўлсин, бўри ёки тулки бўлсин, ўз уяси атрофидаги ҳудудга танҳо эгалик қилишни истайди, шу ерда ейиш-ичишга оид нимаики бўлса, фақат ўзимга дейди, ўзгани йўлатмасликка тиришади. Мабодо иложини топса, ўзгаларнинг ерига тумшук тиқиб, ё тўғрича, ё ўғринча ўлжа ўмариб қайтади. Ғавғолар кўпроқ ана шундан.

Йилдирим борида ҳаммаси ўз-ўзидан енгил кўчарди. Қумқалъа атрофлари, Бўри ётоғи, Қамишли қўл сарҳадлари ёлғиз ўзлариники, бирон босқинчи у ерларга оёқ босиб киролмас, мабодо кирганида ҳам ё жонидан жудо бўлар, ёки қонга беланганча қочиб қутуларди. Бунга Йилдирим, унинг ханжардек ўткир тишлари боис эканлигини Бўризода ўзи ёлғиз қолганидан кейингина билди.

Бирда овга чиқиб дайди итлар тўдасига дуч келиб қолди. Ириллаб йулини тўсганларга вовуллаб-увлаб дўқ урди. Лекин йўлтўсарлар дўқ-пўписани писанд қиладиганлардан эмас эди, уни уртага олиб талай кетишди. Бўризода жон ҳолатда худди Йилдиримдай бор кучи билан увлади. Дам ўтмай узоқ-яқиндан бурилар акс-садо берди: увв! Садога садо қўшилиб саҳрода шундай аёҳаннос кутарилдики, ўтакаси ёрилган итлар ҳар томонга ура қочдилар.

Бўризода итлардан қутилди-ю, аммо улар қутурган экан чоғи, қони бузилиб ўзи ҳам қутуриш касалига чалинди. У шундай касаллик эканки, нимани кўрса гажиб ташлагиси келаверади, илонми, чаёнми, қурбақами, фарқи йўқ, кўзига кўринса бас, устига ташланади. Ҳатто йўлда учраган улкан тўронгиларни қўпориб ташламоқчи бўлади. Фақат сувдан кўрқади, кичик битта кўлмак ҳам кўзига гирдоб бўлиб кўринаверади. Улғудай чанқайди-ю, ботиниб сув ичай деса, томоғи хиппа бўғилади, бир қўлтумини ҳам ютолмайди, жини кўзиб тошларни, дарахтларни гажийди, қумтепаларни кураб ташлайди.

Ана шундай бўғилиб юрганида олдидан бир қуммушути чиқиб қолди. Семизгина. Оёқлари остига олиб мажгалади, бу билан ҳовури босилмагач, чийиллатиб қаттиқ-қаттиқ тишлади, худди барра кўзичоқни егандай ямламай ютиб юборди. Шун-

дан кейин жини кўзиш касалидан бир қадар кутулгандай бўлди. Лекин орадан қирқ кунча ўтганидан сўнг дарди қайталашиб, қони буткул бузилди. Ҳозир чодирга яқинлашиб келаркан, ўлжа ҳидини олиб кўзлари бежо ёнади, тили озгига сиймайди, нима кўринса тилка-порасини чиқариш пайида тумшугини бир қумга тиқади, бир осмонга чўзади.

Қуш уйқусига ўхшайди, одатда, қочоқларнинг уйқуси. Тиқ этган товушни эшитишади. Бир нима тақиллагандай бўлди-ю, Ҳабаш сесканиб кўзларини очди. Тонг ёришиб кетган, туйнукдан мовий осмон парчаси тиниқ кўриниб туради. Ўтирган жойида Ҳабаш атрофга қулоқ тутди. Яна бир нима тақирлагандай бўлди. Шошилиб этигини кийди, эгнига чопонини ташлаб, қиличини олди-да, ташқарига аста мўралади. Чодир олдида тунини ёпиниб ётган навкарнинг керишиб ўрнидан турганини кўрди. Хавф-хатардан дарак сезмагач, кўнгли жойига тушиб ёзилгани чодирдан чиқди.

У-бу нарсасини ёпиниб, қатор-қатор ухлаб ётган навкарлар ёнидан ўтиб, панароқ жой топиш мақсадида қумтепа орқасидаги чуқурлик томон юрабошлади. Керишиб турган навкар эснаб-эснаб милтигини олди-да, шаҳзодага эргашди: эҳтиёти шарт.

Ҳабаш кўзланган жойда иштонбогини ечиб энди чўккалаган ҳам эди, қоп-қора баҳайбат махлуқ устига балаодай бостириб келди. Иштони, болдирлари ҳўл бўлиб ўрнидан туришга уринар экан, ўша махлуқ уни йиқитиб босди-да, ўнг билагига оғиз урди. Оғриги жонидан ўтди Ҳабашнинг.

Қумтепа устига чиққан навкар шаҳзодага бўри хужум қилганини кўриб беихтиёр осмонга ўқ узди ва чуқурликка қараб югурди. На ўқ товушини писанд этди Бўризода, на ўзи томон келаётган одамни. Ўлжасидан бошқа нарсани кўрмас; уни саргининг остига олиб эзгилар, кўзи каби оғзи ҳам қонга тўлган эди.

Бошқа навкарлар ҳам етиб келишди, кимдир чўқмор билан унинг бошига туширди, шунда ҳам ўзини бермаган Бўризода одамлар тўпига қараб телбаланиб отилди ва буйнига теккан ўқни ҳам кўрдим демай одамлар сари босиб бораверди. Иккинчи ўқда серпанди, учинчи ўқдан кейин асов отга ўхшаб олд оёқларини кўтарди-да, увлаб-ўкириб йиқилди.

Типирчилаб ётган Бўризодининг тепасига борган эски навкар унга қараб шерикларига деди:

— Бул хондин ушал ит-бўриси...

Шу воқеадан уч кун ўтгач, қўлини бўйнига осиб олган Ҳабаш қорақалпоқлардан мадад истаб, Сир бўйига жўнади.

Тар гунчани топиб олган асалари унинг ширасига тўймагунча нарисига ўтмас экан. Шайнақ мирзо ҳам ана шундай асаларига ўхшаб қолди. Тўйдан кейин еттинчи кун ўтяпти ҳам-

ки, келиннинг олдидан чиқай демасди. Биринчи марта уйланган буз йигит ҳам бунақа бўлмас. Дур ахтараетган гаввос ҳам денгиз остида бунчалик қолиб кетмас. Ҳов, асалнинг ҳам ози яхши, чиқ буёққа дейишарди жўралари агар у оддий йигит бўлганида. Бийдай қалъанинг ҳокимига ким бундай деяларди. Катта хотини ҳайрон ва тажанг, болалари отам қаерда деб сўрашапти, нима деб жавоб беришини билмайдди.

Бош бўлмаса гавда лош. Ҳокимликдагилар карахт. Карвон келиб-карвон кетаяпти, таъминот, қозият, раъият ишлари ўлда-жўлда, асалари бўлса ҳамон гул огушида, дунёни сув осмайди-ми, менга нима, дегандай гунчага мазахурак бўлиб ётибди.

Қорақалпоқлардан нажот тополмай Йим суви бўйига қочиб кетган Ҳабаш ҳам ҳокимни кутишга мажбур. Султонман деб мулозимларни ҳоли-жонига қўймагач, «ичкарига» хабар кетган эди, у ердан «қўйиб юборилмасин» деган кўрсатма чиқиб келди.

Унга навқари билан (бошқалари юз ўгириб кетган) уни каттакон бог тўридаги ҳовлида яна уч кун сақлашди. Тўртинчи кун Шайнақ мирзо султонни зиёфатга таклиф этди. Ҳоким ширакайф, учиб бораётиб булоқ бўйига кўнган шунқордай хуррам, ҳар битта мўйидан муаттар буй таралади. Ҳабашга у юқоридан боқди. Боқди-ю, кўзларининг бежолги ва бармоқларини тинмай қарсиллатиши, тишларини ҳадеб гижирлатаверишидан Ҳабашнинг дардга чалинганини сезди. Юзига солиб берайин деб тил учида пишитиб қўйган сўзларини айтиш ўрнига уни банди айлаб, ўша куниеқ Исфандиёрхонга «совга» этиб юборди.

Буризода қопганидан сўнг қутуриш касалига гирифтор бўлганини Ҳабашнинг ўзи билмас, шериклари эса сезганлари билан бир нима дейишга ботинолмаётган эдилар. Шайнақ мирзо кишиларига йўлда дил ёришга мажбур бўлишди. Мангит соқчилари воқеадан огоҳ бўлишлари биланоқ арава устига одам бўйи баробар панжара ишлатиб, Ҳабашни қамашди-да, тезроқ уни хонга етказиш пайига тушишди.

Қуниш жойларида ҳам тўхтамай кўз ёругида Эшимжийрон мавзеига етиб олдилар. Уёғи Хивагача отни ниқталаганга бор-йўғи бир кунлик йўл. Кўпи кетиб ози қолди. Аммо дам сайин Ҳабашнинг қилиги ортиб борар, юзининг бир жойи кулиб-бир жойи йиглаб турар, гўё ичига жин кириб олгану томирларини бир тирнаб, бир қитиқлаётганга ўхшарди.

Сув бер, деб аравакашга бақирди у. Панжара тешигидан узатилган бир пиёла сувни қўлига олиши билан худди бармоғини илон чаққандек додлаб қичқирди-ю, уни улоқтириб юборди. Ёгочга урилган пиёла чил-чил синиб, суви ҳар томонга илон изи ясаб оқди. Бир бўлаги Ҳабаш сари сизиб келабошлаган эди, у чўчиб панжара тоқига осилганча оёқларини кўтариб олди. Шундай чинқирдики, ўрам итлари узоқдан вовулаб аксадо бердилар.

Соқчилардан бири қутурган одам сувдан қўрқади деб эшитган эди, тинчирмикин деган хаёлда қўлини панжарадан

ўтказиб, латта билан сувни артган бўлди, Ҳабаш бармоқдай-бармоқдай бўртиб турган бўйин томирлари бўшашгач, панжара тоқини қўйиб юборди. Гуп этиб йиқилган эди, орқасига ҳўл тегди шекилли яна додлаб ўрнидан туриб кетди, панжарани синдирмоқчи бўлиб ёгочларини силтаб-силтаб тортаверди. Кучи етмагач, маймунга ўхшаб сакрай бошлади.

Икки йилдан бери Ҳабашга хизмат қилиб келаётган навқар шеригига деди:

— Ота қаргиши урди деб шуни айтадилар. Воҳҳей!

Шериги уни маъқулади:

— Ҳовва. Ҳали жаҳаннамга ҳам тушур, ўтларда ҳам ёнур.

— Жаҳаннам азоби бундин ортиқ бўлурми? Бундин улгани минг карра афзалдур. Ота қаргиши, эҳ, ота қаргиши...

Ҳабаш «маймун»дан «бўри»га айланиб увлай бошлади. Ороми бузилган соқчиларга аравакаш маслаҳат берди. Калтаклаш даркор. Эси киради. Рози бўлишмади. Сабабки, султон, шаҳзода. Тутқин эмас. Не қилишни билмай гаранг бўлиб турганларида нотаниш отлиқ келиб, хоннинг сардори Элгузарбек соқчилар билан учрашмоқчи эканини айтди. Унга Ҳабашни тирик тутиб келиш топширилган, из ола-ола шул ергача келиб-дур, деди.

Утган элик кун ичида Элгузарнинг-да, Карвак баҳодурнинг-да, бормаган дашту саҳролари, дарё ва тоғлари қолмади. Урусга қочгандир деб охири Карвак баҳодур Ёйиқ томон кетди. Элгузар қорақалпоққа борди, у ердан қочганини билиб тахмин билан Эшимжийронга келгани эди.

У Ҳабашни Хивага элтишаётганидан ногаҳон хабардор бўлиб қолганида соқчилар билан тил топишарман деб ўйлаганди. Аммо учрашувда маълум бўлдики, масала у ўйлагандек енгил эмас. Шайнақ мирзо амри қонун, дейишди соқчилар, Ҳабашни ўз қўлимиз билан Исфандиёрхонга топширурмиз. Элгузарнинг шаҳзода билан яқиндан учрашиш истагига эса соқчилар монельик қилишгани йўқ. Қутирган ит билан учрашдинг нимаю у билан учрашдинг нима, дейишди ичларида.

Панжаранинг бир бурчагида бужмайиб утирган Ҳабаш Элгузарни кўриши билан сакраб ўрнидан турди ва алаҳсига одамдай бир йиглаб, бир кулиб, ваҳима ичида валдирай бошлади.

— Яна менга одамингни юбордингми, ота? Ишон, мен ўлдирганим йўқ сени. Сувга сени мен гарқ этмаганмен. Сени дарёга чўқтирган нобакор углинг Элбарс. Ҳа, уни чақир сен дарё тубига. Мени эрса тинч қўй, гирдобларга тортма мени. Кет, сув сачратма менинг бошимга. Устимга дарёни оқизма. Оқизма-а!

Қалтироқ қўллари билан юзини беркитиб бирпас турди-да, тагин панжарага ташланди, гўё уни яксон қилмоқчи-ю, ўзига ҳайрат билан боқаетган Элгузарни еб ташламоқчи.

— Бери кел, — деб қўллари тирсагигача панжарадан чиқариб бақирди у Элгузарга.

Элгузар аравага яқинроқ борди. Ҳабаш бирданига юмшаб, хохолоб қула бошлади.

— Ёлгон гапирдим, — деди кулгудан ўзини аранг тўхтатиб. — Отамнида, сени-да алдадим. Аслида отам Арабмуҳаммадхонни мен ўлдирганмен. Мана шул қўлларим билан уни бўғиб, дарёга улоқтирганмен. Ҳа-ҳа, отамни ўлдирганмен, кўзларини уйганмен, отамни...

У тагин юзини беркитиб олди. Ҳунграб йиғлашга тушди. Юзидан қўларини олиб ёшли кўзларини ҳадик билан узоқларга тикди.

— Ана, ана, дарё. Гирдоб. Гирдобдан бир панжа чиқди. Отамнинг панжаси. Отам ўзи дарё тубида, қўли эса сув юзасида. У мени чорлайдур. Йўқ. Бормаймен, бормаймен... У-уу!

Олдинга ўкириб-ўкириб, кейин депсиниб-депсиниб йиғлади. Элгузар ортиқ чидалмай орқасига қайтди. Соқчиларнинг эрта тонгда йўлга чиқишларини билиб, хонни барвақтроқ хабардор қилиш мақсадида шу заҳоти Хивага отланди.

Эртасига намозшомда Ҳабашни олиб келган мангит соқчиларини Хива дарвозаси олдида бир неча аёнлар қарши олдилар. Уларни ҳурмат-эҳтиром билан ичкари бошлаб, панжарали аравага гал келганида дарвозани тақатақ беркитишди.

— Исфандиёрхон амри шул, — дейишди улар соқчиларга, — қутурган итни қалъага киритиш хавфлидур, олий ҳазрат уни шул ерда ёқиб юборишга амр айладилар.

Шайноқ мирзо йигитлари Исфандиёрхон саройида рақс томоша қилаётганларида қалъадан ташқарида панжарали аравага ўт қўйиб юборишди. Олов ичида Ҳабашнинг «дарё, сув» деган бўғиқ сўзлари — аламли нидоси учкунларга қўшилиб ҳавога учар эди.

11

Қия очиқ эшикка яқинлашганида Зебихонбиби Абулгози султоннинг овозини эшитиб, қадамини секинлатди. У ким биландир қизгин суҳбатлашаётгандек эди. Бемаҳалда султоннинг истироҳатини бузган ким бўлди экан? Одатда тонг маҳали ҳеч кимни қабул қилмас эди. Тагин ўз ижодхонасида?

Зебихонбиби на ичкарига киришни, на орқасига қайтишни билмай иккиланиб турганида ҳовли эшигидан мулозим кириб келди. Унинг бир қўлида усти оқ дастурхонча билан ёпилган патнис, иккинчисида бир жуфт оппоқ сочиқ, юзи бўғриққан, ҳойнаҳой, богдан келяпти. Абулгози султоннинг субҳидамда чой усти узум танаввул қилиш одати бор, патнисдаги хирмани¹ бўлса ажаб эмас. Зебихонбиби энди орқага қайтиш ноқулайлигини ўйлаб ичкари кирди.

Абулгози султон дарича олдида тик турганича қуйидаги қоғозларни Салоҳиддинга кўрсатиб, нималарнидир унга астойдил уқтирмақда, қоғозларни тиниқ ва одатдагидан бир пар-

¹ Хирмани — кеч кузда пишиб, қишда сақланадиган, доналари соққадай йирик узум нави.

да юқори, кўзлари чақноқ, гайрати вужудига сиғмаётган, юраги илҳом завқ-шавқлари билан тўлиб-тошган шоирдек чехраси нузли, ҳаракатлари энгил эди. Салоҳиддиннинг ҳам юзлари ҳаяжондан қизарган, Абулгози султонга меҳр билан тикилган кўзларида қувонч акс этиб турарди.

— Суҳбатларингга халақит берганимни кўриб турибмен, — деди Зебихонбиби уларнинг саломларига алик оларкан. — Не сабабки, ака-ука сахар-мардондан бундоқ қизгин баҳсга киришмишсизлар?

— Баҳс эмас, она, — деди Абулгози султон Зебихонбибинини тўрга ўтқазаркан. — Бундоқ кириб келганингиз айна муддао бўлди.

— Тўгри, — деди Салоҳиддин мулозим эшиқдан узатган патнисни олиб, тўрт-беш қирмизи хирманини дастурхонга қўяркан, — онамизнинг маслаҳатларини олурмиз деб ўзингиз айтган эрдингиз, худди эшитган каби айна вақтида кириб келдилар.

— Магар келмаганларида ҳузурларига ўзимиз борур эрдик, бул чизгиларни кўрсатиб маслаҳатларин олур эрдик, — дея қўлидаги қоғозларни хонтахта четига, Зебихонбиби олдига ёйиб қўйди Абулгози султон.

Чизгиларга диққат билан боқаркан, Зебихонбиби гап янги қалъа қурилиши ҳақида бораётганини тушунди. Абулгози султон Урганчнинг сувсиз қовжираб қолаётгани, зудлик билан янги қалъа қурилишига киришмоқ зарурлиги ҳақида яқиндан бери тез-тез гапира бошлаган эди.

Хоразмшоҳлар даврида ўз кўрк-таровати билан оламга шуҳрат таратган Урганч битта ёвнинг зарбасидан энди ўзимни ўнгладим деганида, иккинчисининг тажрвузига дуч келган, кетма-кет талофатларга қанча дош бермасин, гоҳ қўли, гоҳ оёғидан ажраган паҳлавондай ноилож ўтириб-чўкиб қолган эди. Белида мисли камар бўлиб товланган Жайхуннинг бошини унга қаратганларида — сувга бостириб, кунпаякун этиб, ўрнига арпа эктирганларида ҳам узилмаган жони мана энди дарё йулини ўзгартириб, уни ташлаб кетгач, сўнги томирларида милтираб турибди.

Тинимсиз довулар ва шамолларни писанд этмаган шайх Нажмиддин Кубро мақбараси дарз кетди, мавлоно Розий қубури ер билан бир бўлди. Маъмун илм кошонаси тепаликка, Жалолиддин Мангубердиннинг машҳур Темирқозиқ боги янтоқзорга айланди. Такаш мадрасаси, Тўрабек хоним масжиди ўпирилди, миноралар қулаб тушди. Бог-роғлари қуриб қолган раъиятнинг аксарияти дарё бўйига — Тус қалъасига кўчди. Абулгози султоннинг қароргоҳи ҳам шу ерда.

— Иншооллоҳ, Хива яқинида, Амударё соҳилинда янги Урганч қад ростлагай, — деди Абулгози султон чизгиларни бир-бир кўрсатиб. — Бул чизик — дарё, буниси соҳил бўйлаб чўзилган тўқай — ўрмон. Ана шу ўрмон яқинида бир шаҳар бунёд этамизким, унинг кўрки кўҳна Урганчникидан кам бўлмагай, йиллар ўтиб, онинг-да шуҳрати оламга таралгай!

Қаердан орна қазилиб, шаҳарга қандай сув олиб борилади, қаерда мадраса-масжидлар барпо этилади-ю, улуснинг истиқомат-масканлари, боғлари қаерда, қай аснода қурилади — ҳаммасини худди кўзгуда акс эттиргандек кўрсатиб бергач, Абулгози султон тўлқинланиб деди:

— Кўхна Урганчни дарё ташлаб кетди эрса, янги Урганч чўлу даштлар оша дарёга борур, Амударё бирла қўл беришиб, халқи сувдай сероб, ўзи қуёшдай мунаввар бўлур!

Зебихонбиби султонни кўпдан бери бундай жўшқин ҳолатда кўрмаган, унинг умид тўла сўзларини эшитмаган эди. Энтикиб кўзлари жиққа ёшга тўлди. Кечагина иккала ўгли ҳам юртдан йироқда, ўзи қутирган шаҳзодалар таъқибидан қочиб, аллақайларда сарсон-саргардон бўлиб юрган она юраги бугунги ҳаяжонни қандай сиздирсин! Бу фақат севинч томчиларигина эмас, балки гумон ва ҳадиқдан тугилиб киприкка қуюлган оташин ёш ҳам эдики, қалбининг қай бир тубларидан қалқиб чиқшини фақат оналарнинг ўзларигина биладилар.

Гумон ва ҳадиқ. Тонг-саҳардан уни ўгли ҳўжрасига бошлаб келган ҳам юрагидаги ана шу бесаранжом туйғу эди, Зебихонбиби кечадан бери ўйлайди. Зикриё бегимнинг гапи рост бўлса, чиндан ҳам Исфандиёрхон Абулгози султонга чоҳ қазитирми? Унда энди кўкара бошлаган умид уруғлари топталиб хазон бўлмайдами, икки йиллик кулфатлардан сўнг эндигина тинч нафас ола бошлаган мамлакатда яна қиргин бошланмайдами? Шаҳзодалар ўртасидаги адоватлар қачон барҳам топади, ака-укаларга хос инсоний меҳр-оқибат, қариндошлик ҳисси уларнинг диларида қачон тугилгай? Наҳотки, амал, тожу тахт инсонни ота-ўғиллик, ака-укалик ҳисларидан маҳрум этса, наҳотки, пошшолик меҳрдан ҳам, муҳаббатдан ҳам юқори турса!

Лекин Зикриё бегим бу гапни ўзи ўйлаб чиқаргандир, ака-ука ўртасида шубҳа-адоват уйготмоқчидир? Отасию эрини сотиб, Исфандиёрхон ишончига кирган бу хоним энди унга қарши борадими, Абулгози султонни унинг фитнасидан огоҳ этмоқчи бўладими? Ишонини қийин. Аммо кўнгилга кирган гумоннинг азоби ҳар нарсадан оғир экан.

Не бўлганда ҳам она ўз фикр-мулоҳазаларини ўғлига айтмоги даркор. Шунинг учун келди. Аммо ўгли ҳозир ундан бўлажак шаҳар ҳақида бир оғиз илиқ гап кутар эди.

— Беқийс улуг ишни режалабсиз, ўғлим, — деди Зебихонбиби дардини яширишу севинчини ошкор этишга уриниб. — Чўлга менгаб қолган шаҳримизда ортиқ яшаб бўлмас. Боғсиз, ерсиз қолган улус ҳар ён кўчадир. Янги шаҳар кўрмоқлик — халқ гамини емоқликдур. Илоё, ниятларингиз рўёбга чиққай, ўғлим!

Онасининг тилида бошқа сўзу дилида бошқа ўй борлигини Абулгози султон аллақачон сезган эди. Салоҳиддин ҳам буни пайқаб, онасини диққат билан кузатиб турарди.

— Шу пайтгача укам иккаламиз бирла ҳар нарса борасинда бўлсин, очиқ-ошкор гаплашиб келгансиз, она, — деди Абулгози султон. — Нечун энди биздан сир сақлайдурсиз?

— Сенларга айтмайдурган сирим йўқ, ўғлим, фақат...

— Хуш!

— Дилимни гумон кемирадир...

— Гапиринг, она!

Зебихонбиби Зикриё бегимдан эшитганларини ва дилидаги ўйларини тўкиб солгач, Абулгози султон деди:

— Ҳозир-да буни сезурмен, сезганим сайин ўртанурмен. Адовати сабабин ўйлайдурмен, аммо топа билмасмен. Бухорода тутқунда бўлганимдин булак айбим йўқ турур.

— Тутқунда бўламоқлик қачондин бери айб саналур? — деди Салоҳиддин. — Ким ўз ихтиёри бирла юртидин бегона бўлур ва ўзгалар таъқибиде яшамоқини ихтиёр этур?

— Бухорода ўтирдинг деб ул сизни айблайдурми? — сўрайди ҳайрат билан Зебихонбиби.

— Ҳа, айблайдур, — деди Абулгози султон маънос, — ул жангда, мен эрсам панада бўлган эрмишмен. Аммо бу унинг гайрига бир баҳонадур, холос. Сабаб бошқа томонда, она.

— Абулгози султоннинг эл ичиндаги эътибори унга ёқмайдур, — деди Салоҳиддин очиқчасига. — Бир куни келиб унинг хон кўтаришидан чўчийдур.

— Хонлиги ўзига буюрсин, — мийигида кулиб деди Абулгози султон. — Хон бўлмоқлик орзусидин йироқмен. Қўрмоқдин, яратмоқдин, ижод этмоқдин ўзга муддаоим йўқдур. Энг улкан орзуим шуки, Ҳожимхон авлоди, Арабмуҳаммадхон ўғиллари буңдин буёғига бир-бирининг қонини тўкмасин, билъакс, бир жону бир тан бўлсин, бари уруғ-аймоқлар аҳил-ҳамжиҳат бўлсин. Бу ҳамжиҳатлик — мамлакатнинг ҳамжиҳатлигидур.

— Илоё, айтганингиз келсин, ўғлим.

— Битта савол кўпдин хаёлимни банд айламишдур: — деди Абулгози султон ва онасига яқин ўлириб ундан сўради: — Айтинг-чи, она, пошшолик халққа нечун даркор?

— Минг югурувчидан бир буйруқчи демишлар, элни пошшолик бошқармай ким бошқарсин?

— Элни бошқармоқ эрса, — деди Абулгози султон онасининг фикрини маъқуллаб, — уни ҳимоя этмоқдин бошланур. Ёғидан, ички нонокўрлардан. Биз бўласак... эл тинчини ўзимиз бузурмиз, бизга суянмоқ ўрнига эл ўзини биздан ҳимоя этмоққа мажбур. Бу не пошшолик, она!?

— Пошшоликни тўғри ва одил бошқармоқ ўзларингга богликдур, тож-тахт ўзларингнинг илгингда, — деди Зебихонбиби ўғлининг сўзларидан қувониб.

— Тўғри, ҳаммаси ўз илгимиздадур, — деди Абулгози султон, — аммо беш бармоқ бирлашса илг бўлур. Менинг ниятим Исфандиёр султонга мадад бермоқлик, уни қўлламоқликдур. Эл осойиш, қалъаю кенгларимиз оройиш топсин!

— Умрингидан барака топинг, ўғлим. Эрта Хива борур эрсангиз, шул ниятларингизни хонга етказинг, шояд ул-да-сизни қўлласа.

Абулгози султон онасига ўз ниятларини айтди, лекин Ис-

фандиёрхоннинг махфий режаларидан оғиз очгани йўқ. Султон билардики, Исфандиёрхон унинг пойтахтга таширифини кутаяпти. Бориши билан ҳибса олиш ниятида. Черигини ҳам шунинг учун тарқатмай турибди. Тангриберди шунинг учун уни тезроқ йўлга чиқишга ундаяпти. Сафарни ортиқ чўзишнинг эса иложи йўқ. Экин-текин йигиштириб олинди. Қалъа ва кент волийларининг бундай пайтда хон қабулига бориши одат. Аммо ҳозир пойтахтга бормоқлик Абулғози султон учун ўзни ўтга ташламоқликдур.

— Хива мисли чирогу биз мисли парвона, унга талпинмоқлик бизга тақдирдур, — деди Абулғози султон онасини юпатмоқчи бўлиб.

Парвона кўр-кўрона ўзини чироққа уради. Қурбон бўлади. Наҳотки Абулғози султонни ҳам шундай тақдир кутаётган бўлса! Зебихонбиби ўғлига ҳам, ўзига ҳам тасалли бермоқчи бўлиб деди:

— Хива энди қуёшга менгзар. Қуёш эса ҳаёт манбаидур. У тикка кўтарилганида, саратон буржига кирганида куйдирадур, аммо ўлдирмас. Боз устига саратон ўтиб кетмиш, ҳозир айни мезондур...

— Тасанно, — деди Абулғози султон унинг нозик қочиримларига тан бериб, — мезон фасларнинг энг муътадилидур...

Зебихонбиби кўнглини эзиб турган гумонларини ҳайдаб, хушнудлик билан деди:

— Худойи таоло сизга уч ҳунар берган турур. Аввал сипоҳийгарлик, иккинчи, ашъорни фаҳмамаклик, лугатларнинг маъносини билмаклик, учинчиси, тарихни зикр айламаклик. Бир инсонга бундан ортиқ иноят бўлмас. Хўш, айтинг-чи, ҳозирда не юмуш бирла машгулсиз, ўғлим?

Уларнинг сўзларига қулоқ солиб турган Салоҳиддин рухсат олиб чиқиб кетди. Зебихонбиби лавҳ¹даги китобга кўз ташлаб сўради:

— Ҳазрати Нажмиддин Қубро китобига ўхшайдур?

— Ҳа, ҳазратнинг «Фақирлик ҳақида рисола»сидур.

Зебихонбиби лавҳ олдида ўтириб, китобнинг очиқ турган саҳифасидан қуйидагиларни ўқиди: «Дунёнинг бир қисмини кезиб чиқдим, кўп ишларни тажриба қилдим, қийинчиликларга йўлиқдим, кишилар билан суҳбат қурдим, улуг ишларга қадам босдим, тирикчиликнинг аччиқ-чучугини тотдим, китобларга мурожаат қилдим, олимлар хизматида бўлдим, умримни дунё излаш билан зое ўтказдим, ажойиботларни кўрдим, кўрдимки, умр ва дунёдан кўра тез, шошилиб йўқ бўлиб кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзудан кўра узоқроқ, хотиржамликдан кўра гузалроқ нарса йўқ экан, дунёю охират яхшилигини қанотда, дунёю охират ёмонлигини эса таъмада кўрдим».

— Нақадар ибратомуз, — деди Зебихонбиби китобдан кў-

¹ Лавҳ — китоб қўйғич.

зини узоқмай. Сўнг ўғлига боқиб, қайта-қайта ўқийдуган рисола, — деди.

Абулғози султон тоқчадан яшил муқовали дафтарчани олиб, рисоладан ўзи кўчириб ёзиб қўйган байтларни ўқиди:

Гафлатда ҳақ йўлдан озган, эй, мункир.

Яратган эганга келтирибсен шак.

Нафсинга қулдирсен, даги фикр қил,

Неки бор, жамъидин ўзидур юксак.

Ўзи бунёд этган жумлаи жаҳон

Унинг қудратига шоҳиду гувоҳ

Санаду бурхонлар* кўрсатгай аён,*

Оллоҳ бир ва ундан бўлак йўқ илоҳ!

— Ҳазратнинг ҳикматларин уққан, дилига жо айлаган киши юрар йўлида адашмагай, — деди Зебихонбиби. — Ақл чирогидур бу!

Суҳбат давомида тоқчаларда тартиб билан териб қўйилган китобларни кўздан кечиришди. Ибн Батутта, Ёқут Ҳамавий, Шарафуддин Али Яздий тарихий рисоалари, Паҳлавон Маҳмуд, Носируддин Рабғузӣ, Сулаймон Боқиргонийнинг руҳият дунёсига оид ҳикматларини, Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, аз-Замахшарийнинг риёзиёт, табобат, одоб ва тил китобларини кўриб, улар устида фикр юргизишди.

— Турк шажараси ҳақинда турли мажмуаларда парча-парча ҳикоятлар бор, билурсиз, — деди Абулғози султон, — аммоки, оларни ўзида жамулжам айлаган яхлит бир тарих йўқ турур. Худойи таоло марҳаматин дариг тутмас эрса, шажарамиз тарихин битмак орзуим бордур.

— Оллоҳ ёрингиз бўлгай, ўғлим, — деди қувониб Зебихонбиби, — туркий шажара баёнин яратмоқлик кўп улуғ ва кўп савоб заҳматдур, авлодларга боқий туҳфа бўлур!

Ўглининг қулфи-дили очилган шу файзёблиқдан фойдаланиб, Зебихонбиби суҳбат сўнггида нозик бир масалага унинг диққатини тортмоқ истади.

— Гулрухсор бону ҳам мутолаа ила машгул, аммо изтиробдан ранги сомон бўлиб борадур, — деди Абулғози султон билан унинг жуфти ҳалоли ўртасидаги совуқликка ишора қилиб. — Кечалар тонггача киприги илинмас экан сизни кирарми деб...

Абулғози султон четдалигида Гулрухсор бонуни отаси Саид Абдулла Хўжа элига олиб кетган, орадан кўп ўтмай Зебихонбибини ҳам ўз паноҳига олган, иккаловини-да кўз қорачуғидай асраб-авайлаган эди. Юрт тинчиб Абулғози султон Урганчга қайтиши билан қайнона-келинини ўз хонадонларига қайтарди. Аммо ўшандан бери Абулғози султон Гулрухсор бону хобхонасига бир марта ҳам киргани йўқ. Бундан кейин

* Санад, бурхон — ҳужжат, далил.

хам... Уни ўз фарзандидай севгучи Зебихонбиби шундан хуноб эди. Бир-икки марта Зебихонбиби ўглининг кўнглига қўл солиб ҳам кўрди, лекин аниқ бир жавоб ола билмади. Ҳозир ҳам мана, у суккут сақлаяпти.

Зебихонбиби ўглининг хаёли шу дам Бухорога кетганини, у ерда дил маҳбубаси йўлларига зор кутаётгани-ю, Абулгози султоннинг ҳижрон қийноқларида туну кун ўртанаётганини билмас эди.

— Ақли бутун, ҳусн-жамолда бировдан кам жойи йўқдур. — деди у ҳар галгидай келинининг ёнини олиб. — Гайрлик, шумликни билмас, дили покиза, тилида ҳамиша сизнинг исмингиз...

— Мен кўнглимга буйруқ берганим ила кўнглим менинг изнимга юрмаса нетайин, она? — Абулгози султон буни шундай бир самимият билан айтдики, ўглининг ҳам қийналаётганини кўриб, онанинг юраги бадтар эзилди. Абулгози султон сўзида давом этди: — Гулруҳсор бону ҳақидаги мақтовларингизга зарра эътирозим йўқдур. Лекин... уни севгил деб мен ўзимни мажбур қила билмасмен!

— Дийдор кўришмасангиз севги, меҳр қаёқдан пайдо бўлур? — Яна ўглини ўз фикрига кўндиришга уриниб деди у. — Гулруҳсор бону мисли бир гунча, сиз эрса боғбон, боғбоннинг иши...

Зебихонбиби кўюниб ўгли билан келини ўртасида меҳр ипларини улашга уринар, аммо оташин сўзлар Абулгози султоннинг қўлогига кирмас, унинг хаёл ва орзулари оқ қушларга айланиб, заминдан кўп йироқда, муҳаббат аталмиш сеҳрли маъво осмонида ўз қўнар манзилини кўзлар парвоз қилмоқда эди.

Пешин яқинлашиб қолган бўлса ҳам иссиққина кўрпани тарк этиб тургиси келмайди Зикриё бегимнинг. Фақат ипақдай майин танигина эмас, балки пар ёстиққа ёйилган қоп-қора сочлари ҳам, зулфининг ҳар битга тори ҳам ором олаётгандай. Ўзидан таралган муаттар бўйдан ўзи маст. Ширин мудроқлик билан сарин уйгоқлик ўртасидаги сархуш ҳолатда оппоқ кўрпага ўранганча ётавергиси, ётавергиси келади.

Ҳаловати каби, хаёллари ҳам шириндан-ширин.

Эснаб керишди. Ёстиқдан эриниб бошини кўтарди. Елкаси ва кўкрагига тушди эринчоқ сочлари. Яна керишди, яна эснади. Урнидан туриб эгнига парниён¹ини ташлади. Канизаги кирди. Ювиб таради. Касаб²ини кийгизди. Юзига роза³ суриб, бармогига сапфир⁴ узугини тақди.

— Сардорнинг келадурган вақтлари ҳам бўлиб қолибдур, дастурхонни тайёрла, — деди канизагига Алп арслоннинг пешин чоғига келишини эслатиб.

— Тайёрлаб қўйганмен, — қўл қовуштириб жавоб берди канизак.

Канизакка қараб, бу анча мулойим деган фикр ўтди кўнглидан. Олдингиси — Олмагул писмиқ эди. Уни Элбарс султон тирикчилигидаёқ ўзидан четлатгани, ҳарам хизматига ўтказиб юбортиргани тузук бўлган экан, йўқса, Алп арслоннинг мана шу кўркем хонадонигача илашиб келган бўларди. Лекин келмагани билан... қайда бўлса-да, барибир хавфли. Кўп нарсани билади... Бир кунмас бир кун чақиши мумкин. Силлиққина йўқотиш йўлини топиш керак... Бу канизакнинг эса йўриги бошқа, ёшгина, соддагина.

— Сардорнинг суюкли неъматлари ҳам тайёрми? — сўради канизақдан.

— Тайёр, бегим, гўваржин¹ ҳам, маъжун² ҳам муҳайё.

— Яхши. Энди бор, эшикка кўз-қулоқ бўлиб тур.

Канизак чиқиб кетгач, муъжаз сандиқчасига калит солди. Уни очиши билан гўё шуъла таралгандек, жавоҳиротнинг қирмизи ранги юзларида акс этди. Тила, кумуш, ёқут, забаржад, катта-кичик ноҳир тош ва марваридлар... кўзни яйратувчи, дилга илҳом, қадамга рағбат бағишловчи тенгсиз рангин бисот! Ҳар куни уйқудан тургач, уларга бир назар ташлаб қўйишни хуш кўради. Ҳар кўрганида бир ўсади. Уларни қўлга киритгунича озмунча заҳмат чекдими? Ҳиндистон ва Арабистонга қатновчи карвонбошилар билан Элбарс султон номидан Эшимбек кўмагида... олиб борган пинҳона алоқалари меваси булар. Бирлари улуш, бирлари закот ва бирлари ҳақьялар. Сандиқчани на ота-онаси, на шаҳзода билган, на Алп арслон билади. Ўзининг кўзларидан булак кўз унга назар солмаган, ўзининг қўлогидан бошқа қулоқ унинг жарангини эшитмаган.

Мабодо ҳиди чиққудай бўлса, саройга етмай қолмайди. Хазина ҳозир бум-бўш. Хонга беазаҳмат емиш бўлади. Исфандиёрхоннинг иштаҳаси маълум. Сандиққа бегимнинг ўзини ҳам қўшиб ютиб юборади. Жон сақлаш учунгина Зикриё бегим балеанд бошини унинг олдида паст қилди. Энди қилқўприқдан утиб олди. Энди хоннинг оёқ остини ковлайди. Отасининг хомага илаб қўйилган боши учун, ўзига етказилган заҳм-заҳматлар учун! Хонни оёқдан олиш йўли — унинг билан рақиблари ўртасига, биринчи навбатда Абулгози султон билан унинг орасига нифоқ солиш. Бу ишни бегим алақачон бошлаб юборган. Бир оғуни Зебихонбиби дилига солиб улгурди куни кеча... Бу оғу билан у ўглини заҳарлаганини ўзи билмай қолди. У эса...

Юқори ўзи шунақа, ўйинсиз бўлмайди. Биргина Алп арслоннинг ўзи неча хил куйга рақс тушмади, ахир. Аввал Араб-муҳаммадхон ногорасига ўйнади, кейин ҳабашларнинг, кейин Исфандиёр султоннинг чилдирмасига йўрғалади. Сунгисига рағбати бўлмаса-да, Зикриё бегимнинг ўзи уни қўлларидан

¹ Гўваржин — каптар гўшти.

² Маъжун — турли зироварларга афюн қўшиб тайёрланган қувват дори.

¹ Парниён — юпқа кийим.

² Касаб — зар аралаштирилиб юпқа матодан туқилган кийим.

³ Роза — ула-элик.

⁴ Сапфир — кўк ёқут.

тортиб уйин майдонига олиб чиқди. Манқишлоққа, Исфандиёр султон қанотига боришга кўндирди. Бориб хато қилгани йўқ сардор. Уша-уша, от устида, ўлимаарга чап бериб келаяпти.

Аммо Алп арслон яқинда (Зикриё бегим бунга кейинча билиб қолди) муз устида таваккал қадам қўйди. Жуда ҳам қалтис қадам. Бирпасда тойиниб, оёғи осмондан келишини ўзи сезмай ҳам қолади. Лекин сардор тўғри қилдим деб ўйлайди. Балким шундайдир, у ҳақдир? Олдиндан бир нима дейиш қийин. Лекин, қалтислиги аён.

Гап шундаки, у Қуръони каримни ўртага қўйиб, Абулғози султонга қўл берди. Ула-ўлғунимча хизматингизда бўламан, деди унга. Шаҳзода ишонган, хизматига олган. Кечагина Исфандиёр султон қўшинида от чоптириб юрган сардор бугун зимдан бошқа шаҳзоданинг этагини тутса, оқибати ўлим билан тугамайди, деб ким айтолади. Не бўлса-да, энди сўзим сўз, Абулғози султонга жонимни фидо қиламан, дейди сардор. Фидо қилса қилсин. Ўзи аввалдан шу Абулғози султонга хайрихоҳлиги бор. Адолатли эмиш, инсофли, диёнатли эмиш шаҳзода. Бўлса бордир. Унинг нимага қодирлигини ҳали биров кўрганча йўқ. Лекин кўпчилик, ҳатто Исфандиёр султонни тоғим деган Эрнийез Шарифга ўхшаганлар ҳам керак пайтда унга ён босади. Бу туллақлар бир нимани билса керак-да. Лекин Зикриё бегимнинг ўзи бошқа йўлдан боради.

«Ҳеч кимга ишонма!» — бегим танлаган йўлнинг шиори шу. Қўриб келяптики, бу оламда ҳар ким ўзини ўйлайди, ўзим бўлай дейди, ўз манфаати, нафси йўлида туққанини ҳам, дўстини ҳам қурбон қилиб юборади. Бегимнинг ўзи ҳам шунақа қилишга мажбур бўлди-ку... Бундан келиб чиқадиган иккинчи шиор шуки, «ҳеч кимдан мадад кутма!» мадад ўзингда, топқирлигинг, удабурролигингда. Ўзингни ўзинг қўлла, ўзингни ўзинг хурсанд қил...

Канизакнинг енгил оёқ товуши эшитилди. Зикриё бегим сандиқчани яна кўз кўрмас жойга яшириб қўйди.

— Уч хотун келиб сизни сўрайду, — деди канизак дарпарадан бўйинини чўзиб.

— Уч хотун! — таажжуб билан сўради Зикриё бегим, чунки у эридан бўлак ҳеч кимни кутмаётган эди. — Ким улар?

— Танимасмен. Отин айтмайтур.

Зикриё бегимнинг таажжуби тагинда ошди. Кимлар бўлиши мумкин, нечун ўзларини танитмайдилар? Бирпас ўйланиб турди-да, ён ҳужрага бошлаб кир, ҳозир борурмен, деди канизакка.

Бу учрашув ҳаётимни издан чиқариб, остун-устун қилиб юборади, деб ҳеч ўйламаган эди Зикриё бегим.

Узун қиш тунларининг биридаги суҳбат чоғида энг севган кишингиз ким деб сўраган эди божимон Ҳожиназардан. Бун-

дай саволнинг тугилишига Ҳожиназарнинг отаси Қурбонхожи билан ораларида вужудга келган танглик сабаб бўлган эди. Шунда Ҳожиназар юқоридаги саволга ҳеч иккиланмасдан синглим, деб жавоб қайтарган, Холлигулнинг фожиасини божимонга сўйлаб берган. Кейинроқ божимон иккаласи «тутқундаги сингил»ни озода этиш режасини тузишди, Аркка кириш, ҳарамдан уни юлиб олишга уриниб ҳам кўришди, аммо шерикларидан бирининг сотқинлиги боис, барча саъй-ҳаракатлари зое кетди.

Лекин суюкли синглини озода этиш фикри ака кўнглини бир он бўлса-да, тарк этгани йўқ. Қақралида бўйдор дарахтлар оша юлдузли осмонга боқиб хаёл сурганида ҳам, Бухорода, ҳазрати Баҳовуддин Нақшбандий мақбарасида туриб, Яратгандан карам сўраб итижолар этганида ҳам дилига, тилига келган илк муножот синглисига толе тилашдан иборат бўлган эди.

Фарзандлар ҳам, улар ўртасидаги меҳру оқибат даражаси ҳам турлича. Унга бўлса ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиги. Ҳожиназар оилада етти қизнинг ичиди ягона ўғил. Олти опаси ва битта синглиси орасида «жини жинига тўғри келадигани» шу битта Холлигул бўлди. Балким бунга Холлигулнинг кенжаллиги — эркатойлиги сабаб бўлгандир, балким иккаловининг қарашларидаги муштарақлик боисдир. Бу ҳам, у ҳам тўғри сўзинг гадоси, адолатсизликни кўтаролмайди. Бу ҳам яхшилигу ёмонликини эсидан чиқармайди, у ҳам.

Ушанда, отаси Холлигулни Ҳабашга узатмоқчи бўлганида Ҳожиназар қарши чиққан, бу «гулни итнинг олдига ташлаш билан баробар» деган. Таҳқир остида қолганларида, синглисини ҳарамга судраганларида эса, газаб отига минган отасини рози бўлишга кўндирган эди. Ҳар икки ҳолатда ҳам у ўз синглисини, ўз хонадонларини кулфатдан сақлашни ўйлади. Розия элти Холлигулни мўғурдак аравага солиб олиб кетгач, дили қон бўлиб ўзича қасам ичдики, энди унга ўз хонадони ҳаром, ўз отаси бегона, номуси булганган, шаҳардан бош олиб чиқиб кетади, умрини ҳабашлардан ўч олишга, синглисини ҳақорат доғларидан халос этишга бағишлайди. Бунинг учун фурсат кераклигини билади у. Отасининг пайдар-пай ишлари уни мақсад сари ўзи ўйлаганидан тезроқ элтади. Уйдан чиқиб кетди.

Қақралида макон тутганида мерганларни қуроллантириб, тезда жангга овлантираман, Ҳабаш саройига ўт қўяман деб ўйлаган эди, лекин Муҳаммадпаноҳ божимон ҳай-ҳайлаб, унинг гижинглаган отини совутди, қасоснинг узун ва айланма йулини кўрсатиб, мана шундан юрамиз, деди. Ҳожиназар ўйлаб-ўйлаб божимоннинг ҳақлигига тан берди, дарҳақиқат, гуриллаб ёнган ўт ҳул-қуруқни баравар қуйдиради ва қандай тез ёнган бўлса, шундай тез ўчади, аввал етарли ўтин тайёрлаб, жойини ва вақтини топиб ёқмоқ керак оловни.

Шу режа уни Абулғози султонга яқинлаштирди ва Бухорони айлантдириб, Урганчга олиб келди. Бу ҳали йўл боши эканини, сўқмоқлар оша ўтиб борилдиган катта йўл ҳали олдинда турганини у билади. Интилмоқ ва тезроқ унга қиқиб олмоқ

Ҳожиназарнинг бош матлаби. Воқеаларнинг қай издан кетишини Қақралида божимон бошлиқ мерганлар от устида кузатиб туришибди...

Ҳожиназарнинг бу ердаги янги ҳаёти умуман ёмон бошлангани йўқ. Келишда унинг (Абулғози султоннинг-да) хавфи Исфандиёр султондан эди. «Қурбонҳожининг ўгли»ни у қатла этиши эҳтимолдан узоқ эмас эди. Шунинг олдини олиш мақсадда ҳам Абулғози султон Исфандиёр султонга кўриниш берганида Ҳожиназарни ўзининг ўнг қўлида, иззат-ҳурматда тутди. Абулғози султон волийлик мавқеини олгач, Ҳожиназарни сардорлик мартабасига кўтарди.

Урганчга келган кунийёқ Ҳожиназар синглисини ахтариб ҳарамдан топди ва ўз қанотига олди. Холлигулнинг кўз ёшлари юзини ювди, ҳақорат ва хорликлар орқада қолганига у бир ишонар, бир ишонмас эди. Акаси уни сийлаб, хушхаво дарё соҳилида зеб-зийнатли оромгоҳ яратиб берди, хизматига дастёрлар тайин этди. Шундан кейингина онаси Сулувхон бека ва опалари билан дийдорлаштирди.

Ҳаммасини битта савол қийнади. Холлигулнинг тўйини бузиб, уни ҳарамга ташлатган ким? Ҳабаш ушанда кимнинг макри билан булғади оталиқ қизини? Жумбоқни ечиш йўлини Холигулнинг ўзи топиб берди, барча сирдан Розия элти ва Зикриёнинг собиқ канизини Олмагул воқиф бўлиши керак, деди. Ҳожиназар уларни оддирди. Розия элтини ўз қўлига тутқазилган олтин тангалар, Олмагулни эса собиқ бекасига булган кеки сўйлатди.

Зикриё бегимни йўқлаб унинг хонадонига келган уч аёлниги бири Холлигул, ёнидагилари эса ана шу икки сайроқи эди. Уларни кўриб Зикриё бегимнинг пастки лаби пир-пир учди.

Холлигул бир энлик қоғозни унга узатиб деди: мана бу ушанда менинг Хўжамберди навкарга ёзган мактубим, уни сен Ҳабаш боргоҳида тушириб қолдиргансен, ма, ол.

Зикриё бегим дарҳол эслади. Уша хат. Ҳабаш жаҳл билан оёқ остига улоқтирган хат.

— Ҳабаш султон ҳузуридан сиз чиқдингиз эрса, шаҳзода мени чорладилар, — гапга аралашди Розия элти. — Ушанда гилам устида ётган қоғозга кўзим тушган ва уни олиб қўйган эрдим, мана, тагин ўзингизга қайтди, бегим.

Зикриё бегим рад этишни ҳам, этмасликни ҳам билмасди. Тан олмаслиқнинг иложи йўқ деган фикрда тўхтади.

— Хат битмаганмен, бу тўхмат демоқчимисен? — қарши хужумга утиб деди Холлигулга.

— Хатни битганлигим-да, уни Олмагулга берганим-да ростдур, — дея канизакка қараб қўйди Холлигул. Олмагул маъқуллаб бош ирғади.

— Навкарнинг учрашувга келмаганини-да сен билган эрдинг, Олмагул, — деди Холлигул, канизак яна маъқуллади.

— Учрашувга келмаган эрса-да сен у бирла... ўйнашиб юргансен, — деди Зикриё бегим, — қўлга тушмаган хатларинг қанча...

— Ёлгон! Ул навкарда сен ўйлагандан бошқа юмушим бор эрди. Тўйингга совгани ул олиб келарми деб... қўйган қалтис қадамим, хатоим менинг бу. Энди айт, менинг заволим сенга нечук керак бўлиб қолди?

Зикриё бегимдан садо чиқмагач, Холлигул саволга ўзи жавоб берди:

— Ҳабашни хон, мени малика бўлу деб юрагингга ўт тушган эрди. Ўзинг малика бўлмоқликни орзулаб, разолатга борган эрдинг. Тан ол.

— Сени кўргани кўзим йўқ. Кет! Йўқол!

Ниманинг ва кимнинг қурбони булганини Холлигул дам сайин чуқурроқ англади, икки йил олдин бўлиб ўтган воқеалар ўкинч ва алам аро ҳаёлида тикланарди. Хўжамберди навкарни севиб қолгани рости. Унинг сўзини эшитишга, дийдорини кўришга зор бўлиб тунларни бедор ўтказгани рости. Севги кўзини кўр қилган, атрофда нималар бўлаётганига зарра парво этмаган экан. Энди равшан кўряптики, отаси ушанда Ҳабашни бежиз меҳмонга такаиф қилмаган бекор, рубару қилмаган. Эҳ, ўзини ўйлаб, қизини-да шармисор этган, ўзини-да хароб қилган ота...

Булар ҳақида аввал ҳам ҳарамнинг совуқ мрамларига кўксини бериб, кўп ўйлаган Холлигул, лекин воқеаларни ҳеч қачон ҳозиргидек аниқ кўра билмаган, магзини чақолмаган. Зикриёнинг макри ҳақида эса ўйлаб ҳам кўрмаган. Бу чиройли аёл сиёғидаги ўқилон...

Кеча Олмагул тилидан Зикриёнинг хуштори Эшимбек билан қилган айш-ишратларини эшитганида Холлигул ҳайратдан бармогини тишлади. Энди уни ўзи эшитсин Зикриё... Холлигул ишора этди. Олмагул бошлади.

...Зикриё бегим ҳали тўй чилласида эди. Саратон. Ҳаво дим. Кўпчилик пешин уйқусида. Отни тайёрла, деди бегим Олмагулга, йигит кийимини келтир, узинг-да ўша эски тўнни ёпин. Ҳаммаси тез муҳайё қилинди. Эгарга бегим ўтирди, орқасига Олмагул.

Зикриё бегимга чавандозликни пинҳона ўргатган асли Эшимбек. Тўйдан анча олдин бошланган ўрмонда от минишлар. Сардорнинг иккита оти бўларди. Биттасига ўзи минарди, иккинчисига бегим. Олмагулни пистирмада қолдириб, ўзлиги ўрмоннинг ичкарисига кириб кетишарди. Узоқ кетишарди.

Бир галги от чопарда сардор Олмагулни ҳам чавандозликка ўргатмоқчи бўлди. Бегим рухсат бермади. Қизганди. Рашки бежиз эмасди, сардор бирданига икки «чавандозга» эга бўлмоқчи эди. Бегимнинг Олмагулга ёвқурлиги ушандан бошланган.

Бу сафар бегим от бошини Амударё томон бурди. Дарёнинг чакалакзор билан қопланган кимсасиз соҳилига етиб боришди. Дарёда қайиқ, унда балиқчи куринди. Эшимбек бу гал балиқчи қиёфасига кирган экан. Бегимнинг қўлига ўқ-ёйни тутқазди. У ёш овчи «йигит», сардор эса «балиқчи», икковлон қайиққа ўтириб соҳилнинг нариги томонига ўтиб кетишди. Олмагул то қуёшнинг тафти босилгунича пашша кўриб ўтирди.

Шундан бир ҳафтача кейин сардорнинг ҳинд карвонбоши-
си билан учрашувига бегим-каниз иккалови етиб боришди.
Олмагул олд ҳужрада қолди. Бегим ичкарига кириб кетди. Кўп
ўтмай қўлида қутича билан қайтиб чиқди. Қутичани Олмагулга
тутқазди. Йўлда Олмагул аста уни очиб кўрди: кўзни қамашти-
рувчи ҳинд жавоҳирлари. Бундай учрашувлар бошқа жойлар-
да, бошқа сарбонлар билан тез-тез бўладиган бўлиб қолди.

Хивада, Элбарс султон қароргоҳининг шундоқ орқасидаги
ҳужрада учрашди бир оқшом бегим Эшимбей билан. Улар
айш қилишяптию эшик олдида тўн ёпиниб турган Олмагул-
нинг юраги симобдай титрайди. Шаҳзода сезиб қолгудай бўл-
са, ахир, унинг ҳам боши кетишига гумон йўқ.

Олмагул булардан йироқроқ бўлиш хаёлида юрганида Зик-
риё бегимнинг ўзи унга йўлни очиб берди. Бунга эса сардор-
нинг Олмагулга кўз олайтириши сабаб бўлди. Бегим Олмагул-
нинг қўлига битта мактуб тутқазиб, сардорга олиб бор, деб
тайинлади. Олмагул борди. Ҳали мактубни беришга улгурмаёқ
Эшимбек унга ташланиб қолди. Олмагул ўзини ҳимоя этар,
сардор эса қутури унинг кийимларини ечишга уринарди.
Кўнгли бир нарсани сезганми ё бошқа сабабданми олишувнинг
устига дафъатан Зикриё бегим кириб келди. Олмагул бир ёқда
қолиб, гавго сардор билан бегим орасига кўчди. Туполонда
мактуб Олмагулда қолиб кетаверди.

Ўз ҳўжрасига қайтгач, Олмагул хатни очиб ўқиди. «Ме-
нинг ясовулбошим, тиллани Олма билан бериб юборинг», деб
ёзилган эди. Олмагул хатни яшириб қўйди.

Бўлиб ўтган воқеадан кейин, табиийки, Зикриё бегим «сир-
лардан воқиф, кўзга яқин канизак»ни ўртадан олишга аҳд эт-
ган эди. Бирданига кескин ҳаракат қилишдан ўзини тийиб,
уни ҳарам хизматига силлиққина ўтказдириб юборди. Кейин-
чалик уни йўқотиб юборишни кўнглига туккан эдики, тақдир
бу қотиликнинг бажарилишига монельлик қилди. Боз устига
Зикриё бегим ўз эридан ҳам, сардордан ҳам қўл ювиб, бошқа
бир сардор — Алп арслоннинг пешига ёпишган, энди унинг
ширасини сўрабошлаган эди.

Лекин Олмагулни ўлдириш фикридан Зикриё бегим ҳали
ҳам қайтганича йўқ. Негаки, у билади тилла сандиқчани, нега-
ки, унинг қўлида Эшимбейга ёзилган мактуб бор.

Мана ўшала мактуб, деб Олмагул сўзини тутатган ҳам эди-
ки, эшиқдан Алп арслон кириб келди. Учала аёлни ва биттаси-
нинг қўлидаги мактубни кўриб, савол назари билан Зикриё
бегимга қаради. У сочларини юлиб йиғлай бошлади.

Алп арслонга деб тайёрланган гўваржин билан маъжун дас-
турхонда қандай турган бўлса, шундай қолаверди...

Худди баҳор об-ҳавосига ўхшаб қолди Эрнийз Шарифнинг
феъли. Бир кунда бир печа марта ўзгаради. Дам очиқ ва майин,

дам тунд ва гумбур-гумбур. Саросимада. Ишончи йўқ, на ўзига,
на ўзгага. Гўё ҳамма нарса омонат. Меҳр ҳам, қаҳр ҳам, имон ва
онт ҳам. Яқиндан бери шундай бўлиб қолди, аниги, Исфандиёр-
хон хон кўтарилганидан кейин.

Бошқа шаҳзодалардан устун қўйди Исфандиёр султонни.
Унга қўл берди. Мол-дунёсини у бошлаган савашга харж этди.
Толиб тужжорни ҳам шунга кўндирди. Бошқа бой ва зари
борларни ҳам. Қайтади бири ўн бўлиб деб ишонди. Бошқалар-
ни ҳам ишонтирди. Биргина ўғли Элтузарни Абулгози султон
тарафидан Исфандиёр султон тарафга огдиришининг ўзи бўлма-
ди. Ўғил ота сўзини олди. Оқибати не бўлди? Юрибди ҳали
ҳам уша ёқларда. Исфандиёрхоннинг теварагида, на бировнинг
сояси унга тушади, на унинг сояси бировга. Мингбошининг ўз
аҳволи-чи, шериклариники-чи?

Яхшиликни билмади хон. Энди кўпчилик Абулгози султон-
га умид боғламоқда. У оқил, адолатли, келажак уники, деган
сўзлар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Ҳали Абулго-
зи султоннинг бирон эзгулиги кўзга ташланганича йўқ. На
жангда овоза таратди, на бирон юмушда. Тўғри, ҳали имкон
ҳам беришмади унга. Йўлини тўсиб қўйишди. Хон унга йўл
берармикан?

Хирмон кўтарилгач, катта совға-саломлар билан хон ҳузу-
рига кетган эди. Ҳали қайтгани йўқ. Бировлар хон унга йўлни
кенг очиб беради демоқдалар. Тўғри, биргина янги Урганчи
бунёд этиш режасининг ўзи учун хон уни бағрига босса ар-
зийди. Бошқа бировлар эса бутунлай тескари гапларни айт-
моқдалар. Шу тезоблиги учун хон Абулгози султонни балога
гирифтор этади, шаҳзоданинг довруғи хонни сояда қолдириш-
га қўймайди. Бордию иккаласининг орасида тўқнашув чиқса,
қай бирини қўллашни билиш керак. Исфандиёрхоннинг ҳим-
матсизлиги энди маълум, лекин Абулгози султон кейинчалик
ўзини қандай тутаркин? Ёрдам берилган тақдирда хонга бас
келоладими?

Шунга ўхшаб безовта ўйлар Эрнийз Шарифнинг эҳтирос-
ларига ҳам таъсир ўтказди чоғи, сусайиб қолди. Олдинлари
Муҳайё қошига тез-тез келгучи, ҳатто икки-уч кунлаб туриб
қолувчи эди. Энди ўн беш-йигирма кунда бир келса келади,
келмаса йўқ. Келганида ҳам белидаги камарини ечмайди.

Бу оқшом у ўзини мажбурлаб оҳорли тўшақда ётиб қолди.
Аммо дам ўтмай Муҳайёга орқа ўтирганча яна оғир хаёллар
дарёсига гарқ бўлди. Муҳайё анчагача тўлганиб ётди ва ўзини
совутиш мақсадида ўрнидан туриб, юзини муздек сувга чайди,
ҳўл сочиқ билан қулогини, буйинини, кўкраklarини артди.
Шам ёруғида хомуш ўлтирганча яхна чойни майда-майда хўп-
лай бошлади.

Хаёли отасига кетди. Зиндондан чиқиб келган дастлабки
кунларда у қандай изтиробларга тушмади. Муҳайё ҳаммасини
унга ётиги билан тушунтиришга ҳаракат қилди. Ойисининг
қилмиш-қидирмишларию узининг бошидан кечирганларини
қандай бўлса, шундайлигича бир бошдан айтиб берди. Хоти-

ним кетиб қолади ва бошқа турмуш қилади деб Толиб тужжор сира ҳам ўйламаган экан, қоронги ҳужрага кириб кетганича уч кун деганда ўзи ранглари бир ҳолда саргайиб ташқари чиқди. Лекин кўздан мунг кетиб қарашлари қандайдир қатъият касб этган эди. Тамом, қизим, деди эгилган қаддини ростлаб, ҳаётни бошқатдан бошлаймиз.

Бир ойга ҳам етмай онаси ўпмаган қизга уйланиб олди ва Муҳайёни олдига чақириб, ё мингбошидан қўл узасан ёки сени қонуний хотин қилиб никоҳига олсин, деб талаб этди. Эрнийёз Шариф у талабга ҳам ҳўп демади, бу талабга ҳам. Муҳайё Эрнийёз Шарифга қарши боролмас, сабаби, йиллар ўз ишини қилиб, уни бу «бошини силаган одамга боғлаб ташлаган, қолаверса, отаси мингбоши режаси билан зиндондан қутулиб чиққан эди. Сўнгги мулоҳаза Толиб тужжорни ҳам ўйлаб қўйди. Эрнийёз Шариф уни ҳузурига чақириб, Манқиш-лоққа чекинган Исфандиёр султонни қўллашга даъват этгани, шундан кейини яхшиликлари ёдига тушди. Бир нима деёлмади.

Яқинда эса отаси мутлақо янги бир гапни қўлогига шипшитди. Кетамиз, деди, Тошкентга кўчиб кетамиз. Муҳайёнинг нега деган саволига бунда яшаб бўлмай қолди, деб жавоб қилди. Ҳа, бунда яшаш қийин, лекин Тошкентда осонми? Отасининг фикрича, осон бўлармиш. Балки кетишар. Тақдир нималар тайёрлаб қўйганини одам билармиди!

Муҳайёнинг хаёли бозорда тасодифан рўй берган бир воқеага кўчди. Қовун-тарвуз растасидаги бир одам терлаб-пишиб харидорга қариқиз¹ни мақтар, талаффузи галати эди.

— Поли пор, пулинг чаноп. Пулнинг новвоти пор.

Қаердадир бундай талаффузни эшитган эди у. Епинчиги остидан сотувчига қаради. Думалоқ, қорача юзи танишдай кўринди. У ҳамон қовунни мақтарди:

— Пу палагидан пуқун узилган. Пўчоги-да пол пунинг.

Муҳайё эслади. Ҳабашнинг қабулига борганида кўрган эди. Ёнидаги шеригига «п» билан «ч»ни бўрттириб ҳасрат қилар, ўглини хон черика олгани, кўшни бой сув бермай қўйгани, ўгли қайтиб келса, бойнинг ақлини киритиб қўйиши ҳақида куюниб гапирарди. Унинг ўз ўгли ҳақидаги гапи Муҳайё бонуга айниқса таъсир этган, эсон-омон қайтиб келақолсин бечоранг, деб дуо қилган эди ичида.

Муҳайё шуни эсларкан, дастёр қизнинг «бону, эҳтиёт бўлинг, тойчоқ» деганини эшитди. Угирилиб қарадию қатор-қатор қовун-тарвуз уюмлари устидан худди кийикдек сакраб келаётган қора тойчоққа кўзи тушди. Кўкси очик, оқ яктакли йигит уни қувиб келар, болалар, аёлларнинг қий-чуви, қовунчиларнинг «ушла, олдидан чиқ», деган овозлари қўлоққа урилар эди. Олдинга ўтиб кетмоқчи бўлган тойчоқ тўсиққа учраб, ўзини ёнбошга ташладию Муҳайё турган одамлар тўпига ке-

либ урилди. Муҳайё чап тўпиги қайрилиб, чинқирганча ўтириб қолди.

Одамлар ёрдамга шошилганларида кимдир тўпиқ чиққанию, вақт ўтказмай табибга кўрсатиш лозимлигини эста солди. Қовунчи чол билан от қувиб юрган йигит Муҳайёнинг қарши-лигига қарамай уни табибга олиб боришди. Чиққан тўпиқни жойига солган табиб қирқ кун тахтакач²да сақлашни маслаҳат берди.

Қирқ кун давомида Қипчоқдан Муҳайёга деб қимиз ва шарбат келиб турди. Қизиги шуки, уни «бировга ишонмай» Нуруллонинг ўзи келтирарди. Йигит ҳар гал «онасини йўқотиб қўйиб ўзини қовун растасига урган тойчоги»ни ёмонлар, унинг бевошлигию ҳуркаклигини айтиб, қизга зимдан галати-галати қараб қўяр эди, Муҳайё бу ўгли нигоҳнинг тагида нима яширинганини сезмай қолади. Қандай бегубор нигоҳ деб ўйлади у ёпинчиги остидан ўзи ҳам унга тикилиб қолиб.

Ҳозир, тун ярмида у яхна чой ҳўплаб хаёл сураркан, милт-милт шам ёруги аро ўша зимдан боқувчи қўзлар кўрингандай бўлди. Йигит дегани ҳам шунақа ёқимтой бўладими!

Муҳайёнинг ширин хаёлларини бўлиб эшик тақиллади. Эрнийёз Шариф ҳам ухламаган экан Муҳайё билан баравар ўридан турди. Хизматкор эшик орқасидан Элтузар келганини маълум қилди.

Элтузар келтирган хабарлар бошланаётган қишнинг мана шу қора тунидек совуқ эди. Абулғози султонни хон ҳибсга олган, ҳамроҳларидан кўпчилигини ўлдирган, қолганларини зиндонга ташлаган. Қаерда найман бўлса бир бошдан қираёттир.

— Найманни қириши Элбарс ва Ҳабаш уруги бўлганидан, Абулғози султонни недин ҳибсга олмиш? — ўглининг фикрини билиш учун атайлаб сўради Эрнийёз Шариф.

— Найманни тинч қўй, уругда не айб демиш Абулғози султон.

— Билур эдим, шундоқ бўлишин билур эрдим, — деди Эрнийёз Шариф ҳозиргина тўшақда гумонларга ботиб ётганини унутиб. — Сени хон юбордим ё... ўзинг келдинг? — ўз товуши ўзига таҳликали эшитилди.

— Ўзим қандоқ келурмен? — отасининг ташвишини тушуниб деди Элтузар, — Урганчининг ҳолатин билгил деб ўзи юборди хон.

Эрнийёз Шариф хайрият, деди ичида. Демак хон унга, уларга ишончини йўқотмаган. Мингбошининг ёриша бошлаган юзи яна қорайди. Абулғози султон ва унинг атрофдагилар ҳам Эрнийёз Шарифга ишонишади, уни ўзларига ҳамфикр деб билишади, Элтузарнинг хон топшириги билан келганидан огоҳ бўлиб қолишса...

— Тунда келганимнинг боиси шулки, — деди Элтузар ота-

¹ Қариқиз — тўрлаган, лекин айрича ширин қовун нави.

² Тахтакач — гипс.

сининг хавотирини сезиб, — менинг ташрифим маҳқамадан сир тутилмоги даркор. Даги битта ўзим келмаганмен...

Эрнийёз Шарифга ҳаммаси тушунарли бўлди.

— Ундоқ бўлса дуруст, — деди ўглига мулойим боқиб, — дуруст!

Мингбоши имоси билан хизматкор Элгузарга хужра тайёрлаб, дастурхон тузаб қўйган эди. Элгузар қолишга кўнмади, юмуши кўплигини айтиб чиқиб кетди. Ё отасининг ношаръий хотини уйдаи тунаб қолишни истемади, ёки ҳақиқатан ҳам тунда қиладиган юмуши бор. Бу фикр Эрнийёз Шариф кўнглининг бир чеккасидан ўтдию унутилди. Чунки унинг миясини бундан муҳимроқ ўйлар қамраб олган эди.

15

Алп арслон билан Ҳожиназар ўртасида аввалига учинчи киши — Эрнийёз Шарифни маслаҳатга чақириш керакми, йўқми — шу ҳақда баҳс кетди. Бири у ишончли одам, Исфандиёрхоннинг марҳаматидан умидини узиб, Абулғози султонга қўл берган деса, иккинчиси режамизни ундан сир тутганимиз яхши, дер эди. Алп арслон ўзиникида туриб олди, раиятнинг ҳам, сипоҳнинг ҳам аксарияти мингбошининг қудугидан сув ичади, унга биз ҳам таянишимиз даркор, деди. Ҳожиназар ён босгач, Эрнийёз Шарифни маслаҳатга чақириб, Абулғози султон ҳибсга олингани, шошилинич чора кўриш лозимлигини унга айтишди. Мингбоши ҳеч нарсадан беҳабардай тутди ўзини.

Иккала сардор ўртасидаги баҳс ахийри «сан-манга» бориб етди. Зудлик билан навкарларни йигиб, Хивага бостириб борамиз, Абулғози султонни озод этамиз, деди Алп арслон. Унингча, Урганчдаги навкар сони ҳам, қурол ҳам Хивадагидан кам эмас, ҳамма Абулғози султонга хайрихоҳ, унинг ҳибсга олинганини эшитгани ҳаммо оёққа қалқади, хон бу билан ҳисоблашишга мажбур, қон тўкмасданоқ шаҳзодани озод этиб юборади.

Ҳожаназар кўнмади. Абулхонлик, манқишлоқлик сардорлар ўз чериклари билан ҳали ҳам Хивада, ҳатто ҳосилни йиғиштириб олишга-да аҳли навкарга рухсат беришгани йўқ, Урганчдан борган навкарларни битта қолдирмай қириб ташлашди, деди.

Хивага кетишидан олдин Абулғози султоннинг ўзи айтган сўзларни далил қилиб келтирди Ҳожиназар. Ушанда, кўпчилик шаҳзоданинг хон қабулига боришига қарши чиқиб, ҳужумга ўтишни таклиф қилишганида Абулғози султон айтган эдики, ҳозирги энг тўғри йўл — бу мураса, Хивага тик боришнинг мавриди эмас, қишни тинч ўтказиб, не тадбир бўлса баҳорга қолдирмоқ даркор, шундан бошқаси ҳалокатга олиб боради.

Шундан сўнг, Ҳожиназар яна битта далил келтирди: Урганчда ҳамма Абулғози султонга хайрихоҳ дейлиши нотўғри. Тангриберди сардор султонга бежиз оталиқ қилиб қўйилгани йўқ,

унинг черикка таъсири оз эмас, Муҳаммад Ҳусайнбекнинг Урганчда қолдириб кетган жазабийлари эса Хивадан ишора кутишяпти, хонга қарши чиққанини еб ташлашга тайёр.

Не қиломоқ керак, деган саволга — ҳийла ишлатмоғимиз даркор, деб жавоб берди Ҳожиназар. Қандоқ ҳийла? Мана бундоқ: Хивага чопар юборилади, хонга айтиладики, шаҳзоданинг ҳибсга олинганини эшитган улус Урганччи тарк этиб чиқиб кетмоқда, кимлар Бухорога, кимлар Туркистонга йўл олдилар, халқни тўхтатиб қолиш учун Абулғози султон билан Муҳаммад Ҳусайнбек шошилинич этиб келсин, акс ҳолда Урганчда одам қолмайди. Хон бунга ишонади ва иккаласини юборишга мажбур бўлади. Улар келгач эса...

Узоқ баҳс-мунозарадан сўнг Ҳожиназарнинг фикри қабул қилинди ва Хивага ўша заҳоти чопар жўнатилади.

Орадан бир кун ўтиб, хуфтон намозиға яқин Абулғози султон, Муҳаммад Ҳусайнбек ва Тангриберди сардорлар Урганчга этиб келишди. Вақт бой берилса, улус кетиб қолишидан хавфсираб дарҳол уларни жўнатишга хон мажбур бўлган. Ҳожиназар ва Алп арслон улуснинг бир қисми «Бухорога кетгани»га сардорларни ишонтиришгач, улар эрта тонгда маҳқамага келишни кўзлаб, тарқашди.

Эл-улуснинг тарқаб кетиши ҳақидаги гап ўзини қутқариш учун тўқилган уйдирма эканини билгач, Абулғози султон эндиги режани сўради. Шунда кенгаш аҳли яна иккига бўлинди. Алп арслон шу туннинг ўзидаёқ черикни тўплаш, Муҳаммад Ҳусайнбекни ўлдириб, тонг билан Хивага юриш бошлашни таклиф этди. Ҳожиназар эса тарқаб кетаётган улусни «тинчитиш», хоннинг ишончини қозониш, қиш ўтиб кўклам келгач, вазиятга қараб иш тутиш тарафини олди.

Уларни тинглаб, Абулғози султон ўзича мулоҳаза юритар, Хивадаги кутилган ва кутилмаган воқеалар, Исфандиёрхоннинг қалтис қадамлари, бемаъни ҳаракатлари ҳақида ўйлар эди. Қиргинбарот савашлардан, огир йўқотишлар ва талафотлардан сўнг мамлакат жароҳатларини даволаш ўрнига хон унинг кўксига яна ханжар урсат, бегуноҳ уруг ва элатлар бошига яна кулфатлар солса... бундай қасоскорлик ва мустабидлик билан қандай келишиш мумкин?

Абулғози султон хон ҳузурига катта умидлар билан қучоғини очиб кириб борди. Янги Урганччи бунёд этиш, уругларни бирлаштириш, юртни обод қилиш режалари ҳақида унга гапириб бермоқчи, хон ижозатини олиши биланоқ юмушларни бошлаб юбормоқчи эди. Аммо салом-аликсиз хоннинг газабига дуч келди. Исфандиёрхон уни найманлар билан мурасасизликда айблаб, бу уругни битта қолдирмай қириб ташлашни талаб этди. Уругни қириш?! Нечун? Ҳабашларнинг қилимиши учун уларнинг уруги хун тўлайди, таг-томири билан қуритаман, деди хон. Вожаб! Бу қандоқ сиёсату бу қандоқ бедодлик! Абулғози султон бунга тиш-тирноғи билан қаршилик кўрсатажағини айтгач, хон уни ҳибсга олди. Кўзини боглатиб қўйди.

Ҳибснинг тағида бошқа маъно борлиги, найманлар ҳақидаги

баҳс бунга баҳона бўлганлиги аён эди. Хон найманларни таг-томири билан йўқотаман деганида ўзининг барча рақибларини назарда тутгани, Абулғози султонни ҳам аллақачон уларнинг қаторига киритиб қўйгани шубҳасиз. Абулғози султоннинг қил устида турган ҳаётини Урганчдан келган хабаргина сақлаб қолди.

Шуни назарга олганда Алп арслон ҳақ, гадаги хунрезликдан Исфандиёрхонни фақат қаттиқ қаршиликкина тўхтата олишга қодир. Аммо қаршилиқнинг ўзи хунрезлик эмасми! Эл эртага яна уруш гирдобларига ташланса, буткул чўкиб хонавайрон бўлиб кетмайдими! Шу ўй-мулоҳазаларини жамлаб, Абулғози султон маслаҳат тариқасида деди:

— Сабр таги олтин демишлар. Сабр-тоқат бирла қишни осойишта ўтқариб, хонни мурасага чақирсак... магарким онда наф бўлмас эрса, сўнгги чорани қўлламоқ мақбулдир.

— Онгача ул бизни ўлтурур, — деди Алп арслон, — ўз бошимизни ўзимиз кундага қўямизми? Кутмоқлик биз учун ўлим, жангга кирмоқлик нажотдур.

— Жангга қўлимиз баланд келмогига мен ишонмасмен, — сардорнинг ўжарлигидан оғриниб деди Ҳожиназар, — бизнинг черикдан хоннинг лашкари икки карра кўп турур. Тагин, қилич ялангочлаб қиш келур.

Тахтни ағдариб ташлашга Алп арслон ҳам умид боғламаган, нияти хонни ўйлашга, аҳли Урганч билан ҳисоблашишга мажбур этиш эдики, шуни айтишга чоғланганида уни тўхтатиб, мингбошидан сўради Абулғози султон: сиз не дерсиз? Эрнийез Шариф бир Алп арслонга, бир Ҳожиназарга қараб олди-да:

— Сиз нени амр айларсиз, мен шунга итоат этурмен, — деди ясама эҳтиром билан.

Абулғози султон «амр» сўзини киноя деб тушунди ва мингбошига ишониб нотўғри қидиммикан, деган шубҳа кўнглидан ўтди.

— Бизнинг бори навкарларимиз худди мингбошига ўхшаб қатъий сўз — амр кутаду, — деди Алп арслон. Сардор унга ишонар, Исфандиёрхондан қўлини ювиб қўлтиққа урган деб билар, иккиюзламачилик қилишга ақли бовар этмас эди. Ўзи эса Абулғози султонни элнинг суянч тоғи деб биларди, ҳозирги қатъияти, жонини жабборга беришга тайёрлиги ҳам ана шундан.

Сардорнинг тиришқоқлиги шу даражага бориб етган эдики, у ўз навкарларига зудлик билан тўпланиш ҳақида бемаслаҳат хабар ҳам етказиб улгурган, тонгдаёқ чериги қалъа дарвозаси олдида жамул-жам бўлиши гамини еб қўйганди. Баҳс-мунозара ҳарчанд чўзилса ҳам буни айтишга журъат этолмас, лекин қандай қилиб бўлса-да, ўз фикрини ўтказишга, бу билан, бир чеккаси навкарлар олдида субутини сақлаб қолишга ҳам уринарди.

— Хабарлар борки, — деди ўз тахминини ҳақиқатга йўйиб, — шул кеча-кундузда йигитларимиз беқарор, ишонч-эътиқоди аввалгидек собит эрмас, вақт бой берилса, черик бой берилур. Чивирни бўш тутсанг, қўлингни кесаду...

Тағдор қилиб айтилган бу гапдан кейин мунозара — муло-

ҳазага, мулоҳаза — мурасага айланди. Отлиқлар навкарларга хабар бергани, Алп арслон Муҳаммад Ҳусайнбекни қўлга олиб ўлдиргани, Ҳожиназар заҳира аслаҳа-улов, озиқ жамлагани, бошқа сардор ва ясовулар эрта тонгда қўшин тўпланадиган шаҳар дарвозаси олди-атрофини назардан ўтказгани чиқиб кетишди. Абулғози султон кимхоб тўнини совутга алмаштиришга мажбур бўлди.

Ҳаммадан ҳам кўп Эрнийез Шариф шошарди, негаки, ўгли Элгузарни воқеадан хабардор этиши, у эса нима қилганида ҳам Алп арслондан олдин Муҳаммад Ҳусайнбек қўналгасига етиб бориши шарт эди...

Кун чиқиши билан белгиланган уринда черик саф тортди. Ундан бироз олдин Алп арслон Абулғози султонга сотқинлик рўй бергани, Муҳаммад Ҳусайнбек қочириб юборилганини хабар қилди. Ким бўлди сотқин? Буни ўйлашга фурсат қолмаган, вазият тез бир қарорга келишни тақозо этарди.

Абулғози султоннинг фикри: тунги қарорни бекор қилиш, черикни жой-жойига қайтариш, Муҳаммад Ҳусайнбек асоссиз шубҳа билан ўзи қочиб кетган дея хонни ишонтириш, савашни кўкламга қолдириш. Мулоҳазаси қанчалик асосли бўлса-да, сардорлар аҳдни бузишни хоҳлашмади. Ҳатто Ҳожиназар ҳам бўғоти олинган тўлқинни тўхтатиб бўлмаслигини айтиб, отига миनावерди.

Қалқиб турган қўшин Хивага оқди.

16

Заррин қуббаси ёрилиб, кошинлари қулаб тушган Тўрабекхоним мадрасаси олдида кўпдан кўришмаган икки ошно — кекса меъмор билан урта яшар созада учрашиб қолишдию бир паслик ҳангомада гап тирикчиликка бориб тақалди.

— Сизга ёлгон, менга чин, э, мўмини ошно, — деди меъмор носқовогини қўлига оларкан, — Урганчда меъморга юмуш қолгани йўқ, бутун ёз, бутун куз шогирдларим пашша қўриб ўтиришди, пошшо қурмайди — уруш билан овора, улус қурмайди — қўли калта. (Бармоқлари учига бир чимдим нос олиб, гул ҳидагандай маза қилиб бурнига тортди.)

— Ҳовва, ўлманг, — меъморга тақлиданми ёки ўзининг одати ҳам шуми, носқовогидан кафтига жиңдек нос тўкиб, бурнига тортди созада, — худо раҳмати устозим айтардиларки, қўшни урушса уй, пошшо урушса эл қурийди. Элни қуритди бу шаҳзодалар. Ана, етти кундан бери яна ташашаяпти экан.

— Шу Исфандиёрхонни айтаман, тахт керак бўлса олдин, яна не деб уруш қилурсен, — жиги бийрони чиқиб деди меъмор. — Чин пошшо эмас булар, чин пошшо ўз-ўзи ила урушмас, чин пошшолар ўтиб кетган, э, мўмини ошно. Онлардин мана бунга ўхшаш ёдгорликлар қолмиш, — меъмор Тўрабекхоним мадрасасини кўрсатди, — булардин не қолур?

— Созандага-да юмуш йўқ, уста. Худо раҳмати устозим айтардиларки, қилич гилофдин чиқса, рубоб гилофга кирадур. Рубобимиз кўпдан гилофда. Бош олиб чиқиб кетишдан бошқа иложимиз қанча?!

— Ростдан кетурмисиз?

— Бир бизми йўлга чиққан? Эшитиб, кўриб тургандирсиз.

— Менинг шогирдларим-да Бухоро кетайлик, дейишур. Не дейиб жавоб қилайин, билмасмен.

— Йўқ десангиз-да кетурлар, уста. Меъмор қари қизмиди-ки, сақлаб ўлтирсангиз. Худо ёрлақаса бир куни қайтиб келармиз.

— Шогирдларим ила дилингиз-да, тилингиз-да бир.

— Ховва, ўлманг!

Қибладан бешта арава келиб, ҳамсухбатлар ёнидан катта йўлга чиқди. Араваларда кексаю ёш эркак-аёллар, болалар, сандиқлар, бешиклар... Араваларнинг ортида туя, мол-қол.

Турабекхоним мадрасасига яқин бўлган уз маҳкамасида ҳозир Эрнийез Шариф ҳам кетиб бораётган от-араваларни кўриб ўтирарди.

Абулғози султон ҳибсга олингану улус тўнини тескари кийган экан-да. Кўч-кўч бир қарашда тирикчилик тақозоси бўлиб кўринади-ю, лекин аслида Исфандиёрхондан норозиликнинг ўзгинаси. Ҳеч ким билмаса ҳам буни мингбоши билади.

Нима қилайлик деб Исфандиёрхонга одам жўнатган эди, ундан кетадиганларнинг йўлини тўсманг, деган жавобни олди. Бир ҳафта олдин кўчудан чўчиган хон нега энди унинг йўлини очиб қўйди? Хон бир балони ўйлаган, бекордан бекорга «ана, кетсанг — катта кўча», деб қўл қовуштириб ўтирмас?..

Хивага мактуб билан борган чопар жангда кучлар тенг келаётганини билиб ҳам қайтди. Ҳатто гоҳида Абулғози султоннинг қўли баланд ҳам келаётган эмиш. Мабодо савашда хон енгилгудек бўлса...

Охирги фикрнинг пайдо бўлишидаёқ мингбошини тер босди. Хон енгилса, нималар бўлишини ўзича тасаввур ҳам этиб кўрди. Абулғози султон хон кўтарилди. У Муҳаммад Ҳусаинбекни қийноққа олиб, сирни очади. Шундан кейин жарчи қўйиб, қатлгоҳга ҳалойиқни тўплайди. Мингбошини ё сирихга ўтказади ёки отга судратади, Элтузарни эса дорга осади... Астафурилло! Хаёлингни қув, мингбоши. Фаришталар омин деб юборса нима бўлади?... Ваҳимага ўрин йўқ. Биринчидан, Исфандиёрхон енгилмайди, иккинчидан, мабодо Абулғози султонга толе кулиб боққан тақдирда, Элтузар Муҳаммад Ҳусаинбекни заҳарлаб ўлдиради. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолаверади. Тур ўрнингдан, қаддингни ростла!

Эрнийез Шариф бейхотиёр ўрнидан туриб кетди. Лекин қанчалик бошини гоз тутишга уринмасин, битга мунг ичида турганча уни пастга тортаверди. Чой ичиб, чилим чекиб кўрди, меҳдан бахтлиси йўқ деб кўнглини кўтармоқчи бўлди, лекин ўша мунг қайтанга бошига уриб, таззасини қалтиратиб юборди. Ваҳимани унутиш йўли — айш-ишрат деган эди кимдир,

ўша ёдига тушиб, юмушларидан ҳам қўл силкиди-да, тўғри иккинчи уйига — Муҳайё билан кўнгли очгани кетди.

Ҳовлига яқинлашаркан, дарвозага катта қулаф урилганини кўриб ҳайрон бўлди, мулозимининг ёрдамини четлаб, отдан тушди-да, қулафни кўздан кечирди. Бошқа. Янгитдан қўйилган. Нега? Қаёққа кетган? Сўнги марта қачон келганини эслади мингбоши. Орадан атиги етти кун ўтган. Нима бўлақолдикин? Мулозимини қўшни чол-кампириникига юборди. Балки, уларга бир нима деб кетгандир?

Айтишмаган бўлса-да, қаёққа кетишганини кампир биларкан. Кеча дарвоза олдида учта арава пайдо бўлган. Иккитаси юкли, биттаси буш. Юкли араванинг биттаси Толиб тужжорга, иккинчиси қандайдир қовунчига (ўглининг исмини Нурулло дейишди) тегишли. Буш аравага Муҳайё бонунинг сандиқларини юклашди. Тошкан, Тошкан деганлари қулоққа чалинди.

Кетган. Кетишган. Эҳ, илоннинг ёгини ялаган тужжор... Қовунчи, унинг ўгли Нурулло... Муҳайёнинг оёғи лат еганда йигит қимиз олиб келди, дейишувди. Бекорга эмас экан-да. Мингбошининг мияси гувлаб, қулоғи шангиллади.

Маҳқамага қайтаркан, от устида мунгайганича хаёлга боғлиб нима қилиш кераклигини ўйларди. Топди. Туфуради тужжорга ҳам, унинг бузуқи қизига ҳам. Керак эмас, йўқолгани бўлсин. Йўқ! Уларни жазолаш даркор. Ҳали узоққа кетиб улгуришмаган. Ҳозироқ йигирма-ўттиз йигитни уққур отларга ўтказиб, орқаларидан жўнатади. Араваларига ўт қўйдиради.

Маҳқамада эса уни бошқа хабар кутар эди. Келиб уни эшитиши билан тужжорларга миясида ўрин қолмади. Уни ларзага солган хабар ўзи қисқагина эди: саваш натижасиз тугаган, яраш ҳақида битим тузилган, Абулғози султон Урганчга қайтиб келяпти...

Энди Абулғози султон сирни очмай қўймайди, деган фикр мингбошининг калласига кўргошин бўлиб қўйилди. Ҳозирча шаҳзодаанинг кўзига кўринмаслик, Хивага жўнаб қолишни лозим топди. У ерга бориб вазиятни билади, эҳтиёт чораси Муҳаммад Ҳусаинбекни йўқотади.

Мингбоши саҳро оша от елдириб кетди ҳамки, Абулғози султон дарёнинг эски ўзани бўйлаб Урганч остонасига етиб келди.

17

Қалъа дарвозаси олдидаги оломонни кўриб, Абулғози султон аввалига исёнмикан деган хаёлга борди, лекин яқин келгач, юкли от-аравалар, уларнинг орқасидаги қуй-молларга кўзи тушганидан сўнг галаёндан-да кучлироқ кўтарилиш рўй берганини англади. Юзбоши ва мингбошилар, миршаблар ҳалойиқни тинчитмоқчи, олга силжиётган от-араваларни тўхтатмоқчи бўлишар, аммо одамлар оқими худди қирғоғидан ошган денгиздек, тўсиқларни писанд этмай тошиб-кўпириб борарди.

Черикни ва унинг олдида келаётган Абулғози султонни кўрган миршаблар одамлар энди тинчиса керак деб йўлни бушатган

эди, гувранги халойиқ битта қалқиш билан шаҳзоданинг отига яқин бориб қолди. Йулбошловчиларидан бири, саргиш така пустили чавандоз йигит орқасига қайтиб оломонга юзланди.

— Тинчлан, халойиқ, — деди йўгон ва кучли овоз билан шовқин-суронни босиб, — Абулгози султон келмишлар, энди миршаблар йўлимизни тўса олмагайлар.

«Черик йўлни бўшатсин», «Шаҳзодалар урушни тўхтатсинлар», деган овозлар эшитилди. Абулгози султон навкарларига деди: йўлни очинг! Черик иккига бўлиниб, оломонга йўл берди. Олдидаги гов олиб ташланганини кўрган халойиқ тўсиқларни босиб-янчиб бўлган тошқиндай, ҳовуридан тушиб тўхтади.

Улуснинг жунбушга келишига бир гуруҳ мингбошиларнинг ўзлари сабабчи бўлган эди. Олдиниға улар чўнг мингбоши Эрнийёз Шариф орқали йўл тўсимасин деган хон фармойишини олишгач, дарвозаларни тўла очиб қўйишди. Лекин савашнинг битим билан яқунланганини эшитганларидан сўнг, Абулгози султонга хуш ёқиш мақсадида от-араваларнинг олдиға миршабларни кўндаланг қўйишди. Оз-оздан тўпланган улус ҳадемай оломонга, оломон эса тўлқинга айланди.

Мингбошилар ёнида турган қозикалондан Абулгози султон сўради:

— Не ҳол юз бермиш, мавлоно, баён айланг.

«Биздан сўранг, ўзимиз айтурмиз», — қичқирди олдиндаги арава шотисида тикка туриб олган новча йигит.

— Мен Туркистонга кетурмен, — деди йигит ва қўлини чўзиб ён аравадагиларни кўрсатди, — манавилар Тошкентга, манавилар Бухорога. Лекин анавилар (қўлини энди қозикалон ва мингбошилар томон чўзди) йўлимизга чот босурлар, бошимизда қамчи ўйнатурлар. Шу адолатданми, шаҳзода?

«Э, буларда адолат не қилсин», — деди орқадагилардан бири. Оломон яна гувранди: «Каззоблар, шайтонлар».

— Эл-улус йўлини тўсмоқ дарё йўлини тўсмоқ билан баробар, — деди Абулгози султон, — аммо айтинглари-чи, юртни тарк айламоқдин муддао недур?

— Муддаомиз тинч ва беҳадик яшамоқдир, — йигит қолиб, жавобни йулбошловчи берди, — охири кўринмайдурган низолардан, урушлардан тўйиб кетдик.

— Уруш барҳам топди, — бутун оломон эшитишини кўзлаб баланд кутарди овозини Абулгози султон. — Хон яраш шартномасига муҳр босдиким, бу низоларга чек қўймоқликка гаров, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка ёрлиг эрур!

— Сиз шунга ишонурмисиз, шаҳзода? — деди ёши ўтган бўлса-да, отида гоз ўтирган уламосифат киши. Абулгози султон уни таниди: Ал-Кабир масжиди имоми.

— Ҳа, ишонурмен, — деди Абулгози султон ички бир ҳаяжон билан. — Шармандали қиргинлардан халос бўлганимизга ишончим комил, энди уруш бўлмайдур, энди юрт тинч, эл осойишта яшайдур, хон шунга кафолат берди, мен бул аҳду паймонга ишонурмен!

— Хоннинг кафолати сохта, — деди имом иккиланмай, —

Исфандиёрхон улус қонин тўкишдан тўхтамас, ўз юртимизда бизга кун йўқдир, шаҳзода!

Чурткесар имомнинг бу сўзларини кейинчалик кўп эслади Абулгози султон. Ҳозир эса ранжиганини яширолмай халойиққа деди:

— Қалъамизда ҳар бир фуқаронинг беҳадик ва осойишта яшамогига мен кафолат берурмен. Мен, сизнинг волий, кафолат берурменким, молингиз бедахл, жонингиз омонда бўлаур, менга ишонинглари, азиз юртдошларим!

— Сизга ишонурмиз, хонга ишонмасмиз, хон сизга изн бермас, — деди имом.

— Шонмаймиз, хонга шонмаймиз! — Уни қувватлаб ҳайқирди оломон.

Йулбошловчи йигит чуқ деб отига қамчи урди. Бошқалари ҳам жиловни қўйиб юборишди, от-аравалар ўрнидан жилди.

— Тўхтанглари! — охири иродасини тўплаб, халойиққа муурожаат этди Абулгози султон. — Қай эл юртим нотинч, дея тинч ўлкаларга кетмоқликни ихтиёр этур, мусибатли дамларда ватанига мадор бўлмоқлик ўрнига қай эл ундан қўл силкиб, этагини қоқиб чиқиб кетур, айтинглари, қай эл шундоқ қилур?!

Аравасида тикка туриб олган йигит:

— Бизни айбламанг, шаҳзода, — деди отини секинлатиб, — Ёғийдан қочганнинг йўриги бўлак. Ёғийдан қочган номард. Аммо ўзимиздан чиққан балога тоқатимиз йўқдур. Бизни тўхтатманг, шаҳзода!

«Баракалла, отанга раҳмат», «Урушқоқларга лаънат», деган овозлар майдонни тутди. Газабнок, аламдийда урганчликларни йўлдан тўхтатиб қоладиган куч оламда йўқдай эди.

— Хайр, шаҳзода, — деди имом меҳр билан, — узингизни эҳтиёт айланг!

Турнақатор кетаётган араваларга, ўз туққан еридан ажраб, сарсан-саргардонликка юз тутган жафокаш юртдошларига боқаркан, Абулгози султоннинг юраги ҳаприқиб, кўзларида ёш айланди. Тошли Ёрмиш буйидаги мағлубият алами ҳам, дарбадарликда чеккан азоб-уқубатлари ҳам ҳозирги изтироблари олдида денгиздан бир томчи эканки, бундайин ўкинч озорини, бундайин бахти қароликни ҳеч кимнинг бошига солмагай!

Шаҳарга қайтиб келгач, ўз қароргоҳида ҳам, тунда хобхонасида ҳам турнақатор аравалар, ўртанган, сўкинган, мунгайган одамларнинг кетиби бориши Абулгози султоннинг кўз ўнгидан тўхтовсиз ўтаверди. Ватанидан айри тушган ўша бебахт карвон орқасидан гўё бир неча шарпа қараб турар, бу қора шарпаларнинг бири Қурбонхожига, бири Назархожига, бирлари Элбарс билан Ҳабашга ўхшаб кетар, улар телбаланиб гоҳ кулар, гоҳ йиғлар эдилар. Мамлакатни таназзулга олиб келган, ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам қурбон этган, мана шу кетиби бораётган одамларни бор-йўгидан жудо айлаган, қилмишлари эвазига дўзах ўтларида куйиб қорайган шарпа-руҳларнинг бу телбалиги, кулиб-йиғлашлари даштдаги совуқ шамоил увиллаши-га қўшилиб, еру осмонни ларзага солаётгандек эди.

Ўз хонлари дастидан қочиб, ўз юртидан бадарга бўлган халқ қарғиши ўлганларнинг руҳларини қанчалик чирқиратса, тирикларни шунчалик шармисор этмайдими?! Шундан кейин ҳам орқа-олдини ўйламайдиган мустабилар, олчоқлар билан муроса қилиб яшаш мумкинми?! Савашмоқ керакми? Йўқ, халқ тагин қирилади. Нетмоқ керак? Уша дарбадарлар изидан бориб, уларнинг қайгу-аламларига шерик бўлмоқ, эл-улусни саргардонлик, хору зорлиқдан халос айлаш чорасини топмоқ даркор. Абулғози султоннинг тунги мунгли ўйлари уни ана шу қарорга олиб келди.

Ўглининг бу аҳдидан Зебихонбиби хабар топган маҳал яна маълум бўлдики, Исфандиёрхон дарёдан ўтиб, Урганч сари қушин тортиб келмоқда. Буни эшитиб, Абулғози султон кеча имом айтган сўзларни эслади: «Абулғози султон эса ишонган эди, яраш ҳақидаги аҳдноманнинг чинлигига, хон ўз қарорини бузмаслигига... Хон нақадар шайтон экан!»

Қисқа маслаҳатдан сўнг Алп арслон Орол бўйига, Ҳожиназар Қақралига чекинадиган, Гулрухсор бону Хўжа элига, отасиникига бориб турадиган бўлди. Абулғози султон онаси ва иниси Салоҳиддинни олиб, қирқ нафар навқари билан юртдошлари кетидан йўлга, узоқ ва машаққатли сафарга отланди.

18

Хива қудуги устида якка гужум. Теракча бўйи бор, ҳар шохи ўзи бир дарахт дейсиз. Сўнги уч фаслда неча ўзгариб неча ранг олди. Мезонда гужумнинг эгилиб қолган шоҳлари тиклааниб, қудуқ суви покланди. Гуё қудуқ остида янги булоқлар кўз очгандай. Тангри қудугидан сув олгани челақларини кўтариб келаверди одамлар, келаверди. Қиш (хон найманларни қирган, урганчиликлар кўчиб кетган)да гужумга яна қарга-зоғлар қўнди, кўм-кўк суви дафъатан саргайди. Қудуқ остидаги булоқларнинг кўзларига тош босилдимикан? Кечаги чучук сув шўрақрабога айланди. Баҳорга келиб одамларнинг феъли (Тангри қудугининг суви ҳам) бадтар айниди. Қудуқ суви ўзгариб туришини Шамсиддин хожа шархлаб айтдики, дунёдаги энг оғир тош — гуноҳ тошларидир. У кўпайиб кетганида касри сувга, экинга уради. Сабабки, ўша тошлар ер ва сув остидан қайнаб чиқаётган ҳаётбахш булоқлар кўзини беркитадди. Очарчилик, зилзила ва бошқа офатларнинг рўй бериши шундан. Қудуқнинг кўзини ҳам гуноҳ тошлари босган. Кўх тоғи гуноҳ тошларининг олдида бир урвоқдир. Худонинг ўзи асрагай, золимларга инсоф бергай, йўлдан озганларни ҳидоятга бошлагай!

Шайхободнинг тепасидан ҳам гам-андуҳ булутлари аримай қолди. Бировларни том босган, бировлар йўлда бораётганида шол бўлиб қолган, дов-дарахтларни яшин, одамларни жин урган. Бу баҳорда, Исфандиёрхон янги Шайхобод аригини қаздира бошлаганидан сўнг содир бўлди. Ариқ шайхободликларнинг ҳовли-жойлари, Шамсиддин хожа ерлари ва боғлари устига тўғри

келди. Ариқни сал наридан қазий қолсангиз-чи дейишди шайхободликлар. Шоҳ амри вожиб дедилар миروبлар. Наф бўлмади.

Кўп офатларни даф этиб келган Шамсиддин хожа уйларни йиқиб, ўрнида ариқ қазиганларга ҳой, ноинсофлар, тўхтанглар, бошқа жой қуриб қолибдими сенларга, деса сўзи ерда қолмас эди. Лекин хожа уларга тесқари қараб туриб олди. Ҳатто хон унинг экинзорларини тортиб олганида, сув чиқмайдиган битта тепалиқдан ер ажратиб берганида ҳам пинагини бузмади. Хожа қуриб-қовжираб ётган тепаликни шудгор қилдириб, уруғ сочди. Хон маҳрамлари унинг устидан кулдилар.

Шайхободликлар саройга арзга боришди. Биз-ку майли, лекин Шамсиддин хожа авлиё одам, авлиёга кесак отиб бўлмайти, дейишди хонга. «Шаккоқликлари» учун арзчилар тоза калтакланди. Шамсиддин хожа, Нажмиддин ва Муҳиддин шайхлар бир кечада гойиб бўлдилар. Чирогимизни ёқиб ўтиргайсан деб дарвиш Шамийни уйда қолдирибдилар, ўзлари эса номаълум томонга кетибдилар. Шайхободликлар Шамийдан хожамизнинг дарақларини бергил, деб сўрайдилар. Хон одамлари қийноқ-қистовга оладилар. У эса билмайти.

Кўп ўтмай Шайхобод тошқин остида қолди. Гулдирагу чақмоқлар кетидан шундай кучли сел келдики, уйлар, экинзорларни сув босиб, янги қазилган ариқни ювиб кетди. Амударё суви селга қўшилиб, Шайхободни кўлга айлантирди-қўйди. Қанча мол нобуд бўлди, жонлар шаҳид кетди.

Иккита баландликка — Хонтепа хожа уруғ сочган қурушқоқ тепаликкагина тошқин кучи етолгани йўқ. Хожа тепалигини илоҳий қудрат сақлади дейишди одамлар, Хонтепа сирин (унга Арабмуҳаммадхон дафн этилганини) эса, дарвиш Шамий ва уч-тўрт меъмордан булак ҳеч кимса билмас эдилар.

Ёз келгач, муъжиза рўй берди. Хожа уруғ сепган сувсиз тепалиқда экин гуркираб ўсабошлади. Тепаликни гуё осмон ўз ҳомийлигига олгандай тез-тез уни ҳаётбахш томчиларидан баҳраманд этар, нав-ниҳолларни қуёшдан асраб, сарин еллар эсиб ётар эди.

Бир кетмон урмасдан одамлар оғзи ошга етди. Қоп-қоп бугдой, мош, ловия, нўхат, арава-арава қовун-тарвуз олдилар. Ҳосил таърифни Исфандиёрхонга етди. Арзчиларнинг сўзларини эслади. «Шамсиддин хожа авлиё одам, унга кесак отманг!» Ака-ука шайхларнинг авлиёлигига тан берди хон ва қайда бўлсалар-да, излаб топишга амр этди. Хон «авлиёга отган кесаги» — ўзига қайтишидан, худо газабига учрашидан чўчиб гуноҳини ювмоқчи, тазарру қилмоқчи эди.

Ҳар ён боридади, аммо хожаларни кўрдим деган одам топилмади. Хон элчиларига дарвиш Шамий бир куни айтди. Хожамиз изларини тополмайсиз, зеро, они таъма бирла ахтарурсиз, таъманинг эса ҳеч кимга, хайри бўлмас. Не таъмани айтурсен, эй, дарвиш, дедилар. Дарвиш айтди. Ювилмас гуноҳни ювиш истаги ҳам таъма, хон кўнглини таъма қопламиш.

Дарвиш ўзи холис кўнгли билан Оллоҳ таолодан муждалар сўраб, истигфор айлаб ётар эди, бир кечаси туш кўрди.

Хожанинг қўлга ўрганган икки кийиги (она-бола) боққа кириб тўхтади. Дарвиш улардан сўради. Э, хожамизнинг оқ-опшоқ ёдгорлари, недин ёлғиз кетиб, ул соҳиби имон, зоти мукаррамдин не хабар берурсиз? Она кийик айтди. Хабар керак эрса, юр, орқамдан тушгил.

Дарвиш кўнглида умид пайдо бўлиб, кийикларга эргашди. Қирдан ўтдилар, дарёга етдилар. Дарёда сол оқиб келур эрди. Унга чиқдилар. Оқим ила куйи кетиб, қуюқ ўрмон каноринда нариги соҳилга ўтдилар. Пешин бўлди. Дарвиш намозини ўқиди, кийик боласини эмизди. Яна йўлга чиқдилар. Кўм-кўк майсалар билан қопланган тоққа бориб етдилар. Бу не кўркам тоғдур, сўради дарвиш кийикдан. Ул айтди. Султон Увайс бобо тоғидур. Дарвиш Шамий ҳазрати Султон Увайс бобо ҳақида кўп эшитмиш эрди, ҳазрати хожа тилидан муборак номлари тушмас эрди, ҳақларига дуо ўқиди.

Адр сўқмоқ йўли ила борур эрдилар, битта нишабликка етдилар, кийиклар ул ерни айланиб ўтдилар. Дарвиш сўради. Нега тўғри ўтмадин? Кийик айтди. Бу ерда ҳазрати Султон Увайс хоки поклари ётур, они босиб ўтмоқлик густоҳлик бўлур. Дарвиш тупроқни олиб ўпди, кўзларига суртди.

Муножот тоғидан, Кийиксоғди қоясидан ўтиб муқаддас манзилга — горга етиб тўхтадилар. Кийик гор олдида кўзларидан ёш тўкиб дарвишга деди. Эй, дарвиш, нени истаб эрдинг — етдинг, аммо, сен-да йигла, етим тевадек бўзла, сабаби, хожанг ва шайхлардан жудо бўлгансен, уларнинг жонсиз таналари шул гор ичида...

Дарвиш уйғониб кетиб, икки кўзи жиққа ёшга тўлди. Ёқа йиртиб бўзлади. Фигони фалакка етди. Шайхободликлар, хон маҳрамлари уввос солиб йиглаётган Шамий қошига келиб, ундан ҳол сўрадилар. Дарвиш уларни кийик кўрсатган йўлдан горга бошлади.

Чарх ситамларидан безиб, зулморларнинг дастидан доа деб, тарки дунё этиб, гор ичига кириб кетган ва ундан Худо раҳматига етишган хожа-шайхларнинг жасадаларини тоққа олиб чиққанларида еру осмон мотамга кирди, қуёшнинг ўтли ёшларидан тошлар эриди.

Хон ўз гуноҳини ювмоқ истагида уч авлиёга атаб Хивада муҳташам мақбара қурдирди. Шамсиддин хожа, Нажмиддин ва Муҳиддин шайхлар жасадини қубурга қўярканлар, Муножот тоғидан «Ху-ҳақ!» деган садо келди. Бу ҳазрати Султон Увайснинг умматлар гуноҳини тилаб, Оллоҳ таолога қилаётган илтижоси эди.

19

Муҳаммад алайҳиссаломга меърож кечасида Мусо алайҳиссалом айтдилар. Мен Оллоҳ таолодан дўст тиладим, Девонаи Бурх деган, сен-да тилагил. Муҳаммад алайҳиссалом тиладилар. Оллоҳ таоло Султон Увайс Қорайнинини берди. Яманнинг Қо-

райнин мавзеида ул зот оламга келган кунни борлиқни мушки анбар иси тутди.

Етти кунгача у онасини эммади, қиз бола қўлга олса йиглайди, ўтил бола олса тинади. Қирқ кунгача рўзадор бўлди — онасини кундузи эммай, кечаси эмди. Оллоҳ таоло унга Мақоми той (Хоҳлаган жойида бўлгучи, хоҳлаган жойига боргучи), Кашшофул кулуб ботинни — одамлар қалбини билгучи. Кошибул кубур (руҳлар ҳолатидан огоҳ бўлгучи) олий даражаларини ато қилган эдики, бола етти ёшидаёқ одамларнинг қалбларида яширинган сирларини айтиб, эртага нималар бўлишини башорат қила бошлади. Қорайнинликлар таажжубга тушдилар ва болада жунун аломатини кўриб, уни далли девона деб атадилар. Султон Увайс ўз тупроғига сигмай онаси билан Қорайниндан чиқиб кетди. Узоқ йўл босиб, Хоразмга келди. Овоқ тизма тоғлар орасида макон тутди.

Муҳаммад алайҳиссаломдан саҳобалар сўрдиларким, ул Сизни кўрурми? Расул алайҳиссалом айтдилар. Зоҳир кўзи ила кўргани йўқ. Саҳобалар айтдилар. Ажаб ошиқтурурким, Сизнинг хизматингизга келмай турур? Расулуллоҳ айтдиларким, онинг бир онаси бор турур, кўзи кўрмас, қўл-оёғи шол турур, Увайс кундуз бўлса, тева боқар ва онинг зерини онасига ва ўзига нафақа қилур.

Расули акрам ва ҳазрати Увайс ораларидаги масофа кўп йироқ бўлса-да, ботин кўзлари билан улар бир-бирларини кўриб, ҳолати руҳиятларидан огоҳ бўлиб турар эдилар. Ҳижратнинг учинчи йили, аввол ойи, жума кунида Мадина яқинидаги тоғ билан Султон Увайс тоғи орасига фаришталар ойина тутдилар, ҳазрат тоғ тепасида туриб, Уху газотининг боришини ундан кузатдилар.

Абдуллоҳ бинни Жубайрга Расулуллоҳ айтдилар. Эй, мард саҳоба, ўз мерганларинг ила тоғ тепасидан жилма. Мерганларни шайтон йўлдан оздирди эрса, улар ўлжа пайида тепаликни тарк айладилар. Расулуллоҳ қуршовга тушдилар, аммо саросимага тушмадилар. Ондинки, бир неча жонбоз саҳобалар кўкси оларга қалқон, Саъд Ваққос отган ўқлардан мушриклар Расулуллоҳга яқин йўлай билмас эрдилар. Расули акрам ўзлари Саъд Ваққосга ўқ етказиб берар, «Ирми ё Саъд, фидока адиб ва умий» (Отгил, эй, Саъд, отам-онам сенга фидо бўлсин) дердилар. Ҳазрати Али, амир Ҳамза кофирларга шердай ташланиб қилич урар, найза санчар эдилар.

Саҳобалар Абу Дужона, Абу Талха, Зиёда бинни Хорис Расулуллоҳни мушриклардан ҳимоя айлаб, бирларни қўл-оёқларидан, бирлари жонларидан жудо бўлдилар. Мушрик Утба Расули акрамга бир тош отди, остки тишларининг бирини синдириб кетди, муборак эринлари (лаблари) ҳам тош зарбидан яралади. Буни кўриб турган ҳазрати Султон Увайс ўзларининг пастки тишларидан бирини тош билан уриб синдирилди. Лекин ойинада Расулуллоҳнинг қайси тиши синганиги аниқ кўринмас эди, ҳазрати Увайс тахмин билан иккинчи,

учинчи, жами ўн иккита тишларини уриб синдирдилар. Қонлар тошларга сачради.

Йиглаб ойнага боқдилар, кўрдиларки, мушрик Абдуллоҳ бинни Шихоб Расулуллоҳнинг юзларига қараб тош отди, муборак юзлари яраланиб, ҳазрати Увайс ўз юзларини қонга бўядилар.

Кейинча Қурайш мушриклари ўз гуноҳларига лойиқ жазо тортсалар ҳамки, номусулмонлар ҳидоят йўлига кирсалар ҳамки, иккала баландлик — Уҳуд ва Султон Увайс тоғларида Расулуллоҳ билан унинг дўсти тиши-огзидан сачраган қонларини ҳеч ким ва ҳеч нима юволгани йўқ.

Қоронгулик, ёругликда ою йиллар ўтди, алқисса, Султон Увайс тоғига икки саҳоба келиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак хирқа (тўн), саллалари ва хурмони ҳазратга тақдим этиб айтдиларки, Расулуллоҳ буларни сенга атамишлар ва васият айламишлар, умматлари гуноҳини энди сен Оллоҳ таолодан тилагил.

Ҳазрати Султон Увайс саҳобаларга айтдилар. Фақир бул хирқаларга лойиқ эрмасман. Олмадилар. Саҳобалар Расулуллоҳ васиятларини такрор-такрор айтиб, хирқани ҳазратга кийгиздилар. Эрса, ўн саккиз минг оламнинг нури устларига ёғида.

Ҳазрат Султон Увайс ҳу-ҳақ деб, Муножот тоғига чиқиб, тиззаларини тошга қўйиб, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога илтижо айладилар. Э, бор худоё, ўзинг авф айлагувчидирсан, мағфират қилгил, Муҳаммад умматларини гуноҳини сендан тилармен, саҳв-хатоларин кечиргайсан!

Ҳазрат илтижосидан тоғу тошлар, гиёҳу майсалар, эсаётган шамоллар, учаётган қушлар, ризқини тераётган жонзоту жониворлар танг қотдилар эрса, бир неча кундуз-кеча ўтиб, кўқдан ваҳий келдиким, ноланг ижобат бўлмиш, бир ҳисса умматларнинг гуноҳларидан ўтилди. Ҳазратнинг тиззалари тошни бир баҳя ўйди — бир ҳисса умматлар гуноҳи шунча бўлгай!

Ҳазрат яна кўкка илтижо этдилар. Э, бор худоё, бул кам турур, сендин бари умматлар гуноҳини тилармен, марҳаматингни ҳеч кимдан дариг тутмагайсан! Сужуднинг қирқ биринчи куни кўқдан ваҳий келдиким, икки ҳисса умматларнинг гуноҳларидан ўтилди. Ҳазратнинг тиззалари тошни чуқурроқ ўйди — икки ҳисса умматларнинг гуноҳлари енгил бўлмагай!

Тагин ҳазрат илтижо айладилар, аммо ижобат бўлмади, қолган умматларнинг гуноҳлари бўйинларидадур, тонгла Маҳшаргача они орқалаб жабрин тортгайлар, то ўтларда ёнгайлар, адо бўлмагай!

...Уч авлиё мақбарасида дарвиш Шамий чироқ ёқиб ўтиради, зиёратчилар оёги тинган пайтларда хаёлга толади, Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак каломи шарифларини, ҳазрати Султон Увайснинг ҳу-ҳақ деган нолаларини дилига жо этиб, муқаддас горга кириб, ёруг олам билан видолашган Шамсиддин хожа ва унинг укалари сиймоларини кўз олдига келтиради-да, ўз-ўзига савол беради: валийларнинг касрига қолганлар гуноҳи кечириладиган гуноҳми, ҳашаматли гумбаз-мақбараалар қурдирганлари билан бўйинларидаги гуноҳлари ювилиб кетаюларми?!

Саволига жавоб топишга дарвиш шошилмайди. Билдики, ҳазрати Султон Увайс илтижо қилганларида Оллоҳ субҳонаҳу ва таоло кимни авф айлади, кимни авф айламади, тонгла маҳшарда кимнинг юзи оқ бўлур, кимнинг юзи қаро...

20

Юртини соғинди Тангриберди сардор. Дурунни. Ҳозир ёзнинг жазирама иссиғида ҳам худди баҳордек ям-яшил бўлиб, ичидан доимо оромбахш шамол оралаб турадиган хушманзара боғларини, шарқираб оқадиган ариқлари, жилгаларини, ўз уйи, онаси, хумор кўзли хотинлари, болаларини соғинди. Боғидаги беданаларни, сайроқи қушларнинг хонишини, болишга ёнбошла-аб бир эшиттиси келди.

Жанг-жадалда вақтнинг қандай ўтгани билинмаган эди. Энди эса елиб бораётган от — вақт гўё манзилга этиб, тўхтаб қолгандай. Бу ерда, Хивада шундай. Лекин Дурунда... вақт тўхтаб қолган отга эмас, балки қафас ичида тўхтовсиз айланётган олмаҳонга ўхшайди.

Дурун қўлдан-қўлга кўп ўтди. Хоразмдан Хуросонга, ундан Бухорога, ундан тагин қизилбошга. Неча йилдирки, шоҳ Аббос мозий тасарруфда. Таг-томири билан Хоразмники. Унга қайтарилиши даркор. Барча дурунликлар қатори Тангриберди сардорнинг ҳам орзуси шу, шуни деб Исфандиёрхон хизматида, не оғирлик бўлса кўтариб юрибди. Хон Дурунни қайтариб олиш-олмаслик ҳақида ҳеч нима демаган, лекин ўз тупроғини ўзгаларга бериб қўймас, ахир. Айниқса, яқинда шоҳ Аббос оламдан ўтиб, тахтга унинг ёш невараси ўтиргач, озодликка чиқиш йўли очилди. Шу имкондан Исфандиёрхон фойдаланмай қолмас. Хон бу ишни сардорга топширганида эди... Саваш пайти бирга келган мингдан зиёд навқари ҳужумга шай, изн берилса бас.

Ҳозир хон ҳузурига кириб бораркан, Дурунга йўллаш учун чақиртирган деб ўйларди сардор. Хонни яхши кайфиятда кўргач, бунга ишончи тагин-да ошди. У шоҳлик либосида тахтида ўлтирар эди.

— Сафарга ҳозирлан, сардор, — деди хушнудлик билан, — Исфохон борурсен.

Тангриберди эҳтиром бажо этиб, гапнинг давомини кутди. Хоннинг чеҳраси очиқ, кўзлари уйқуга тўйган ёш йигитнинг кўзидай чақноқ эди.

— Шоҳ Сафёъга нома, совга-салом элтурсен, — деди у, — навқирон шоҳ ила яқдиллик риштасин боғламоғимиз даркор, токи аввалги ишонч кўприклари бузилмагай.

Тангриберди кўнглида милтираган умид шами сўниб, ўрнини алам қолади. Ўз юртимни озод этаман деб турган ботирнинг қўлига гул бериб, ма, буни босқинчиларга элтиб бер, тупроғингни топтаб ётгани учун ёвга тақдим эт дейилса, ўша ботир қай аҳволга тушади? Гулни улоқтириб, ўша гапни айтганнинг бошига қилич урмайдими? Лекин у пошшо бўлса-чи?

Ботир тилини тиядими? Унда ботирлиги қаёқда қолди? Ботирнинг ботирлиги гадога ҳам, пошшога ҳам баробарлигида. Ожизларга кучини ҳамма кўрсатади, зўрларга сўзини фақат ботиргина айтаолади.

Токай Дурун қонини зулуқдай сўради ёғий? Ҳалимфеъл дурунликлар фил эдилар, дардларини ичларига юта-юта чўп бўлдилар. Ўз тили қолиб ўзгалар тилида сўзлашга, ўз улаини қолиб, ўзгалар қўшигини айтишга мажбур. Ботирларининг қўл-оёғига, донишмандларининг тилига қўлф урилди. Ҳоким — қизилбош, қозикалон, муфти-имом ва бошқа казо-казоларнинг бари қизилбош. Дурунликнинг елкаси яғир, нодурунликнинг пичоги мой устида. Қачонгача чидаш мумкин?

— Мени маъзур тутинг, — деди шуларни ўйлаб Тангриберди, — Исфохонга... совга-салом олиб боролмасмен.

Кўп аччиқ-чучукни биргалиқда тоттишган, Абулхон тоғларида, саваш чоғларида синашган, мард сардорнинг бу кўрслигини Исфандиёрхон ичига ютди. Хон билади, сардорнинг қизилбошда алами бор, унга юкиниб бормоқчи эмас. Аммо...

Шоҳ Аббос мозий бор, юртингни талаб қил, деб Исфандиёрни қаерга юборган эди? Дурунга. Даствлабки кучни шаҳзода қаердан олди? Дурундан. Сўнгра Абулхондан. Сўнгра Манқишлоқдан. Агар шоҳ Аббос қўлламаганида ҳозир у тахтада ўтирган бўлармиди?!

— Исфохон кўп муҳташам ва бағри кенг замин, — деди хон сардорга вазиятни тушунтирмоқчи бўлиб. — Бели бақувват, тили бурро, шамшири кескир. Дўстга мурувватли, ёвга бешафқат. Бизга хайрихоҳлигини ўзинг биурсен. Билиб, недин бул гапни дейурсен?

— Сенга хайрихоҳ эрса, ўз мақсади учундир, ўз хазинасини гамини ейдир, — нафратини яширолмади Тангриберди.

— Ким ўз хазинасини гамини емайдир, ким бировга мақсадсиз имдоқ қилгай?

— Мақсад бегараз, имдоқ беминнат эрса, хайрли бўлур, онҳазрат. Оларнинг мақсад-муддаолари...

— Бас! — жеркиб тўхтатди хон, — ҳар ким мақсадин ўзи билур. Менинг мақсадим тахтга янги ўлтирган шоҳни қўлламоқ турур. Онга фаҳм-фаросатинг етмасми?

— Ёвни қўллаш мақсадини фаҳмлашдин фақир ожизмен.

— Ёв эрмас менга Эронзамин.

— Эрса Дурунни сизга қайтариб берсин.

Исфандиёрхон асабийлашиб ўрнидан турди, кирганидан бери тикка турган сардорга яқин бориб, қаҳрга миниб деди:

— Сенинг кўзларинг Дурундин нарини кўрмас, қулогинг ондин ўзга сўзни эшитмас. Худбин бўлма, калтафаҳм бўлмас сардор.

— Чин айтурсиз, кўзим Дурунни кўраду, қулогим Дурунни эшитаду. Куну тун ёғий оёқлари остида гулу гулзорларин, мевазор боғларин, чаманзорларин пайхон бўлганини, ўз уйида ўзгаларга қўл бўлган бечора юртдошларининг мунгли юзлари, ёшли кўзлари, эгик бошларини кўрурмен, оларнинг оҳу

зорларини фиғонларини эшитурмен. Кузларимни юмиб, қўлоқларимни беркитиб яшай билмасмен. Майли, Исфохонга ҳам, ундан нари ҳам борамен, аммо сизнинг номингиз Дурунни озоқ этиш талаби ила...

— Хом хаёллар миянгни заҳарлабду, сардор. Ким битта номага қўлидаги шаҳарни бераду? Талабни ким эшитаду? Бундай нома битмоқни дўст менга маслаҳат айламас, ё сен ақлдан озгансен, ёки душманлиг йулига киргансен.

Хон сардордан юз ўгириб, яна тахтига чиқди. У сукут ичида сардорнинг авф сўрашини кутарди. Тангриберди тиз чўкиб, кечирим сўраш ўрнига ўз фикрини тушунтиришга бошлади.

— Ақлу ҳушим ўзимда ва сизга садоқатим дилимда собитдур. Нома битмоқни онинг учун дейманки, қизилбош олдида эътиборингиз улуг, ҳар неки хоҳиш бор, айтишга ҳаддингиз сигаду, дағи талаб ҳақли...

— Эътиборим кўрабилмаганлар сўзин айтурсен, — ушқирди хон, — Дурун боис шоҳ Сафеъ газабин қўзгаб, икки орага раҳна солмоқлик душманнинг ишиду. Дўстман дейиб, нодин душманнинг ишини қилурсен, кимнинг тегирмонига сув куюрсен?

Хоннинг бу сўзи Тангрибердининг бошига гурзи бўлиб тушди, жони халқумига келди. Тахтга яқин бориб алам билан деди:

— Дурунни деб онда сизга юкинган эрдим, баҳоли қудрат хизматингиз бажо айладим. Қанотингизда ёвингиз бирла савашдим. Ондин сўнг Абулгози султонга оталиқ хизматин бажар, босган қадамидин мени огоҳ тут, дедингиз, амрингиз адо қилдим. Энди аён бўдиким, бизни боғлаб турган ришталар мўрт экан, онинг узилганидин пушаймоним йўқ турур, аммоки, сизга ишонганимдин, Дуруннинг истиқболин сизга боғлаганимдин, сизни суянч тоғи деб билганимдан... Агарчи мен сотқин эрсам, бу дунёда сизга вафоли дўст йўқдир. Энди менга ижозат айланг, юртимга кетайин, Дуруннинг қисматида неки бор, пешонасига неки ёзилмиш, онинг бирла баҳам кўрайин.

Исфандиёрхон сардорнинг ҳар битта сўзидан сабр-косаси тўлиб боради, охири хиёл титраган қўлини ёнидаги тилла қўнгироқчага югуртирди. Ясавул кирди:

— Олиб чиқ, бу сотқинни, — деди ижарганиб, — зиндонга ташла.

Ясавул Тангрибердининг қўлига кишан солди.

Тўйга ҳамма нарса тахт. Қассоблар пичоқларини қайраб, ошпазлар енг шимарган. Гуйяндалар торларини созлашган. Куёв (Сабуктошнинг ўғли) ўз жўралари билан от суриб, келин арава йулидаги пойғани машқ қиляпти. Тўй кўрган жўралари унга маслаҳат беришади: келинни бисмиллоҳ деб кутар, гушангага ўнг оёгинг билан кир, янгалар мўралашса, парво қилма,

келинга (хўжа қизи бўлгани сабабли) оёқ томонидан яқинлаш, новвотли чой беришса, қайтарма, фойдасини кейин биласан.

Сабуктошнинг бўлажак кудаси — Садрхўжа эшон Манқишлоқда ном таратган мунажжим аллома. Таги абулхонлик. Сардор Муҳаммад Ҳусайнбекка яқин қариндош. Зукколикда танҳо. Ҳар битта юдузнинг феъл-атворини қай бири қачон қай буржга киришини билади. Шунга қараб одамларга маслаҳат беради: бугун тирноқ олманг, сафарга чиқмоқчи бўлсангиз, эртага қолдиринг, тўйингиз бўлса, фалон пайшанба ёки жумага қўйинг.

Қизи ҳам отасига тортган. Кўзи доим осмонда. Арши аълодан ёйладиган нурларни кўрармиш. Ўзи ҳам нурдай тоза, ердаги пари, зеҳни ўткир, минг байт газални ёд билармиш. Қуръони карим сураларини тиловат қилганида қилни қирқ ёрадиган отинойилар ҳам тасанно дейишади.

Келин-куёв ҳали савод чиқариб юрган пайтлари мадрасада кўз уриштиришган. Ушандаёқ иккаласи иккита дафтар тутиб, тепасига «Муҳаббат. Вафо» сўзларини йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйишган. Уша дафтарларда куп гап бор, дейишади.

Бир йил муқаддам денгиз тошганида офатни ҳаммадан аввал отаю-қиз сезишган, ой ётиг тугди, ўзингизни асранг, дейишган кўни-кўйниларга. Садрхўжа эшон денгизнинг олис тубларидан тўлғоқни садоларни ҳам эшитган. Сабуктошга келиб айтган ҳам. Гадаги довул бўлса керак деб унчалик парво қилмаган Сабуктош. Тўлқинларнинг бевошлиқларига ўрганиб қолган одамлар товукдан олдин катакларига киришиб, бемалол пинакка кетишганида Садрхўжа эшон ўз оиласини полиздаги чайласига кўчириш билан овора эди. Денгиз чайлагача етиб борган бўлса-да, унга шикаст етказолмади.

Сабуктош Садрхўжа эшон чайласига ўшанда Исфандиёр султонни бекорга олиб борган экан. Чайла олдида қайиқдан энди ҳам тушган эдиларки, мунажжимнинг қизи (бўлажак келин) олдларидан беҳижоб чиқиб қолди. Қайиқ келганидан беҳабар, қора сочлари оёгига тушган қиз Исфандиёрнинг кўнгида шум ниятлар кўзгаганини Сабуктош билмаган экан. Энди (бундан бир ойча олдин) Хивадан хон совчилари келишганини эшитгач, англадики, Исфандиёр ўшандаёқ ўйлаб қўйган ҳаммасини...

Қизнинг боши боғлиқ эканини айтиб, Садрхўжа эшон совчиларнинг дастурхоналарини қабул қилмади, ҳатто қалъа ҳокими Сабуктош номини тилга олиб, унинг ўлини мақтаб ҳам қўйди. Совчилар қайтиб кетишди-ю, лекин тўй арафасида, мана, тагин келиб ўтиришибди. Боз устига «қайсар қариндошинг»ни кўндиргил деб Муҳаммад Ҳусайнбекни ҳам юборибди хон.

Ташқарида тўй тадориги кетяпти, буни кўрсалар-да, меҳмонлар хонасида совчилар безрайиб ўтиришибди, ичкариги ҳужрада эса, уч кишининг боши битта жойга келган — Сабуктош, Садрхўжа эшон ва Муҳаммад Ҳусайнбек чигал тугунни ечиш йўлини ахтаришяпти.

— Совчиларга жавобни такрор айтгаймен, хонга берадур-

ган қизим йўқдур, — деди Садрхўжа эшон аввалги фикрини қайтариб. — Хонда инсоф бўлса, бировга атоғлиқ қизга кўз олайтирадимми?

Садрхўжа эшон ҳаяжонланганидан қўлидаги тасбеҳни ҳадеб айлантирар, оғзи қуриб, кетма-кет чой хўплар эди.

— Ўзни денгизга ташлармен дебдур қизим энасига, онаси менинг-да ўлганим яхши дейиб унсиз-унсиз йиғлаюр, эвимни гамхонага айлантормиш хон. Чиқиб айтигин, ё элчилар бул ишни бас этсун, ё мени элтсун хонга.

— Айтгон бирла бўлмас, чўнгога, — деди Муҳаммад Ҳусайнбек қариндошига. — Совчилар қуруқ қайтмаслик амр этилган. Хон амрин бажармай совчи қайга борур?

Муҳаммад Ҳусайнбек бу сўзни ўзига ҳам қарата айтганини Сабуктош билар, сардор келасолиб унга учрашган, хоннинг раёйини Садрхўжа эшондан сир тутишаётган эди.

Чўнгогасининг Сабуктош билан қуда-анда бўлаётганини Муҳаммад Ҳусайнбек билар, лекин совчилар буни хонга айтишга журбат этдиларми-йўқми, беҳабар эди. Балким айтишолмагандир деган хаёлга бориб:

— Олий ҳазрат, ҳузурингизда доим дилим бирла тилимни тенг тутганмен, — деди ҳамишадагидек самимият билан. — Ҳозир-да нени ўйлармен, они деюрга ижозат айлан!

Хон сукут сўқлади. Буни ризолик аломати деб тушунган сардор Сабуктош билан Садрхўжа эшоннинг аҳду паймонларидан гапирабошлаган эди, Исфандиёрхон унинг сўзини бўлиб ташлади:

— Эртан эшитмоққа тоқатим йўқ. Сен Абулхон ҳокими, жасур сардорсен, узунга ярашуглик сўзни де. Мен Манқишлоқ ҳокими бирла эрсам, Абулхон ҳокими бирла қариндошлик риштасин боғламоқни ихтиёр айлаганмен. Ё сен бунга қарши бўлурмисен?

Муҳаммад Ҳусайнбек ўйланиб қолди. Хон масалани нозик жойидан олган эди. Хонга қиз бермаслик азалдан ёвқурлик рамзи бўлган. Ҳозир сардор бир нима деса, хон уни душманга чиқаради. Шу ердан тўшпа-туғри зиндонга жўнатади. Бир оғиз Исфохонга бормаيمان дегани учун Тангриберди сардорни зиндонга отди-ку.

Одамийликка қобил эмас у. Кичик бир ёмонликни-да унутмайди, аммо қанча катта яхшилиқларини-да хотирдан чиқариб юборгай. Саваш тугаб тахтга чиққанига бир йил бўляпти, лекин Муҳаммад Ҳусайнбекнинг ўзини ҳам, черигини ҳам Хивада ушлаб ўтирибди. Мақсади қоронгу. Сардорга ички бир куч дерди: сўзин рад этма, Манқишлоққа бор, черигингни-да олакет!

Муҳаммад Ҳусайнбек хон сўзини қабул қилиб, Манқишлоқда қаршиликка учраши мумкинлигини айтди. Хон унинг мулоҳазасини тўғри деб топди ва абулхонлик черикдан икки юз навкарни олиб кетишга рухсат берди. Муҳаммад Ҳусайнбек шу жазабий суворийлари билан совчилар кетида Манқишлоққа етиб келди.

Энди чўнгога не десин? Рози бул дейишга аввало узинг тили бормайди, қолаверса, кўриниб турибдики, Садрхўжа асло хўп демайди. У кўнган тақдирда ҳам буюгда Сабуктош... уйига келаётган келинни хонга бердириб қўймайди.

— Мен мавлоно Садрхўжа фикрин маъқуллаймак, — деди Сабуктош Муҳаммад Хўсаинбекка синовчан тикилиб. — Манқишлоқ азалдан бир сўзли, мағрур қалъа, манқишлоқлик ола эрмас, оғзидагин олдирадурган. Исфандиёр кимлигин, афсус, кеч англадик. Айтинг, сардор, Исфандиёрни тахтга ўтқазган сиз бирла мен булмай ким? Манқишлоқ, Абулхон ва Дурун сардорлари, мард ўтлонлари савашда жон олиб, жон бермаганида Исфандиёр элбарсларни енгаолармиди? Бошимизга чиқсин, номусимизни булгасин деб ул нонкўрни тахтга ўтқазганми эдик?

Муҳаммад Хўсаинбек айтолмай турган гапларни Сабуктош айтди. Сардор билан келган жазабийлар ҳам бу фикрдан йироқ эмасдилар. Аммо раддия қандай оқибатларга олиб келишини ҳам эсдан чиқариб булмайди. Муҳаммад Хўсаинбек шу ҳақда сўз юрита бошлаши билан Сабуктош:

— Оқибат не булишин Исфандиёр уйласин, — деди қатъий қилиб. — Ўзимиз қўйган хонни ўзимиз олишга-да қудратимиз етадур...

Муҳаммад Хўсаинбек шу дамгача гўё чорраҳада қаён юришини билолмай турган эди, энди эса тўғри йўл аниқ кўрина бошлади. Лекин Сабуктош нимага ишониб бундай демоқда? Ўз кучигами? Битта Манқишлоқнинг ўзи нима ҳам қила оларди? Сабуктош Муҳаммад Хўсаинбекни бирлашишга қақираётгани йўқми? Абулхон билан Манқишлоқ бирлашгудек булса, чиндан ҳам катта кучга айланмайдими? Исфандиёрхон балким шундан чўчиётгандир, Муҳаммад Хўсаинбекни балким шунинг учун Сабуктош устига юборгандир, уларнинг орасига нифоқ солмоқчидир? Уйланиш баҳона балки узини тахтга чиқарганлардан тезроқ қутулмоқчидир... Сардорларнинг бири — Тангрибердини зиндонга ташлади, энди навбат... Йўқ, етар.

Муҳаммад Хўсаинбекнинг шундай қарорга келишини Сабуктош кутаётган экан, уни бағрига босди. Шу заҳоти совчилар отларга терс ўтқазилиб, жўнатиб юборилди.

22

Уч авлиё қадамжосига соч-соқоли ўсиб кетган, маҳзун бир йигит кириб келди. Эгнида белбоғсиз эски тўн, оёғида ранги учган ковуш-махси. Ўзи кўтаролмайдиган юкни ноилож елкалаб юрган одамдай ҳоргин, малул¹.

Остонада ковушини ечиб, хонақоҳга кирди, учта кубур пойида ўтирган дарвиш ёнига келиб чўкка тушди. Дарвишнинг

олдида оқ дастурхон ёзиглиқ, унда иккита юпқа ва битта синдирилган қотирмоқ. Дарвиш фотиҳага қўл очди. Тиловат қилди. Шамсиддин хожа, Нажмиддин ва Муҳиддин шайхлар руҳи салоҳлари ҳақида дуо қилгач, зиёратчидан ҳола-аҳвол сўради. Йигит фақат «шукр, алҳамдуллоҳ» деб жавоб берар, дарвишга мунгли-мунгли тикилиб қарар эди. Йигитнинг овози ва қарашлари дарвишга танишдай туюлар, аммо қачон, қаерда кўрганини эслай олмасди.

— Мени танимадингиз, Шамий домла, — деди йигит, — Давлатёрмен, меъмор.

— Э-э, биродари азиз, Давлатёр! — Шамий беихтиёр ўрнидан турди. Улар эски қадрдонлардек кучоқлашиб, омонлашдилар.

Улар охирги марта Хонтетада, Арабмуҳаммадхон жасадини мармар даҳмага қўйганда учрашган, икковлон тепалиқда бирпас ўлтириб, дунёнинг кажрафторлиги ҳақида суҳбатлашган эдилар.

— Ҳа, биродари азиз, дунё чиндан-да каж, — деди Шамий ўша суҳбатни эслаб. — Уни бежиз чархи дун демаганлар. Шамсиддин хожадай авлиёи кабирни ўз чарҳида айлантириб адо қилган дунё бу.

Давлатёр бу даврда Бухорода булгани, воқеадан хабарсиз эканини айтгач, Шамий унга Шамсиддин хожа ва укалари фожиаси ҳақида ҳикоя қилиб берди. Разолат тарихини эшитаркан, Давлатёр эвоҳ-эвоҳ дея ўксинар, тез-тез дастрўмолини олиб, юз-кўзини артар, гоҳ-гоҳ титраниб-титраниб йиғлар эди. Дарвиш Шамий йигит алами бисёр эканини, унинг қадамжого нажот ва шарофат истаб келганини кўриб турарди. Уни кубурнинг ўнг томонидаги буқъага¹ бошлади.

Ундан раҳбага² ҳам эшик булиб, ташқаридан одамларнинг паст-баланд овозлари, болта, ошпичоқ, капкир товушлари эшитилиб турарди. Шамий хужра уртасига тўшалган узун дастурхон четидан бориб эшикни очди-да, кимнидир чақирди. Ҳовлидаги манзара аниқ кўзга ташланди. Унг қўлда бостирма, унинг қуёш тушмайдиган саҳнида қаторасига учта дошқозон қайнар, атрофида терлаб-пишган одамлар ивиришиб юришар, ўртада теvaraги гулзорли қудуқ, сўлда узун шийпон, зиёратчилар соясалқинда гуруҳ-гуруҳ чойхўрлик қилиб ўтиришарди.

Дарвиш овоз берганидан кейин сал ўтмай сипогина мулла-вачча иккита чойнақда чой келтириб, биттасини Шамийнинг, иккинчисини Давлатёрнинг олдига қўйди, шўрва тайёрлигини айтиб чиқиб кетди.

— Ана энди, — деди чойни шошилмасдан қайтараркан дарвиш, — сўйлаш навбати сизга келди, биродари азиз, еган-ичганингиз ўзингизники, кўрган-билганингизни, бошдан кечирганларингизни фақир ўз тилингиздан эшитмоқ истармен.

Давлатёр хўрсиниб узун сўлиш олди.

¹ Буқъа — дарвиш ва қалаңдарларга ажратилган хона.

² Раҳба — масжид ҳовлиси.

¹ Малул — гамгин, хафа.

— Одам ҳовурин одам олур, биродари азиз, — меҳмонга далда берди дарвиш, — ичда ётган дардни ташга чиқаринг, шояд малҳами топилса.

— Дардим оғир, домла, — қўлидаги пиёлага хомуш боққан-ча деди Давлатёр, — дарди бедавомен.

— Дардни берган худо, давосин-да берур, сўйланг, биродари азиз.

...Фарҳоднинг тош кесишига ўхшарди Давлатёрнинг аъмоли. Тошларни йўниб, мармарларга сайқаллар бериб, гумбазлар, миноралар қуради. Худди Фарҳоддай суратангиз бўлиб, сулув бир маликани севиб қолган, унинг ишқида қучоққа сигмайдиган харсангларни коптоқдай думалатар, энг абжир меъморлар ҳам ҳавозада аранг чиқадиған қубба баландликларига мисли қушдай энгил қўнар, тошларга шундай нақшлар ўрадиди, нафислиги гулга, рангинлиги камалакка менгзарди.

Аммо тақдир ўйинлари меъмор — Фарҳодни дардабар Мажнунга айлантди. Ҳунаридан у воз кечди, нашқлар яратишдан ишқ саҳросида тупроқларга ёр суратини чизишни афзал кўрди, у маликанинг соясига айланиб, қайга борса эргашиб юрди, Шамсиддин хожа боғида ёр изларини кўзларига суртди, Бухорода ул санам остонасида вафодор итдек бедор тонглар оттирди. Бироқ малика — Нигина бону дилидаги меҳр-муҳаббат булоғи бошқа чаманга қараб оқдики ва ўзини ёр остонасида қувгин этишди.

Энди у на Фарҳоду на Мажнун, энди у орзу-умидларидан, илму ҳунаридан, яратмоқ бахти, яшамоқ шууридан жудо бўлган бир гариб, юрар йўлидан адашиб, борар манзилени йўқотиб, Шамсиддин хожа руҳи муборакларига сизиниб, бош эгиб келган бир мискин...

Дарвиш Шамий Давлатёрнинг хазин ва тушкин ҳикоясини тингларкан, кечагина филдай бақувват, шер юрак йигитнинг бугунга келиб навқирон ёшида беҳол ва бемадор ўтиришидан юрак-бағри ўртанар, унга ёрдам бериш, уни ҳаётга, муҳаббатга қайтариш йўллари ҳақида ўйлар эди.

— Давлатёр иним, хасталикни даволашдан олдин онинг сабабини билмоқ жоиздур, — деди «иним» сўзини чўзиб талаффуз этаркан, — айтинг, не боис ёрингиз сиздин юз ўтирмиш?

— Ўйлаб ўйимга етолмасмен, содиқликда мендек қул, муҳаббатда мен киби хокисор бормикин?!

— Боракалло, биродари азиз, — Шамийнинг чеҳраси ёришди, — сиз чиндан қул эурсиз, хокисор қул. Маликалар эрса қулларни ўзларига тенг билмаслар, алар тоғни талқон қиладурган алап-баҳодурларга, гурурли, мард, қадамидан ўт чақнаган йигитларга кўнгил қўярлар. Мана, сабаб қайда, биродари азиз.

— Гапингиз турфа, — ранжиди Давлатёр, — севганда танлаб севилаурми?

— Ранжиманг, иним, — йигитнинг қўлини қўлига олди дарвиш, — асло оғринманг, сўзимда зигирдек ҳам қадар йўқдур. Чин айтурсиз, севги кўзи кўр бўлур, демишларки, девнинг ишқи қурбақага тушмиш. Аммоки; биродари азиз, гап магзи

бошқа. Ўзингиздан қиёс, иним, бошда ул санам сизни севганмиди, айтинг, севган эрдими?

— Ҳовва.

— Боракалло. Сизни ул кўргану севган. Зоҳиран севган, билмаган ботинда кимсиз? Билгач... ранжиманг сўзимдин, биродари азиз, сизнинг қуллингизни билгач, қайнаб турган юраги муз қотган. Мана сабаб қайда, иним.

— Яъниким, мен айбдор? — дарвиш тан беришни истамас эди.

— Ошиқ шундоқ улуг зот бўлурким, унинг айби-да, фазилат саналур, — дарвишларга хос собитлик билан деди Шамий. — Ўзингиздин қиёс, ёрингизни ўлимдин сақлагансиз, дардига малҳам, қоронгу кечаларда йўлига чироқ бўлгансизким, фазилат бундин ортиқ бўлмас. Аммоки, бул фазилатни ҳар қайси пок инсон намоён қила олур, лек ҳар қайси пок инсон ҳам севилавермас. Ошиқлик жўшқин юракнинг кори. Тушкин юрак хорликка маҳкум.

Шамий дунё ишларидан қўл ювган дарвишга эмас, балки умрбод севги-муҳаббат муаммолари билан шугулланиб келаётган дунёвий алломага ухшаб гапираётгани аввалига Давлатёрни таажжубга солди, лекин бора-бора унинг сўзлари қалб торларини тебратиб, қандайдир мавж уйғота бошлади.

Дарҳақиқат, билагига кучи, қўлида ҳунари бўлатуриб, Нигина бонуни шодлантирадиған нима иш қилди, оҳ-воҳдан, тиз чўкиб боришу ёш тўкиб нола қилишдан нари ўтдими?

Дарвишнинг сўзлари кўзларини очди. Нечун олдинроқ унга учрашмади, нечун дилини ёрмади?! Ҳайратланиб дарвишга тикилиб қолди.

— Муҳтарам домла, айбга санаманг, — деди овози товланиб, — сиз-да... севганмисиз, ишқ ўтларида ўртаниб-ёнганмисиз?

Дарвиш мийгида кулиб, оқ-қора аралаш қалин соқолини силаркан:

— Эй, биродари азиз, — деди қувноқлик билан, — дарди йўқ кесак, ишқи йўқ эшак. Аммоки, одам-да ҳар хил, ишқ-да ҳар хил. Кимнинг ишқи сулув қизга тушган, кимники гузал гулга, кимники ергаю кимники кўкка. Лекин битта боқий ҳақиқатни унутманг, иним. Ўзини Яратгани, ер ва оламлар сарварини севмаган кимса ҳеч кимни ва ҳеч нимани севоламас. Ҳақ ишқи ила дили мунаввар бўлган инсондек, пок, кучли ҳам севгучи, ҳам севилгучи жонзот оламда бормикан?!

— Бутуний ишқ... не?

— Олий ишқ. Яъниким кўнгил уйининг бирон бир гўшаси қолмаски, ондин баҳра олмай. Энг аввало кўнглингизни бут қилинг, иним.

— Онга не қилиб етишса бўлмай?

Муллавачча икки косада шўрва олиб кириб, суҳбат булинди. Пешин намозидан сўнг, Давлатёр кетишни мўлжаллаган эди, Шамийнинг «бу оқшом қадамжода туянг, иним», деган сўзи билан қолди.

Хива бозори ва гузарларини келгинди фолбинлар босиб кетди. Уларнинг фоллари ҳам бири-биридан совуқ. Нукул фалокатларни, офатларни башорат этадилар. Тегирмончига уйингни ўгри уради, дейишган эди — урди. Мол-ҳолини олиб узини ўлдириб кетишди.

Бозор бошидаги баққол дўконининг ёниб тушиши, судхўр неварасининг угирлаб кетилиши, миршаб отасининг томдан йиқилиб ўлишини башорат этишганди — айтишганидек бўлди. Шундан кейин, гаройиб фолбинларни одамларнинг ўзлари ахтариб қолишди. Бойлар ҳам, амалдорлар ҳам, сарой хизматчиларию сардорлар яширин фол очиришар, ҳеч бири таскин топиша олмасди.

Исфандиёрхон бу гаплардан хабар топгач, фолбинларни бир кечада мамлакатдан чиқариб юборишга фармон берди. Лекин улар бари дурунлик экани аён бўлгач, хон ўз фармони-ни бекор этди. Шоҳ Сафёъ билан маслаҳатлашгунча улар тақдирини очиқ қолдирди.

Шу можаро устига алақандай талончи суворийлар ҳам пайдо бўлгани ҳақида хабар тарқади. Уларнинг отлари учқур, ўзлари йилдирим, корлари ёқиш, чопиш, сувга гарқ қилиш эди ва сал фурсатда Хива ва Ҳазораспда ўнга яқин йирик амалдор ўлдирилиб, мулки таланди. Хивага яқинлашиб келган карвонларнинг бари талонга учради. Хон қанча ҳаракат этмасин ясавуллар ва миршаблар номаълум қасоскорларни қўлга туширолмас эди.

Ахийри хон уларга қарши бош вазир Чавдурбекни ташлади. Чавдурбек уларни карвон йўлларида излаётганида Хивада, чор-атрофи соқчилар билан ўралган қурол-яроғ омборига ўт қўйилди. Исфандиёрхоннинг кучи соқчиларни осиш-чопишга етди, холос.

Бу ҳам етмагандай қасоскорларнинг яна бир тоифаси — камончи мерганлар эда «ном чиқарди». Уларни кўриб қолганлар шундай таъриф беришарди. Ҳиндуларга ўхшаб белдан юқориси ялангоч, соч-соқоллари ўсган, пешоналарини тангиб, белларига кирбон¹ осиб олишган, кўзлари галати ялтирайди. Оддий одамлар билан ишлари йўқ. Қорни катталарни қийратишади. Дарахтларнинг тепасида, томларда худди осмондан тушгандай бирданига пайдо бўлишади-да, камонлардан ўқ ёғдириб, ўдирадиганини ўлдириб, кўздан йўқолишади.

Қалъа дарвозасидан чиққан икки юзтача отлик тўғрига чорак фарсах² юриб, кул ёқалаган йўлдан чапга, Гандумконга қайрилди. Отлиқларнинг барчаси бир хил совут, дубулга кийган, отлари ҳам бир хил — қора, уч қатор, ўнгдаги навкарларнинг кўзлари кети кўринмайдиган қамишли кўлда, чапдагилар-

ники қир ва унга туташ бугдойзорда, ўртадаги қаторнинг ярми олдни, ярми орқани кузатарди.

Хоннинг бу йўлдан гоҳ-гоҳ ўтиб туришига кўникиб қолган сайёдиликлар унинг Гандумконга, ёзги ҳовлисига бораётганини тахмин қилиб, узоқдан қизиқиш билан кузатиб туришади, аммо отлиқларнинг қайси бири хон — узоқ тугул, яқиндан қараган одам ҳам билолмасди. Бундан ажабланмасди ҳам. Эмишки, ҳар хил қасоскорлар пайдо бўлгандан бери Исфандиёр йўлга хон либосини кийиб чиқмаётир, хос навкарлари аро бир навкардай кийиниб юришини одат қилди.

Ўрта қатордаги бешинчи отлик Исфандиёрхон эканини фақат навкарларнинг ўзлари билишарди ва бир кўзлари атрофда бўлса, иккинчи кўзлари ана шу «бешинчи»да эди. Кейинги пайтларда унинг ҳаётига қасд этувчилар саногига етиб бўлмай қолди. Ўз эли, халқи ичида бундай яшириниб, навкар қиёфасига кириб юрадиган хон бўлган эмас.

Исфандиёрхоннинг ўзи бу ҳақда кўп ўйлайди. Ҳозир ҳам аргумоги бошқа отлар қатори текис йўргалаб бораркан, миясида шу хаёллар такрор айланади, қўлга тушмас қасоскорлар, уларнинг тепасида турганлар тўғрисидаги фикрлари бир чаллашиб, бир тиниқлашади.

Дурунлик фолбинлар зиндонда ётган Тангриберди сардорни ҳимоя этапти деса, бари қизилбош, ўзбекнинг ёнини олиши... таажжуб. Агар уларни шоҳ Сафёъ юборган деса, бу мантиққа мос эмас, негаки, шоҳ Исфандиёрнинг душмани эмас, балки таянчи. Ёки шоҳ Сафёъ... Бўлиши мумкин эмас. Бу ҳойнаҳой Тангриберди тарафдорларининг иши. Ақчага ёлланганлар қизилбошман, ўзбек ё туркманман деб ўтиришмайди... Тангрибердини шоҳ Сафёъга бериб юбориш даркор. Шоҳ ўз кўзи билан кўрсин Дурунни ажратиб олмақчи бўлгани, кўрсин Исфандиёрхоннинг садоқатини... Лекин сардорни ҳозирча бериб юбормаётганининг боиси, хон қўлида у айтган сўзлардан булак далили йўқ. Искот керак, санад¹ керак.

Қароқчи суворий эса Манқишлоқдан ёки Абулхондан. Исфандиёрхоннинг режасига кўра Сабуктош билан Муҳаммад Ҳусаинбек ташашмоги керак эди, лекин бирлашиб кетишди. Сабуктош дабдабали тўй қилиб ўглини уйлантирди ҳам. Мунажжимнинг қизи асли саройга лойиқ эди. Ҳайф кетди. Бироқ гап унда эмас. Режа бузилди... Муҳаммад Ҳусаинбекни Манқишлоққа чакки юборган экан. Уни аблухонликларнинг ўзига едирса бўлмасмиди. Сабуктошни эса... бошда ўйлаганидек Чавдурга қўйиб берса бўларкан. Бирининг қўли билан бирини йўқотиш лозим эди. Адашди. Лекин барибир уларни йўқотмай қўймайди. Акс ҳолда тахтга чиқишинга ёрдам бердик деб эртага унга таъйин ўтказишдан, тахтга даъвогар бўлиб чиқишдан ҳам қайтмайдилар. Юборган қароқчиларини тезроқ қўлга олақолсайди...

Буёқда камончилар...: кўп аёнларнинг юрагини олиб

¹ Кирбон — ёй ва унинг ўқлари солиб юриладиган чарм халта.

² Бир фарсах — олтинетти километр.

¹ Санад — ҳужжат.

қўйишди. Бу энди Ҳожиназарнинг қилиги. Абулғозига эргашиб, Урганчга келганидаёқ уни ўлдириб керак эди. Шундай қилмоқчи ҳам бўлди. Аммо Абулғози ҳимоятда бўлганини ҳисобга олди. Энди Қақралида Ҳожиназар, Оролда Алп арслон, Хўжа элида Саид Абдулла Абулғозини хон кўтариш пайида, режалар тузиб, куч йигиб ётишибди. Камончилар уларнинг илк чаёнлари.

Кўлдаги қуюқ қамишлар шитираб, Исфандиёрхоннинг хаёллари узиди. Хатар кутилмаган жойдан — қамишзордан чиқади, деб ҳеч бирови ўйламаган эди. Шу пайтгача камонбозлар дарахт ва томлардан ҳужум қилардилар. Қўққисдан ва устига отилган ёй ўқларидан навкарлар тутдек тўкилаберди.

Қамишлар қалин ва баланд бўлганидан камончиларни кўриб бўлмас, фақат ўқларнинг келишига қараб уларнинг қаерга жойлашиб олганликларини тахмин қилиш мумкин эди. Отлиқлар бораётган йўл кўлнинг шундоқ бўида, кесак отса етгулик жойда унтага яқин уюм-уюм қамиш қўпалари,¹ ўқ ўртадаги қамишлиқдан келарди. Навкарлар унга қараб қаторасига ўқ уздилар. Бунга жавобан ўнг ва сўлдаги қўпалар ҳам «ишга тушиди», учта қамишлиқдан ўқ барабар ёгилабошлагач, Исфандиёрхон отларни кўлга сол деб буюрди ясавулбошига.

Навкарлар отларини ҳаприқ² кўлга урдилар, йигирма қадамча ҳам юрмай сув отларнинг бўйинига келди, бош устида ўқ, оstdа ютагон ойдин,³ паноҳсиз қолган навкарлар шаҳид бўлганларни сувда қолдириб орқага чекинди. Буни кўриб Исфандиёрхон қайтма, деб қичқирди навкарларга ва ўз отини жаҳд билан кўлга солди. Шу пайт ёнбошдан келган ўқ унинг ўнг елкасига санчиди, зирҳни тешиб танига ўтди. Ясавулбоши икки навқари билан хон отини аранг орқага қайтарди. Сен бор, қамишга бор, деди ясавулбошига хон. У йигитлари билан ўқ сели остида кўлга кириб кетди. Эликка яқин навқар ва доим сафарда бирга бўладиган табиб елкасидан қон сизиб оқаётган хонни авайлаб йўлдан икки юз қадамча наридаги чакалақзорга олиб кетдилар.

Қамишзордан отилаётган ўқлар бирданига тиниб қолди. Отлари бир чўкиб-бир чиқиб, қамиш қўпаларига етиб борган навкарлар у ердан жон асарини тополмадилар. Ён қўпаларга, ундан нарига ўтдилар. На бир одам қораси бор, на бир сас-самар.

Ясавулбоши ўз навкарлари билан қамишлар орасида шалоплаб юрганида бешта эшқакли қайиқларга жойлашган камончилар алақачон кўлнинг нариги қиргоғига — Қорақумга чиқиб олган эдилар. Қайиқларни қамишлар орасига яшириб, соҳилда қолдириб кетган отларига минганларидан сўнг Фазлиддин Хўжамбердиннинг битта ҳам ўқи қолмаган қирбонига ишора қилиб ҳазиллашди.

¹ Қўпа — гарам.

² Ҳаприқ — дим, имиқ.

³ Ойдин — кўлнинг чуқур, ўт-ўлансиз жойи.

— Ҳамёнингни ўғри урдими, навқар?
Кулишдилар...

24

— Хоразм тарафдиннан мундоқ киши бизга ҳали келмабдурур, — деди Туркистон хони Эшимбей Тошкент хонига Абулғози султонни кўриниш қилдириб. — Улуғ бобоси Ёдгорхон турур. Падали бузруквори Арабмуҳаммадхон, худо они раҳмат қилсин, бизга қурбат¹ эрдилар. Эмди Хива — хараж², шаҳзода паноҳ истаб келмишдур.

Зиёфат бошланганидан бери қовогини уюб, жим ўтирган Тошкент хони Турсунхоннинг қулфи дилига бу сўзлар гўё қалит бўлдию суҳбатга жон кирди. У Арабмуҳаммадхоннинг қандай қатла этилгани, падарқуш шаҳзодаларнинг тақдири ҳақида сўраб-суриштиргач, Тошкентга қўлаб хоразмликлар оқиб келаётганини айтиб, очлик одамни дарбадарликка восеъ қилади, деди. Бу гап шаҳзодаларнинг иззат-нафсига тегди.

— Қорнимга йигламасмен, қадримга йиглармен, дейиб бекор айтмаганлар, — қизариб деди Абулғози султон, — одамзод ҳар нарсага чиданор, лек қадрни топталса, иззати ерга урилса, онга чидай биамас. Тўқ бўлайин деб юртни тарк айламас одам...

Икки хонга бу гап икки хил таъсир қилди. Эшимхоннинг юзи бужмайиб, қалин қошлари чимириди, бошини қуйи солиб пишиллади. Турсунхон эса аввалгидек ҳам очилди, кўк ва йирик кўзларини шаҳзодадан узмай қизиқсиниб:

— Бале, шаҳзода, — деди, — магарким, жўмардликка қодирсиз, айтинг, қочиб Тошкен келганлар тўқ одамлар турурми?

Абулғози султон Толиб тужжорни Тошкентга кетган деб эшитган эди, шу ёдига тушиди-да:

— Тошкен келганлар — тужжорлар, меъморлар, уламолардур, — деди Турсунхоннинг самимий муносабатидан кўнгли юмшаб. — Имконсиз, ҳунарсиз, ориятсиз одам йўлга чиқмайдур? Олар бир нимарсага — безугум яшамоқ бахтига муҳтождурлар, холос. Фақир олдиниға оларга тажжуб қилдим, сўнг-ра таважжух³ қилиб йўлдин қайтаришга уриндим, аммо фурсат ўтиб англадимки, қон тўкилаётган жойда қуш ин қурмас, бошига бесабаб балолар ёгиладурган жойда одам кўл қовуштириб ўтирмас, ё у балоларни даф этур, ёки балолар уни...

«Сирқаси сув кўтармайдиган» Турсунхоннинг бу илмоқли сўзларга қулоқ солиб, ёш шаҳзода билан чиқишиб ўтириши Эшимхонга эриш туюлар, ўзига қолса кўрслиги учун Абулғози султонни озига уришга тайёр эди. Кўринишда мулозим бўлгани билан аслида чандир экан бу шаҳзода... Сўзлари ўжар ва қалтис. Қон тўкилган жойда қуш ин қурмас эмиш... Қон қаер-

¹ Қурбат — яқин.

² Хараж — танг.

³ Таважжух — юзланиш.

да тўқилмаяпти? Қон тўқилган ердан халойиқ чиқиб кетаверадиган бўаса... Туркистонда ҳам одам зоти қолмайди-ку. Хавфли бу шаҳзода, сўзлари кўп галати. Яхшиси...

Кўнглига туккан ниятини амалга ошириш мақсадида суҳбатга бош қўшиб, Турсунхон билан шаҳзода ўртасида пайдо бўлган риштани маҳкамроқ боғлаш йўлига ўтди.

— Турсунхон жаноблари, — деди суҳбат орасида қулай фурсат келганида, — Абулғози султон ақлу заковатига қойил қолганим андоқки, ўз ўғулларим бу зукко шаҳзодага ўхшасалар деб орзу қилурмен.

Эшимхоннинг бундай дейишига Турсунхон суҳбат чоғи ўз ўғли исмини тилига олгани сабаб бўлди. Шаҳзода билан ўз ўғлининг дўст тутинишига Турсунхоннинг ишора этишини кутмаган Эшимхон юқоридаги «орзу»сини айтиб, Тошкент хонига ҳамфикр эканини билдиришдан ташқари уни олдаги суҳбатга тайёрлаган ҳам эди.

— Менинг меҳмоним — сизнинг меҳмонингиз, муҳтарам Турсунхон, — деди у, — магар Абулғози султон Тошкан борса, шак йўқки, қасри олийингизни ўз илми камоли ила безагай ва азиз ўғлингизга ҳамнишин бўлмай...

Эшимхоннинг ниятини шаҳзода энди тушунди. Тошкентга жўнатақолиш учун Турсунхонга кўриниш бердирган экан-да. Унинг Туркистонда туришини нега истамаяпти хон? Нега аввал ҳузуридан жой бердию нега энди кеткизмочки?

Кеча Тошкент хони Туркистонга келганидан бошлаб, Эшимхон бошқача бўлиб қолди. Кулиши кулишга ўхшамайди, юриши юришга. Узини хурсанд қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Қўшни хон ташрифидан гўё боши осмонга етгандай, гўё бугун ундан бахтлироқ одам йўқдай... Лекин синчков кўз заҳарнинг устига асал суркалганини, косанинг тагида нимкоса турганини пайқамай қолмайди.

Турсунхон буни шаҳзодага қараганда ҳам аниқроқ кўриб ўтирар эди. Кулги — гараз, мулозимат — киноя, тақдим этган гули — тикан. Шундай бўлишини у келишидан олдин биларди. Ташрифидан мақсад тиканни гулга, заҳарни асалга айланттириш, тескари кийган тўнини ечиб, тўғри кийиб олиши лозимлигини Эшимхонга ўқтириш. Юз иссиқ, меҳр кўзда. Икки ҳукмдорнинг борди-келдиси икки юртга уруш-ажал ўрнига яхшилик келтирар. Шунини деб келган у Туркистонга.

Тошкент билан Туркистон аслида бир дарахтнинг икки шохи. Бирига уриланган болта иккинчисини зирқиратади. Биригиз бири кемтик. Иккаласи қушларга битта уя, кўзларга битта кўрк. Битта вужуд эканини ҳис этганида уларни буронлар қайиролмайди, қуртлар кемиролмайди. Шунга эришмоқ даркор. Қалъа богига қурилган ўз чодирда Эшимхон шарафига бераётган зиёфатдан ҳам мақсади шу Турсунхоннинг. Эшимхон бўлса остона ҳатлаб кирганидан бошлаб, тишиқ сувни лойқалатиш билан овора.

Абулғози султон бу ерда қоладиган бўлса, Эшимхон уни бир балага дучор қилади. Шаҳзодани кўндириб, Тошкентга олиб кетиш керак. Доно йигит экан, завола топмасин...

— Тўғри айтурсиз, жаноб Эшимхон, — деди Турсунхон нохуш кайфиятини сездирмасликка ҳаракат этиб, — Абулғози султондек муҳтарам шаҳзода бунда келиб, Тошкан бормас эрса, упка қилишга ҳақли бўлурмиз.

Эшимхон кулиб, муродга етган одамдай қониқиш илан деди: — Уйларменки, шаҳзода сиздай улуг ва муътабар зотни хафа қилмаслар.

— Андоқ эрса, — деди Турсунхон Абулғози султонга юзланиб, — муҳтарам шаҳзода, бул шодликдан мени тезроқ баҳраманд этгайсиз, йўлга ҳозирлаининг, бирга кетгаймиз.

Бундай бўлади деб Абулғози султоннинг хаёлига ҳам келмаган эди. Туркистонда ёзгача турмоқчи, бу ердаги аламолар билан яқиндан танишмоқчи, ҳазрати Аҳмад Яссавий пой-қадамларида максн тутиб, бир неча муддат муқаддас даргоҳ ҳавосидан баҳра олмақчи эди. Начора! Кет дейилган жойда турмоқлик оғир, кел, деган жойга бормаслик одобдан эмас...

Зиёфатдан сўнг Абулғози султон ўзларига ажратилган қўналгага келиб, оғир уйлари ва ташвишларини остонга тўкиб, онасига хурсандлик билан деди:

— Тақдир бизга шодмонлиг ато айлади, она, кўч-кўронни йиғиштиринг, тонг-саҳарда йўлга чиқурмиз.

Ўғлининг шодлигини ўзича тушунган Зебихонбиби:

— Урганчгами, ўғлим, — деди хурсанд бўлиб.

— Тошканга, она!

— Тошканга? — бўшашди Зебихонбиби. — Нечун?

— Тошкан хони жаноби Турсунхон лутфи карамларин рад қилолмадим. Қолаверса, Тошкан улуг қўрган.

— Энди Туркистонга ургандик деганда... яна йўл азоби.

Тилида шундай дегани билан дилида бошқача уйларди Зебихонбиби. Кетишга бирон жиддий сабаб тугилган, йўқса, ўғлига бундай шошқалоқлик бегона. Турсунхон... у тузук хонмикин? Олиб кетаман деган бўлса, бир уйи бордир-да. Яратганининг ўзи қўлласин, ундан булак раҳм айлагувчи, ундан ўзга мағфират қилгувчи йўқ!

25

Толиб тужжор Тошкентга келиб кам бўлмади. Ўзига Дархондан ҳовли-жой сотиб олди, Чорсуда атторлик дўкони очди. Урусияга, Чинмочинга¹ қатнайидиган карвонбошилар билан алоқага кирди. Сув бўлиб оқабошлади ақча дегани.

Қизи Муҳайёнинг тўйини ўтказди. Куёви Нуруллони ўз дўконига олди. Кудаси Қурбон қовунчи таги хоразмлик йигит баққол билан танишиб, қовун ва қовун қоқи олди-сотдисига киришиб кетди. Кўкча даҳасидан дангиллама иморат сотиб олишди. Тагин нима керак тужжорга? Фақат энг кераклиги

¹ Чинмочин — Хитой.

хотиржамлик йўқ. Утмиш воқеалар кўз олдига келиб, юрагини уртайверади. Авваллари ҳеч нарсани уйламас эди. Уйлаш касали янги хотинидан юқди. Ёш бошига шундай художўйки, ҳар қадамни бисмиллоҳ деб босади. Гуноҳ қилган одам уни ювиши шарт, нарги дунёга олиб кетса, азоби қаттиқ булади, дейди. Буни Толибнинг ўзи ҳам биларди, лекин унча ишонмасди. Хотини гапиравериб ишонадиган қилиб қўйди.

Ҳаммаси тушидан бошланди. Ўзи даштда, тепалиқда эмиш. Олдида одам деса одамга, маймун деса маймунга ўхшамайдиган жонзотлар. Ҳаммасининг бўйнига бирнималар ёзилган. Ҳаммаси кир-чир. Бизни чўмилтир деб қичқиришади нуқул. Толиб қўл силтаган эди, уйғониб кетди. Қараса, ёнида хотини йўқ. Кечга яқин Хастимом қабристонидан топишди. Жин чалиб кетибди. Намозни уйда ўқирди. Отинойиникига бораман деб... Хотини ўзига келгандан кейин тушини айтган эди, тезроқ гуноҳларингизни ювинг, кимни норози қилган бўлсангиз, рози қилинг, деб туриб олди.

Толибнинг энг катта гуноҳи Ёйиқ қазақларини Урганчга бошлаб боргани, дарвозани уларга очтириб берганидир. Бунга сабаб қўрқоқлиги бўлди. Урганчга бошлаб бор, бўлмаса, ўлдирамиз, дейишди. Йўлни кўрсатсанг, жонинг ҳам молинг ҳам омон қолади, деб ваъда беришди. Ишлари битгач, ваъдани «унутишди». Молини беришмади, жонини эса қочиб зўрга сақлаб қолди.

Абулғози султон Тошкентга келди деб эшитганидан бери неча марта ҳузурига шайланди, аммо журъати етмади. Кеча хотини яна оғриб ётиб қолгач, дийдиёсини бошлади: боринг, Абулғози султонга, оёғига бош уринг, отасига етказган озорингиз балким шунда ювилар, деб қистаб қўймади.

Бугун, мана, Абулғози султон олдига бош эгиб келиб утирибди. Шаҳзода эса гуноҳидан кечиш ўрнига улимга рози қилапти.

— Менинг падари бузрукворим сени зиндонда чиритмоққа фармон берганларида Оллоҳ изнига бўйинсунганлар, — деди Абулғози султон. — Сендай сотқинлар одамлар орасида юрмасликлари, ёруғликдан баҳраманд бўлмасликлари даркор. Сени зиндондан озод айлаганни худо кечирмас.

— Мен зазога мустаҳиқ бўлганмен, шаҳзода. Хотиним ташлаб кетгани, бул хотиним дардга гирифтор бўлгани, кўзимдан уйқу, дилимдан ором қочганини Оллоҳнинг менга берган жазоси деб билурмен. Олдинда мени қандай қийноқлар кутадир, тасаввуримга сигмас. Масият¹ни токим ювмасмен, бало-офатлардин қочиб қутула билмасмен. Не қилайин, мол-дунёимни етим-есирларга ҳаёя этайинми, етти яшардан етмиш яшар улусга ош берайинми, хонақоҳга кириб, қирқ кеча-қирқ кундуз Оллоҳга нола айлайинми, не жойга борайин, не юмушга қўл урайинким, омурзида² бўлайин, эл дағи бошимни баланд, юзимни қизил кўрсун!

Тужжорнинг саволларига тайинли жавоб борми, ўз оёғи билан юртга ганимларни бошлаб келган сотқинни бандаси кечиргани билан Оллоҳ олдига мустажоб бўлмайми? Йўқ. Хоиннинг айби бу дунёю у дунё ювилмагай. Абулғози султон шу фикрини айтиб, кетишга рухсат берди тужжорга.

У кетмади. Битта гапни айтишга изн сўради.

— Ёнимда асир олинган савдогарлар бари хоразмлик, битта мен туркистонлик эдим, Арабмуҳаммадхон ушанда туркистонлигимни юзимга солдилар, ерли халқдин бўлсанг, ўрусни бошлаб келмас эрдинг дедилар. Бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампаҳо, Хоразм менинг-да юртим, киндик қоним шунда тўкилмиш. Магарким хон иноят этмадилар, аммо ул чин сўзум эрди. Сўнги тилагим шулким, энди сиз ишонинг сўзимга, муҳтарам шаҳзода.

— Мен андоқ уйламасмен, — деди Абулғози султон бир дақиқалик сукутдан сўнг. — Магарким ёв Туркистонга бошла, деса эрди, сен они Туркистонга бошлардинг. Сенда Ватан туйғуси не қилсин, сенда битта қайғу бўлган, онинг отини жон қайғуси дегайлар. Энди кет, тужжор, кет!

Кетаётиб Толиб деди:

— Кўнглумга ҳозир ружу келди ва айтдиким, Маккатуллоҳга бор, Оллоҳ марҳаматидин умид айла, ондин Хоразм ўт ва умринг интиқосин киндик қонинг тўкилган тупроғда ўткар. Андоқ қилгаймен, шаҳзода, андоқ қилгаймен!

Тужжор кетди. У билан баробар Абулғози султон кўнглидан қаҳр кетиб, ўрнини раҳм эгаллади. Тужжорга оғир... Гуноҳни бундай ҳис қилмоқ ва уни ювишга жазм этмоқ ҳолисанилло айтганда, мусулмонликданур. Лекин юртни сотмоқлик номусулмонликдур. Бахтишўр тужжор...

Ташқаридан қаттиқ овозлар эшитилди, нимадир қарсиллаб ўрнидан кучди. Салоҳиддин кирди.

— Уруш, ога!

— Эшимхонми?

— Ҳовва. Турсунхоннинг навкарларини чопиб-қувиб борадур.

Эшимхон Тошкентга дўстона ташриф билан келаётган, Турсунхон қароргоҳида зиёфатга ҳозирлик қурилаётган, Абулғози султон ҳам кечқурунги базмга тақлиф қилинган эди. Лекин кўпчилик қатори Абулғози султон ҳам бу ташрифга шубҳа билан қарар, негаки, Туркистондан қандайдир урушга тайёргарлик қурилаётгани ҳақида узунқулоқ гаплар тарқалмоқда эди. Бу қуруқ миш-миш, деди Турсунхон Абулғози султонга, Эшимхон истаса-да, ҳозир, қаҳратон қишда савашмайди. Эшимхон Тошкент хонининг шундай деб ўйлашини олдиндан билган. Зиёфат баҳонасида усталик билан қалъага кириб олган. Тулкихон дейишарди уни. Айтганларича бор экан. Кечга томон Эшимхон Урдани тўлиқ эгаллаб, аросатда қолган Турсунхонни таслим этди ва бошини кесдирди.

Энди Тошкентда қололмаслигига кўзи етган Абулғози султон тун ярмида Урдага борди. Эшимхон Турсунхоннинг ҳали

¹ Масият — гуноҳ.

² Омурзида — гуноҳни ювилган.

ўрни совумаган тахтида керилиб ўлтирар, «ҳа келдингни, доно йигит» дегандай Абулғози султонга мушук кўзларини тикиб, мой теккан мўловини бўлса-бўламаса силаб кўзларди.

— Сизлардин мадад истаб келган эрдим, энди аҳвол бундоқ бўлди, — деди Абулғози султон афсус-надоматини яширмай. — Фақир эрталаб йўлга чиқмоқликни ихтиёр этганмен.

— Шаҳзода қайн борурлар? — нигоҳи қандай истеҳзоли бўлса, сўзи ҳам шундай заҳарханда эди унинг.

— Худо йўл берса, Бухорои шарифга.

— Билурменки, шаҳзода ташрифидин жаноби Имомқулихон шодмон бўлур.

Бухоро амири билан Тошкент хони уртасида кўпдан адоват давом этиб келгани, Турсунхон қанотида бўлиб қайтган шаҳзода Имомқулихон дуруст қабул айламаслигига бу ишора эдики, Абулғози султон кинояга киноя билан жавоб қайтарди.

— Фикри ожизимча, Бухоро амири фақирга Туркистон хонидин кам эҳтиром кўрсатмагай...

Эшимхон юзидаги истеҳзо ўчди. Тиришиб мўловини силади. Бесўз, беилтифот кўз уриштириб хайрлашдилар.

Тунги изгирин саҳарга бориб тагинда кучайди. Музга айланган ҳаводан қор ҳиди келарди. Навқарлар тепасида туриб, от-арваларни йўлга ҳозирлаётган Салоҳиддинга:

— Иншооллоҳ, йўлимиз оқ бўлгай, — деди Абулғози султон.

— Айтганингиз келсин, ога, — совқотган қўлини қўлига ишқаб деди Салоҳиддин.

Орқада ўғиллари сўзини эшитиб турган Зебихонбиби жун рўмолини оғзига босиб пиқ-пиқ йилғар эди.

26

Ором нималигини унутди Нигина бону. Сўз таъсирини йўқотди, таом — таъмини, мушки анбар — ҳидини, ёқут — рангини. Кўнгул парвона, лекин уриладиган чироги йўқ; орзу қуш, лекин қаноти, қадр-қиммати йўқ. Кошки эди султони тушига кира қолса, юзини бир кўрса, нафасини туйса, сўзини эшитса. Нега ҳамон дараги йўқ, боши омонмикин, йўли равонмикин, равон бўлса, нечун келмас, бормен, деб бир элчи юбормас. Ваъдаси қуюқ эди, ё севмай қўйдимикин?!

Дугонаси Ифбатхоним кириб келганида ана шу ўйлар шамоли юрагидаги умид учқунларни ўчириб, зулмат қаърига тортаётган эди. Ифбатхоним ўзи билан кўчанинг совуқ, аммо тоза ҳавосини олиб кирди. Юзлари олмадай қизариб кетган, чарос кўзлари аввалгидан ҳам қора тортган, кичик бурнидаги холи, ёқут лаби — бутун борлигидан ширин ва бегубор ҳаёт нафаси уфуриб турарди.

— Келишдимми? — сўради Ифбатхоним танпўшини¹ қозикқа иларкан.

: ¹ Таниш — ёпинчиг.

— Келиб қолишар, — Ифбатхонимдаги «чўғ» довур олгандай қизариниб деди Нигина бону. — Лекин оёғим тортмайтур.

— Рости, менинг-да боргим йўқдур, — деди Ифбатхоним, — лекин ваъда бергансен, энди не қилиб йўқ дейурсен? Узи кўнгли яримта бўлса...

Ҳа, энди уларга бормаيمان, деймайди. Бошқа бўлса-ку ваъда бермасди, бормасди ҳам.

Нигина бонулар дўппидўзлик растасининг бошида, Ифбатхонимлар адогида, битта маҳалла нарида туришади. Уша куни Ифбатхонимлар уйдан раста оралаб келаётганида сотувчи аёл қўлидаги ажойиб зардўппига кўзи тушиб қолди. Дўппи гўё ўзидан шуъла таратаётгандай эди. Утиб кетолмади. Дўппини қўлига олди. Юзидан бурқаб қасабини кўтариб, бир-биридан нафис зар тарамларига ҳавас билан қараб турганида биров енгидан тортгандай бўлди. Қайрилиб қараса, хушрўйгина бир қизча енгига тегинганча қоп-қора кўзларини катта очиб, галати тикилаяпти. Унинг орқасида — тик қоматли паранжили аёл жимгина турибди.

— Танидим сизни, — деди қизча жилмайиб.

Уша қизча! Чарх йигириб ўтирган лачакли кампирнинг невараси. Қароқчидан қочиб кулбага отилиб киргани, кампир уни яширгани, қизалоқнинг номуси топталгани, Жумми нон емаснинг отга судратилгани Нигина бону хаёлидан ярқ этиб ўтди.

— Бу ҳали сенмидинг?! — дўппини эгасига қайтариб, қизчани бағрига босди. Тик қоматли аёл яқин келиб, паранжисини кўтарди. Жозибали юзи сарв буйига ярашган сурмали кўй кўзлари кулиб турган, қоши ингичка терилган, сочи турмак-ланган, иккала чеккасидаги гажаклари бурма, лаби юпқа.

— Қизим Гулой сизни кўрдию эси кетди, гўё олдиға фаришта тушди осмондан, — деди у кулиб, бир текис инжу тишлари ярақлади. — Анов опамла дейдир нуқул, не сир-синоат, англай билмасмен.

— Бунда ҳеч сир-асрор йўқдур, — аёл қизчанинг онаси эканини билган Нигина бону у билан қуюқ омонлашди, — бир вақт сизнинг ўрамда бўлиб эрдим... Қароқчидин қочиб...

Аёл тушундим дегандай жиддий тортиб бош иргади. Нигина бону ҳамон анграйиб турган Гулойнинг бошини силаб, энгашиб ундан сўради:

— Онахол эна, тузукмилар?

— Энамиз оламдин ўтдилар, — деди аёл. — Ушал воқеадин сал кейин... афсуски, кеч эшитдим мен...

— Жойлари жаннатда бўлсин, ушанда ўзларин олдириб қўйдилар, — деди Нигина бону ўзининг ҳам ҳаётидаги қора кунларни эслаб. — Менга сен ўксима, сенда не айб, тақдир, дедилар. Лекин барибир ушал фожиага мен дохилмен.

Уша кунда кўнгида тугилган айбдорлик ҳисси вақт ўтиши билан унут бўлиш ўрнига кучайган, худо яна Хоразмга йўл берса, урамга бориб, жафокашлар ҳолидан хабар олишни кўнгида тугиб ҳам қўйган эди. Энди Бухоронинг ўзида тазарру айтади...

Она-қизни қўймай уйга олиб кетди. Отаси Муртазобек бош ваизр Нусрат Аъзам билан Қўшминорга, кўзголонни бос-тиришга кетган эди, Фотима бону қизининг хоразмлик яқинла-ри, ўз юртдошлари хўрматиға жонлиқ сўйдириб, дастурхон ёзди. Иффатхонимни олдиришди. Ҳазорасб ўрамдаги вақеа-лар, болалигида аллақандай тоғда жодуланганию бошидан ке-чирган фожияларни айтиб, Нигина бону ўзи ҳам йиғлади, бош-қаларни ҳам йиғлатди. Гулхоним (аёл)нинг кўрган-кечирганла-ри эса ҳам кулгулик, ҳам кўргулик эди.

...Гулхонимни ўн икки ёшида эрга бердилар. Жувозчига. Тишларининг ярми тўкилган бўлса-да, жувозчи қилиги саран-ги¹ экан. Ўзи «от» бўлиб Гулхонимни устига миндириб, хўжра-ни бир-икки айлантиради-да, энди сен «от», мен эса чавандоз бўламан дейди...

Бир куни жувозчи бозорга кетган эди. Бир қоп мош олиб-ди-да, мардикор йигитга уйга олиб бор, деб орқалатиб юбориб-ди. Гулхоним уйда ўзи эди. Мош олиб келган йигит унга ку-лимсираб қаради. Гулхоним ҳам кулган бўлди. Йигит айрон суради. Чиқариб берди. Айронни ичиб, ҳар хил қизиқ, кулги-ли воқеаларни гапира бошлади. Гулхоним унинг сўзларига маҳдиё бўлиб қолди. Мош қопни ётқизиб қўйди-да, кел, бирга ўтирамин деди. Гулхоним сўзини қайтармади, келиб ёнига ўтирди. Кейин мардикор қизиқ воқеаларни ҳикоя этишдан галати ишларга ўтди...

Эртасига жувозчи одати бўйича тагин «от ўйини»ни бош-ламоқчи бўлди. Гулхоним боламасми, йўқ, деди, мош олиб кел-ган... бошқача эди. Ўша кечаси бор, мардикорингга, деб жувоз-чи уни уйдан ҳайдаб юборди.

Мардикор уни хотинликка олди. Гулой тугилди. Кейин мардикорни хон навкарликка олдию ҳамма нарса тескари бўлиб кетди. Навкар ё урушда буларди, ё далада. Уйга деярли келмас эди. Ўрамга бухоролик бир савдогар йигит келгач, Гу-лхонимнинг зерикарли ҳаёти барҳам топди. Ранго-ранг шоҳи-атласлар келтириб, чиройли сўзлар айтиб сотадиган бу йигит-нинг меҳригиёси бор экан. Гулхонимнинг уша соддалиги, Бу-хорога олиб кетаман, деса, хўп деб кетаверибди.

Бухорога келгач, савдогар йигит бир неча муҳлат Гулхо-нимга уёқ-буёқларни кўрсатиб, томоша қилдириб юрди-да, бир куни Жўйпанга олиб борди ва Калонбек деган бойга топши-риб, ўзи савдогарчилигига кетди. Қайтиб келмади. Кейин бил-са, у Гулхонимни Калонбекка сотиб кетган экан. Гулхоним йиғлади-сиқтади, тақдирга тан беришдан бўлак чора тополма-ди.

Лекин Калонбек унга яхши муомала қилди, ўзига уй-жой қилиб берди, Хоразмга бориб қизимни олиб келаман, деганида раёйини қайтармади. Калонбек ўзи қули очиқ, нуфузли бойлардан. Амирзода Нодир Муҳаммад ва қўшбегининг ўғли

¹ Саранги — бошни гаранг қиладиган.

Мироқил мирзо Калонбекнинг яқин дўстлари, Жўйпанга тез-тез бориб туришади, Калонбек уларни бедана овига олиб чиқа-ди...

Ҳозир Гулхонимнинг нолийдиган жойи йўқ, дангиллама ҳовлиси бор, қизи бағрида, егани олдида, емагани ортида... Бироқ ўз ўрамини кўп соғинади, кетиб қолгиси келади, шун-дай пайтларда нима қилишни билмай аламини йиғидан олади.

Эшитганлари Нигина бону қалбига игна бўлиб санчилди. Кўгирчоқдай ўйнашибди-я бечорани. Бунинг устига қизи Гу-лойнинг тақдири... Нигина бону отасига айтиб, уларга албатта ёрдам беради. Агар Гулхоним истаса, ўрамига олиб бориб қўйишади.

Мусофирларга ҳамдардлиги шу қадар эдики, Гулхоним Жўйпанга, сайлга таклиф қилганида онаси қаршилиқ этса-да, Нигина бону меҳмон сўзини синдиrolмади.

Қизлар гурунгида сўйлаш навбати Иффатхонимга келди. У кеч кузак кулларининг бирида Қоракўмда содир бўлган воқеа-ни эсга олди.

...Пешрабоддан келишаётган эди. Тўрт томон қум. Шамол кучайиб, тўзон кўтарилди. Ҳеч нарсани кўриб бўлмай қолди. Бахтга қарши аравакаш ҳам янги, қумда юриб ўрганмаган экан, мўлжални йўқотиб қўйди.

Тўзон пасайиб йўл кўриниб қолганида билишдики, мутла-қо тескари томонга, қум ичкарисига кириб кетишибди. Кўз ёруғида Бухорога етиб олиш амри маҳол бўлиб қолган, шашти бироз қайтгани билан шамол ҳали ҳам от-аравага гув-гув ури-лаётган эди.

Тўғридан, худди шамолнинг ўзидай елиб келаётган отлиқ-лар кўринди. Қумда қароқчилар макон туган деб эшитган эди, Иффатхоним хавфсираб ўрнидан турганида шамол ёпин-чигини кўтариб юборди. Ҳалигина узоқда кўринган отлиқлар арава тепасига келиб қолган экан, олдиндаги, елкасига қиргий кўндириб олган йигит билан кўзлари тўқнашди. Йигитнинг кўзлари ёнар эди... Иффатхоним шамол юлқилаётган ёпинчи-гини шошиб юзига тортди.

Отлиқлар аравага йўл беришмади. Фақат Иффатхонимнинг опаси «биз Бузрук эшоннинг қизлари бўлурмиз» деганидан сўнггина қиргийли йигит қўл ишораси билан шерикларини четга олди. Ўзи эса ҳамон арава олдида, Иффатхонимдан қизи-ни узмай турарди. Амир Имомқулихоннинг устоди, амирзода-ларни ҳам ўқитган Бузрук эшон номини-да назар-писанд қил-маётган, «от миниб отасини танимаган» бу йигит ким бўлди экан? Иффатхонимнинг опаси йигитга эшиттириб, аравакашга ҳайда, деди зарда билан. Отини чўхлаган аравакаш бошига тушган қамчидан ихраб букчайиб қолди.

— Бошинг елкангда қолдиким, бориб Бузрук эшонга қул-луқ айла, — деди аравакашга йигит ва шерикларидан бирини олдиға чақирди.

— Хонимларга ҳамроҳлик айла, — деди унга, — токим манзилларига бешикаст етсинлар.

Арава ўрнидан жилганида тагин тўхтатди. Орқадаги йигитлардан бирига Тоҳир-Зухрани олиб кел, деди. У битта қафас келтирди. Ичида иккита тўтиқуш бор эди. Биттасини йигит Ифбатхонимга узатди. Ол, бу Зухра, деди, сенга тортиқ.

— Олақол, Ифбат, — деди опаси довдираб қолган синглисига. Олди. Қайгурма, деди йигит қафасда қолган тўтиқушга, тез кунда Зухранга етишгайсен. Ифбатхонимга яна бир қараб олди-да, кетдик, деди ҳамроҳларига. Бирпасда қум ичкарисига кириб кўздан гойиб бўлишди.

Ифбатхоним қўлида қолган тўтиқуш тилга кирди. «Нодир Муҳаммад, Нодир Муҳаммад» дер эди у.

Бухорога етиб келишгач, воқеани оталари Бузрук эшонга айтиб беришди. Эшон бош чайқаб:

— Яхши бўлмабадур, — деди, ул йигит амир Имомқулихоннинг иниси Нодир Муҳаммад бўлур. Куп бехосият эрур амирзода...

Ахлоқи бад эмиш Нодир Муҳаммаднинг. Саёқ юрармиш. Ифбатхоним чўчиб қолди. Бундайлар олиб қочишдан ҳам қайтмайди деб уйдан чиқмай қўйди. Аммо кунлар ўтиб, ҳеч қандай хавф-хатар аломати сезилмагач, шубҳа-қўрқувлари унут бўлди. Тўтиқуш ҳадеб такрорлайди: Нодир Муҳаммад, Нодир Муҳаммад... Ифбатхоним бошқа сўзларни ўргатса-да, қуш одатини канда қилмайди, ўша иккита сўзни чиройли қилиб такрорлайверади. Бора-бора бу ном Ифбатхонимнинг дилига яқин бўлиб қолди. Ёқтириб қолди... тўтиқушни!

Бу ҳикояни аввал ҳам эшитгани учун Нигина бону одоб юзасидан унга қулоқ солиб ўтирди, Гулхоним эса ичида Ифбатхонимга ачинди, негаки, Нодир Муҳаммаднинг Жўйпандаги саргузаштларини билар, қизни нималар кутаётганини тасаввур қила оларди...

Гурунг сўнгида Гулхоним тагин сайлдан гап очиб, жума кунни ўзи келиб олиб кетадиган бўлди. Меҳмонларни кузатишгач, ваъда бериб тўгри қилмадинг, деди Фотима бону қизига. Онасининг нега хавотир олаётгани билан Нигина бону қизиқмади ҳам. Ситамгарларга ёрдам бериш хоҳиши бу мулоҳазадан устун келди.

Сайлағ узининг майли ҳам йўқ эмас. Эзилиб кетди. Балким айрилиқ азобларини сал бўлса-да унутар...

27

Кечаги юпқа қор эриган. Қуёш кўзи тушмаган баъзи ўнгирлар, шамол қўли етмаган чуқурлардагина қолган. Олдидаги адр, унга туташ тоғ чўққилари ҳам оплоқ.

Осмоннинг ҳумори ҳали тарқалмаган. Қор учқунлаяпти. Саргайган қамишларни, тиканларни шамол юлқайди. Йул лой булмаса-да, нам, от туёғи шилт-шилт овоз беради, арава гилдирақларига гоҳ чўп-чор, гоҳ балчиқ илашади.

Қизиқ, Нигина бону Жўйпанга биринчи бориши, лекин манзаралари эскидан танишдай, бу ерларда аввал ҳам бўлган-

дай, икки қадам наридаги ўша адр ва тоғларни ҳам олдин кўргандай туюлади унга. Адрдан ўтиб, кулбалар сари яқинлашиб боришаркан, Нигина бонунинг бу ҳайрати тагинда кучайиб, атроф-жавонибни диққат билан кузата бошлади. Ана, тоғдан келаётган ўша жилга, ана, юзини муз ва қор қопласа-да, ўзи Нигина бонунинг мурғак хотирасида муҳрланиб қолган ўша ҳовуз — аввал унутиб, сўнгра Шамсиддин хожа кароматлари билан қайта кашф этгани, сосада кўргани ўша сувхона.

Наҳотки ўшанда уни Жўйпанга олиб қочишган? Наҳотки тагин ўша ўгрилар, сеҳргарлар маконига келиб қолди? Гулхоним сайлини баҳона қилиб, жодугарлар қўлига топширгани олиб келдими уларни? Нигина бону ҳадиқ билан ўнг ёнбошига, Ифбатхонимга қаради. У аравакашга тескари ўтирганча юзидан бурқасини кутариб олган, тоғларга маҳлиё, латиф бир қўшиқни хиргойи қилаётгандай лаблари билинар-билинамас қимирлайди, аввалгисидан ҳам тиниқлашган юзида нозик бир табассум. Хотиржамлик қаңдай гўзал ва ноёб саодат! Қа-чон Нигина бону бу саодатга мушарраф бўларкан? Бўлармикин!

Кулранг булутлар қора тусга кирди. Қор учқунлари тиниб, ҳаали вақт пешин бўлса-да, борлиқ қоронгулик қаърига кира бошлади. Онасининг сўзларини эслади бону. Станг келури кутайлик, қизим, деди у хавотирланиб, йўқ демас эрса, ёнингга соқчи берур, йўллар хатарли.

Онасининг сўзларига бону қулоқ солмади, соқчи бирла меҳмонга борурдин ор этурмен, деди. Чакки қилган экан.

— Ҳув анави қояни, — деди Гулхоним узининг қувноқ ва жарангли овози билан бону хаёлини бўлиб. — Оқэчки қояси деюрар, онда ёввойи эчкилар бисёр, эрта сайл чоғи ўзингиз-да кўрурсиз.

Нигина бонунинг хаёлига лоп этиб жодугар, уни олиб чиққан баланд қоя, тоғдаги эчкилар тўдаси келди. Шубҳасиз, бу ўша маъшум қоя, ўйлади ичидан зил кетиб, жодугар жисминини булутларга қўмган ўша разолат тоғи...

Гулхоним йўл-йўлакай тарихий жойларга, масжид ва бошқа иморатларга таъриф бериб, қаңдайдир ривоятларни тилга олди, жўйпанликларнинг феъл-атворлари ҳақида нималарнидир гапирди, биттаси ҳам Нигина бонунинг қулогига киргани йўқ. У қандай қилиб тезроқ орқага қайтиш гамини ер, бир қушга айланаиб, шу ернинг ўзидан Бухорога қанот қоқишни истар эди.

Шу пайт олислардан қулогига бир садо келди: дадил бўл, дадил бўл! Таниди. Ҳазрати Шамсиддин хожанин овозлари. Қулоқ тутди. Овоз аниқ келди. Қизим, сенин ақлинг губорлардан покланган, сенин дилин шаффоф нурларга йўгрилган, бошингни тик тут, тик тут! Хожанин бу сўзлари боши устидagi қора булутларни ҳайдагандай бўлди, кўз олди равшанлашди, тоғлар виқор этди, енгил оқ кўрпали боғлардан муаттар ислар оқиб келди, ҳаали ўзи орзу қилган саодат — хотиржамлик нашъаси кўнглини мунаввар қилди. Бас, энди ҳеч кимдан

қўрқмайди, эртага тоғ сайлига ҳам боради, ўша Оқэчки қояси-га ҳам чиқади...

Келдик, деди Гулхоним, унинг овози жарангдор эди. Арава богҳовли оддига келиб тўхтади. Олма ва гилос шохлари девордан ошиб йўлнинг ярмигача қулоч ёйган, бог эшиги баланда, бир табоғи очиқ эди. Ичкаридан икки жувон билан Гулоь чиқиб келди. Жувоналар тўн ёпинишган, Гулоь яланқат¹, қорсовуқни писанда қилмай кулиб-яшнаб турибди. Унинг буй тортгани ва тўлишганини Нигина бону илк учрашувдаёқ пайқаб, жуда тез ўсибди, деган фикр кўнглидан ўтган эди, ҳозир уни кузатаркан, бунга ўн икки эмас, ўн саккиз ёшни берса бўлар, деб қўйди ичиди.

Богдан ўтиб, қўшқаватли лойшувоқ иморатга кирдилар. Ташқаридан кўримсиз туюлган кулбанинг ичи долазорнинг худди ўзи экан. Даҳлиздан утилганидан кейинги биринчи катта ҳужранинг деворларида қип-қизил гиламлар, ўртада сандал, ноз-неъматга тула дастурхон, ўнг қўлда битта, чап қўлда икки-та ҳужра. Эшикларида шоҳи пардалар. Нигина бонунинг кўз оддига Ҳазорасб яқинидаги ўрам, хароба қапада чарх йигириб ўтирган Онахол эна келди. Уша юлун кулбадан шоҳона богҳовлига олиб келиб қўндирилган қуш — Гулхонимга бу гўша олтин қафас эмасмикин? Худди шундоқ экани ва яна кўп нарсалар салдан кейин аён бўлди.

Иссиққина сандалга оёқларини узатишиб, энди бугли шўрва ичабошлаган ҳам эдиларки, эшик оддида уларни кутиб олган жувонларнинг бири бориб, Гулхонимнинг қулогига нима-нидир шипшитди, у шошиб чиқиб кетдию шу қўйи меҳмонлар анчагача ёлғиз қолдилар.

— Фикримча, мезбон безовта, — деди Нигина бону сандал чўғи ва қайноқ шўрвадан терлаб, рўмоли билан юзини елпиётган Иффатхонимга. — Бекорга узоқ кетмайду.

Иффатхоним мезбоннинг қанча кетганига эътибор ҳам бермаган экан, бепарволик билан деди:

— Юмушлари бордур-да. Эҳ, бирам роҳатижон сандал экан...

Ё мен инжиқ, ё бу лоқайд, ўйлади Нигина бону.

Гулхоним кирди. Юзи доқадай оқ. Илонни босиб олган одамдай безовта. Узига тикилган кўзларга қарамасдан пиёласида совуб қолган чойни озига олиб борди.

— Ибн Бадални танирмисуз? — сўради аста Нигина бонудан.

— Йўқ, — офатни сезган қушчадай сергак тортди бону, — ким ул Ибн Бадал?

— Жўйпанинг чўнг дуохони... Сизни билур эмиш.

Дуохон... Наҳотки ўша бошида битта туки йўқ жодугар?! Дик этиб ўрнидан турди Нигина бону ва саросимага тушиб сўради:

— Мақсади недур!

— Ёлғиз ўзингизга айтадурган гапи бормиш...

Ажабо, дуохоннинг шаҳарлик меҳмон қизга ёлғиз айтадиган қандай гапи бўлиши мумкин? Бону шу хаёлар гирдобидида ўртанаётганида Иффатхоним кулиб деди:

— Сайимиз афсона бирла бошланур. Эшит, бону, эҳтимол гаройиб гапи бордур, дағи ўзи дуохон...

Нигина бону ранжиди, дугонасини тузукроқ билмас ҳам экан, тантиқлик ҳам эви билан... Гулхонимга нима деб жавоб беришни ўйлар экан, қулогига тагин ўша таниш садо келди: қўрқма, қизим, сенинг ақлинг губорлардан покланган, бошингни тик тут!

Типирчилаб турган юраги жойига келди, қалбига ногаҳоний журъат инди. Ибн Бадал деганини кўргиси, агар чиндан ҳам ўшал жодугар бўладиган бўлса, ўзини не-не балоларга гирифторман экан бу ямоғиз билан рубарў келгиси, бор нафратини ўқ қилиб отгиси келди. Кирсин, деди шу пайтгача ўзида бўлмаган қатъият билан. Юзига бурқаб қасабини ёпди.

— Мен ёнингда бўлайин, — деди Иффатхоним бонудаги бу ўзгаришдан ажабланиб.

— Йўқ, ёлғиз айгиладурган гапда гувоҳ ортиқчадур...

— Мен остонада бўлурмен, — деди Гулхоним Иффатхоним билан ҳужрадан чиқаркан, — сиз менинг азиз меҳмонимсиз, гард юқтирмагаймен сизга, ташвиш қилманг, бону.

Нигина бону ҳужрада ёлғиз қолган бўлса-да, ўзини якка сезмас, гўё қошида ҳазрати Шамсиддин хожа бошингни тик тут, қизим, дея далда бериб тургандай эди. Бундай суянч тоғи оддида энг ашаддий жодугар ҳам, каллакесар қароқчи ҳам бир хасдай туюлар эди.

28

Улар ёшлиқда ажралмас дўст эдилар. Иккалови — Имомқули билан Мирғиёс тенгқур, учинчиси — Исҳоқбек эса, бир-икки кўйлакни улардан олдинроқ тўздирган эди. Лекин ёш кўринар, ташқаридан қараган киши учовини тенгдош ўйларди.

Тақдир уларга шоҳу давлат ҳам тайёрлаб қўйган эди. Бири, Имомқули амир бўлди. Мирғиёс — қушбеги, Исҳоқбек — ясавулбоши.

Бир кунда тўрт фарзанд дунёга келди. Имомқулихон икки ўғил, Мирғиёс қушбеги қиз, Исҳоқбек ясавулбоши эса қиз набира кўрди. Уша кун ияши ният қилдилар — ҳали исм ҳам олмаган икки қизалоқ Имомқулихоннинг икки ўғилчасига аталди.

Имомқулихоннинг бир ўғилчасини чечак олиб кетди. Бир ўғлига икки қизалоқ — «келин» қолди. Амирга қариндош бўлиш амалу давлат келтиришдан ташқари эртага тахтга ворислик ҳуқуқини ҳам беришини ҳисобга олганда қушбеги билан ясавулбоши дўстан рақибга айланишлари керак. Қушбеги худди шундай деб ўйлади ва ясавулбошининг ҳам пайтавасига қурт тушди деган хулосага келди. Аслида эса ясавулбоши бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмаган, бугун фикри — хаёли ўша пайтда

¹ Яланқат — пахтаёқ сўз.

катта шов-шувга сабаб булган воқеа — бола утирловчиларни қўлга олиш билан банд эди.

Қушбеги ўз хотинини борди-келди баҳонасида ясавулбошининг ўгли Муртазобекнинг уйига қизчасини кўришга юборди. Хотинининг оғзи очилиб келди. Кўз-қошлари қоп-қора, юзи ҳалитдан гулдай. Ҳозирнинг қизи эса...

Шундан кейин қушбеги амирга қариндош бўлишнинг якка ҳуқуқини олишга белни маҳкам боғлади. Бунга шароит ҳам тўғри келган — ясавулбоши бола ўғриларини қўлга олиб дарга осдирган, не иш қилинса, қасоскорлардан кўриладиган вазият тутилган эди.

Қушбеги ўзининг яқин гумаштаси Калонбекка қизчани ўғирлаб, ўлдириб юборишни топширди. Калонбек қизчани ўғирлаб Жўйпанга олиб келди. Ҳўлдиришга келганда ўйланиб қолди. «Харидорбоп» экан, сотса, бўйи баробар олтин беришмайди...

Кўзига кўринган олтинлар пичоқнинг дамини қайтарди. Вақти келиб сир очилиб қолмаслигининг чорасини ҳам топди. Ибн Бадални олдириб, қизчани сеҳрлатдики, у бир умрга хотирасидан жудо бўлди. Уни ўғил болача кийинтириб, Қорақумдан ўтиб бораётган карвонга сотди-да, қушбегига ўлдирдим, деб хабар берди.

Аммо қушбегига қизини саройида кўриш бахти насиб этмади. Амирнинг ўғли болалигидаёқ отдан йиқилиб нобуд бўлди.

Ибн Бадал тумогини¹ олиб тиззасига қўйди, тарвуздай думалоқ, туксиз бошини силади.

— Шундоқ, бўғзингга қадалган пичоқ жоду бирла алмаштириди, — деди шошмасдан, овози паст, лекин фармонбардор эди. — Онинг эвазига яшаб келмоқдасен.

— Утган умримни ҳаёт деб ҳисобламасмен, — деди Нигина бону, жодугардан ўзини устун тутиб. — Ер бирла осмон ўртасида муаллақ бўлиб қолган, кимлигин, насл-насабин, ҳаттоки уз исмин нутган бир қизнинг ҳаётин ҳаёт деб бўлурми? Сизнинг жодуларингиздан жаллоднинг пичоғи юз чандон афзалдир.

Шу пайтгача Нигина бонунинг юрагида бир шер мудраб ётгану бехос уйғониб кетгандай эди. Қаршисида безрайиб ўтирган девсифат жодугардан кучлироқдек, унга ҳукм ўтказишга қобилдек сезарди ўзини.

— Сизни бунда ким ва не олиб келмиш? — жодугар кириб келганидан бери ўйлаётган саволини берди унга, — Даги не сеҳр-жоду қолмишки, они ишлатурга қасд айларсиз?

Ибн Бадал пешонасидаги терни бармоғи билан сидирди. Бошини қуйи солди. Уни ҳам бир дард ўртаётгандай эди.

— Бу гал сени хатардан огоҳ айлагани келганмен, — деди иягини қўлига тираб. — Бошингга даги савдо тушибдур, кўп оғир савдо... Офат дам сайин яқинлашиб келур, тез мундин кетмогинг даркор.

¹ Тумоқ — қулоқчин телпак.

— Офат? Яна не офат қолди мен кўрмаган?

Ибн Бадал елкасини ростлади. Ичига ботган кўзларини қиз томонга қадаб турди-да:

— Азроил яқинлашиб келур... жонингни олгали, — деди олий жазо ҳақидаги ҳукми эълон қилган қозидай салмоқланиб.

Нигина бонунинг юрагида ўкириб турган шер аллақайга йўқолди. Устидан гўё кимдир муздай сув қуйди. Билаклари билан кўксини қисиб нафасини ростлади.

— Очиқроқ сўйланг, жонтааб кимдур?

Ибн Бадал оёқларини остига тортди-да, тиззалаб олди.

— Қўрқма, мушқулингни ўзум осон этурмен, — деди дор остидаги бандани қутқаришга гойибдан келган нажоткордай сирли алфозда. — Аммо ... аввалида сен менга ёрдам бермогинг шарт.

— Ёрдам? Сизга? — ҳайрон бўлиб сўради Нигина бону.

— Ҳа, сенинг ёрдамингга муҳтожмен, — тез-тез гапиришга ўтди у. — Бир йилу беш ой бўлдимки, ҳунарим касод, не мужодалага қодирмен, не муроқабага. Кўзимдаги аввалиги ут тутунга айланди, дилимдаги кўзгу, қўлимдаги сирли таёқчам чил-чил синди. Сени жодудан халос айлаган афсунгар синдирди мени, қаро ер бирла бир қилди. Айт, ким ул жодугарлар, макони қайда, борайин, оёғига йиқилайин, токи у мени авф айласин, қул-оёғимдин фусун занжирларин ечиб ташласин, ҳунаримни ўзимга, кучимни кўзимга, сеҳр ва каромат қудратини сўзимга қайтарсин! Ҳўб десанг, рози эсанг, бошинг устига келган ўлимдан сени ўзум қутқарурмен.

Гулу оёқ учиде кириб шамаарни ёқди, аста чиқиб кетди. Шундан кун тугаганини сезди Нигина бону. Ундан жавоб кутиб турган жодугарга тагин савол берди:

— Аввал сўзумга жавоб айланг, мени ким ва нечун ўлдирмоқчи?

Ибн Бадал тагин чордона қуриб ўтирди. Уст-устига икки пиёла чой қуйиб ичди.

— Хўп, айтаман, — деди шам ёругида ялтираб турган бошини Нигина бону томонга буриб. — Сен қайтиб келдинг эса, қушбеги Калонбекнинг бўғзига пичоқ тираб сўрадики, сен ўлдирган қизча қандоқ тирилмиш, мени алдашга қандоқ журъат этдинг? Калонбек айбига иқрор бўлгач, унга дедимки, қизни аввал ўлдирмадинг эрса, энди ўлдирурсен, билъакс бошингдин жудо бўлурсен. Калонбек сўз берди: ўлдирурмен! Неча бор онинг пичоғидин худо сени асради, неча бор отанг Муртазобек сени ҳимоят айлади, билмассен ва билмассенки, бугун бошингни онга ўзунг олиб келдинг.

Онаси сўзига кирмай қандай қалтис қадам босганини Нигина бону энди тушунди. Лекин «бошингни ўзунг олиб келдинг» деганига ақли бовар қилмай бунинг ҳаммасига Гулхонимнинг макри, уни Калонбек ишга солган деб ҳисоблади. Йўқ, деди Ибн Бадал, гумонинг беҳўда, Гулхоним хабарсиз, бу қисмат...

Нигина бонунинг пойма-пой саволларига жавоб бериб Ибн Бадал айтдики, Бухородан Гулхонимнинг дугоналари келиши-

дан Калонбек хабардор бўлса-да, кимлар эканлигини билмас, бунинг билан қизиқмаган ҳам эди. Дафъатан бугун бедана овига амирзода Нодир Муҳаммад билан қушбегининг ўгли Мирокли мирзо келиб қолишдию Калонбек уларни овдан кейин бу ерга бошлаб келадиган бўлди. Ибн Бадални у Гулхонимга шуни айтгани тогдан юборган. Ибн Бадал келиб кўрсаки...

— Ҳозир келиб қолурлар, шошил, эй, Муртазобек қизи, — деди Ибн Бадал вазиятни қисқача тушунтиргач, — Сен менга ушал пир манзил-маконин айт, мен сени мундин олиб кетайин ва отанга етказайин, сўнгра ўзум ул пири кабир оёғига бориб бош қўяйин, авф сўрайин, шояд кучим ўзимга қайтгай!

Шамсиддин хожа манзилин бунга айтиб бўлурми? (Хожа вафотидан бону беҳабар эди). Аввало ҳазрат бу нобакорга изн бермас, мабодо раҳм айлаб, йўлин очгудек бўлсалар, у тагин кучу кароматин одамларга қарши ишлатмасми? Бундайларда лафзу вафо бўлурми? Нигина бону шу хаёлларга бориб, деди:

— Кўрдимки, сизга берилган сеҳр илми одамларга бахтсизлик келтирар. Балким шу боис устоз иомингизга шикаст бергандурлар. Мен бу йўлда сизга кўмак беролмасмен.

Ибн Бадал ўрнидан туриб, Нигина бонуга яқинроқ келди. Сочу соқол-мўйлови каби қош-киприги ҳам йўқ, юзи бир лаҳм гўшт, ялпоқ бурун, шилпиқ кўз... Бонунинг эти жимирлашиб кетди.

— Магар илмим ўзимга қайтса, ҳеч қачон ёмонликка ишлатмасдим, — деди ундан нажот тилаб. — Ёвузликдин ўзумни ҳимоя айламоқ учун даркор бу илм. Усиз мени ўлдурурлар. Айт, қайда ул каромат соҳиби?

Агар Нигина бону унга Шайхобод йўлини кўрсатса, ўзини хавф-хатардан халос этади, аммо ўзгалар ҳаётига зомин бўлади, рад этса, бошқаларга етадиган жабру ситамларни ўзига олади, нима қилсин?

Ибн Бадал унинг жавобини кутиб ўтирмай Гулхонимни чақирди-да, қизни олиб кетажagini айтди. Шу пайтгача юрагини ҳовучлаб турган Гулхоним Нигина бону билан Иффатхонимни Ибн Бадалга, уларнинг тақдирини Олоҳга топширди. Шу маҳал бог эшигига энди яқинлашганларида отлар дупури билан ҳавойи садолар эшитилди.

Гулхоним ташқарига мўралади. Нодир Муҳаммад, Мирокли мирзо, Калонбек, бир неча камонли йигитлар эшик олдида сармаст отдан тушардилар.

Гулхоним юраги така-пука бўлиб ён-верига аланглади, ажаб, Ибн Бадал аллақачон гойиб бўлган, тоғ сайлига келган иккала қиз ҳайрону лол унга тикилиб туришарди.

Бухоро Абулгози султон учун зиндонга айланди. Томсиз, соқчисиз. Ҳаво етмай, нафаси сиқилади, давоси йўқ, дардадй зўраяди. Раъноси йўқ, ярали дилини чексиз аламлар, армонлар

тирнайди. Нечун Туркистонда, Тошкентда юриб, вақтини, бахтини бой берди, нечун тўғри Бухорога келавермади, нечун унга ҳамнафас, ҳамроз бўлмади?! Уз ишқи, уз ёри, уз иқболи учун курашмади?

Ким аввал ганимларни бирёқлик қилай, кейин ҳаётимни қурай деса — адашаркан, нақд бахтидан ажраркан. Энди буни англаганидан не фойда, энди Бухорода туришдан не маъно?

Бу зиндон — қалъадан, унинг қийноқларидан қочиб, қаёққа боради? Энди Урганч ҳам, Хива ҳам бирдай зиндон эмасми унинг учун? Хоразмга ҳам бормади, Тошкентга ҳам, умрини йўлларда, дашту биёбонларда ўтказди. Тоғу тошларга, итлару кийикларга, ою юлдузларга сирдош бўлади энди...

Амир Имомқулихон ҳузурига кираркан, фикри-зикри ана шундай мискин ўйлар билан банд. Арк ҳам, сарой аъёнлари ҳам, амирнинг ўзи ҳам бедард, бегона кўринарди кўзига. Бунинг устига амир Тошкентда, Турсунхон қатида булаганини икки қарра юзига солди. (Амир билан Турсунхоннинг моши ҳеч қачон пишмаган). Марҳум шаънини таомилга зид, нолойиқ сўзлар билан беҳурмат этди.

Амир ёнида бош вазир Нусрат Аъзам ҳам бўлгани боис Абулгози султон ўзигагина оид гапни айтиш билан чекланди.

— Қисматимда фурқат бисёр, муқимлик кам кўринур. Икром-эҳтиромлар учун ташаккуримни қабул айлаб, изн этсалар, фақир йўлга чиқсам.

Имомқулихон шаҳзодани аввалдагидек саволга тутиб ўтирмади, йўлини тўсмади.

— Дунёнинг роҳатидин машаққати кўп, — деди насихатомуз, — сабр-тоқат бирла йўл юрган довол ошур, манзилига, мурод-мақсудига етур. Бизни нутманг, шаҳзода...

Ўрнидан кўзгалган шаҳзодани бош вазир ўтиришга имо қилиб, амирга деди:

— Олий ҳазрат, фикримча, Жўйпандаги фожиа... адолатсиз кўрилди, деб шаҳзода кўнглида тош бирла кетурлар. Истардикки, Абулгози султон ҳақиқатни ўз қулоқлари ила эшитсинлар ва кўрсинларки, Бухорои шарифда адолат, фақат адолат ҳукм сургай, жиноят бежазо қолмагай. Ахир, марҳума Хоразмнинг-да фарзанди, Арабмуҳаммадхоннинг дилбанди бўлган.

Елкасидан тош босгандай Абулгози султон қўлларини тиззасига тираб, бошини эгди, қош-қабоғи бир жойга келди. Марҳума... бу сўзни эшитгунча қулоқлари кар бўлса бўлмасмиди!

Шаҳзода шу даража гам лойига ботган эдики, бош вазир амирга ўз фикрини асослаб яна гапирганини, қабулхонада қозикалон ва қушбегилар кутиб турганини эслатганию уларнинг кириб келганини ҳам сезмай қолди.

— Олий ҳазрат, — деди Нусрат Аъзам. Абулгози султон бошини кўтариб, унга, атрофга назар ташлаб кўрдикки, тахт пойида Муртазобек, Мирғиёс қушбеги, яна икки нотаниш киши қўл қовуштириб туришибди. Нотанишларнинг бири баланд бўйли, оқ соқол, барваста, иккинчиси гўлабир. Бош вазир амирга ҳурматини изҳор қилиб, сўзини давом қилдирди. —

Жўйпанда рўй берган фожиа сизнинг амри фармонингиз ила холисалинно ўрганилгач, ворида бўлдимиз, музофот қозияти ҳукми асоссиз, ҳақиқатга зид, салтанатимиз қонуни аъмолига мутлақ хилофдур. Фожиа ва қозият ҳукмин шарҳламоққа ижозат бергайсиз.

Бош вазир жуздонидан жимжима ёзувли қўшварақ қоғозни олиб айтдики, бунга, яъни музофот қозияти санадаги кўра воқеа куйидагича бўлган.

Жўйпанлик тамакифуруш бой Калонбекнинг жорияси Гулхоним Абдураззоқ қизи ўз ҳамнишинлари — Нигина бону Муртазобек қизи билан Ифбатхоним Бузрук эшон қизини базмга чорлайди. Базм интиҳосида Калонбек пайдо бўлади, фожиа ана шундан бошланади. Калонбек тутган гулни Муртазобек қизи олди деб жория рашк ўтида ёнади ва газабдан кўзи кўр бўлиб иккаласини заҳарлаб ўлдиради-да, тўғри қозиятга келади, воқеани айтиб айбига иқрор бўлади. Аммо оз фурсат ўтгач, айтганидан тонади. Қозият воқани ўрганиб, ҳақиқатан ҳам жория бир йўла икки беғуноҳ одамни ўлдирган деб топади ва ҳибсга олади, энди уни дорга осиб элга сабоқ беришга олий ҳазратдан изн сўрайди.

Ҳақми, сўради бош вазир чеккада турган гўлабир — Жўйпан қозисидан, у бош иргайди — ҳақ.

Абулғози султон бу ҳукм ҳақида аввал ҳам эшитган, лекин ишонган эмас ва ишонмас, Нигина бону адоват қурбони бўлганига шубҳа қилмас эдики, буни Нусрат Аъзамнинг кейинги сўзлари тасдиқ этди. Воқеа бутунлай бошқача бўлганлигини бош вазир далиллар билан исботлаб берди.

...Икки йигит кўнгила очгани улфатлари билан Жўйпанга борди. Калонбек уларни бедана овига олиб чиқди. Овдан кейин тоғдаги ўз хилватхонасида «гап» берди. Баччалар нашъа тутдилар — йигитлар кўнгила ёздилар.

Кечқурун Калонбек йигитларни жорияси Гулхоним Абдураззоқ қизига тегишли ҳовли-боққа бошлаб борди. У ерда Бухородан қандайдир қизлар базмга келганидан Калонбек хабардор (ўзи ноз-неъматларни муҳайё этиб берган) эди. «Хумор ёзиш»ни баччалар даврасидан қизлар базмга кўчириб, авж нуқтасига чиқаришни ният қилди.

Қизларни жория ичкари ҳужрага яширмоқчи бўлди, лекин Калонбек уни хобхонасига қамаб, эшигини занжирлаб қўйгач, йигитлар гўё бедана овидан кийик овига келгандек «ичкаридаги оҳулар»га ташландилар. Бузрук эшон қизини отга ўнгарийди, биринчи йигит уни тоққа, Калонбек хилватхонасига олиб кетди. Муртазобек қизи иккинчи йигит чангалига тушди.

Бу йигит — Мирғиёс қўшбегининг ўгли Мироқил мирзо ўзига жон-жаҳди билан қаршилиқ қилаётган қизнинг кимлигини билгач, кайфи тароқ, бошвоқсиз овчидан йиртқичга айланди. Аввал қизни ҳушидан оздириб, номусини булгачи, сўнгра Калонбекка заҳар топдириб, оғзига қўйдирди. Ниҳоятда эса Калонбекка мусаллас суниб, ўзи берган заҳар қолдигини ўзига ичириб кетди.

Жориянинг ўн икки яшарлик қизи сандиқ орқасида жон сақлаб, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрган эди, қаттол кечгач, онаси ётган ҳужра эшигини очиб, бор гапни унга айтиб берди. Жория чопқиллаб қозихонага борди. Қози уни эшитиб, Жўйпан ҳокимига, ҳоким қўшбегига маслаҳат солди. Қўшбегининг тазйиқи билан жорияни ҳибсга олиб, қотилга чиқаришди.

Қўшбегининг ўгли нечун ёвузликка борди, аввал беғуноҳ қизни, кейин ўз улфатини нечун ўлдирди? Бош вазир бу саволни ўртага ташлаб, жавоб топиш учун ўн беш йил «орқага қайтиш»га амирдан ижозат сўраб, Муртазобек қизчасини ўғирлашни қўшбеги Калонбекка топширганидан то охириги фожиагача бўлган воқеаларни бир-бир ифшо этди, ҳибсга олинган Ибн Бадал ва жория қизчасининг бармоқлари босилган иқрорнома ҳамда айбномаларни ўқиб, шарҳлаб берди.

Амир қозикалон қизининг ўлдирилишини адолат илдиизига урилган болта деб атаган, уни текширишни бош вазирга ўзи топширган, лекин Жўйпандаги фожиани қўшбеги ва унинг ўгли содир қилади, унга ўз иниси ҳам даҳлдор бўлади деб асло ўйламаган эди. Амирзода ва қўшбеги ўглининг чакки юришларини эшитганида инисига қаттиқ танбех бериб, дабдабали шикорларни маън этиш билан чекланганидан афсус ер, эндиги пушаймони ҳад билмасди. Нечун инисини вақтида жиловламади, қўшбегининг ҳийлаларини нечук сезмаган?

Кеча бош вазир фожиа тафсилотидан уни хабардор этганида бу ва бошқа саволлар кўнгиладан кечган, кўп хаёларга борган, чуқур мулоҳазалардан кейин Бузрук эшон қизини Нодир Муҳаммадга никоҳлаб бериш, шу йўл билан уни оқлаб, тезроқ Балха жўнатиб юборишга, қотилликка қўл урганлар масиятини эса ошкора ажрим этишга қарор қилган эди.

Вазият шуни талаб этди. Аслида-ку Мирғиёс қўшбеги ўзининг ишонган устунларидан бири, салтанатга хизмати синган. Лекин қотил ота ўглини қаноти остида сақлаб қолмоғи энди мушкул. Шуларга ўхшаш аъёнлар баднафслигидан Қўшминорда қўзғолон кўтарилди. Бош вазир ва қозикалон қон тўкмасдан қўзғолонни бостириб қайтишди. Ҳозир уларнинг қўллари баланд. Қўшбегини қурбон беришдан, жиноятчи ва унинг ҳомийларини шафқатсиз жазолашдан ўзга чора йўқ.

Амир қўшбегида сўради: айбинга иқрормисен? Қўшбеги амирнинг оёғига йиқилди.

— Тўхмат, олампаноҳ, — деди маломатга учраган одамдай бўғилиб. — Калонбекни кўрмаганмен, жодугарни билмасмен, ўлимимдин хабарим бор-у, аммо қозикалон қизининг ўлимидин беҳабармен, адолат қилинг, саховатпеша амирим!

Қўшбеги ўз айбини рад этишини олдиндан билган Нусрат Аъзам гувоҳларни Аркка олдириб қўйган эди, амирга шуни маълум этиб, уларга сўз берилишини сўради.

— Олий ҳазрат, рухсат айланг, мен... ўзум гувоҳлик берур-

мен, — деди Муртазобек билан музофот қозиси ўртасида эҳтисоб¹ бошланганидан бери йўталолмай турган Жўйпан ҳокими томоғини қириб. — Ҳам гувоҳмену ҳам гуноҳқормен, бир қошиқ қонимдан ўтинг, онҳазрат!

Амир рухсат бергач, у қушбеги буйруги билан бегуноҳ жория қотилга чиқарилганини тан олиб, қозикалон қизини-да, бойни-да Мироқил мирзо ўлдиргани шубҳасиздур, деди. Узининг ҳам айбдор эканини айтиб, тахт пойига тиз чўқди.

Сўзу сўроққа ҳожат қолмади. Амир қушбеги билан унинг ўглини дорга осиш, Жўйпан ҳокими ва қозисини зиндонга ташлаш, жорияни озод этишга фармон берди.

Абулғози султон амир боргоҳидан чиқиб, Арк олдида отни ҳозирлаб турган Салоҳиддиннинг эътирозига қарамай унга рухсат берди-да, қабристонга кетди. Исҳоқбек мақбараси ёнидаги янги қабр олдига боргач, юрагини чангаллаб турган фиғон қизил сиришкка² айланиб, лой-тупроқ устига томди.

Бир вақт бошини кўтариб қараса, ёнида чўккалаб Муртазобек утирибди. Юзи сомон, қадди дол. Шаҳзодани бунда кўриб кўнглидан нималар кечди экан? Балким бирга ўсган, туғишгандай бўлиб қолган марҳум синглиси пойига келгандир деб уйлар, балким жувонмарг гул ҳажрида симобдай титраётган дил нолаларини эшитиб, унга ҳамоҳанг ўзи ҳам унсиз йиғлар...

Улар қора еру қора осмоннинг ўзидай сукут ичида узоқ ўтирдилар. Уҳ тортиб аввал Муртазобек, кетидан Абулғози султон ўрнидан турди. Орқароқда қозикалоннинг мулозимлари, Салоҳиддин туришган экан, улар билан қабристон дарвозаси томон юрдилар.

Хайрлашар чоғи Бухородан кетаётганини айтиб, Муртазобекнинг кўзларига ўкинч билан боққан шаҳзода унинг қора-чугларидаги мотам ўрнини интиқому бемурса кураш ёлқинлари эгалаганини кўрди. У ҳозир умр гулини пайхон этган Жўйпан бойваччалари, қушбеги ҳамтовоқлари билан олишишга ҳам, юртини хароб қилиб, ватандошларини, ўзини дарбадарликка маҳкум айлаган жоҳиллар ва рижкорларга қарши отла-нишга ҳам тайёр, оёғи узанги, оти майдон, қўли шамшир истар эди.

Тошқин булоқ ўзига йўл очганидек ҳужрасига етиб келиши билан қай сарҳадга оқишини қисматнинг ўзи унга белгилаб берди. Хоразмдан от елдириб келган чопар Ҳожиназар ва Алп арслонлар, абулхонлик, манқишлоқлик суворийлар сиқувига дош беролмай Исфандиёрхон Ҳазорасбга қочгани, сардорлар Абулғози султонни зориқиб кутишаётганини маълум қилди. Шаҳзода ва унинг ҳамроҳлари бу гал йўлга қасос истаб, қанот боғлаб чиқдилар.

¹ Эҳтисоб — ҳақиқатни аниқлаш.

² Сиришк — кўз ёши.

Кунлар исиб, қалдирғочлар билан баробар Тошкентга хуш-хабар ҳам етиб келди.

— Отни эгарлайверинг, Толиб ога, — деди Қурбон қовунчи тужжорни олқишлаб, — юртга кетурмиз, Хоразмга. Тизгинни ўз илгига олмиш Абулғози султон.

— Хон бўлибдими?

— Шунга яқинроқ. Исфандиёрхон Хивани унга беришга мажбур бўлибдур.

— Ўзи қайда эмиш?

— Ҳазорасбда.

— Бухородаги хоразмликлар бари қайтаётган эмишлар. Биз ҳам кетайлик.

Толиб тужжор Қурбон қовунчини қучиб, огзинга бол, дея, ҳаменидан бир танга — олтин чиқариб, суюнчи берди.

— Муҳайёхон не дейдир? — кўзи ёриган қизи йўлга чиқоладими-йўқми шуни уйлаб сўради тужжор.

— Ўғилчамнинг чилласи чиқди, кетаверамиз, дейдир.

— Қовун олди-сотдинг бор, ул не бўлур?

— Э, қовундинг сараси Хоразмда-ку. Кучаётганлар бари Орол бўйига бораётган эмиш, Оролдинг ери олтин.

— Орол борамизми?

— Ҳовва, борамиз. Ер-жаҳонга сигмайдурган бир қовун бўлсинки...

— Қачон чиқамиз йўлга?

— Э, бизди хотун алақачон сандигини аравага чиқазиб қўйгон.

— Зурсан-ку!

Тужжор олдинига Маккатуллоҳга ўтиб, кейин Хоразмга қайтмоқчи эди, энди аксинча йўл тутишга аҳд этди. Аввал юртга боради, кейин каъбага!

Уч отлиқ икки арава юк, хотин-халажи билан тор кўчалардан ўтиб, қалъадан ташқарига чиқди, баҳор шабадаси гир-гир эсиб турган яланглиқдан шимолга йўл олди. Каттадан-кичигининг шашти балаңд, кайфи чоғ, ҳатто отлари ҳам қамчисиз йўргалаб боришар эди.

Амударё соҳилига етганда Бухородан, Урганчга яқин борганларида эса, Туркистондан кўчиб келаётган ҳамюртлари билан йўллари кесишди. Худди олдиндан келишиб қўйгандай катта карвон бўлиб, Орол бўйига кетдилар.

Урганчни тарк этганларнинг Оролга оқиб келиши бундан бир ойча муқаддам, Абулғози султон Хивани эгаллаши билан-ноқ бошланган, Алп арслон денгиз бўйидаги дарахтзор ерларни ўзига хос шаҳарчага айлантириб, экинбоп майдонларни эса талабгорларга биркитиб бераётган эди. Шаҳарчанинг денгизга пешкаш яшил буржида учта чодир тикланиб, биттасига Толиб тужжор, иккитасига Қурбон қовунчилар жойлашиб олишгач, Оролнинг барра ўтини еб, туёғи тош уйган битта буқани сўйишди-да, ўзларидек «қўним топганлар»га ош тортишди.

Абулгози султоннинг сўзларини қулоққа олмай изгиринли кунда Урганчдан чиқиб кетган ўша имому меъмор, йўлбошловчию созанда юзларида табассум, тилларида ҳазил-мутоиба билан тужжорни қутлаб келаверишди.

Шу кунни тужжорни ҳашамдор ёпинчигли битта аёл ҳам сўроқлаб келди. Уни тужжор овозидан таниди. Назарҳожининг қизи. Зикриё бегим. У бир тутам олтинни Толибнинг олдига қўйиб деди:

— Отам ила қадрдон бўлгансиз. Бошимга мушкул савдо тушди. Ёрдам айланг.

— Не ёрдам? — олтинни нари суриб қўйди тужжор.

— Аввало ёнигизда битта чодир қуриб беринг. Қолганин сўнг айтарман.

Зикриёни суюқоёқлиги учун ҳайдаб юборибди эри, деб эшитган эди тужжор, шундай бўлса-да:

— Чодир керак эрса, сардорга бор, — деди қўрслик билан.

— Бордим, йўқ, теги.

— Йўқ теса йўқ. Отангни қарзи қолмаган менда.

— Хотирини-чи? У ҳам қолмаганми?

Отаси-ку безбет, худбиннинг худбини эди, қизи ундан-да оширди-ку, деди ичида тужжор ва бўлиб ўтган ўша маъшум воқеа ҳаёлидан ўтди.

Урус қазақларини ўлганининг кунидан Урганчга бошлаб келган тужжор уларни панада қолдириб, Назарҳожини оталиқ ҳузурига борди. Ҳозир қизи қўйганидан ўн ҳисса ортиқ олтинни унинг олдига ташлади.

— Олар неча? — сўради оталиқ.

— Бир минг.

— Не юмушда келмиш?

— Айтмайтур...

Минг киши не юмушда келарди? Жилла бўлмаса, сардорини чақир, гаплашайин, мақсадини айтсин ҳам демади. Жим турди. Тужжор яна бир ҳовуч олтин ташлади.

— Дарвозабонга айт, киритсин меҳмонларни, — деди Назарҳожини мулозимини чақириб.

У сўрамаса-да, тужжорнинг ўзи айтиши керак эди қазақларнинг кимлигинию не мақсадда келганлигини. Қазақлар айтма деганига қўриб айтмади. Керак пайтида тил тишлаб ўтиргани учун тужжор ўзини кечиролмайди. Лекин оталиқ-чи? Тужжорни тўғри йўлга солиши ҳам, қалъа аҳлини ёвга қарши оёқлантириши ҳам мумкин эди-ку. Бундан олтинни устун қўйди. Хонга қасдма-қасдига ҳам шундай қилди. Арабмуҳаммадхонни кўролмасди. Ичи қора, ўзим бўлай, дейдиганлардан эди. Қизи ҳам мана олтин кўтаргилаб юрибди. Бир адашди тужжор, энди адашмайди, умри ўша гуноҳини ювишга етадим-йўқми...

— Яна айтаман, — деди Толиб осойишта, — сенлардан ҳеч қанақа қарзим йўқ.

— Қарзингиз бор, шуни бергил, деб келганим йўқ мен ҳам, — аразлаган бўлди Зикриё бегим. — Суянч истаб келганмен, ахир.

— Бировга суянч бўлгулик ҳолим йўқдур, бўлганда ҳам они сенга раво кўрмасмен, — гапни узил-кесил тугатмоқчи бўлди тужжор.

Зикриё бегим ўкинмади. Бирдан ҳеч кимга мадад истаб боргиси келмай қолди. Энди фойдаси йўқ. Айб ўзида. Энди биргина чора қолди, сўнгги чора...

Паришон ҳолда кетаётган эди, тужжор олтинини қўлига тутқазди. Олдин тупроққа отди. Унга қўшиб паришонлигини ҳам улоқтиргандай, қаддини ростлаб, денгиз сари тез-тез юриб кетди.

Беш кун ўтди. Денгиздан қайтаётган балиқчилар ўзини сувга ташлаган аёлни қутқазиб қолишди. У бирпас оғир сукут сақлаб ўтирди-да, ўз-ўзидан кулиб юборди. Балиқчилар устидани, ёки ўз устидан кулдими, билиб бўлмасди. Балиқчиларнинг саволларини жавобсиз қолдириб, қалъа томон енгил чопқилаб кетди.

30

Улар бомдод намозини шайх Кабир масжидида ўқидилар. Намоздан кейин, кузатув маросими сўнггида Абулгози султон сардорларга оқ йўл тилади.

— Туш кўрдим, таъбири нохушроқ, — деди Сабуктош, — ҳали кетмай турсам, нафим тегиб қолар.

— Унда мен ҳам қолай, — деди Муҳаммад Ҳусайнбек, — кемага тушганнинг жони бир. Хонда қарор йўқ, унга ишонмоқ — сояга суянмоқ билан баробар.

Манқишлоқ ва Абулхон ҳокимларига Ҳожиназар ҳамфикр эди.

— Ушанда ўзи ишни чала қилдик, — деди у олти ой муқаддам Ҳазорасб яқинида бўлган жангни назарда тутиб. — Уни ағдариш ўрнига...

— Сулҳ тузганимиз хато бўлмади, сардор, — деди Алп арслон. — Шундан бери лафзин буздими хон? Йўқ. Бузолмайдур ҳам. Кучи етмайдур. Афсус-надоматга-да, хавотирга-да ўрин йўқ.

Алп арслоннинг таваккалчилигига сардорлар кўникиб қолишган, унинг сўзларига кўп-да эътибор беришмас эди. Ҳозир Абулгози султоннинг сўнгги сўзини кутар эдилар. Шаҳзода эса ҳозир воқеаларни фикр қилар, Хевада ҳоким бўлиб ўтириши қандай бошландию нималарга эришиб, нималарни бой берди — буёғида не қилмоқ даркорлиги борасида ўйлар эди.

...Бухородан келган Абулгози султонни Ҳазорасб остонасида кутиб олишди. Қалъани тўрт томонидан тўрт сардор — Ҳожиназар, Алп арслон, Сабуктош ва Муҳаммад Ҳусайнбеклар ҳалқадай ўраб туришар, Исфандиёрхон ичкарига қамалиб олган, ҳоли танг, шундай бўлса-да, Абулгозидан бўлак ҳеч ким билан музокарага кирмайман, дер, ҳамма шаҳзоданинг азму қарорини кутар эди.

Қасос отига миниб келган Абулғози султон хонга элчи киритди. Дедиким, яхшилик билан таслим бўл! Хон элчини ўлдирди, қалъадан чиқиб ҳужумга ўтди. Уч бошқа ўз жигарингга қилич уриш бошқа эканини Абулғози султон шунда билди. Бир қориндан талашиб тушган акаси билан жанг майдонида юзма-юз келганида қонсирраган қиличи дафъатан ҳавода муаллақ қолди. Акасини ўлдириш?! Бошини олиб, тахтига ўтириш! Инсон учун бундан агирроқ бахтиқаролик борми!

Отаси Арабмуҳаммадхон ўз қаттол ўғилларига қарши қилич кутармагани, бундан ўлимини афзал кўргангани энди тушунди Абулғози. Мен Ҳабашни ўлдирайин деб борган эди у отасининг олдига. Отаси бу сўзни бир айтдинг, бошқа айтма, деди. Шунда, рост ажабланди, падари бузрукворини қатъиятсизликда, иродасизликда айблади ўзича. Бугун жигарига қилич кутариши лозим бўлганда ана шу даҳшатни бирданнига сезди, тўкажак қони кўзига кўриндию ичидан бир ниҳо келди: Тўхта! Бу ниҳога ачиниш ҳисси ҳам қўшилиб, миясига бошқа фикр ҳам урилди: Етар!

Исфандиёрхоннинг нақ бошига тушаётган қиличини аранг тўхтатиб, отини ёнбошга, Чавдур устига бурди. Ниҳо дўмбирасини чалиб хонни ўйнатаётган ана шу қароқчи! Бухородан келаётган карвонни талаб Анушани ҳам тепкилаган махлуқ шу! Бош вазир либосидаги аждаҳо шу! Абулғози султоннинг кўзига аждаҳо ва унинг бараварига вишиллаб турган ўнта боши кўрингандай бўлди, вужудига шундай бир куч келдики, биринчи қилич сермаганининг ўзидаёқ Чавдур ўнг кўзидан ажраб орқасига қочди. Абулғози султон уни қалъа дарвозасига гача қувиб борди. Шу ерда кўрдик, Сабуктошдан қочиб келаётган Исфандиёрхон ҳам ўзини қалъага урди. Черигининг ярмидан кўпроги асир бериб, тагин қалъага беркиниб олди..

Елғизланиб қолгани, енгишга кучи етмаслигини билгач, яраш таклиф этди. Аммо сардорлар унашмади: ё таслим бўлсин, ёки таслим этамиз. Абулғози султон таслим бўлишни хондан талаб этди, унга озор етказмасликка сўз берди. Бунга жавобан Исфандиёрхон шоирчага шеър битдириб, Раҳмонберди мутавалли билан чиқартирди. Шеър маъноси: Исфандиёрхон худонинг ердаги элчиси, хонларнинг хони, олам паноҳи, Ҳазорасб унинг енгилмас қалқони, деворига ким тош отса, худди осмонга туфургандек қайтиб ўзига тушур, уни енгаман деганларнинг ўзлари енгилур, бошқалар бари соядур, Исфандиёрхоннинг ёлғиз ўзи нур...

Абулғози султон Раҳмонберди мутаваллини Бухорода учратган, неварасининг ҳалок этилганидан гирён бу нуроний сиймони ўзига яқин тутган эди, уни кўриши билан хаёл кўзгусида яна Нигина бону пайдо бўлди, дунёнинг жангу жадаллари маъносини йўқотиб, дилини тагин маҳзун туйғулар эгаллади. Аммо кўзгудаги тенгсиз жамол ва камол соҳибаси унга эътироз билдириб айтдики, мен учун ҳам энди сен яшашинг керак, мени ва мендайларни хазон айлаган муртадларни енгиб, одамларни пок, ёруғ ҳаётга олиб чиқиш учун курашмогинг даркор!

Шаҳзода кўнглида яна жасорат қушлари қанот қоқди. Шеърдаги ҳақоратомуз гаплар кўксига найзадек ботди. Борлиги тугенга келди. Шошқалоқ ҳисларга берилмаслик мақсадида тагин ўзини босди.

Савашса, қўли ҳозир баланд, голиб чиқиши муқаррар. Лекин Исфандиёрхон охириги томчи қони қолгунча олишади. Яна ўз-ўзининг кўзининг ўйиш, тагин ўз-ўзининг суйиш... Йўқ, бу йўлдан бормайди у, акасининг, халқининг қониға беланган тахтга ўтирмайди. Исфандиёрхон, майли, хонлигича қолсин, аммо қатор шартлар борки, уларни сўзсиз бажарсин.

Абулғози султон сулҳ шартларини ўз қўли билан ёзди. Яъни:

— найман бўлсин, ёхуд бошқа уруғ, қонин тўкиш, улар орасига тафриқ солишга барҳам бермоқ;

— кўчган раиятни юртга қайтармоқ;

— уруғларни тўпаларга жам айлаб, барчасини ердан, сувдан текис баҳраманд этмоқ;

— янги орналар, қалъалар бунёд қилиб, тарқоқ улусни аларга кўчирмоқ, бошин бирлаштирмоқ, мутмаин¹ айламоқ;

— низоларга, фитналарга, биродарқушлик урушларига чек қўймоқликка хон сўз берсин ва ижросига ва итмомига мустаҳқ бўлсин!

Исфандиёрхон шартларни қабул қилди. Битим имзоланди. Ҳазорасб хонга қароргоҳ бўлди, Хива — Абулғози султонга. Ўзаро урушлар барҳам топиб, буронни бошдан кечирган денгиз каби ҳаёт осойишта, тинч оқимга тушди.

Шундай бўлса-да, Абулғози султонга бу осойишталик янги пўртана олдидаги сакинатдек² туюларди. Сардорлар хоннинг орқага чекинишини муваққат сиёсий хийла деб билишар, шунинг учун ҳам Хивада муқим туришмоқда эди.

Ўшандан бери олти ой ўтди. Хон бир марта битимни бузиб, Хивага ҳужум этди. Мағлубиятга учрагач, айбни Чавдурга тўнкади. Бош вазирнинг эски қароқчилик касали қайталаган эмиш, холос.

Сардорлар Хивага маҳкамроқ ўрнашиб олдилар. Хон битимни бузишдан ташқари унинг асосий бандлари — уруғларни бирлаштириш, қалъалар қуриш ҳақидаги талабларни бажаришга киришмади, бу эса эски йўл ўзгармайди, дегани эдики, шаҳзода ва сардорларнинг безовталиги кўпроқ шундан эди.

Лекин Исфандиёрхон кейинги ойда ишонч кўприкларини мустаҳкамлаш йўлига ўтгандай бўлди. Ҳазорасбда тўпалани турган кўп сонли черигини тарқатиб юборди. Ўзи узоқ шикорга чиқиб кетди, вақтини кўпроқ кўнгли очишга сарфлайдиган бўлди. Чавдурнинг ўн тўрт яшарлик қизига уйланиб, элга сурункали туй-томошалар берди.

Бундай вақтиҳушлик, тинчлик-омонлик шароитида Хивада қўшинни ушлаб туриш бемаънилик бўлиб туюлиши табиий

¹ Мутмаин — тинч.

² Сакинат — сокинлик.

эди. Бунинг устига айни хирмон кўтариш айёми, куз фасли бошланган эдики, навкарни ушлаб туриш черикда ҳам, элда ҳам норозилик уйғотмай қолмасди. Абулгози султон сардорларни чериклари билан уй-уйига тарқатишга мажбур.

— Қўлчилаган кўзга чўп тушар, — деди у ҳукмини кутаётган сардорларга, — тоқай Хивани қўриқлаб ултирурсиз, «...эй, мўминлар, кўп гумонлардан четланинг, чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир»¹. Боринглар, Оллоҳ ёрингиз бўлғай, азизларим!

Сардорлар, улар билан бирга навкарлар жой-жойларига кетишди. Абулгози султоннинг қўл остида ўзининг хос сипоҳларигина қолди.

Куз бўлса-да, ҳаво дим. Парча-парча булутлар орасида қуёш бир кўринади, бир гойиб бўлади. Бора-бора булут подалари бирлашиб, кўк саҳнини буткул қоплаб олди. Кўзидаги бу боғлагични қуёш ҳали-бери ечолмайдигандек эди. Лекин шуълага дош бероладиган куч борми оламда. У уфқда ўзига бармоқ бўйи дарча очиб, ерга мўралади. Қора булутлар қизгиш тусга кирди. Гўё бир заррин парда кўк ва ер орасида товланиб турар, дарё томондан эсабошлаган энгил шабадада этаклари аста-аста ҳилирар, битта саҳавотли қўл булутлар ичидаги тор туйнукдан заминга оқ дурларни тўкаётгандай эди.

Бу манзарани кўзатиб турган Абулгози султон энгил тортиб, сипоҳлар қуршовидаги Арк майдонидан ичкарига юрди. Одатда хон утирадиган қароргоҳни четлаб, саломхона қаршисида ўзига муваққат қурдирган чодирга кирди, мулозимга Тангриберди сардорни чақиришни буюрди. Кўп маҳбуслар қатори кеча уни ҳам зиңдондан чиқартирган, юзма-юз ўтириб узоқ суҳбатлашган, Дурунга кетишига рухсат берган, сафар олдида сардорга ўз истакларини билдирмоқчи эди.

— Дуруннинг чаҳ-чаҳ қушларию қизил гуллари борасида кеча айтганларингиз ўзи бир китобдур, — деди чодирга тавозе билан кирган сардорга ёнидан жой бериб. — Қушларга ҳам ҳавасинг келур, ҳам раҳминг. Ҳавас шунданки, оларнинг макони гулзор, гулларнинг бўйларидин маст бўлиб, ошиқона сайрарлар. Ачиниш боиси — оларнинг қафасдалиги, қанотларини ёзиб учолмаслигидандур. Аммо бунга кимлар сабабчи, сардор?

— Ўзимиз, биз ўзимиз сабабчи, муҳтарам шаҳзода, — деди Тангриберди сардор гапнинг қаёққа бораётганини англаб. — Қафасни-да ўзимиз маҳкум айлаганмиз.

— Йўқ, мен сизни, дурунликларни айбдор деб ҳисобламасмен, — кулиб деди Абулгози султон. — Дурун мард, жасоратли, эркин парвозларни севгучи, қадрлагувчи инсонлар макони. Аммо, — шаҳзода сардорнинг кўзларига тик қаради, — Дурунни қафасга, чиройли қафасга айлантирганлар бошқалардур. Ўз ерини сотгувчилар ҳам кўп, сотқинларнинг бошларини силагувчилар ҳам кўп, сардор. Қафас кашфиётчилари ана шулар.

— Аммо қафас бузилмайдурган, боқий нарса эрмас, фақат кўзимиз ўрганиб, қўлларимиз кўрқоқ бўлиб қолгандур.

— Дуруннинг оёғига кирган тикандин бизнинг бошимиз сирқирайдур, битта жисмимиз, сардор, битта жисм!

Шаҳзоданинг ниятлари тоза-ку, деб ўйлади сардор, фақат угина мамлакатни яққадам қилишга қодир. Дурунни қўллаяптими, Дурун ҳам уни қўллағай! У ана шундай умиддар билан юртига кетди.

Хива унутилмас дамларни бошдан кечирди. Дарвиш Шамий Арабмуҳаммадхоннинг мумийланган жасади ҳақида Абулгози султонга гапириб берган, шаҳзода Шамсиддин хожа зиёратгоҳига яқин жойда мақбара қурдирган эди. Хонтепадан хоки келтирилиб, унга жойлаштирилди. Исфандиёрхон билан Абулгози султон тобутни баравар кўтариб, елкама-елка турганини иноқлик деб таърифлашди донишмандлар. Қалъа дарвозасидан то мақбарага қадар саф тортган одамлар «ўз пушти камари ўзига азроил бўлган ота» руҳи қудсийси¹ олдида бош эгдилар: Ажтароллоҳу марқадаҳу!²

Кун ўтиб, тун кирди. Тонгга яқин Арқда муҳиш воқеа рўй берди. Тулкидек писиб черигини қалъага киритган Исфандиёрхон Абулгози султонни ухлаб ётган жойида асир олди. Шундан сал илгари йўлда Тангриберди сардорни ушлашган эди, шаҳзода иккаласини битта айб — Дурунни Эронзаминдан ажратиб олишга уринишда қоралаб, уша куннинг ўзида хон уларни Эрон шоҳи ихтиёрига жўнатди.

Отлиқлар кимсасиз йўлдан илгарилаб кетиб боради, ўртада Абулгози султон билан Тангриберди сардор, уларнинг олд ва орқасида Карвак баҳодур бошлиқ отлиқлар, Абулгози султон кўзларини ерга қадаган, ҳеч кимни кўришни, эшитишни истамайди. Алдовлар, фитналарга тўла ҳаёт азобларидан, маккор, шафқатсиз таждорлар дастидан дили қон, ўзининг ишонувчанлигию риёкорларнинг шумлигидан, разилигидан афсурда³, орқасида қолган йўл ҳам, олдидаги сарҳадлар ҳам қоронгу...

Йиги-фигон эшитилди. Абулгози султон буни ўз қалбининг акс-содоси деб ўйлаган эди, лекин фарёд кучайиб, отлиқлар уша нола келаётган томонга бурилдилар. Саҳрода бир тўда бош яланг, оёқ яланг одамлар телбалардек уңдан-бунга изгиб юришар, ер тепиб, қон қусиб йиглашар, беозор йўловчиларга учрадик деб отлиқларга илтижо қилишар эди: олакетинг бизларни, олакетинг! Ёвузлар қулаб келурлар, ёвузлар...

Уларнинг баъзиларини Абулгози султон таниб қолди. Урганч дарвозаси олдида кўч-кўронини кўтариб кетамиз, деб турган ўша одамлар, ўша серсоқол йўлбошловчи, аравада тикка турган ўша йигит... Водариг! Бу не ҳол!

Айтишадик, Бухоро, Тошкан ва Туркистондан Оролга кўчиб келган урганчликларни Исфандиёрхон янчиб тамом қил-

¹ Қудсий — пок.

² Оллоҳ унинг қабрини муаттар қилсин.

³ Афсурда — ҳориган, синиққан.

ди. Бешиқдаги болагача ўлдирди. Фақат биз кечиб чиқолдик жаҳаннамдан, ёрдам айланг, яхшилар...

Мана сенга, имдо, дея серсоқол йигитнинг бўйнига қилич солди Карвак баҳодур. Боши бир ёнга, гавдаси иккинчи томонга тушди. Дод солиб қонга бўялган тана устига ўзини ташлади кекса кампир. Қўл чўзиб, ёрдам сўраб турган одамлар ҳайкалдек қотиб қолдилар.

— Қир ҳаммасини! — Навкарларга буйруқ берди Карвак баҳодур.

— Тухтанлар! — ўзини отдан ташлаб йўлни тўсмоқчи бўлди Абулгози султон. — Яқинлаша кўрма!

— Ол уни! — Шаҳзодани кўрсатиб навкарга таҳдид қилди Карвак баҳодур. Уч навкар бирданига шаҳзодага ташланиб, қўлларини орқасига қайирди. Отдан тушиб олган Тангриберди сардорни қўлоғини боглаб, эгарга ўнгариб ётқизишди.

— Туш отдан, эй, нобакор, — қўлларини қайириб турган навкарларга эътибор бермай Карвак баҳодурга деди Абулгози султон. — Сени-да — бошсиз тана устида йиглаб ётган онага ишора қилди, — ана шул муштипарга ўхшаш аёл туққандур, у-да бола тугдим деб бош кўтариб юргандир. Сен одам боласи эмассан... Буларда, бечораларда не айб, эй чаён?!

Кўзлари қонга тўлган Карвак баҳодур навкарга бақирди: Ёп озини! Навкар шаҳзодани четга тортиб чиқарди.

Ёқалари йиртилган (ўша аравадаги) йигит Карвак баҳодурнинг отига яқин келди.

— Ур қиличингни кўксимга, иблис, — ярми қолган кўйлагини буткул йиртиб, бор овози билан унга қичқирди.

— Ҳаммасини қир-чоп! — навкарларга иккинчи бор буйруқ берди Карвак. Навкарлар беҳимоя одамларни бир бошдан чопна бошладилар.

Барханлар орқасидан яна бир гуруҳ афтода одамлар чиқиб келди. Бунда не бўлаётганини кўриб орқага қайтишни ҳам, олдинга юришни ҳам билмай лол бўлиб турган қочоқлар устига навкарлар от солди. Абулгози султон шаҳид кетаётганлар орасида Толиб тужжор, чақалоқ кўтариб олган жувон (қизи бўлса эҳтимол), масжид имомини кўриб, инграб юборди. Мени авф айланг, макр ва ҳийла қурбони бўлган одамлар, деяётгандай эди у!

32

— Хола, бу мен, Давлатёрмен.

Энамой кўзини очиб, унга қаради. Нурсиз ва маънисиз эди боқиши. Танимади жиянини. Тепасида чўккалаб ўтирган Давлатёр юзини унинг саргайиб кетган юзларига яқинроқ олиб борди: Сўзланг, хола, сўзланг!

Яна кўзларини юмди Энамой. Неча кундан бери давом этаётган узлуксиз уйқуга кетди яна. Давлатёр бошини солинтирганча ўтириб қолди. Азалий таниш йиги бу, овозсиз йиги.

Йигининг энг огири. Ичга урадиган вулқон. Юракни куйдирадиган ўт.

Бу дунёдан уларнинг умидлари кўп эди. Бир кеч топган бахтини кўз қорачигидай асрашга, иккинчиси йўқотган иқболни топишга интилганда уларга омад ёр бўлмади, айна гуллаган чоғида бири ўлим тўшагида ётибди, иккинчиси муҳаббат қўшини қўлидан ўчириб, ҳаёт саҳросида дарбадар.

Энамойнинг фожиасига ким сабабчи? Холасининг бахтсизлиги Давлатёр бу уйга Анушани бошлаб келган кунидан бошланган эмасмиди? У Ануша билан шаҳарма-шаҳар қочиб юрганида холаси шу кунга тушармиди?

Қайгу-алам ўзи кетма-кет келди. Яқинда Шамий ҳузурига Бухородан бир дарвиш келиб, қозикалон қизининг ҳалок бўлганини айтди. Давлатёр бу хабардан бир ўлиб тирилди. Энди эса икки йилдан бери ногиронлик азобини чекаётган холаси сунгги нафасини олмоқда.

Давлатёр елкасида бир қўл тафтини сезди. Қарамаёқ англади. Хўжамбердининг қўли. Ёниб борди. Унга осонми? Яхшиям инсон тупроқдан яралган, мабодо темирдан бўлганида алақачон эриб йўқ бўлиб кетармиди!

Улар биргалашиб ташқари чиқдилар, ҳужрага аёллар кириб кетишди. Дарваза олдида одам кўпайган, ўнг қўлидаги гужум тагида Ҳожиназар сардор, божимон, Фазлиддин, чағда мерганлар, балиқчилар. Уларнинг қиёфаларидан бу хонадон ташвишидан булак гап ҳам борга ухшарди. Давлатёр Шамсидин хожа қадамжосидан тўғри Қақралига келган, шундан бери бу ерда, божимоннинг илтимоси билан мадраса қурилишини бошқармоқда, бу тезоб ҳаётга сингишиб кетган эди, шундан дарвоза олдидаги одамлар уни ҳам ўз кишиси билиб мулоқотга тортишди.

— Гап бундай, навкар, — деди Ҳожиназар Хўжамбердига, — Чавдур устимизга черик тортиб келур. Хонадонларни, сенинг бемор халангни-да ўрмон ичкарисига кучириб, ўзимиз жангга отланмасак бўлмас.

Хўжамберди навкар ҳозироқ жангга тайёр, лекин Энамойни ўрнидан қўзгатиш... У иккиланиб Давлатёрга қаради.

— Ўрнидин қўзгатмасак узилур, қўзгатмасак ёв узадур, — деди Давлатёр Чавдур қароқчиларининг ваҳшийликларини уйлаб. — Не бўлса, ўз қўлимизда бўлгани маъқул.

— Биз-да, шуни ўйлармиз, — деди божимон ва Хўжамберди навкарга топширди, — тайсалламай аравага чиқар, умри бўлса ҳеч гап бўлмас.

Ичкаридан аёлларнинг йигиси эшитилди. Хўжамберди билан Давлатёр югуриб уйга кириб кетишди. Қолганлар юзларига фотиҳа тортидилар.

— Буларнинг қавмгоҳи Оловлида, — деди Фазлиддин, — кубур қуришган унда, бир ой муқаддам.

Ҳожиназар бу гапни эшитгач, божимонни чеккага тортиб, унга бир нималарни ўқтирди. Божимон бош ирғаб, маъқуллаб турди. Кечқурун Хўжамберди навкар керакли одамларни

олиб, Оловлига жўнади. Тонг маҳали тобут кўтарилди. Ўрмон чеккасига етганда тобутни елкадан аравага олишди. Хотинлар тушган арава орқасида яна учта арава бўлиб, унга «кексалар, ногиронлар» чиқиб олишди. Аравалар кетидан юздан зиёд одам, уларнинг орқасида ўттиз чоғли отлиқ Оловлига томон жидди.

Қуёш чиқиши билан баробар қиблада чанг кўтарилиб, қаршилариди суворийлар пайдо бўлди. Олдинги қаторда бўз чопонга ўраниб яёв бораётган Фазлиддин уларни чамалаб кўрди, мингдан зиёд отлиқ. Саф бошида бир кўзи боғлиқ бош вазир, унинг ёнида ясавулбоши ва бир неча сардорлар.

Чавдур черигини тўхтатиб, тобутни олиб кетаётганларга разм солиб турди-да, Ясавулбоши билан икки юзтача суворийсини уларнинг кетидан жўнатиб, ўзи черигини Қақрали томон бошлаб кетди.

Орада кўз етгулик масофа қолдириб суворийлар мотамзадларга эргашиб келар эдилар. Қирқёб¹ етганда Фазлиддин араваларни оёқёздига тўхтатди. Ясавулбоши ҳам отининг жловини тортди. Азадорлар юрса юриб, тўхтаса тўхтаб, Оловлигача изма-из келишди, ўрамга киришгач, Давлатёрлар тобутни елкага олиб, боғли ҳовлилар олдидан ўтиб боришаркан, отизчелда² ишлаб юрганлар бел-кетмонларини ташлаб, савоб олгани кўшилдилар.

Аср пайти марҳуманинг ота уйи олдида жаноза ўқилгач, ёб кўпригидан ўтиб, қабристонга олиб боришди. Шу орада «икки юз отлиқ соя» ҳам улардан ажралмай қабристонга-да кирди.

Аммо тиловатдан сўнгоқ ясавулбошининг ур деган овози эшитилдию навкарлар қилич ялангочлаб, қақраликлар устига ташландилар. Фазлиддин бошлиқ мерганлар тўнлари ичидан боғлаб олган шамширларини қўлларига олдилар. Наъра тортиб яшин тезлигида ёв қаторларини пароканда қилиб юбордилар.

Кечаси Хўжамберди билан келган камонбозлар қабристон девори буйлаб жойлашиб олган эдилар, улар талада туриб, ёвни қийрата бошладилар. Аҳли навкар қочиб ўзини қабристон дарвозасига урди, лекин унга қулф солиб улгурилган эди. Қуршов ниҳоясида ясавулбоши ва икки сардор асир олиниб, қолган навкарлар қириб ташланди.

33

Исфaxonнинг ичидан ўтувчи Зайёнруд дарёси тўлиб оқаяпти. Суви бирам тошқинки, Абулгози султон соҳида туриб, хаёли қочди. Вақт чиндан оқар сув экан, одам гўё дўпписини бир айлантириб улгурмай дунё ўтса-кетса. Унинг Исфaxonга келганига, Хўсайния маҳалласида тутқин ҳаёт кечираётганига

¹ Қирқёб — Қақрали билан Оловли ўртасидаги мавзе.

² Отизчел — дала.

ҳам ўн йил бўлибди, Ўн йил мана шу Зайёнруд сувларидек сарғайиб оқиб кетди, кўнги тубида лойқалари қолди...

Бугун тун ярида Абулгози султон Исфaxonдан бадар кетмоқчи. Танга бериб ёнидаги уч кишини ҳам шунга кўндирган. Эрталаб бозордан саккиз от харид қилишди. (Хоразмгача йўл олис, ҳар кимга иккита от олмаса бўлмас, Форсий ва туркий забон хизматкор «бек», ўзи «отбоқар», борар «манзиллари» Хуросон, касб-корлари — «тужжорлик»).

Кун ботабошлади. Абулгози султон Хўсайнияга қайтиб, йўл анжомларини яна бир бор кўздан кечирди. Шом намозини ўқиб, шаҳар ногораси чалинишини кутишди. Таомилга кўра қалъа девори устида ҳар оқшом ярида ногора чалиниб, дарвоза охири марта очилиб-ёпилади, кирадиганлар кириб, сайёҳлар, турли эҳтиёмандлар чиқиб кетади.

Ногора чалинди. «Тужжорлар» Исфaxonдан чиқиб, илк манзили — Бистомга юрдилар. Қадамларининг бундай енгил кучиши Эронзаминада шоҳ алмашгани туфайли эди. Шоҳ Саффе I рақиблари томонидан ўлдирилиб, урнига Аббос II ўтқазилгач, мамлакатда ҳукм суриб келган мустабид сиёсат тизгинлари бўшаб, мўтадиллик қарор топабошладики, Абулгози султоннинг исканжадан чиқиб кетишига ҳам ана шу янги муҳит имкон берган эди. Лекин Бистомга келишгач, эски йўлтўсарларга рўбарў бўлиб қолишди. «Отбоқар» отларни алмаштираётганида синчков оқсоқоллар уни қочоқликда айблаб, шоҳга тутиб бермоқчи бўлдилар. Уша пайт ногоҳон йўлда кажавали карвон пайдо бўлиб, «отбоқар» унга ўзининг «доҳиллигини» рўкач этмаганида сафар шу ерда итмомига етарди. Карвонбоши ҳам жўмарда экан, «бир пайтлар ўзида ишлаб кетган» эски отбоқарини «таниди».

Хавф-хатар орқада қолди, улар тоғ йўллари оша Марз кентидан ўтиб, тун маҳали Маҳин кентидан чиқдилар. Қум этагига жойлашган қапа-уйлар хуросонликларнинг иморатларига ўхшамас, муваққат қўналга-чодирга яқин, даричалари олдида ёниб турган чироқлари ҳам қизилбошникидан айри, Манқиш-лоқнинг дошчироқлари эди.

Чеккадаги биринчи уйнинг эшигини қоқишди. Кападан чиққан навқирон йигит Сабуктошни эслатди Абулгози султонга. Буй-басти, қошлари, қарашлари худди ўзгинаси. Мусулмончиликда меҳмонни эшикдан қайтариш одати йўқ, йигит уларни ичкарига бошлади.

Қулба биридан бирига ўтилувчи ёнма-ён учта қора уйдан¹ иборат, эшикларига шолча илиб қўйилган эди. Меҳмонлар биринчиси — каттароғига киришди. Ота, қўноқлар келишди, деб овоз берди йигит. Ичкаридан бизга таниш аллома-мунажжим Садрхўжа эшон чиқиб келди. «Тужжорлар беги» шаҳзоданинг номини тилга олиши билан эшон кўчоғини очиб, унга пешвоз келди, эски қадрдонлардек қуюқ омонлашиб, дастурхонга таклиф этди. Эшон ҳақида Абулгози султон Сабуктошдан кўп

¹ Қора уй — ўтов.

эшитгани сабабли Садрхўжа ўзини узоқ таништириб утирмади.

— Жонлиқ сўй, Омонгалди улум, — деди «Сабуктошга ўхшаш» йигитга. У чиқиб кетгач, Сабуктошди ули, деди эшон шаҳзодага йигитни таништирмоқчи бўлиб.

Тонггача кети узилмаган суҳбатдан кўп нарсалар аён бўлди. Қалмоқ хони Манқишлоқни босиб олган, Сабуктошни ўлдирган, халқни қирган. Тирик қолганларнинг бир қисми Маҳинга келиб жон сақлаётти экан. Қизилбошга қарам эмишлар. Шу-да, бўлинганни бўри ейди-да. Тангриберди сардорни зиндонда сақлаб-сақлаб, Дурунга келтириб дорга осдилар. Муҳаммад Ҳусайнбек ҳам фитнес қурбони бўлди, Исфандиёрхон уни абулхонликларнинг ўзларига ўлдиртирди. Имомқулихон кўр бўлиб қолгач, Бухоро тахтини иниси Нодир Муҳаммадга топширди, ўзи Маккатуллоҳга кетди. Нодир Муҳаммад ўз ўгли, Балх ҳокими Субхонқули султонни Исфандиёрхоннинг жиянига уйлантирди. Нодир Муҳаммад билан Исфандиёрхон шу кунларда огиз-бурун ўпишишпти.

— Юлдузлар ҳам тунда, — деди Садрхўжа эшон, — фалак буржларида қора ранглар бисёр, одам бошига ҳали кўп офатлар ёғилгай.

— Ўз бошига ўзи офат қақиргай одамзод, — деди Абулгози султон. — Уч азамат сардор, уч шернинг ўлдирилгани осмон газабининг белгисидур. Сиз, беназир мунажжимсиз, муҳтарам эшон, айтнинг, ўз қонимизни ўзимиз яна қанча тўкамиз, жаҳолат ботқоғида тагин неча йил бир-биримизнинг юзимизга қора чапларимиз?!

— Қанчами! — ўйланиб қолди эшон, сўнг гўё жавобни тасбеҳдан кутгандай доналарини бир-бир ўгириб деди, — юрт бошида ўлтиргувчилар ҳидоят йўлига киргунича. Исфандиёрхон эса бу йўлга кирмоғи мушкул ё они тахтидан ағдармоқ, ё онга чидамоқдин ўзга йўлни кўрсатмас юлдузлар...

— Юлдузлар тагин неларни ҳикоя этурлар?

— Ҳали боққа чиққанимда, — мийиғида кулиб деди эшон, — кўкка боқиб, Сизнинг юлдузингизни кўргандайин бўлдим, шаҳзода!

— Хуш-хуш?

— Сиз юрган йўллар, тагин икки йил ўз ўйдим-чуқурларидан Сизни имтиҳон қилурлар десам, мендан ўпкаламанг, зеро они ўз юлдузингиз айтиб турур.

Тагин икки йил... Кўз очиб-юмгунча ўтарми, ё...

Алп арслон қутурган хон навкарларига бас келолмаган кунни Қора айғир тўқайига қочиб яширинган эди. Эртасига Қутлимурод навкар ва бир неча яқин йигитлари билан «шаҳидлар шаҳристонига» қайтиб келди. Чодирлар ёқилган, таңдирлар йиқилган, молхоналар бузилган, эндигина кўкариб чиққан кў-

катлар топталган. Ҳар қадамда мурда, ҳар қадамда қон. Қушлар денгиздаги ризқини ташлаб, бари шу ерга ёпирилган. Дайди итлар ҳам, оч бўрилару тулкилар ҳам шу ерда эди.

Чеккароқдан жой танлаб, шаҳидларни ерга бердилар. Бузиб ташланган молхона бостирмаси ёнидан ўтаётганларида қийшайиб ётган бостирмадан инграш эшитилди. Қутлимурод гарам остидан бир жувонни топиб олди. Жувон ҳомиладор, ойкуни яқин экан, ўзига келгач, фақат битта сўз айтди. Кетмайман!

Унга мўъжаз чодир тикланди сувга яқин жойда. Хужазлига бориб доя-табибни топиб келишди. Шаҳидлар оролида дунёга келган илк чақалоққа Жонқиз деб исм беришди. Уни Оролда ёлғиз қолдиролмай, Алп арслон йигитларига-да чодир тикалди. Буни кўрган— эшитганлар соҳилга кўчиб кела бошладилар. Жонқизлар, жонийигитлар кўпайишиб, соҳил тагин қалъа тусини олди.

Алп арслон Қақрали билан борди-келдини йўлга қўйгач, денгиз бўйида балиқчилар, мерганлар кун сайин кўпайиб, Оролобод хонга қарши оёқланган метин кўргонга айланди.

Сўнгги икки йилда Алп арслон Ҳожиназар сардор билан аввал Маҳинга, сўнгра Абулгози султон жазабийлар орасига боргач, Абулхонга қатнаб, шаҳзодадан йўл-йўриқ олиб турган эди. Бугун Абулгози султоннинг ўзи Оролободга келди, бутунлай қайтиб келди. У ўзи билан Абултурк бошлиқ жазабийларни ва Сабуктошнинг ўгли Омонгалди оталигида Маҳинда утирган Манқишлоқ суворийларини-да бошлаб келди.

Шаҳзодага атаб қурилган қароргоҳда кенгаш туздилар. Навкарлару мерганларнинг фикри-ўйи шунда эди. Кенгаш эса чўзилиб борарди.

— Хужумни кечиктирмоғимиз даркор, — деди Ҳожиназар сардор фикрида собит туриб. — Исфандиёрхон огир бетоб, хаста-беморнинг устига бостириб бормоқлик номардликдир.

— Қирқига чидаган, қирқ бирига ҳам чидайлик, — унинг фикрини маъқуллади Алп арслон. — Саваш қочмас.

Хон билан олишмоққа қилич ялангочлаб келган Абулхон ва Манқишлоқ бекари бунга қарши эдилар, уларнинг фикрини ифодалаб Абултурк деди:

— Хон номард, ул Муҳаммад Ҳусайнбекни-да, Тангриберди сардорни-да, номардлик билан ўлдирди. Номард кимсага мардлик кўрсатурмоқ жоизми? Таңдир иссиғида ёпилур нон...

Омонгалди сардор қайнотаси Садрхўжа эшоннинг Бухоро амири ҳақидаги мулоҳазаларини эслаб:

— Хонди беморлигинин Нодир Муҳаммад фойдаланмай қолмас, — деди ёш бўлса-да, кўпни кўрган сардорлардек мушоҳада юргизиб. — Ҳозир ҳам Хивада унинг одамлари бисёр, эртага черигин-да юборса-чи?

Бу ҳақда Садрхўжа эшон Абулгози султоннинг ўзига ҳам кўп айтган. Унинг фикрича, Нодир Муҳаммад тахтга ўтириши билан Хоразмни мутеъ қилиш ҳаракатини бошлаб юборган, ўгли Субхонқули султонни Хоразмга куёв қилиши биринчи

қадамидир. У бош вазир Чавдурбек билан зимдан алоқа ўрнатган. Ичидан бузмоқчи. Нияти — хонни ағдариб тахтига эғалик қилмоқ.

Хивадан олинаётган сўнги хабарлар ҳам аллома сўзларини исботламоқда. «Ўтиб қолган хон»дан ҳол сўраш баҳонасида Ёқуб Тавсат оталиқ Бухородан Хивага келди. Ўз сипоҳлари билан Ҳазорасб, Кат, Урганч қалъаларида бўлиб, вазиятни ўрганиб қайтди. Хоразмнинг ҳар битта қалъасида бухоролик бир ноиб «меҳмон» бўлиб ўтирибди.

Шундай вазиятда хонга қарши саваш бошламоқлик Бухоро билан урушга кирмоқлик ҳам бўладики, бунга куч ва имконият қани? Амирнинг ниятини хон ҳам пайқаган бўлиши керак. У соғайиб оёқга тургач, ўз тахтини тиш-тирноғи билан ҳимоя этади. Амир билан орани очиқ қилганидан кейингина унга қарши бориш мумкин. Лекин хоннинг беморлиги чўзилиб, амир буздан тезроқ фойдаланиб қолиш йўлига ўтса-чи?

— Энди менинг сўзумга қулоқ тутинг, сардорлар, — деди Абулғози султон аҳволни ўзича таҳлил этиб чиққач, — Хон фақат ўзи бетоб, ўзигина ҳолдин тойган эрмас, бутун салтанат бетоб, бутун Хоразм бемадордур. Ўзин ва юртин бу фожиа ҳолга солган фақат хон, онинг атрофин қуршаган маразлардур. Аммо Имомқулихондин сўнг Бухоро ҳам аввалги қувватин йўқотиб, парокандалик ва узаро низолар ботқоғига оёқ қўйди-ким, амир аҳволни ўнгламоқлик йўли Хоразмни забт этмоқлик деб ўйлайдур ва саҳв-хато қиладур. Бухородаги ул ботқоқнинг ўзи Нодир Муҳаммадни қаърига тортмоғи муқаррар. Онда бизнинг дўстларимиз ҳам йўқ эрмас, биз оларга суянгаймиз, олар бизга. Ҳожиназар сардор, сен сафарга ҳозирлан, Бухорога дўстларимизга менинг мактубимни олиб борурсен. Алп арслон, сен-да сафарга ҳозирлан, қалмоқ хонига борурсен, ул биз томондур. Абултурк, Омонгалди сардорлар бунда, менинг қатимда бўлулар ва биз бўлажак саваш тандирин қизитурмиз.

Сардорлар Абулғози султоннинг қалмоқ хони Шукур Дайчин ва унинг куёви черкас Гаспулат билан яқинда учрашиб қайтганидан, уларнинг шаҳзодага хайрихоҳлигидан хабардор эдилар. Алп арслонга юклатилган топшириқ маънисини ҳам англаб, савашни кечиктиришга рози бўдилар.

Эртасига Оролободда навкарларнинг, мерганларнинг сипоҳгарлик машқлари бошланди. Суворийлар, пиёдалар, камон-бозлар алоҳида-алоҳида ва қўшилишиб биргаликда «саваш»га киришар, соҳилдаги яйдоқ майдонлар, ўрмон чеккалари «жанг сурони»дан ларзага келар эди.

Шу пайт Хивадан чопар келиб, Исфандиёрхоннинг вафот этганини маълум қилдию воқеалар оқими бошқа ўзанга кўчди.

Чавдурнинг фикрича, салтанат дегани бир кема, қаён бошласа, шу ён кетади. Ҳали хон тириклигидаёқ йўлини ўзгартир-

ган бу кема унинг вафотидан кейинги бир йил давомида Бухоро туги остида сузаяпти. Чавдурга шу ўнғай. Байроқ ўзганики бўлгани, хутбага Нодир Муҳаммад исми қўшиб ўқитилаётгани билан барибир ҳукмни Чавдур ўтказаяпти, жилов унинг қўлида. Бировга бермайди бу жиловни. Шу давр ичида Абулғози султон уч марта Хивага ҳужум қилди. Ҳар гал оти ҳориб, орқага, Оролга қайтишга мажбур бўлди. Яқинда ороликлар уни ўзларича салтанатга хон кўтаришибди. Тожу тахтсиз, қувгиндаги хон. Булаверсин. Номига хон бўлиб юрса юраверсин. Чавдур уни Хивага киритмайди. Хива дарвозасининг битта қопқасида хоразмликнинг ўзи турган бўлса, иккинчи қопқасида бухоролик соқчи турибди. Нодир Муҳаммаднинг невараси, номдор саркарда Қосим султон шу ерда, унинг елдек учқур суворийлари шу ерда. Улар Хиванинг суянч тоғлари...

Ҳозир Арқда, олий меҳмонларга дастурхон ёзиладиган ниллий қасрда ҳар кунгидек уч киши нонуштага йигилган. Турда Қосим султон, ўнг томонда Чавдур, унинг қаршисида Карвак баҳодур. Қосим султон — навқирон, ўрта бўй, узунчоқ оқ юзли, кўзлари ўйчан, нигоҳи майин. Жигарранг камзули устидан елкасига юпқа кўкимтир тўн ташлаган.

Дастурхонда ҳозиргина тандирдан узилган гўштли патир, қаймоқ, новвот, нишолда, қайнатилган товуқ, қовурилган бедана гўшти, ўғилдириқ¹, Хива анори, Ҳазорасб олмаси, қайир олахоммаси², нашвати, шафтоли, узум, зарҳал пиёлаларда сариқ, қизғиш, қизил шарбатлар, ислик кўк, қора чой...

Чавдурлар Қосим султонни фақат шаҳзода, саркарда сифатида билишади, унинг шоирлик иқтидоридан хабарсиз, Қосим султон машҳур Сойиб Исфохонийни³ пир тутинган, девон тузган, фард ва рубойлари, газалари кенг тарқалган форсигўй шоир, лекин буваси Нодир Муҳаммад тахтга кўтарилганидан бери фикру ёдини назмгўйликдан кўра кўпроқ сиёсатдонлик чулғаб олган. Ҳозир ҳам ўзи Хивада ўтиргани билан хаёли Бухорода, у ерда юзага келган тангликда.

Нодир Муҳаммад амирликни аъёнларга, ноиблару улус бошлиқларига совга-саломлар улашишдан бошлади. Ҳар куни тўю томоша, базму ишрат, ҳаммага қимматбаҳо совғалар тарқатиш, шикору шароббозлик. Хазина торож бўлиб, узоқ йиллар давомида Имомқулихон йиққан бойликлар шамолга совуриди. Қули юмушга бормаёй қолган раиятнинг рўзгоридан қут-барака кетди, салтанат инқирозга юз тутди. Беҳисоб ҳадылар тарқатиш билан эл-улусга ҳуш ёқмоқчи бўлган амир нафратга учради, энди унга қарши бўлганларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ, тахти омонат. Бош вазир Нусрат Ўзъм, қозикалон Муртазобекка ўхшаганлар амирни тахтдан ағдариб, урнига унинг ўғли Абдулазиз султонни амир кўтариш пайдалар.

¹ Уғилдириқ — икра.

² Олахомма — йирик-йирик сершира қовун.

³ Сойиб Исфохоний — Мирзо Муҳаммад Али Табризий, буюк форс шоири. 80 минг шеърдан иборат девон муаллифи, милодий 1669 йилда вафот этган.

Нодир Муҳаммаднинг ўн угли бўлиб, худди Абдулазиздек бошқа угиллари, айниқса Субхонқули султон, Қосим султоннинг ўз отаси Хисровсултон ҳам тахтга даъвогар. Қай бири улоқни илиб кетади номаълум. Ҳозир энг муҳими салтанатни таназзулдан тўхтатиб қолиш, хазинани тўлдириш. Шуларни ўйларкан, Қосим султон бедана гўштига рўжу қилган Чавдурга деди:

— Амр этинг, бош вазир жаноблари, қирқ туя тайёрлашин. Беш туяга олтин-жавоҳир, йигирма туяга шоҳи-ипак матолар, туркман гиламлари, қолганларига мева, қовун ортиб, Бухоро йўлланг. Улуг амиримиз Нодир Муҳаммад хоҳиш-иродалари шундоқ, карвон эрта пешиндан қолмай йўлга чиқсун.

Чавдурнинг чайнаётгани огзига қолди. Яқиндагина қирқ туя мол жўнатилган эди-ку? Қайдан олади, хазина ўзи юлқа тортиб қолган бўлса... Юзига қон уриб йўталди, қилтириқ қадалган жойидан кўчиб огзига келди.

Чавдур ҳали ўзига келмай туриб, чопар кирди.

— Абулгози султон чериги Хивага яқинлашиб келаётир!

36

Оролдан чиққан кемалар Хонқоҳга етиб келгач, Абулгози султон бир тўп навкарни шу ерда, Амударё соҳилида тарк қилиб қолдирди. Фазлиддин уларга доруга этилди. Унга мақсад тушунтириди. Эртага пешин чоги, саваш тақдири ҳал бўладиган пайтда кўққисдан Хивага етиб боришлари, ёвни орқа томондан ўраб санжобга олишлари даркор. Рақибни доғда қолдиришга мўлжалланган бу услуб Фазлиддинга-да маъқул тушди.

Абулгози султон асосий черикни Хивага бошлади, улар туни билан йўл юриб, тонг пайти Гамдурконга етдилар, ундан қалъа бир қадам эди, шу ерда черик ҳордиққа тўхтади.

Полвонёб Хивага келиб иккига — Ангариқёб ва Оқёбга ажраб, қалъани айланиб оқади. Дам олган черик Полвонёбнинг қалъа дарвозасига яқин, бурилиб оқадиган жойига бориб сафга тизилаётганда ариқнинг қибла томонидан ёв қўшин тортиб кела бошлади. Абулгози султон улардан аввал черигини кўприқдан ўтказиб, Ангариқёб билан Оқёб оралигида майдонда — Полвонёбнинг эски, қуриб қолган узани ва унинг атрофига жойлаштирди.

Икки юз навкар олдинда, унга Алп арслон бош, иккинчи қатор пиёдалар, ўрта сафда Абулгози султоннинг ўзи, ўнгда Ҳожиназар, сўлда Омонгалди сардор, учинчи қатор тўла Абултурк жазабийлари. Уларнинг орқаси — ўзанда милтиқчилар, тепада, рош устида камончилар. Алп арслон рақиб кучини синдириши, жазабийлар чопиши, милтиқчилар ва камончилар уларни қўлаб туриши, саваш авжига чиққанда Фазлиддин фавжи етиб келиб, ёвни ўраб-янчиб ташлаши даркор — Абулгози султоннинг нияти шу эди.

Ёв эса бўлак-бўлак бўлмай, роз қаноти шаклида турди. Ба-

ри совутли, дубулгали, ўртада Карвак баҳодур, қанотнинг ўнг чеккасида Қосим султон, сўл томонида Чавдур, ҳар қайси ўз қўшини тепасида.

Абулгози султон Ҳожиназар билан Омонгалдига бир кўзингиз ёвда бўлса, бир кўзингиз менда бўлсин, деб тайинлаб қўйган эди, сардорлар унинг ишорасини кутиб туришди. Ёвни чалгитиш учун пиёдалар аввадан режа тузишган, қиличларини олдиларида тутиб, милтиқларини яширган эдилар. Чавдур билан Қосим султон барча суворийларини ана шу «ожиз пиёдалар» устига сурдилар.

Суворийлар ва пиёдалар ораси ўттиз қадамча қолганида Абулгози султон қиличини милтиққа алмаштирди, пиёдалар бараварига узган ўқлардан ёв ҳангу манг бўлиб, мувозанатини йўқотди, қай бирлари отлари устидан учиб, қайсилари отлари билан йиқилиб жон берди. Тепадан камонбозлар, ўзандан чиққан милтиқчилар ўқ ёмгирини шундай ёғдирдиларки, майдон мисли жаҳаннаму ёв мисли унга тушган осий, ҳеч қаердан паноҳ тополмай забун бўлди.

Ўқдан омон қолганларни жазабийлар, Алп арслон баҳодирлари чопди, ўлимга чап берганлар қалъа дарвозасини кўзлаб қоча бошладилар. Қосим султон, Чавдур ва Карвак баҳодур уларни тўхтатиб қолмоқчи бўлишар, лекин навкарлари қўлдан чиқиб қочган бузоқдек тутқазмас эдилар.

Кун пешин бўлган, айна шу пайт Фазлиддин чериги етиб келиши, қочаётганларни ўраб олиши керак эди, аммо ҳануз ундан дарак йўқ эди. Абулгози султон хуноб, бир кўзи йўлдаю не ҳол рўй берди, деган ўйда, Чавдур кетидан қувиб борарди.

Оролда ўзини хон кўтаришгач, эски, қора рангли байроқдан воз кечиб, янги, осмонранг туг ишлатган эди, Хўжамберди милтиги учига ўша байроқни илиб-ҳилипиратиб борар, унинг орқасидан бутун қўшин жон-жаҳди билан олга ташланар эди.

Лекин ёв улардан-да илдамроқ отини чоптириб, дарвозага яқинлашиб бораркан, Абулгози султон ортиқ қувишининг нафи йўқлигига кўзи етиб, қўшинни тўхтатди. Яна ёв пойтахтга кириб беркиниб олди, тагин сабъ-ҳаракатлар зое кетди.

Амударё буйига, кемалар турган жойга қайтаётиб, Хонқоҳга яқинлашганда олдларидан фавқуллодда икки суворий чиқди. Қўлга тушган ўғрилардек типирчилаб, ўзини ўрмонга урган бири ёш, бири кекса бу суворийлар Абулгози султонда шубҳа уйғотди ва навкарлар орқаларидан қувиб бориб тутиб келишди. Ота-ўғил Эрнийёз Шариф билан Элтузар экан. Эрнийёз Шариф ҳамон Урганчдан мингбоши, Элтузар саройда айгоқчилар боши, иккалови-да муқим Чавдур хизматини адо этиб келаётгани маълум. Ота-бола энди ажалдан қочиб қутулолмасликларини билиб, Абулгози султон олдидан мусаллам¹ бўлиб бош эгдилар.

Қосим султон билан нонушта қилаётган Чавдур олдига ки-

¹ Мусаллам — таслим бўлоқ.

риб, Абулгози султоннинг қўшин тортиб келаётганини айтган чопарни дарё бўйидан Элтузар жўнатган, унга эса бир кун олдин бу хабарни отаси етказган, иккалови ороликлар кемаларини боғлашган жойда маҳфий учрашиб, Фазлиддин черигининг соҳилда қолганини, мақсад-муддаосини билиб олган эдилар.

Буларга соҳилда қолган черикни ушлаб туриш буюрилган экан. Эрнийёз Шариф ўгли Хонқоҳга кўкнори бой олдига юбориб, эски қадрдонидан наша ва гиёҳдан тайёрланган уйқу дори келтирди. Кейин балиқчи кийимини кийиб, дарёга овга чиқди ва ўзи ушлаган каттакон лаққа билан черикни сийлади. Бундан ҳам навкарларга шўх балиқчининг чойи маъқул келди, хуштаъм деб мақтаб-мақтаб ичишди ва...

Абулгози султон ота-болани отга судратиб, навкарлар олди-гача думалатиб келтирди. Лекин улар ҳамон сархуш, оловли ўчоқ олдида гўшт еб, чой ичиб ўтиришар, на хонини танишарди, на оқсоқолини.

Абулгози султонни кўриб фақат Фазлиддин ўрнидан турди. Қўллари қалтирайди, бошини кўрсатиб, бу айиқники деб тиржаяди.

Абулгози султон эса бу гўр навкарларни не қилишни уйлари. Шуларнинг гўлиги сабаб режа барбод бўлди, салтанат тагин малъунлар қўлида қолди. Энди бу навкарларга ишониб, бирон топшириқ бериш, улар билан жангга кириш мумкинми?

Дарё асабий тўлқин урар, кемалар чайқалиб, қозиқларга маҳкам боғланган арқонларни узмоқчи бўлар, шамол увлар, ўчоқларнинг тугай деб қолган ўтларини учириб, кулларини кўкка совураб эди...

37

Хива дарвозасининг олди ва ичкарасида, кўчаларида эрта-лабдан давом этган жанг кечга томон Аркка етиб тўхтади. Карвак баҳодур ўзини ичкарига уриб, дарвозасини беркитиб олди.

Чавдур эса ҳужумга дош беролмай черигини олиб, кеча тундаёқ яширин саҳрога қочган эди.

Арк девори шинакларидан¹ ўқ дўлдай ёгила бошлагач, Абулгози султон ўз черигини майдондан нари, шайх Кабир масжиди орқасига олди. Ўзи масжидга кириб сардорлари билан Карвакни қўлга олиш режасини тузишга киришди.

Шаҳар ичкарасидан икки ариқ — Шайхёб билан Хумбузёб оқиб ўтади. Улардан учта ҳовуз сув олади. Кунчиқарда Бозор ҳовуз, ўрталикда Читгар ҳовуз ва орқада Дешон ҳовуз. Улар бир-бирига гулбадав орқали боғланган. Ортиқча сув охириги

ҳовуздан шаҳар ташқарисига, Ангарикёбга чиқади. Четдан қараган кўзга ҳаминша ариқлар сувга тўла, лекин унинг қаердан кириб, қаердан чиқиб кетиши қоронги оёғи остида доимо сув оқиб турганини одам билмайди.

Худди шунингдек, биров билмайдиган яна битта иншоат — ерости йўли ҳам борки, у хон истиқоматгоҳини олий қароргоҳ — Арк билан боғлайди. Ҳар хил мушкулотлар назарда тутилиб, ерости йўлининг битта тармоғи Оқ шайх бобо оловхонасига, ундан қалъа девори тағидаги маҳфий йўлакка уланган. Бу йўлни ёв тугул саройга ҳар куни кириб-чиқиб юрадиган аъёнлар ҳам билишмайди.

Абулгози султон қўлига қалам-қоғоз олиб, ўша йўлни бошдан охиригача чизди-да, Алп арслон билан Ҳожиназарга кўрсатиб, тушунтириб берди. Сўнг ишончли, кўзи ўткир йигитлардан йигирма нафар навкар танлаб олди. Уларга қурол-яроғлардан ташқари фонус, илгакли арқон, болта, тешалар берилди ва тушиши билан Абулгози султон Салоҳиддин ва Ҳожиназарни ёнига олиб, йўл бошлади. Черикка Алп арслон бош бўлиб қолди.

Шайх Кабир масжидидан қиблага йўл кетади. У бир хилда қурилган нийрик уйларни оралаб, Оқ шайх бобо оловхонасининг орқа томонидан чиқади. Қора тунда йўл деярлик кўзга кўринмаса-да Абулгози султонга унинг ҳар қаричи таниш бўлганидан чироқсиз, шарпасиз етиб олишди. Зинапоялар билан қалъа девори остидаги йўлакка тушгандагина фонус ёқилди. Сўнг ерости йўлакка киришди.

Йўлак — асосий йўлга олиб борадиган, эни бир одам сиққулик, узунаси қирқ қадамча келадиган қувур экан. Унинг торлигидан кўра, ҳавосининг оғирлиги кўпроқ қийнарни одамни. Ҳар ким гўё сувдан чиқариб ташланган бир балиқ, нафас қисиб, жонлари халқумга келади, огизлари қуриб тер босади. Қирқ қадам — гўё қирқ қақиримдай туюлади. Унга дош бериб ерости йўлига чиқиб олишгач, ҳаво бироз енгиллашди.

Фонуслар пилигини баландлатиб, аста-аста илгари юришди. Абулгози султон болалигида отаси билан бир марта бу йўлдан ўтган эди. У пайтлар олам тинч, сароф об-ҳавоси муътадил эди. Арабмуҳаммадхон ўглига ерости муъжизасини ҳар эҳтимолга қарши кўрсатмоқчи бўлгандир, эҳтимол машаққатли кунлар келишини олдиндан сезиб шундай қилгандир. Ушанда ҳар муюлишга етганларида унга таъриф бериб, тепасида нима борлигини ҳам айтган эди, шу Абулгози султоннинг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолган экан, ҳозир илк бурилишга борганда билдики, Оқ шайх бобо оловхонаси тагидан ўтиб боришяпти. Ундан кейинги қайрилишда йўл иккига ажради, сўл — хон хобхонасига, ўнг — Аркдаги қароргоҳига олиб боради. Сўнггисидан юришди.

Охирига яқинлашганларида йўл тагин икки тармоққа бў-

¹ Шинак — девордаги ўқ отиш туйнуги.

¹ Нийрик уй — ёғоч орасига гишт ўриб тикланадиган иморат.

линди, биринчисидан юрганлар саломхона олдидан, иккинчисидан кетганлар дарвозага яқин, қоровулхона ёнидан чиқишадди. Арк майдони, йўл-йўлақлари, қасрларини Ҳожиназар яхши билишини ҳисобга олиб, Абулғози султон уни ўн йигит билан дарвоза томонга юборди. Қолганларини ўнг томондан саломхона сари ўзи бошлаб кетди.

Юқорига элтувчи зинапоялар орқасида йўл тугайди. Шаҳзода отаси билан шу зинапоялардан тушиб келган эди. Мана энди Салоҳиддин очиб Хўжамберди саломхонага биринчи бўлиб кўтарилади, ундан кейин бошқалар...

Тепадан оёқ товушлари эшитилди. Кимдир югуриб пастдан тепага ўтди. Сўнг қичқириқ ва бақирган овозлар келиб Арқда саросима бошланди, афтидан Ҳожиназар йигитлари дарвозани очиб юбориб, Алп арслон қўшини ичкари кирган эди.

Абулғози султоннинг саломхонага кўтарилиши Каврак баҳодурнинг ичкаридан — қасри олийдан ҳовлиқиб чиқиб келишию Алп арслон йигитларининг бу ерга бостириб кириши билан бир пайтга тўғри келди. Энди олишишнинг зарурати қолмаганини билган Карвак Алп арслон пичогини тортиб олиб, уст-устига ўзига ураберди. Гўё ўзида қасди бору энди обдон алаמידан чиқаётгандек эди у.

Тонг билан жарчилар майдонга чиқдилар. Абулғози Баҳодирхоннинг тахтга кўтарилганини офтоб нурлари баробарида халойиққа етказдилар. Шу кун осмонда тариқча ҳам булут бўлмади. Тангри қудуги суви тиниқди. Хива майдонлари, гузарларидаги жору хасларни эркин шамоллар тўзгитиб, учуриб юборди...

Толиб Йўлдош

ТЎРТЛИКЛАР

*Ҳаммамиз бир одам, ёмонимиз йўқ,
Яхшимиз, кунгулда армонимиз йўқ,
Аслида яхшию ёмони нима,
Ҳеч қачон фарқига боргонимиз йўқ.*

*Кўзингни очиб юр вақти-бемаҳал,
Пайингда юрганлар очиб қўймасдан,
Умринг қаймоғини шимир, ганимат,
Сен ундан беҳабар ачиб қолмасдан.*

*Сифо сиринг олиб саволга тутар,
Ўзинг билмайсанки, сендан не кутар?!
Токи тузоғига илинтиргунча
Қадим қадрдонлик расмин унутар.*

*Кулги яхши нарса, танинг яйрайди,
Бир оз тин оласан кулгандан кейин.
Бутун вужудингни ларзага солиб,
Қалбингни ғижимлаб йиғлашлик қийин.*

*Ер бўлсанг ҳам, бир оз бағри тепа бўлгин,
Сени кўриб, баҳри-дилин очсин киши.
Паст бўлдим деб, пасткашликнинг йўлин тутма,
Кўздан четда куллаб ётмоқ ботқоқ иши.*

 Бахтинг келди, оғзинг билан қуш овладинг,
 Вақти етиб ўз-ўзингни тушовладинг.
 Хомлик қилдим, деб ўтганга армон қилма,
 Минг қозонга тушдинг, лекин пишолмадинг.

 Ортиқча манманлик кимга ҳам керак,
 Бу иллат мевасиз теракка хосдир.
 Пастроқ бўл, такаббур феълига кўра,
 Кесилиб кўприк бўлмоқ меросдир.

 Сени ер қилсалар, мулзам бўлма ҳеч,
 Шукр қил, ҳа, осмон бўлмаганингга.
 Ўзингни унутиб, ҳаволар бўлсанг,
 Ким яқин йўларди сенинг ёнингга.

 Сен элда қанчалар топма эътибор,
 Ўзингдан ўзгани зарра кам тутма.
 Заррада атомлар мавжуд эканин
 Ҳамиша ёдингда сақла, унутма!

 Ҳақ сўзни десанг сен, «гапирма», дерлар,
 Аввали уқтириб, «гап берма», дерлар.
 Бор гапни гапирдинг, тутиб ёқангдан:
 «Ҳар ишни қилган сен, чап берма!» дерлар.

 Бир бошинга икки сўзлаб нима топдинг,
 Умринг ўтди, сен бахабар, елиб-чоғдинг.
 Мукофотга нима олдинг, кўрсат қани,
 Йўқ, феълингга яраша бу кўрсатгани...

 Кекса-ёш озми-кўп яшагач, охир,
 Зарурат — ҳаётдан ўтармиш бир кун.
 Шунда, аламдийда, армон биланмас,
 Мағрур кулиб туриб кетиш ҳам мумкин.

Кўкнинг равоқидан тўкилди саслар

 Соҳир кўзингизда гайр хаёли,
 Рашк ила тўлганиб қон бўлди гуллар.
 Телбаланиб ўтди гулшан шамоли,
 Бағрисўзон бўлди, боши нигунлар.
 Пайқамадингиз.

Кўкнинг равоқидан тўкилди саслар,
 Сизни ойдин нурлар жим ёрлақади.
 Туннинг қароғидай қаро наргислар
 Бошингизга тўққан нурни алқади.
 Алқамадингиз.

Дарди бегоналар бегона бўлди,
 Кўзингиз кўзгусида розлар балқиди.
 Умид дилимизга афсона бўлди,
 «Ёр» дедик, сахрою замин қалқиди.
 Қалқимадингиз.

Соҳир кўзингизда гайр хаёли,
 Ҳажрингиз мотами жонларга етди.
 Сизни севганларнинг бевақт заволи
 То саҳар, бу даҳр гулшанин тутди.
 Пайқамадингиз.

 Ҳаттоки, ёнма-ён яшаб туриб ҳам,
 Бир-бировин баъзан севолмас одам.
 Ҳаттоки, жонидан ортиқ севиб ҳам,
 Бир-бировга меҳр беролмас одам.
 Меҳрли бўлса-да бир-бирисига,
 Барибир, недандир кўнгли қисилган.
 Кўнгул бир нимани кўмсайди мудом,
 Бу не муҳтожликдир, билолмас одам?!

 Чоғим йўқ, ўзимни тарк этган чоғим,
 Жисми урғунимда ўсган пучмоғим,
 Руҳим дарахтидан тўкиб япроғим,
 Сени сўраб борсам, остонанг қани?

Гулхан ўчган бўлса, кўнглум кулмасми,
Йулинг кесган бўлсам, севгим йулмасми,
Илкингда сўлдирган мендай гулмасми,
Гавҳар экай десам, гулхонанг қани?

Изимни изласа, топгай изтироб,
Кулбамга бир бора боқмайди офтоб,
Ранжим куп, умидим ундан беҳисоб,
Севмоқни ўргансам, дарсхонанг қани?

Жонимда бир жондай кечди малолим,
Кўнглум вайрониди дардинг — жалолим,
Нечун номинг айтсам, йиглар хаёлим,
Яшаб ўтай десам, кошонанг қани?

* * *

Тун ярим. Кўқда ой сирғалиб кетди.
Нафасимга юлдуз нафаси етди.
Дарахтлар йўқотиб қўйди соясин,
Дилимга ул умид сояси етди.
Гунча ҳовучини очиб юборди,
Гулшакл хушбўйлар сочиб юборди.
Секин шивирладим, сўзлар изладим,
Хаёл соҳибига етди сўзларим.

* * *

Сиздан парво эмас, сўрадик гавго,
Илинжли дунёда баъзан аҳд раво.
Агёр таънасидан ўксук кўнглумиз
Ва лекин васл эмас энди муддао.

Энди парилардан сизга эътибор,
Аламларни кечсак, бизда ихтиёр
Ва лекин паришон ҳолимиз сўрманг,
Баҳри гирдоб аро баҳри ғам бисёр.

Не ажаб, йулингиз тушса, гашт сари,
Боғ сари, тоғ сари, балки дашт сари,
Бизга нима ташвиш қайрилмасангиз,
Кўнглунгиз шаштидан айрилмасангиз.

Биз сизни шунчаки...

Эски бу дафтар.
Урмимиз қайгадир этмоқда сафар.
Фақат дилга етган жиңдай озор бор,
Бевафо умрдай бевафо ёр бор.
Сиздан парво эмас, сўрадик гавго,
Илинжли дунёда баъзан аҳд раво.
Агёр таънасидан ўксук кўнглумиз
Ва лекин васл эмас энди муддао.

Куй чалса гар муганний

Куй чалса гар муганний,
дилда дил топилгайми,
Ҳабибим қўшиқ айтса,
шул куйга қотилгайми?
Ишқ базмига кечиккан
барчага овоз етиб,
Ҳама зулмат тарқалиб,
жами йўл очилгайми?
Менинг боғимда усган
қоп-қора тун гуллари,
Сайргоҳ самоларга
жавқу жавқ сочилгайми?
Жонга тушган тийраду
ёрни ҳам хушманд этиб,
Ғамли куй оҳангида
йиглабон топилгайми?
Муножотни жон қуши
ўзи-ла олиб учса,
Вужуд ўшал кунда жим
тунларни ёпингайми?
Ёҳуд мастона куйда
бирлашиб руҳ ила тан,
Базмга йўл олса гар,
мангулик сотилгайми?
Куй чалса гар муганний,
дилда дил топилгайми,
Ҳабибим қўшиқ айтса,
шул куйга қотилгайми?

Нодира газалига мухаммас

Жисм аро жон хаста бўлди ёрсиз,
Ҳофизим этмас тараҳҳум, корсиз,
Зору афғон этгаймен жим, зорсиз,
Ёрнинг васли эмас озорсиз,
Гулшан ичра гул топилмас хорсиз.

Бир ишора бўлса ёҳуд гарди по,
Кўзимда нури умид бўлмас адо,
Эшигинда бўлдимун минг йил гадо,
Ул париваш васлидин бўлдим жудо,
Роҳати дил қолмади дилдорсиз.

Менга эрмас, ўзгаларга кулди ул,
Шум рақибнинг олдида хор бу кўнгул,
Энди йиглаб ювса кетмас доғи дил,
Оразин кўр, сулфидин бўлма малул,
Бу жаҳонда ганж йўқдир морсиз.

Неки андуҳ келди, ул гаддордин,
Куйдиму ком изладим шарордин,
Телба ошиқ қайтмас эрмиш дордин,
Ор қилмас таънаи агёрдин,
Ошиқи содиқни дерлар орсиэ.

Ёр, майли, энди ғайби роҳ ўлунг,
Жонда фитна еткурур титроқ ўлунг,
Дил худога туҳфа этсин, жоҳ ўлунг,
Нодира аҳволидин огоҳ ўлунг,
Эй мусоҳибларки, қолмиш ёрсиэ.

* * *

Ёмғир ёғар. Йиглаб-йиглаб тарқар булутлар,
Эрта, албат, бу тупроқда майса унади.
Қисмат инъом этган янги кукламга қараб,
Бугун менинг кўзимга ҳам ёшлар келади.

Ҳали қишнинг муз нафаси йироқ кетмаган,
Яп-яланғоч новдаларда руҳ бор телбавор.
... Ташлаб келган манзилларин дил унутмаган,
Юрагимда ўтган йилги хазон расми бор.

* * *

Тан оламан, ўрганолмадим,
Ҳамон булбул куйлаган байтни.
Шеърлар ёздим, кулса омадим,
Балки топдим шунчаки пайтни.

Тутиб олмоқ насиб этмади,
Бир бор ҳафтранг камалакларни.
Тан оламан, атай тутмадим,
Гулга қунган капалакларни.

Шафақ кучган қирларга чиқиб,
Шафақ эмас, лолалар тердим.
Шоирларнинг шеърини ўқиб,
Шеър дардини юқтириб юрдим.

Бир аёлдай юрагим нолон,
Муҳаббатдан юрагим доғли.
Тан оламан, бироқ бу армон
Ҳаёт каби азиз, ардоқли.

Наср _____

Худойберди Тўхтабоев

ЖАННАТИ ОДАМЛАР

Роман¹

Бувижоним яна кетиб қолди

Бувимдан ҳеч ажралмайман, уйга кирса — уйга кираман, эшик-ка чикса — эшикка чиқаман. Ҳой, этагимни қўйиб юбор, кетмайман, десаям ишонмайман. Энам «Бувинг ўзининг уйига бориб Ашир бувидан қолган етимларга қараса, савобнинг кўпи сенга тегади, жаннати бўласан», девди, мен жаннатга бормайман, бувимнинг ўзи яхши, деб туриб олдим. Аммо, барибир, кўчага чиққим келаверди. Йўқ, уйнашга эмас, бувим сени қўриб дилим яйраб турсин деб, янги этигим, янги тўним, янги дўппимни кийгизиб, вой асалим-ёй, куёв бола бўп қолдинг-а, деган эди, ана шу кийимларимни ўртоқларимга ҳеч бўлмаса бир марта кўрсатмоқчиман.

— Кетиб қолмайсиэ-а? — деб сўрайман бувимдан.

— Кетмайман, асалим, — дейди бувим, — ишонмасанг, уйнагани чиқмай кўя қол.

Энди астойдил кўчага чиққим келиб қолди. Озгина уйнаман-у, дарров қайтиб келаман деб ўйлаб, тепалик ёнига қараб югурдим. Уҳ-ҳу, кўргончамиздаги жамики болалар шу ерда. Сайил бўпти, сайилданам зўр бўпти! Катта болалар уйларидан яшириб гўшт олиб чиқиб ўртага олов ёқиб кавоб пиширишяпти, хушбўй ҳид ҳаммаёқни тутиб кетибди. Султонали акам новдага илиб пиширган гўштни кўз-кўзлаб қўйяпти. Ҳаммаёқ қий-чув, қийқиришяпти, кулишяпти, думалашяпти, ҳеч ким менинг янги кийимларимга қарамайди. Қарамаса қарамас, сирпансам бўлди-да.

Энди уч марта сирпанган эдим, Жамол акам «Ҳув Раҳмонберди, бувинг катта кўчада орқасига қараб-қараб йиглаб кетяпти, тагин сени ахтариб юрган бўлмасин», деб қолди. Анави кундагига ўхшаб бир нафас қотиб турдим, кейин уйга қараб югурдим. Бувим йўқ! Мозор томонга қараб чопдим, бувим ҳамиша ўша томондан келарди. Додлаб югуравердим. Йўқ, бувижоним йўқ! Орқамдан «Ҳой, эсли ўғлим», деб энам югурияпти, ҳассасига таяниб бобом ҳаллослаб келяпти. Бувижонимни угай отамгаям, угай акаларимгаям бермайман! Керак бўлса, ўзлари буви сотиб олишсин, бувижоним — менинг бувим-ку!.. У ўзи туққан, бобом туққан эмас мени. Уйларига ҳам бормайман, борганимда менга бувимни беришмайди, мен бермайман энди. Бувижоним, кетманг, ҳечам кетманг, сочларингизни ҳидлаб ётаман, дуолар ўқиб бераман. Жон буви, кетсангиз яна етим бўп қоламан, етимча-етти кулча деб масҳара қилишади. Майли, бобом жой бермаса узоқ-узоқларга қочиб кетамиз, фақат ачом-

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.



лашиб ухласак бўлди, юзларингизни силаб кўяман, бувижоним, ҳеч бўлмаса тепаликка қўл ушлашиб чиқайлик, сизни болаларга курсатай, менинг ҳам бувим бор, ҳамманинг бувисидан яхши, чиройли деб кўрсатай, қайта қолинг! Ҳидингизга тўймадим, орқамни силаганингизда ҳузур қилувдим, ўша ҳузурингизга тўйганим йўқ ҳали, жон бувим, қайтинг... Мен дуолар ўқийман, отам тирилгунча ўқийман. Отинбиби айтди-ку, кўп дуо ўқилса, улганлар тирилади, деб. Кўрасиз, отам тирилиб келади, кейин ҳаммамиз қўл ушлашиб сайилларга борамиз, тепаликка чиқиб кабоблар пиширамиз. Энди менам катта бўп қолдим-ку, жон буви, бувижоним... Ҳамманинг бувиси уйинчоқлар беради, менга ҳеч ким Эермайди, меники ҳамманикидан оз, бобом танга пул беради-да, кейин эртасига бор, ўғлим, нос олиб келгин, сенга каттасидан бераман, деб яна алдаб олиб кўяди, энам мушкулқушод ўқигани борганида мени ичкарига олиб кирмайди, ташқарида, деразанинг тагида ўтириб эшитаман. Бувижоним кетманг, кетманг!..

Додлаб югуравердим, югуравердим. Охири Ваҳм кўчага етганда чарчаб йиқилиб тушдим. Мана шу қорлар бўлмаганида, оёғим ҳадеб сирпанавермаганида бувижонимга етиб олган бўлардим. Энди қорларни муштлаб йиғлай бошладим. Битта опа чиқиб кўтариб олмоқчи бўлувди, қўлларини тишлаб олдим, эриниям итариб ташладим, юзига чангаллаб роса қор отдим. Нега бувимни тўхтатиб туришмади, тўхтатишганида ҳозир ачомлаб олардим, нега мени ташлаб қочдингиз, деб сўрадим... Энди бувимгаям ўғил бўлмайман, энам билан ҳам бирга ётмайман, сигир соққанида бузоқчасиниям ушлаб турмайман, бобомнинг соқолиния тарамайман, ҳаммасиям ёмон экан, нега мени алдашади, нега?.. Қочиб кетаман, ажинаси йўқ, бўрилари йўқ даштларга қочиб кетаман. Кел, ўғлим, ярашайлик дейишса ҳам келмайман, ҳеч келмайман!

«Ҳой болам»лаб энам, уч оёқлаб бобом етиб келди, кўшнилари чиқишди — ҳаммасининг қўлини, оёқларини тишлаб олавердим, ахийри, овозим чиқмай қолди, йиғлай десам кучим етмайпти, битта амаки кўтариб уйимиз томонга юрувди, ўшанинг елкасига бошимни қўйиб ҳиқиллаб-ҳиқиллаб кетавердим, уйга келганимдаям ҳиқиллашим ҳеч босилмайди, ҳиқилламай десам ҳам ичимдан ҳиқиллаш келаверади. Сандалда ётиб уйнинг шифтига қараб вассаларини санаётган бўлиб, ҳиқиллайвердим. Энам сутли ош пиширган экан, ёлворсаям ичмадим. Энди сираям овқат емайман. Ётишганда ёнларига чақиришганда бормадим. Уйнинг бурчагига ўтириб олдим, чирокни ўчиришганда қоп-қоронғи бўп қолувди, қўрқа бошладим. Уйнинг мўрисидан ажина тушиб мени ачомлаб олаётгандай бўлаверди... Майли, энам билан ҳозир ярашаман, эрталаб яна аразлайман, деб ўйладим-да, аста билдирмасдан бориб, ёнига кираётгандим:

— Келақол, тойлогим, келақол, — деди бағрига олиб, елкаларимдан ҳам силаб. — Ҳазимнинг паҳлавоним, азаматим, совқотиб кетибсан. Эртақ айтиб берайми?

Эртақ эшитгим келувди-ю, шундай бўлсаям:

— Керакмас, — дедим. Шундай дедим-у, э индамасам бўларди, дедим яна ўзимга-ўзим.

— Уйқунг келяптимми?

— Энди ҳечам ухламайман.

— Қорнинг ҳам очгандир, қатлама бор, ейсанми?

— Мен энди ҳечам овқат емайман, ўлгунимча емайман! Эртага ажинаси йўқ жойларга қочиб кетаман.

— Қўй, тойлогим; ярашайлик. Биламан, хафа қилиб қўйган кун-

ларим эртақ айтсам ярашиб олардик... қулоқ сол, мана, бошлаяпман...

Энам шошилмасдан эртагини бошлади-ю, аммо йиғлайвериб, югуравериб чарчаган эканман, охиригача эшитмасдан ухлаб қолибман...

Эшон бобомни қамоққа олдилар

Кунлар сал-пал исиб, қорлар эриб, кўчалар билч-билч лой бўлиб қолди. Бугун эрталабданоқ офтоб яна чарақлаб чиқди. Осмондан тушаётган нурга кафтимни тутиб кўрган эдим, илиққина экан. Уйинчоқларимнинг ичида шижанинг синиги бор эди, ўшани олиб чиқиб юзасига нур тушириб ўйнайман деб турувдим, бобожоним, кел, ўғлим, молларни офтобшувоққа олиб чиқиб, молхонани бир шамоллатайлик, деб қолди. Тўйимга атаб боқаётган шохи узун новвосимизни эндигина айвонга боғлаётган эдик, кўча эшигимиз тақиллаб қолди. Югуриб чиқсам, амаки турган экан. Иккита тўн кийиб олибди. Бошидаги қулоқчини ҳам галати, битта қулоғи пастга, битта қулоғи тетага қараб турибди.

— Отанг уйдаими? — деб сўради у.

— Ие, отам улган-ку, — дедим.

— Кимнинг боласисан?

— Бобомнинг боласиман, — дедим шошилиб.

— Чақир дарров, — деди амаки мендан ҳам баттар шошилиб.

Бобом чиққан эди, Бўрҳовузнинг олдида дарров етиб боринг, деди. Ижроқум бобо, милиция бобо, милиция амакилар келган эмиш, жудаям зарур гап бор эмиш, бормаса, иш чатоқ бўлармиш... Бобом жунаган эди, энамнинг ҳой, қайт, ҳаммаёғинг лой бўлади дейишига қарамай, орқасидан мен ҳам югурдим. Уйда ўтириб бўпман энди, зерикиб кетдим-ку, уёқда жудаям зарур гаплар бўлса, мен эшитмай қолар эканман-да? Ҳечам-да! Бўрҳовуз кўргончамизнинг ўртасида. Сув яхши тўхтасин деб тагини бўрлаб қўйишган, шунинг учун Бўрҳовуз дейишади. Атрофида ҳар хил уйлар ҳам кўп, сартарошхона, чолбувалар яшириб намоз ўқийдиган жой, сал нарида тобутхона ҳам бор. Ҳў, бирда Ҳайитвой, Дилижон, Раҳимберди, ҳаммамиз тобутхонага билдирмасдан кириб навбати билан тобутда ётиб кўраётган эдик, чолбоблар роса уришиб беришган... Келсак, вой-бўй, Бўрҳовуз ёнидаги майдончада шунақа одам кўп тўпланибдики, чолбоблар, амакилар, катта болалар, Ҳайитвой, Дилижон, Абдурахим, — ҳамма-ҳаммаси шу ерда экан. Битта эмас, учта мелиса амаки от миниб турибди. Учқовиниям оти зўр, эртақларда девлар минадиган отлар бўлади-ку, ўшанақа отлар. Яна, бир жойда тик турмай, олдинги оёғи билан билчиллаб турган қор аралаш лойни тарашлаб-тарашлаб ҳам қўйишяпти.

Эҳ, менинг ҳам шунақа битта отим бўлганда эди, миниб роса маза қилардим-да. Кеч келганимиз жуда алам қилди, Иккита тўн кийган қулоқчинли амаки нега бизни эртароқ айтмадийкин? Қизиқ-қизиқ гаплар бўлгандир, эсизгина, ҳаммасини эшитиб олардим. Ижроқум бобонинг келгани ҳам рост экан. Мен уни дарров танидим. Итёқа палто кийиб олганиданмас, бунақа палто ҳозир қишлоғимизда жуда кўп. Йўқ-йўқ, қоп-қора мўйлови бўрилиб-буррилиб қулоғининг орқасига ўғиб кетганидан танидим.

— Сизлар қачон келдиларинг? — деб сўрадим Ҳайитвойдан.

— Аллақачон келганмиз, — мақтанди ўртоғим.

— Сайил бўлармикан?

— Йўқ, Эшон бобо қочиб кетибди, ўшани ушлагани келишибди, ким айтса мукофот оларкан.

— Ия, — дедим. — Эшон бобо бизникига боргани йўқ-ку.

— Бизникига ҳам боргани йўқ, — деб шивирлади Ҳайитвой ўртоғим.

Мелиса амакилар, ижроқўмбобо худди менга тикилиб қарашаётгандек бўлаверди. Қалтирай бошладим, йўқ, совқотганданмас, кўрққанымдан. Шошилиб бобожонимнинг орқасига ўтиб, чакмонига бетимни ўраб, мўралаб турдим. Мен Эшон бобомнинг арвоҳини кўрган эдим, шуни сезиб қолишган бўлса-я, деб кўрқдим.

— Гап шу! — деди от устида турган мелиса амаки қўлидаги қамчисини уйнатиб. — Зараркунанда Эшон давлатнинг зотдор чўчқаларини ўлдириб, ҳукуматга зарар етказган. Чўчқа ўз боласини еб қўйди, деб баҳона қилган. Зарарни тўлаш ўрнига мелисахонани тешиб қочиб кетган. Ҳукуматнинг қўли узун, қаерда бўлса ҳам албатта ушлайди... Маълумотимизга кўра, Эшон бир неча кундан буён Кўргончадаги ўзига ўхшаган жиноятчиларнинг уйида беркиниб, адолатли ҳукуматимизга қарши тескари ташвиқот олиб бормоқда. Унинг қаердалигини айтасиз, айтмасангиз, ҳаммангиз қамаласиз!

Ижроқўм бобо битта амакининг олдига келиб:

— Айт! — деди.

— Билайман, — деди амаки орқасига тисарилиб.

— Биласан!

— Тепамда Худо бор, билмайман.

— Ҳозир айтасан, бўлмаса савалайман.

— Саваласангиз савалайверинг, замон зўрники ҳозир.

Ижроқўм бобо амакининг елкасига қамчи билан енгилгина уриб, энди Аҳмадқул бобомнинг катта ўгли ёнида тўхтади:

— Ҳуш, сен ҳам билмасан?

— Худо хоҳласа, билмайман, — жавоб қайтарди Аббосхон амаки.

— Уйингда ётиб юрган экан-ку?

— Худо хоҳласа, ётгани йўқ.

— Худони ўртага солма!

— Худодан бошқа ҳимоячимиз йўқ, ижроқўм.

— Мана сенга бўлмаса, мана, ит эмган!

Ижроқўм бобо Аббосхон амакига икки қамчи урди, хайрият, қаттиқ урмади, бўлмаса, роса оғриган бўларди-да. Агар мени урган-да, агар мен ҳам Аббосхон амакидек катта йигит бўлганимда, қўлидан қамчисини тортиб олиб ўзиниям роса савалаган бўлардим. Йўқ, рост айтяпман, мени ҳеч ким уролмайди, урса қўлини ҳам, бетини ҳам тийлаб олавераман.

Оқ от миниб турган мелиса амаки энди яна гапира бошлади. Агар кимда-ким қочоқ Эшон бобонинг қаердалигини айтса, бир йиллик солиқдан озод қилинар экан, Сталин бобонинг катта сурати совғага берилар экан. Одамлар бошини солинтириб жим тураверишиди, бобом иккимиз ҳам жим туравердик. Яна иккита мелиса амаки бор экан, от чоптириб, улар ҳам келиб қолишди. Ҳозир гапираётган амакининг олдига келиб:

— Ахтариб кўрдик, — дейишди.

— Сандиқларни ҳам очдиларингми? — деб сўради оқ отли амаки.

— Ҳа, очиб кўрдик.

— Томидаги бедасини-чи?

— Уларни ҳам титкилаб ташладик.

— Ландовурлар! Ким ўзарга от чоптиришни биласанлар, хо-

лос, — деб уришди оқ отли амаки, — боринглар, бошқа ҳовлиларни ҳам қаранглар... Кўчаларга қоровул қўйганмисан?

— Қўйганмиз, қишлоқ ўраб олинган, қуш ҳам учиб чиқолмайди.

Мелиса амакилар энди бизнинг уйимиз томонга қараб от чоптириб кетишди. Бизникига ҳам киришса-я, кирганлари билан, барибир Эшон бобом бизникида йўқ-ку? Йўқ бўлганидан кейин топишолмайди, тўғрими?... Бечора Эшон бобом-э, энди у кишига раҳмим кела бошлади... ўша кун бизникига келганида арвоҳлари эмас, ўзлари эканлар-да, энажоним бировга айтиб қўймасин деб шундай деган экан-да?... Бечора Эшон бобом-ей, ушлаб олишса, униям уришади энди...

Аста ўзимнинг бобомнинг этагидан тортиб:

— Кетақолайлик, — деб шивирладим.

— Бор ўзинг кетақол, ўғлим, — деб шивирлади бобом ҳам.

— Йўқ, кўрқаман.

— Кўрқма, ўғлим.

— Ҳаммангни қамайман, деяпти-ку, юринг, кетақолайлик, сизни ҳам қамаб қўйишади, кейин энам икковимиз йиғлаймиз.

— Сабр қил, ўғлим. Барибир кетгани қўйишмайди, сабр қил...

Ўртоқларимнинг олдига ўтай, гаплашиб туриб томоша қиламиз деб ўйладиму, кейин дарров «Йўқ, ўтмайман, ўтсам Эшон бобомни сомонхонада кўрганимни айтиб қўяман, айтмасам ҳам ўзлари кўзимдан билиб олишади», деб фикримдан қайтиб, оқ от минган амаки менга қараяптимиқан-йўқмиқан, деб мўралаб уни кузата бошладим. Йўқ, қарамаяпти. Ижроқўм бобо билан маслаҳат қилиш-япти. Шу пайтда одамларни у ёқ-бу ёққа итариб, Ражаб камсомол билан Юсуф камсомол кириб кела бошлади. Ў-ҳў, улар жуда зўр, ҳамма кўрқади. Раисбобо ҳам, ижроқўм бобо ҳам, жамми амакилар ҳам кўрқишади. Кўчада дуч келиб қолса, ўшалар ўтиб кетгунча деворга қисилиб туришади. Бўлмаса, катталарга қақиб беришар экан-да. Чақув тушса, ўша амакиларни дарров қамаб қўйишар экан.

— Нотўғри ахборот берибсиз-да, ўртоқ, — деди оқ от минган амаки.

— Ахборот тўғри, — деди Юсуф камсомол, — мен бу тескари тарғиботчининг изига тушганимга ўн кун бўлди. Бугун у боғда пайдо бўлса, эртага бу боғда пайдо бўлади. Ахийри, яширинча намоз ўқийдиган жойларини аниқладим. Қамбарали чолнинг... ана, ўзимиз кўзини чақчайтириб турибди, менга унақа қараманг, сиздан кўрқадиган жойим йўқ, мен ҳукуматнинг одами бўламан... Мана шу чолнинг боғида кўримсизгина уй бор. Ўша ерда намоз ўқишади, ҳа-ҳа, қочоқ шу ерга, албатта, келади дедим-да, кечаси билан ухламай пойладим... Ҳе чол, менга унақа қарам, сен билан тегишли жойда гаплашиб қўяман... Кейин чоллар йиғила бошлади. Охирида қочоқ Эшон шошилиб келиб, қўлогини ушлаб «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар» деб азон бошлади, паст овоз билан айтди... Кейин қишлоққа бориб, жинаравамга миниб сизга маълумот етказдим. Гап шу, ушлайсиз. Ушламасангиз билиб қўйинг, сизнинг устингиздан ҳам тегишли жойга маълумот берамиз...

Ҳамма жим эди, бобом иккимиз ҳам жим туравердик. Одамлар энди бошларини баттарроқ эгиб олишди. Ҳайитвой ўртоғим ёнимга келиб:

— Қўлогингга битта гап айтаман, — деди.

Қўлогимни озгига яқинроқ тутган эдим;

— Эшон бобомни мен кўрганман, — дея шивирлади.

— Қачон?

— Кеча.
— Қаерда кўрувдинг?
— Тобутхонада ётган экан.
— Қандай қилиб кўрдинг, мен кўрганим йўқ-ку?
— Отам қоронғуда овқат олиб келганди, орқасидан секин пойлаб келиб кўриб олдим.
— Шу гапларни ижроқум бобога айтасанми?
— Йўқ, айтсам мени ҳам қамаб қўйишади.
— Менга нега айтдинг бўлмаса?
— Сен ҳам менга битта гап айтгин-да, сенда қизиқ гап кўп-ку!
— Ҳозир ҳеч ҳам қизиқ гапим йўқ, — деб шивирладим, — қизиқ гап айтсам, уйимиз қўйиб кетади, молларимиз ҳам куяди... Эшон бобомнинг арвоҳини ҳам кўрганим йўқ, билдингми...

Уртоғим билан пичирлашиб сўзлашаётганимизда, оқ от минган амаки бошқалар билан нима тўғрисида гаплашаётганини эшитолмай қолдим, жуда алам қилди. Энди бобожонимнинг олдига ўтиб, ҳамма гапларни астойдил эшита бошладим. Эшитганларимни уйга борсам, энамга ҳам айтиб бераман, деб ўйладим. Эҳ, энам ҳам келса бўларкан, орқада тўн ёпинган эналар турибди-ку, энам ҳам тўнини ёпиниб тураверарди-да.

Оқ от минган амаки Юсуф камсомолдан намозга борган чолларни таниб олганмидинг, қани менга кўрсат-чи, девди, камсомол амаки олдинга чиқиб даврани айланиб бу, мана бу, мана буниси ҳам деб қўлидаги қамчиси билан чол боболарни кўрсатаверди. Кейин Матмуса бобо, Қамбарали бобо, Эшонқул бобо, Аҳмадқул бобо, ўзимнинг бобомни ҳам қўшиб ўртага олиб чиқишди. Кўрқиб кетдим, жуда ҳам кўрқиб кетдим. Бобожонимни қамаб қўйишса-я, унда энам икковимиз нима қиламиз, кечаси ухлаганда кўрқамиз-ку, деб ўйладим. Кейин энажоним ўргатган дуоларни пичирлаб ўқий бошладим. Эй Худо, бобожонларимизни қамашмасин, деб пичирлаб турдим. Йиғлагим кела бошлади. Йиғласам Эшон бобом бизниқига борганини билиб қолишади, деб йиғламасликка ҳаракат қилдим.

Оқ отли амаки отдан тушиб, жиловини шеригига ушлатиб, янгигина мойланган, кўнжи узун хиром этиги бор экан, ўша лой бўлиб қолади деб отидан тушмаётган экан-да, қўлидаги дастасига кумуш қадалган чиройли, жудаям чиройли қамчиси билан ўша этигининг кўнжигга секин-секин уриб, ўртада гуж бўлиб турган боболарга яқинлашиб:

— Хўш, отахонлар? — деди.
— Боболар индашмади.
— Жам бўлиб намоз ўқиш таъқиқланган-ку, билмасмидиларинг?
Боболар билишмас экан, жавоб қайтаришмади.
— Қочоқ Эшонни қаерга беркитдиларинг?
Боболар яна жим тураверишди.
— Гапирасизларми-йўқми?

Йўқ, яна гапиришмади, бошларини эгиб тураверишди.

— Нима бало, соқовмисан ҳамманг! — Амаки шунақа қаттиқ бақириб ер тепиндики, атрофга лой сачраб кетди. Кейин савол бераверди, бобожонлар ҳам жим тураверишди. Ахийри, оқ отли амаки, ҳой ижроқум, бу соқовлар билан узинг гаплаш. Эшонни топасан, топмасанг, ўзингни қамайман, деб тезгина отига миниб олди. Оёғидан зах ўтгандир-да, ер лой-ку, тўғрими? Мана, мениям оёғим совқотяпти-ку!

Ижроқум ҳассасига кўкрагини тираб, энгашиб турган Эшонқул бобомнинг ёнига келиб, отахон, бугун намозга борибмидингиз, деб юмшоққина қилиб, эркалатиб, сал-пал кулиб туриб сўради.

— Бордим нима-ю... — деб Эшонқул бобо бироз уйланиб қолди: — бормадим нима, сенга барибир эмасми, болам!

— Айтинг, бордингизми-йўқми?

— Бордим, десам мукофот берасанми?

— Бераман, отахон, албатта, бераман.

— Ўша мукофотни узинг олиб уйингда тинчгина утирсанг бўлмайдим, болам?

— Намоз ўқиётганларингда Эшон бугун имомликка ўтдимми-йўқми, деб сўрапман, отахон, гапга тушунсангиз-чи?!

Эшонқул бобом қаддини ростлаб, бошини баланд кўтариб, шохдор ҳассасини қўлига ушлаб:

— Ҳой, Маърифхўжа, — деди баланд овоз билан, — бобонг раҳматли Хўжайи Писта масжидининг сўфиси эди. Эртаю кеч томоғини қириб, қулогини чўзиб азон айтгани-айтган эди... Узингнинг қулогинга азон айтмаган экан-да... Хон Эшон ҳазратлари мана шу кичкина юртимизнинг ҳам имоми, ҳам иймони эдилар. Худога шукр, ўша кишининг шарофати билан одамга ўхшаб юрибмиз, бўлмаса қип-қизил ҳайвон бўлиб қолардик, эшак бўлардик, эшакни кўпайтиришдан сенинг мақсадинг нима ўзи?.. Наридан тур, кетаман, оёғимдан зах ўтиб кетди.

— Қайтаринг! — буйруқ берди оқ отли амаки, — Эшон топилмагунча ҳеч кимга рухсат йўқ.

Ижроқум бобо энди Қамбарали бобони сўроқ қила бошлади. Йўқ, сўроқ қилишдан олдин, эй, эси йўқ чол, ўз уйида яширинча масжид очган одамга жуда катта солиқ солинишини билмас экансан-да, деган гапларни айтиб олди. Кейин, Эшонни қаерга беркитдинг, деб сенсираб сўрай бошлади.

— Беркитганим йўқ, — деди Қамбарали бобом.

— Беркитмаган бўлсанг, қаерда у?

— Билмайман.

— Биласан!.. Сенга шундай катта солиқ соламанки, тўлагунча букри белинг чиқиб кетади. Айт, Эшон қаерда?

— Билмайман, дедим-ку.

— Мана сенга бўлмаса, мана!... — деб ижроқум Қамбарали бобонинг бошига, елкаларига қамчи билан савай кетди. Одамлар «ў-ў-ў-ў-ў» деб юборишди, шамол келганда бошоқли буғдойлар у ёқ-бу ёққа тебранади-ку, ўшанақа бўлиб чайқалиб кетишди. Орқада турган опалар йиғлагандек бўлишди, мен ҳам йиғлаб юбордим, овозимни чиқармасдан йиғладим. Битта амаки шошилиб келиб ижроқумнинг қўлидаги қамчини тортиб олиб, оқ отли амакига қараб, эй бошлиқ, Эшон ҳазратлари йигирмата чўчқани ўлдирган бўлса, майли, биз товон тўлайлик, йигирмата қўй берайлик, девди, отлиқ амаки бу йигит ҳам жиноятчига шерик экан, ушланглар, деб буйруқ берди...

Ижроқум Аҳмадқул бобомнинг олдига келиб, қалин қошларини кериб:

— Хўш, — деди.

— Нега хўш дейсан, мен хўкиз эмасман-ку? — деди Аҳмадқул бобом.

— Хўкиздан ҳам баттарсан.

— Икковимиз бир қўш бўларканмиз-да. Ҳа-ҳа... Баҳорга чиқиб ер ҳайдарканмиз-да, ҳа-ҳа...

— Тилингни тий, пакана!

— Пакана дема мени, сендан новчаман, кел, буйимизни ўлчашиб кўрамыз.

— Эшон қаерда?

— Худонинг уйида.
 — Сен беркитгансан уни!
 — Йўқ, ҳазратимни яратганнинг ўзи беркитган.
 — Ҳазиллашсан қутуламан деб уйлаласанми?
 — Маърифхўжа, ўзинг ҳазилкашсан-ку, — деди баланд овоз билан Аҳмадқул бобом. — Сўфи бобонг таҳорат қилмоқчи бўлганда таҳорат сувига ўзинг қалампир солиб кўярдинг, бобонг бечора кеч-гача орқасини чангаллаб югуриб юрарди-ку.
 — Бас! — Ижроқўм шундай қаттиқ ер тепиндики, атрофга шунақанги кўп лой сачрадики, ўша лойлардан бир қисми Ҳайитвой икковимизнинг пешонамизга ҳам келиб тегди. Аҳмадқул бобом орқасига тисарила бошловди, ижроқўм уни қисиб келабошлади.
 — Гапир, Эшон қаерда?
 — Билмайман.
 — Билмайсанми, мана сенга! — Ижроқўм қўлидаги қамчиси билан бир туширмоқчи бўлувди, Аҳмадқул бобом зип этиб Матмуса бобонинг орқасига ўтди-ю, унғ қўлтигидан бошини чиқариб ур, урақол, ҳа, қўрқасанми, Матмусанинги ўгли районда бошлиқда, урсанг энангнинг кўрсатиб қўяди, девди, ижроқўм бобо урмади. Қамчини боши баробар кўтарганча орқасига тисарилиб, энди менинги бобонинг олдида тўхтади:
 — Уэлари ҳам шу ерда эканлар-да?
 — Ҳа, шу ердамиз, — деди бобожоним.
 — Золимлар замонида юртга элликбоши бўлгандингиз-а?
 — Ҳа, Маърифхўжа, отанг билан бобонг сайлаганди.
 — Ўғилларингиз одил ҳукуматга қарши милтиқ кўтариб чиққан эди.

— Юрт ҳимоясига чиққан эди, уларни сен оттиргансан.
 — Кувингиз қулоқ бўлган эди шекилли?
 — Ҳа, Маърифхўжа, уни сен қулоқ қилдиргансан.
 — Сен чол, ҳукуматнинг ашаддий душман бўласан. Эшонни ҳам сен беркитгансан. Соқолингни юлиб оламан ҳозир, — ижроқўм соқолидан ушлаб ўзига тортмоқчи бўлувди, бобожоним уни кўкрагидан итариб юборди. Йиқилмади-ю, қўлидаги қамчиси билан бобожонимни савалай кетди, бошига, елкаларига ура бошлади.

Додлаб юбордим. Урма, урма, менинги бобомни, дея бақирдим. Бақирганимча бориб оёғини кучоқлаб, сонидан шундай қаттиқ тишладимки, жони оғриди шекилли, бақириб тепиб юборди. Лойга орқам билан шалолаб тушдим. Туриб энди бу оёғига ёпишиб, унияш шунақа қаттиқ тишладимки, қўлидаги қамчиси ерга тушиб кетди. Икки қўллаб биқинимдан маҳкам сиқиб тепага кўтарган эди, юзига баробар келиб қолган эканман, иккала қўлтигидан маҳкам чангаллаб олдим, энди бурнидан ҳам тишлайман деб турувдим, бобожоним мени унинг қўлидан тортиб олиб:

— Урма, золим, — деб бақирди, — урсанг мени ур, болани нега урсанг? Ўғилларимни отиб ўлдирганинг каммиди?! Ҳой, одамлар, нега қараб турасанлар, чолни уряпти, болани уряпти бу золим... Нега наша еб қўйган молдек анграйиб турасанлар?

Бобожоним мени ерга қўйиб, кўкрагини кенг очиб ижроқўм бобога яқинлашиб юра бошлади. Қўлинг қичиган бўлса мана мени ур, тўйгунингча ур, қонхўр, деб яна ҳам баттарроқ бақириб юборди.

Оқ отли амаки сал олдинга юриб келиб, ижроқўмга «Бас қилинг, одамни шарманда қилдингиз-ку», девди, ижроқўм булар билан ё милтиқ, ё қилич билан гаплашиш керак, деди. Шу пайт дала томондан битта мелиса амаки от чоптириб келиб «Топилди, қочоқни ушладик, олиб келишяпти», деб қичқирди.

— Гапир тезроқ, гапир! — Буюрди оқ отли амаки.

Ҳамма уйларни, ҳамма молхоналарни, ҳамма боғларни гинтишибди-да, кейин сой бўйига қараб юришибди. Ғулом бобонинг девори тагида, қорнинг устида одамнинг изини кўриб қолишибди, из янгигина экан, девордан ошиб ўтишса, ўша из суви йўқ ҳовузга қараб борибди, бундай тикилиб қарашса, ҳовузнинг ичи тула шолнинг похоти эмиш, похол ҳам янгигина солинган эмиш. Тагини титкилашса, Эшон бобом ўтирганмиш.

— Ана, ўзини ҳам олиб келишяпти, — деди шу гапларни айтаётган амаки.

Дала томондан Эшон бобомни ҳайдаб келишаётган экан, иккита отлик, иккита пиёда амакининг олдида битта-битта қадам ташлаб келаяптилар. Эгниларида бобожонимникига ўхшаган қора чакмон, бошларида кичкинагина саллача, оёқларидаги махси-кавши роса лой бўлиб кетибди. Уртада тўхтаб, ҳаммага бир-бир қараб чиқдилар-да:

— Бошларингга кўп ташвиш солдим-да, ҳамқишлоқларим, афсус, — дедилар.

Одамлар ҳар хил гапларни айтишди. Орқада тўн ёпиниб турган опалар йиғлашди. Мен ҳам йиғладим. Югуриб бориб оёқларидан ачомлаб олай девдим, бобожоним қўйиб юбормади. Битта амаки оқ отлининг олдида бориб, чолни қийнаманг, майли, ўрнига мени қаманг, девди, оқ отли буни ҳам ушланглар, деди.

Чоллар овоз чиқармай, опалар сал-пал овоз чиқариб, болалар пиқиллаб йиғлашди, мен ҳам пиқиллаб, мазор бошигача орқаларидан эргашиб бордим.

Қишлоқчамиз уч кун йиғлади

Ростдан ҳам мазор бошигача эргашиб бордим, холос, у ёғига утмадик. Паст маҳалланинги болалари жуда ёмон, нега бизнинг кучага келдиларинг, нега эшигимиздан мўралаб қарадиларинг, деб қувалашса, итлари ҳам қўшилиб қувлайди. Мазор бошигача катта болалар ҳам, мен ҳам сал-пал йиғлаб, сал-пал ҳиқиллаб бордик. Отлиқ амакилар олдида аста-секин кетаётган Эшон бобом бизга бир мартагина қараб қўйдилар, холос.

Ҳаммалари жўнаб кетишгач, биз ҳам орқамизга қайтдик, келётганимизда ҳар хил гаплардан гаплашдик. Қулижон ўртоғим мелиса амакиларнинг елкасидаги юлдузини санаб: «Новчасида битта, паканасида учта юлдуз бор экан. Қолган иккитаси елкасига опалар йилтироқ матодан лозимиға жияк қадайдик-ку, ушанақа латтадан қадаб олишибди», деди. Шунга ўхшаш йилтироқ латта Қулижон ўртоғимда ҳам бор экан, эртага елкасига тиктириб олар экан. Абдурахим ўртоғим бобосини ижроқўм қамчи билан ураётганида йиғлабди-ю, югуриб бориб оёғидан тишлаш ҳеч эсига келмабди. Олдин сенинги бобонгни урганда, олдин сен уни тишлаб олганингда сендан урганиб олардим-да, кейин мен ҳам бошлаб тишлар эдим, деди.

— Мана, мени ҳам тишларим ўткир, кўргин, — деб ўртоғим оғзини очиб оппоқ тишларини кўрсатди, — энди бобомни урса, мен ҳам мана бундай қилиб тишлаб оламан.

Абдурахим ўртоғим менга ўгирилиб:

— Энди сени ҳам қамашади, — деди ваҳимали қилиб.

— Ҳечам-да, — дедим сал-пал кўрқиб.

— Ижроқўм бобони тишладинг-ку!

— Бобомни урмаса тишламасдим. Мен қаттиқ тишламадим-ку!

— Қаттиқ тишлаган экансан, — деди Абдурахим мени баттар

кўрқитиб, — ижроқўм нонвойхонага кириб, шимини тушириб, тишлаган жойингга дори суртиб олди, барибир, сени ҳам қамашади энди.

Энди баттар кўрқа бошладим. Ўртоқларим билан гаплашгим келмай ҳам қолди. Жам кетавердим... Қамаб қўйишса-я. Қамоқхона қоронгу бўлса кўрқаман-ку... Бобожонимни, энамни ҳам кўшиб қамашса майлийдим, бирга ўтираверардик, ҳеч ҳам кўрқмасдик. Ия, унда уйимизда ким қолади, молларимизга ким қарайди?...

Уйга келсам бобом, аллақачон қайтиб, сандалида ўралиб ётибди экан, устига чакмон ҳам ёпилган. Энам учоққа олов қалаётган экан, билдирмасдан аста сандалга кириб бошимга кўрпа тортиб оламан дедим, сөзиб қолиб:

— Келдингми, қулуни? — деб сўради.

— Келдим, — дедим йиғламсираб.

— Вой ўлмасам, ҳаммаёнинг лой-ку, — деди энам ўрнидан туриб.

— Бўлса бўлар.

— Пиқилламай гапир.

— Пиқиллагим келяпти-да.

— Вой шўрим, янгигина тўнни ҳам расво қилибсан-ку!

— Расво қилавераман.

— Лойга думаладингми?

— Ҳа, думаладим.

— Ечин, бўлари бўпти энди.

— Ечинмайман.

— Шундайлигингча кўрпага кирмоқчимисан, шумтака?

— Киравераман, ўзингиз шумтакасиз.

— Тўхтаб тур, сен мен билан айтишадиган бўлиб қопсан, таъзинингни бир бериб қўяй.

Энам энгашиб энди оташқуракни қўлга оламан девди, бобом уйғоқ экан, ҳой онаси, ўғлимни уришма, деб ўшқириб берди. Ўзи улар жуда галати-да. Бир куни энам бобомдан ҳайиқиб нима деса кўниб турса, бошқа куни бобом энамдан кўрқиб хўп-хўп, айб бизда, тавба қилдик, деб туради. Ҳозир энам бобомдан кўрқаётган экан. Шунинг учун оташқуракни олмай, ўзи келиб тўнмни ечди. Кейин ўчоқнинг олдидаги пўстакка ўтқазиб, кўнжигача лой бўлиб кетган этигимни еча бошлади. Энам бир пойидан тортган эди, остидаги пўстак билан қўшилиб судралиб пойгаккача бориб қолдим. Бунисидан тортувди, энди ўчоқ томонга судралиб келдим. Эҳ, шу этикни бугун киймасам бўлар экан, икковимиз ҳам роса қийналдик. Энам устасидан роса хафа бўлди, уйи донга тўлсин, солгани идиш тополмасин деган гапларни айтди. Кейин музлаб кетган оёғимни силаб:

— Таъзинингни ебсан-ку, болам, — деб қўйди.

Ўзи йиғлагим келиб турувди энажонимнинг бўйнидан росмана ачомлаб йиғлаб юбордим.

— Нега йиғлайсан, тойчоғим? — деб елкаларимдан силай бошлади энажоним.

— Эна, мени ҳам қамашармиш...

— Нега сени қамашаркан, қулуни?

— Оёқларини тишладим, қулогини қонатдим...

— Қайси ўртоғинг билан урушдинг, айт?

— Ўртоғиммас, ижроқўм бобони тишладим деяпман.

— Ижроқўм бобони? Вой шўрим, нималар деяпсан?

— Ўзи бобомни урди-ку? Нега уради бўлмаса?

— Вой; Отажон, гапирсангиз-чи? Болангиз нима деяпти, эшит-япсизми?

Бобожоним Бўрҳовуз бўйидан қайтиб келиб, кампиримни юрагини гашлаб нима қилдим, деб энажонимга ҳеч нарса айтмай, қамчи зарбидан шишган юзини кўрсатмай сандалга кириб ётволган экан. Энам эрталабдан буен молхонадан қочқанам йўқ, кимдан ҳам эшитардим, сиз бўлсангиз мени одам қаторига қўшмайсиз, мен сизнинг чўрингизман, деди. Бобомнинг юзидаги шишини кўриб йиғлашга тушди. Эшон ҳазратлари мусичадек беозор киши эдилар, худоё чўқадек бўкириб ўлгурлар, деб қамоққа олиб кетган амакиларни роса қарғади. Менинг шўрлик чолгинамда, беғуно гўдагимда нима айб? Қамчи кўтарган қўлларинг гўрларда чиригурлар, деб уйнинг бурчагида ўтириб олиб, отишмада ўлган тоғаларимнинг номини айтиб, сизлар тирик бўлганларингга қари оталарингни золимларга калтаклатиб кўярмидиларинг, зўравонларнинг таъзирини бериб кўярдинглар-ку, бевақт кетган азаматларим, шахид бўлган арслонларим, деб роса йиғлади.

— Тур энди, — деди бобом, кўз ёшини билдирмай артиб олиб, — дориларингни олиб кел, оёқ қургур қаттиқ огрияпти.

Энам бошини кўтариб, сирғалиб тушиб кетган рўмолини қайтадан ўраб олди.

— Яна шамоллатиб олган бўлманг? — деб сўради.

— Зах ерда ярим кун ушлаб туришди-ю, шамолламай бўлади-ми? Молхонамиздаги товоқчада қоп-қора, ёпишқоқ дори бор эди. Кейин бурсиқнинг ёғидан ҳам бобомнинг оёқларига, қамчи теккан жойларига суртишди. Йўқ-йўқ, ҳидини ёмон кўраман, кўнглим айнийди, дейишимга ҳам қарамай, менинг ҳам товонимга, тиззамнинг кўзига суртиб қўйишди.

Бобомдан кўнгили сўрагани қўшниларимиз чиқа бошлашди. Ҳамма чиқаверди, таңчамизнинг атрофи тўлиб кетди. Бувимнинг қиз ўртоғи Мўхтарам холам, патирни чиройли ёпадиган Бибиқиз аммалар ҳам чиқишган. Бу гал қатлама ҳам, ёғли патир ҳам йўқ, ҳаммаси ижроқўм амакини қаргагани чиқишибди. Уша амаки жуда ҳам ёмон экан. Бугун бўлмаса, эртага, албатта, Худонинг ғазабига учраркан. Кўрбошилар замонида ҳам кўрғончамиздаги амакиларни роса қийратган экан. Ушанда ижроқўм эмас, командир экан. Бошида чучвара нусха шапкаси, эғнида итёка чакмони, бир ёнида қиличи, бир ёнида тўппончаси ҳам бўлган экан. Аскарлариям ўзига ўхшаган экан. Кўрғончамизга от чоптириб келишаркан-да, мамашка-мамашка, папашка-папашка, кўрвоши кўрдинг, деб сўраркан. Билмайман дейишса, биласан, дейишар экан. Қайдан биламан дейишса, ўн қамчи урилсин дейишар экан. Битта бобони кўп уришганда боши ёрилиб, қон кўп оқиб кечаси ўлиб ҳам қолган экан. Эналар билан боболар ҳеч нарса айтишмаса, менга ўхшаган болаларни Санамбубига ўхшаган қизларни Бўрҳовузнинг ёнига тўплаб, баранчик-баранчик, кизимка-кизимка, кўрвоши қани, деб сўрашаркан. Болалар билмаймиз дейишса ҳаммасини ялангоёқ қилиб сувга туширишаркан-да:

— Кўрвоши қани? — деб яна сўрашаркан.

Болалар, қизлар «Отажон, оёғим совқотди, бувижон, кўрқиб кетяпман, анави амакиларни ҳайдаб юборинг, деб йиғлашаркан. Кейин бу йиғига чол бувалар ҳам, эналар ҳам қўшиларкан. От устида қиличини уйнатиб турган Маърифхўжа амаки йиғлама, йиғинг билан мени кўрқитолмайсан, деса, битта эна, ҳой, Маърифхўжа, сени кўрқитиш учун йиғлаётганим йўқ, сендек золимни қайси она туғди экан, уша онанга ачиниб йиғлаяпман, дер экан... Кейин, боғларда милтигини қўлтиқлаб бержиниб ётган кўрвоши амакилар чидай олмай; эй номардлар, болаларда нима айб, кампирларда

нима айб, дейишиб деворларнинг орқасидан, арикларнинг ичидан паналаб келиб қизил шапкаликларни роса пақиллатиб отишар экан.

— Эркабой бобо, гапирсангиз-чи, — деди Муътабар холам, ўзи гапириб чарчагандан кейин.

— Нималарни гапирай, қизим? — Сўради бобом.

— Ахир, ўша замонларда элликбоши бўлган экансиз-ку!

— Ҳа, элликбоши эдим.

— Сиз ўша қочти-қувдиларни, қиргинларни кўргансиз-ку?

— Кўрганман, қизим, кўрганман. Худоё ўша кунларни энди сизлар кўрманглар.

— Ўша кунларингиздан сиз ҳам гапиринг, ҳадеб бизни гапирти-раверасизми?

— Она қизим-ей, қайтага сизлар яхши эслаяпсизлар. Қариб қолибман шекилли, хотирам хира, кўп воқеалар ёдимда йўқ.

— Мана шу ижрокўм ўшанда командирмиди? — Яна сўради ўтирган амакилардан биттаси.

— Ҳа, жазо отряди деган бир бало бўлар эди. Бу бетовфик ўшанда командир эди, юзтача солдати ҳам бўларди, казармада туришарди... Илоё, Кўргонча аҳли бошига тушган балоларни сизлар кўрманглар. Бу ҳароми юртни кўп қийнаган. Не-не йигитларни қурбон қилмади у. Кўргончамиз икки ўт орасида ёнарди, тоғ тарафдан ўзимизнинг йигитлар тушса, Қўқондан қилич яланғочлаб, замбарани ўқлаб қизил шапкаликлар келарди. Ҳамма отишмалар мана шу боғларда бўларди. Уйлар қуярди, молларимиз молхонада ёниб қабоб бўларди... Яратганининг даргоҳи кенг, золимни жазоламасдан қўймайди...

Бобомдан кўнгил сўрагани чиққанлар орасида сой бўйидаги Гулом бобонинг ўғли Қосимали амаким ҳам бор эди. Гулом бобо «Бор, Эрка чолдан хабар олиб чиқ, кўнгил сўра, ўғиллари шаҳид бўлиб кетган, ҳеч кими йўқ, кампири билан мунгайибгина ўтиргандир», деган экан. Шу амакининг битта манқа хотини ҳам бор-да. Йўқ, ўзи жуда яхши, кўргончамиздаги ҳамма болаларга қўйлақ тикиб беради, зингир машинаси ҳам бор. Шу опа ҳам эри билан чиққан экан. Мен ундан кўрқиб, тагин бобомга қақиб бермасин, дея кўзини пойлаб ўтирдим. Илгари овозимизни бурнимиздан чиқариб амма, эшигинг тамма, деб қочардик. Рузадан бойчечак айтгани бориб, ҳаммамиз овозимизни бурнимиздан чиқариб, манқаланиб, «бойчечак айтиб келдик эшигингизга, Худойим ўғил берсин бешигингизга», деб қулишиб-қулишиб айтаётган эдик, эшикнинг орқасида пойлаб турган экан, калтак олиб ҳаммангни отангга айтиб бермасамми, молхонага қаматиб қўймасамми, деб қўлаб қолди. Барибир бизга етолмади... Ўшандан буён шу опадан кўрқиб қочиб юрардим. Ҳозир яна кўрқайтганим, ҳайрият, опа менга ҳеч қарамаепти...

Қосимали амаким;

— Эркабой бобо, бир тўпланишиб қолдик, бунақаси ҳадеб бўлавермайди, Хошим баққолнинг боғида бўлган воқеани гапириб беринг, ахир, сиз ўша қиргиннинг устида бўлгансиз-ку, — деди.

Бошқалар ҳам, айтақолинг, дейишди.

Бобом:

— Йўқ, меҳмонлар, юрагим чидамайди, — деб бошини анчагача чайқаб турди. — Қосимали, яхшиси ўзинг сўзлай қол. Майли, эшитмаганлар эшитсин, шаҳидларни эслаш савоб бўлади. Ҳамма гапни Гуломбой отангдан эшитгансан. Катта аканг ҳам уч кунгача гур кавлаб, шаҳидларни кўмган эди. Ўзинг айтақол, ўғлим.

Қосимали амаким ҳаммасини билар экан. Ўша куни қаттиқ шамол эсиб, ҳаммаёқ музлаб, туф деса туфук ҳам ерга тушгунича

музлаб қоладиган даражада совуқ тушибди. Қишлоғимизни ҳам, ерларимизни ҳам, сувларимизни ҳам, осмонда учиб юрган қушларимизни ҳам, боғларимизни ҳам сенга бермаймиз, бизни босмачи дема, босмачи бўлиб ҳеч жойни босиб олганимиз йўқ, ўзларинг босмачисанлар, деб ўша шапкаликларга қарши юришиб, тоғ-тошларда сарсон юрган кўрвоши амакилар кечаси Хошим баққолнинг боғига қўнишибди. Бир кеча тунаймиз-у, овқат ғамлаб, яна тоққа чиқиб кетамиз, дейишибди.

— Тўғри айтяпманми? — деб сўради Қосимали амаки.

— Тўғри айтяпсан, — деди бобом, — чиндан ҳам совуқ қаттиқ эди. Ҳовуздаги муз отни кўтарарди.

Кейин, кўрвошиларнинг бошлиғи — Ислом полвон деган амаки бобомга хабар юборибди. Бобом элликбоши экан-да. Дарров битта қўй сўйдириб, нон ёптириб, палов дамлашсин деб гуруч, сабзи, пивёзлар олиб, уларнинг ёнига етиб борибди. Бошлиқ қизил шапкаликлар йўқми, деб сўрабди. Бобом, икки кун олдин Қўқонга жўнаб кетишган, дебди.

Кўрбоши амакилар дарёни кечиб ўтаётганларида этикларига сув кириб, кийимлари хўл бўлиб қолган экан, уртага олов ёқиб, ўшаларни қуритишибди. Сергўшт шўрвани мазза қилиб ичишибди. Кейин бобом олиб борган катта қозонда палов ҳам пишира бошлашибди. Ораларида битта айёр сотқин бор экан. Эгарининг остига катта одамларнинг муштича келадиған нашани беркитиб юрар экан. Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолганида, ошпазнинг кўзини шамғалат қилиб ўша нашани қозонга ташлаб юборибди-ю, яна ҳеч нарса кўрмагандек, гулханнинг ёнига бориб пайтавасини қуритаверибди. Палов пишганидан кейин давра қуришиб уртага лаганларни қўйиб, олинг-олинг, қўй боққаннинг ҳам, ош пиширганнинг ҳам, еганинг ҳам умри узоқ бўлсин, дея мазза қилиб ейишибди. Кейин уйқусирай бошлашибди. Бошлари айланиб, кўзлари юмилаверибди.

Уч кундан буён от устидамыз, ухлаганимиз йўқ, майли, ухласак ухлайлик дейишиб, тўнларини тағларига солиб, эгарларга бошларини қўйиб, уйқуга кетишибди. Қоровулга чиққан йигит ошни ҳаммадан кўп еган экан, ҳаммадан қаттиқроқ ухлабди. Шунда бояғи сотқин сакраб туриб, учқур отни миниб, жазо отрядининг бошлиғи — Маърифхўжа командирнинг ҳузурига қараб қўшдек учиб борибди. Ўртоқ командир, топширигингизни аъло даражада бажардим, энди мукофотнинг каттасини берасиз, дебди. Маърифхўжа амаки аскарларини бошлаб, қиличларини яланғочлаб, милтиқларини ўқлаб етиб келибди. Қараша, ростдан ҳам кўрбоши амакилар тахтадек қотиб ухлаб ётишганмиш.

— Бас қил, ўғлим, — деди бобом, ўрндан туриб, — мен энди бу ёғига чидолмайман, ярамни тирнаб юбордим.

Бобом чўлоқланиб ҳовлига чиқиб кетди. Оғилхонага кирди, шекилли, қайтмади. Ўтирганлар бўлса айтгин, кейин нима бўпти, дейишаверди... Кейин... жуда ёмон бўпти. Ҳаммасини отиб ташлаб битта Ислом полвон амакини отга ўнгариб олиб кетишибди. Кўргончамиздаги анча одамларниям кўрбошига нега жой бердинг деб қамаб қўйишибди... Ижрокўм бобо бизни ҳам наша бериб ушлаб олса-я, деб кўрқиб кетдим. Меҳмонлар чиқиб кетгандан кейин юрагим шувиллаб ўтирдим. Бобомдан кўнгил сўрагани Заҳро холам билан почтамлар келишувди, уларнинг ҳам гапларига қўлоқ солгим келмади. Холам эркалаб, хайрият, қари отамнинг ҳимоячиси бор экан, ижрокўмнинг тиззасидан тишлаб олмаганида отамни яна урарди, кел азаматим, пешонангдан бир ўпай деганди, ишингизни

килинг, деб жеркиб бердим. Кейин Аҳмадқул бобом чиқди. Бу Маърифхўжа деганлари асли «Ваҳшатхўжа» бўлади, бундан эҳтиёт бўлайлик, деди. Кейин ҳамма нарсаимизни — новвосимизни қўйларимизни ҳам Захро холамнинг уйига олиб бориб беркитдик. Майиз билан ўригимизни эшак аравада ташидик. Эртасига билсак, қишлоғимизда шу туни ҳеч ким ухламаган экан.

Ўлган чўчқа ўрнига семиз қўй сўрашяпти

Ҳақиқатан ҳам қишлоғимиздаги одамлар Эшон бобом билан иккита амакини қамоқхонага олиб кетганларига, ундан кейин боболарни қамчи билан урганларига ачинаиб, роппа-роса уч кун мотам тутишди. Амакилар, боболар, эналар маслаҳатлашишди, фақат, бизга ҳеч нарса айтишмади. Ижбоқум бобони тишлаб олганим учун мени ҳам қамашадими-йўқми, шуни жуда билгим келиб, амакиларнинг гапига яширинча қўлоқ солсам ҳам, барибир билолмадим. Қўрбошилар замонида отишма бўлган куннинг эртасига чўччайма шапкадилар келиб, одамларни сўроқ қилиб, молларини ҳайдаб кетишаркан, бу гал ҳеч ким келмади. Ҳамма беркитиб қўйган молларни қайтариб олиб келаётувди, биз ҳам шундай қилдик. Эрталаб энам: «Ўғлим, қўшнилари даштга мол ҳайдаяпти, сен ҳам катта йигит бўлиб қолдинг, Султонали аканг билан борақол, халтанга нон билан майиз солиб бераман», дедди, йўқ, энажон, даштга борсам, меласа амакилар мени ҳам қамаб қўйишади, деб кунмадим.

— Бўлмаса, кўчага чиқиб бирпас ўйнаб келгин.

— Уйнагим келмаяпти, — дедим. — Сиз қаёққа борсангиз, мениям ўша ерга боргим келаяпти.

— Менинг зарур ишим бор, ўғлим.

— Менинг ҳам зарур ишим бор, — деб останада туриб олдим.

Энам мени алдаётганини билиб турибман. Кечаси ўзимни ухлаганга солиб, хуррак ҳам отиб, бобом икковиларининг маслаҳат қилаётганларини битта қўймай эшитиб олганман. Энам Олтинбибиникига бориб мушкулқушод ўқитаркан, ўқитганини ҳеч ким билмаслиги керак экан, билса тескари ташвиқот юритди деб қамаб қўйишаркан. Мушкулқушод ўқитмаса, Эшон бобомни қамоқхонадан ҳечам чиқаришмас экан. Эшон бобом чиқмасалар, Қўрғончамиздаги ҳамма одамлар имонсиз бўлиб, нонни тескари тишлайдиган, сувга тупурадиган, шамолни сўкадиган, бисмиллосиз овқат ейдиган бўлиб қоларкан. Бобом пичирлаб, тўғри қиласан, онаси, юртнинг боши фалокатдан чиқмаяпти, мушкулқушод ўқитсанг ўқита қол, шояд ишларимиз юришиб кетса, лекин, ҳеч кимга сездирма... деди. Ана шуларнинг ҳаммасини эшитиб олганман.

— Жон, ўғлим, утказиб юборгин, — деб ёлворди энам.

— Мени ҳам олиб борсангиз, ўтказаман.

— Ёш болалар борадиган жой эмас у ер, азаматим.

— Ҳозир катта йигит бўлиб қолдинг, дедингиз-ку.

— Гапни кўпайтирма.

— Кўпайтиравераман.

Энам мени урмайди-ю, аммо, гапига кўндиролмаса, йиғламсираб: «Менинг ҳеч кимим йўқ, мени ҳамма қийнайверади, энди бошимни олиб Захро қизимникига кетаман, ўшанинг болаларини ўғил қиламан, эркалатиб юраман», деб қўрқитади. Энамнинг кетиб қолишидан ростдан ҳам қўрқаман. Ўнда бизга овқатни ким пишириб беради, сигиримизни ким соғади?... Ҳозир ҳам шундай қилувди, останада четга ўтиб:

— Майли, борақолинг бўлмаса, — дедим.

Энам пешонамдан ўпиб қўйди.

Энам бошимни силаб қўйиб, чиқиб кетди. Уйда ўтиргим келмай, ўйнагани жўнадим. Ҳайитвой ўртоғимникига кирмадим. Муродхонларникига қараб юрдим. Шу ўртоғим жуда яхши-да. Доим мени сизлаб гапирди, отасини «дада» деб чақиради. Бориб, эшиклари қия турган экан, аста мўралаб қарасам, ўртоғим кўринмайди-ю, дадаси ҳовлида катта болта билан ўтин ёраётган экан. Айтувдим-ку, дадаси мени ёмон кўради, деб. Ўшанда айб ростдан ҳам мендан ўтувди. Уйларига ўйнаб ётсак, ўртоғим молхонада қўроғошин бор, ўшани эритиб ошиқнинг ичига қўйсақ оғир бўлади, ҳамманинг ошигини ютиб оламиз, деди. Кирсак, молхоналарнинг шифтига унтача тўрқовоқ осиб қўйишган экан, тўрқовоқлардаги беданалар бизни қўйиб юборинлар, оналаримизнинг олдига борайлик, дегандек турни чўқиб питирлашаётган экан. Энам қўшга озор берган, уни қафасга солган одам дўзахи бўлади, деган эди. Муродхонга шуни айтиб, жон ўртоқ, беданаларни қўйиб юборайлик, оналарнинг олдига боришсин, бизни дуо қилишади, кейин икковимиз ҳам жанна-ти бўламиз, ўша ерда қўроғошин қўйилган ошиқлар ҳам кўп буларкан, бирга ўйнаб юрамиз дегандим, дарров рози бўлиб, уйларидан катта қайчи олиб чиқди. Кейин ўртоғим энгашиб турди, мен елкасига чиқиб турни кесиб, беданани ҳовучимга олдим: илиққина экан, юраги ҳам гўп-гўп уриб турибди. Қўйиб юборган эдим, пир этиб бориб останага кўнди-да, сап-сарик кўзларини мўлтирлатиб бизга тикилиб турди, кейин учиб кетди.

— Ана, кўрдингми, бизни дуо қилди, — дедим севиниб.

— Кўрдим, — деди ўртоғим, — қайчини менга бер энди, мен ҳам биттасини чиқарай, ахир, жаннатга бирга борамиз-ку?!

Энди мен энгашиб турдим, Муродхон елкамга чиқди. Ўртоғим қўрмағур жуда оғир экан, мендан бир ёш катта-да. Битта беданани чиқарувди, кўзи кўр эканми, эшикни ҳеч тополмайди. Бирам раҳим келдики. Сигирнинг тагидан тутиб олиб, ҳовлига ўзимиз чиқариб юбордик. Кейин қолганларини чиқараётувдик, останада Отахон амаким кўриниб қолди. Ичкари анча қоронғи-да, бизга анча тикилиб турди.

— Нима қиялсизлар? — деб сўради ахирри.

Жавоб қайтарай, десам тилимга сўз келмайди. Жим туравердим. Ўртоғим:

— Дада, биз жаннати бўламиз, — деди мақтаниб.

Отахон амаким бизга яқинлашиб келди-да, нима қилаётганимизни энди кўрди, шекилли:

— Ху, ўша жаннати бўлган... — деб ушқирди. Ўртоғимнинг елкасидан тушиб, қўлимдаги қайчини ташлаш эсимга келмай, кўчага қараб отилдим. Кўча эшигимизгача қувлаб келди. Энамнинг кавушини кийиб олган эдим, ўшани ечиб қочганим учун менга етолмади. Кирасолиб, кўча эшигимизни танбаладим-у, ёнидаги сулага чиқиб олдим.

— Оч! — деб эшикни мушти билан урди Отахон амаким.

— Очмайман, — дедим.

— Нима қилиб қўйдинг, эси йўқ?

— Олтитасини чиқарувдик, холос.

— Оч даяпман, бобонг билан гаплашиб қўяй, сайроқи беданалар эди! Ҳар биттаси биттадан қўйга арзирди, оч!

— Оч-майман, — дедим, — жаннати қўшларни тўрға солганлар дўзахи бўлади, билдингизми? Энди сиз ҳам дўзахда қуясиз...

Кейин энам, бобом чиқди. Роса жанжал бўлди. Мен боғнинг

этагига бориб, беркиниб олдим-да, уша ерда утиравердим. Бобом, янаги йили сенга элликта бедана илинтириб бераман, қишда тўр ҳам тўкиб бераман, деб аранг кўндирди. Мен бўлсам бобом уришмасин, деб атайлаб кечгача йиғламсираб юрдим... Ушандан буён мана шу амакидан жуда кўрқаман. Ҳозир ўтин ёраётганида ҳам қия эшикдан қараб тилимни чиқариб масхара қилдим-да, орқамга қайтиб, кўчанинг ўртасида тўхтаб қолдим. Қаёққа юрсам экан? Қарасам уйимизга Эсонқул бобо, Аҳмадқул бобо, яна битта бобо кириб кетишяпти. Биламан, ҳозир қизиқ-қизик гаплар бўлади, мазза қилиб эшитаман... Уйга кириб боришим билан бобом:

— Келдингми, ўғлим, қумгонни бир қайнатиб бергин, — деди эрқалатгандек қилиб.

Бошқа вақт бўлганда, бобожон, қўлимни куйдириб оламан, деб кўнмасдим, аммо, ҳозир хурсанд бўлдим. Салдан кейин Матмуса бобо билан Ғуллом боболар ҳам келишди.

— Қани, мулло Матмуса, хушхабарни сўзла-чи, — деди Эсонқул бобо.

— Айтганларингни қилдим, — деди Матмуса бобо.

— Йўқ, сен бир бошдан сўзлагин, эшитиб дилимиз таскин топсин, бир ҳафтадан буён игнанинг устида ўтирбмиз-а...

Матмуса бобо тонг саҳарлаб эшагига миниб марказга, бошлиқ бўлиб ишлайдиган ўғлиниқига жўнабди. Нонуштани набираларим билан бирга қиламан, деб қаймоқ ҳам олган экан. Эшаги жуда аҳмоқ экан-да, шу эшакни илгарироқ сотиб юбормаганига ҳозир аттанг қилаётган экан, йўли ҳеч унмабди. Эшак ҳар қадамда тумшурини осмонга қилармиш, халачўп урса, шатталармиш... Хуллас, кечикиб етиб борибди. Бошлиқ ўғли аллақачон ишга чиқиб кетган экан.

— Ух, — деди бобом чўзиб, — Ҳой, Матмуса, гапни бўладиганини гапирсанг-чи!

— Шошма, Эрқавой, — деди Матмуса бобо. — Ҳозир бўладиганини ҳам айтаман.

Матмуса бобонинг келини кўп одобли экан, отажон, хайрият, бизни ҳам йўқлар экансиз, ойда-йилда бир келай демасиз-а, деб хурсанд бўлганидан ўзини қўйгани жой тополмабди. Матмуса бобо, ҳой келин, ҳукумат эринг икковингга қўш олган экан, қўшилган извош бериб қўйибди. Ушанга ўтириб, ўзларинг борсаларинг, пошшоликдан тушиб қоласизларми деган экан, келин қайта-қайта узр сўраб дарров эрига сим қоқиб, отамиз шунақа-шунақа ишлар билан келибдилар, дебди. Нодирбек амаки дарров ўзининг қўш от қўшилган извошини жўнатибди. Идораси ҳам зўр экан, деворлари оқланган, курсиларидан одамнинг сурати кўринармиш.

Нодирбек амаки ўрнидан туриб:

— Ассалому алайкум, ота, — деган экан, Матмуса бобо:

— Эй, саломингни қўй, болам, — дебди.

— Қани ота, ўтирайлик, — деган экан, э, утирмайман, дебди.

— Ҳаммасидан хабарим бор, ота, деган экан, Матмуса бобонинг жаҳли чиқиб, хабаринг бўлса, нега юртдан ҳол сўрамадинг, деб уришибди.

— Хуш, гапнинг бўладиганини айтсам, — яна сўзлашда давом этди Матмуса бобо, — Нодирбекка қийин экан. Ота, ёлғизман дейди, бечора. Ахир, Эшон ҳазратлари қўлгонингга азон айтувди, эҳтимол, шу сабаб элнинг ҳурматида юргандирсан, дедим. Биламан, ота, биламан, дейди яна. Бўрилар бор бу ерда, уларга қарши бориш осонмас, қайтага уша далада кетмон чопиб юрган пайтларим яхши экан, дейди ўғлим...

Энди чол боболар тортишиб қолишди. Биттаси ҳукумат идорага бўри бойлаб қўйган деса, биттаси бўйра солиб қўйган, ўшани устида ўтириб мажлис қилишади дейди, яна битта бобо бўлса йўқ, билмас экансизлар, бўйро дегани — буйруқ берадиган жой, дейди. Мен қайси бири тўғри экан деб қумгонга ўт қалаб, тескари ўгири-либ утиравердим.

Нодирбек амаким яна битта зўр бошлиққа сим қоқибди. Йўқ, ўртоқ, галга кўнинг, юрт галаён кўтарса, тинчитиш осон бўлмайди, ўртоқ Исталинга арз қилишмоқчи, яхшиси, ўлган чўчқаларнинг ҳақини тўлашсин, уша — хотин олиб-хотин қўядиган Маърифхўжа ижрокўм билан ўзим гаплашаман, дебди. Кейин Матмуса бобо уша бошлиқнинг олдига борибди. У ердаги бошлиқ қўлини кўксига эмас, пешонасига қўйиб саломлашаркан.

— Эшон — жиноятчи, — дебди у баланд овоз билан.

— Жиноятчи эмас, — дебди Матмуса бобо юмшоқ қилиб. — Ажали етса, одам ўлади-ю, чўқча нега ўлмас экан?

— Жиноятчи бўлмаса, қамоқхонадан нега қочди? — Яна сўрабди бошлиқ.

— Э, зерикиб кетгандирлар-да, — дебди Матмуса бобо.

Кейин роса савдолашибди. Бошлиқ унта қўй берасан, ҳаммаси семиз бўлсин, газармадаги аскарларга сўйиб берамиз, дебди. Матмуса бобо кўринишингиздан мусулмон одамнинг боласига ўхшайсиз, чўчқанинг каламушдек боласига семиз қўй сўрагани уялмайсизми, дебди. Бошлиқ, ё шартимизга кўнасиз, ё Эшон ҳазратларининг суяги қамоқхонада чириб кетади, дебди. Матмуса бобо, анави иккита бегуноҳ йигитларимизнинг тақдирини нима бўлади, деган экан, бошлиқ уларнинг жиноятчи оғир, ҳўқуматга қарши чиққан, тескари ташвиқот юритган, жиноятчи Эшон ҳазратларини беркитган... Лекин келишасан бўлади, дебди-да, кейин овозини пастлаб, бу оғир ишни зиммамга олсам, мени ҳам қуруқ қўймайсизлар, дебди. Матмуса бобо ҳам овозини пастлаб:

— Узингизга тўртта қўй берасан бўладими? — деб сўрабди.

— Бешта берсаларинг, камбағал бўп қоласизларми? — деб бошлиқ ўрнидан туриб секин-секин кулибди-да, охирида яна ҳам паст овоз билан, менга пулини бера қолинглар, деган гапни айтибди. Эшон бобому бегуноҳ қамалган амакилар қўйлар етиб борган заҳоти озод бўлишармиш...

Эсонқул бобо кўзларини чирт юмиб, жимгина ўтирувди. Мен ухлаб қолдимикан десам, йўқ, уйғоқ экан, кўзини хиёл очиб, салпал кулимсираб:

— Кейин яна муттаҳамлик қилмасмикан? — деб сўради.

Матмуса бобо билмадим, дегандай елкасини қисиб қўйди. Аҳмадқул бобо шошилиб:

— Пошшо муттаҳам бўлгандан кейин... — деди-ю, уёғи эсдан чиқиб қолди шекилли, жим бўлиб қолди. Хайрият, Эшон бобом озодликка чиқар эканлар, чиқсалар менга дуолар ўргатадилар, кейин масжидга имом бўламан, Ҳайитвой, Дилижон ўртоқларимга роса мақтанаман... Эсонқул бобо, ҳай бола, эчкига ўхшаб ҳадеб сакрайвермагин, деди. Хаёлга берилиб, турган жойимда ер тепиниб ўйинга тушаётган эканман, уялиб кетдим. Чой дамлаётганимда яна хаёлга берилибман. Аҳмадқул бобо:

— Раҳмонберди, бобонга ўхшаб кўкнори ичиб олганмисан? — деб уришди. — Қумгондаги сувни чойнакка эмас, ерга қўйсан-ку. Ие, ростдан ҳам сувнинг ярмини тўкиб қўйибман-ку?! Баттар уялиб кетдим. Қочиб чиқиб кетардим-у, қизиқ гапларни эшитмай қоламанд. Эшитсам, ҳаммасини энамга айтиб хурсанд қилардим. Ундан

кейин мен болаларнинг гапидан кура мана шу чол боболарнинг гапини яхши кўраман. Уртоқларим билан ўйнаб турганимда боболар тупланишса, дарров уша ёққа қараб чолиб кетавераман. Нега шунақа эканман? Нега шунақалигимни энам ҳам билмас экан. Ўзи сен ақлисан-да, яна ҳам ақлли бўлгинг келади-да, дейди-ю, бошқасини айтмайди.

Энди унта кўйни қандай йиғсак экан, деб маслаҳат қила бошладим. Гулом бобом Эшон ҳазратлари кўп табаррук зот, у кишини кўтқарсак, динимизни, имонимизни кўтқарган бўламиз. Биз у зотни ҳимоя қилолмадик, энди кўтқариш ҳам бизнинг зиммамизда. Худога минг қатла шуқр, ҳали юртимиз имонсиз бўлганича йўқ, хайр-эхсон кўтарилгани йўқ, майли, кафансиз кўмилайлик, аммо, ҳазратимизни кўтқарамиз. Худо хоҳласа чин дунёга борганда юзимиз ёруғ бўлади, деди.

Ўзининг бобом йиққанамизча йиғайлик, етмаса, тўрт яшар бўқам бор, семириб туядай бўп кетган, ўшани сотсам, олтита кўй беради, деди.

Аҳмадқул бобо:

— Менда кўй йўқ, иккита эчки бераман, — деди, Эсонқул бобо ҳой пакана, маърамай тек ўтир, деб униям уришиб берди.

Қумгон яна қайнади, энди сувини тўкмасдан, жуда эҳтиёт бўлиб катта оқ чойнагимизга дамладим-да, бобомнинг олдига келтириб;

— Менинг ёнғоқларимни сотақолайлик, ўшангаям кўй олса бўлади, — деб шивирладим.

— Жим утир, — деб кўйди бобом.

— Жон бобожон, уша ёнғоқларни сота қолайлик.

— Жим деяпман!

— Чўян соққаларимниям сотса бўлади, ҳамма болалар менга сот, менга сот, деб юришибди.

— Бор, кўчага чиқиб бирпас ўйнаб келгин, гапга қўшилавермагин, — деб бобом уришиб берди. Алам қилди. Нарироққа бориб кигизга ўтириб олдим. Энди маслаҳатларига ҳам қулоқ солгим келмай қолди. Маслаҳат тугганидан кейин Эсонқул бобо, ҳой Аҳмадқул, тиловат қилгин, Матмусанинг ўғлини бир дуо қилайлик деганди, у дарров хўп деб кўнақолди. Шу бобомнинг овози зўр-да, энам ҳам унинг тиловатини яхши кўради. Жума оқшомларида кўпинча уйларига бориб, ўқитиб келамиз. Аҳмадқул бобонинг ўзи Худо мендан бўйни олиб, ўрнига овоз берган, дейди. Кейин Эсонқул бобо тиловат қилди. Бир ўқийди, бир тўхтаб, дамини ростлайди. Мен, илов кўйлар кўп йиғилсин, Эшон бобом қўтилиб чиқсинлар, мени тиззаларига ўтқазиб, ўқишни ўргатсинлар, деб пичирлаб ўтирдим. Тиловатдан сўнг бобом:

— Тур, ўғлим, кўйни ҳайдашиб юборгин, — деди.

— Бормайман, — дедим аразлаганимни билдириш учун.

— Кўй энди, яраша қолайлик.

— Энди сиз билан ҳечам ярашмайман! — Шундай дедим-у, болаларга ёрдамлашиб юбордим.

Аҳмадқул бобо шум хабар келтирди

Ўша кунни тўртта эшак миниб кетган боболаримиз жуда кеч қайтишди. Энам икковимиз роса ташвишландик, уларниям Эшон бобомнинг ёнига қўшиб қамаб қўйган бўлишса-я, деб қўрқдик. Хайрият, қамашмаган экан. Пешонасига қўлини қўйиб саломлашадиган бошлиқ, амакилар, олиб келган қўйларинг учун раҳмат, газармада-

ги аскарларга сўйиб берамиз, лекин, Эшон ҳазратларига мен жавоб беролмайман, мендан катта яна анча бошлиқлар бор, ушаларнинг рухсатини оламиз, дебди. Лекин ташвишланманглар, эоздик-ка чиқарамиз, гап битта, дебди. Шунинг учун боболар кечгача тутилиб қолишган экан.

— Ишқилиб, қўйиб юборишармикан? — Ташвишланиб сўради энам.

— Қўйиб юборишади, худо хоҳласа, — деди бобом, — бошлиқ ёмон одамга ўхшамайди. Қизил шапкаликларнинг орасида художўй, инсофликлари кўп, онаси. Бу дунёни асли шу инсофлик одамлар тутиб турибди. Бўлмаса, нақ қиёмат қойим буларди-я.

— Ҳазратимнинг олдидиларига кириб кўнгил сўрамабсизлар-да?

— Кирдик, онаси, кирдик. Кайфиятлари яхши, ўзлари тетик, жойнамоз беришибди, таҳоратга сув ҳам бериб туришган экан, овқатларини макрўх деб емаган эканлар, бир мелиса бола уйдан келтириб бераётганмиш. Айтдим-ку, бу дунёда инсофликлар кўп.

— Хайрият, — деди энам, мамнун бўлиб.

— Хайрият, — деб қўйдим мен ҳам.

Кейин ухлаб қолдим. Эрталаб турсам, бобом ҳам, энам ҳам боққа чиқиб кетишган экан. Нега мени намозга уйғотишмади экан деб ўйланиб ётдим. Ўзи шу бобомгаям жуда қийин, тўғрими? Тоқларни кесишимиз керак, дарахтларни буташимиз керак, огилхонадаги гўнгни боққа ташишимиз керак, ариқларни тозалашимиз керак, кейин бобом бориб, Заҳро холамнинг тоқини кесиб бериши керак, кейин теракзоримизнинг орқасидаги ҳар хил кўчатларни кўчириб, эгаларига элтиб беришимиз керак... Ана шуларнинг ҳаммасини якка бобомнинг ўзи қилиши керак экан. Бечора бобом-ей, унга жуда қийин-да.

Кейин турдим-да, энам пишириб қўйган сўдан бир косага қўйиб нон тўғраб ичиб олдим. Боққа чиқсам, энам йўқ, бобомнинг ўзи ишлаяпти.

— Келдингни, ўғлим? — деди бобом.

— Келдим, — дедим.

— Нонушта қилиб олдингни?

— Қилдим. Нега мени уйғотмадингиз?

— Уйқуга бир тўйиб олгин, дедим-да.

— Анув кунни ўзингиз, ўғлим, энди боққа чиқиб бирга ишлаймиз, девдингиз-ку?!

— Ҳа, айтувдим, энди гаплашиб ишлайверамиз.

— Гапиринг бўлмаса.

Бобом гап тополмай, тоқ қайчи билан «қийт» эткизиб новдаларни кесаберди. Ия, новдаларни кесиб ташлашса, узум қаерда пишадди? Шу ҳақда сўрагандим, сен тоқ зангини теравер, мен тушунтириб бераман, деди.

— Термасан-чи?

— Унда мен ҳам айтмайман. Билолмай қийналиб юрасан.

— Айтмасангиз, мен ҳам уйнагани кетиб қоламан. Сиз ҳам зерикиб утирасиз.

— Оббо ўғлим-ей, қулоқ сол бўлмаса. Соч ё тирноқ ўсганида ортиқчаси қирқиб ташланади, тўғрими? Тоқ ҳам шунақа. Қара, манави новдалар оқаришиб, нимжонгина бўп турибди. Ёзда офтоб яхши тегмагани сабабли пишмай қолган. Мана буниси эса сапсарик, бақувват. Қомларини кесиб ташламасақ, зангдан оқиб келаётга шираларни ичсаям, барибир узум бермай тураверади.

— Аразлайдими?

— Ҳа, аразлайди, энди тушундингни? Хулоса шуки, ўғлим, хом

новда барг беради-ю, узум бермайди. Узум берадиган новдаларнинг овқатини еб қўяверади.

— Бобожон, узум ўзи қаёқдан пайдо бўлади? Ёки уни кечаси фаришталар осиб кетишадими?

— Узумми? У мана бу занглардан оқиб келадиган ширалардан пайдо бўлади.

— Бобожон, зангнинг ичига ширани ким қўйиб қўяди бўлмаса?

— Оббо ўғлим-ей, ҳаммасини билгинг келади-я. Зангнинг ости-да майда-майда томирчалар бор. Ширалар ўшаларда тўпланади-да, кейин занглар орқали новдаларга оқиб чиқади. Кейин ўша ерда қуёш нури билан қўшилиб, узумга айланади. Шунинг учун, ўғлим токнинг остини ағдариб чопиб, томирларга ҳаво, озуқа берсанг, узум ҳам ширин бўлади... — Бобом кулиб қўйди-да, бор энди, азамат ўғлим, энанг чой қайнатиб бўлгандир, мева-чевалардан ҳам қўшиб олиб келгин, бир чой ичиб олайлик, деди. Бобом мен терган новдаларнинг устига ўтириб, тушлик қилаётганда ток қайчини уйнаб, ўнг қўлимни қисиб олдим, қон чиқиб кетай деди. Бобом, йиғлама ўғлим, айб сенда эмас, шу қайчини ясаган устада, бозорга борганимизда олдига кириб бир уришиб қўяман, девди, шундан кейин оғриқ сал босилгандай бўлди.

Ховлига борсам, энам кир юваётган экан, мени кўриб, азамат ўғлим, ёрдамчи ўғлим, оғилхонадан таппи олиб чиқиб, кир қозоннинг тагига қалагин, ахир, сен олов ёқишни яхши биласан-ку, деди. Ҳечам-да, мен тараша утинни яхши кўраман. Таппи ёнмай тутаб тураверади, тутуни кўзимни ачитади. Энамга касал буп қоляпман, дегандим, у азамат болалар ҳечам касал бўлмайди, деди. Мен ҳам азамат боламан, ҳечам касал бўлмайман. Қўлимнинг оғригиёям биланмай кетди. Пичадан кейин яна бобомнинг ёнига югуриб борувдим, нарироқдан «ўҳ-хў, ўҳ-хў» деган йўтал товуши эшитилиб қолди. Қарасак, Аҳмадқул бобо экан, яқинимизга келгунича сезмабмиз.

— Икковинг ҳам кармисан? — деди Аҳмадқул бобо, яқинлашиб. — Ҳовлидан туриб шунча қақираман-қақираман...

— Бўйинг паст-да, — деди бобом сал кулимсираб, — овозинг ҳам паст чиқади.

— Келининг устига чиқиб қақирувдим, Эрка.

— Бўлмаса овозинг келининг ичига кетибди, Аҳмадқул.

Ҳаммамиз ўтирдик. Аҳмадқул бобого чой қўйиб узатдик. Жуда чатоқ бўпти. Колхозининг ҳосилоти Кўзиев амаки Бурҳовузнинг олдига одамларни тўплаб, қишлоқдаги боғларга бу йил ишлов берилмасин, колхозининг паст томонидаги ерлари захлаб, шўрлаб кетган, пахта унмаяпти, ҳукуматга мевадан кўра пахта зарурроқ буп турибди, боғлар бузилиб, ўрнига пахта экилади, дебди...

Бобом қалтираб, анчагача гапиролмай турди, кейин ўзига келиб:

— Ҳазилингни қўй, Аҳмадқул, — деди.

— Ҳазиллашаётганим йўқ, — деди Аҳмадқул бобо.

— Гапингни қайтариб ол, бўлмаса ҳозир мана шу теша билан чопиб ташлайман.

— Зўр бўлсанг, бориб раисни чоп, нега менга дўқ урасан?

Чолбоболар ўринларидан туришувди, кўрқиб мен ҳам туриб олдим. Илоё, уришиб қолишмасин даб худога ёлвориб турдим.

— Бу гап кимдан чиқди? — Секин суради ўзимнинг бобом.

— Ҳукуматдан, — деди Аҳмадқул бобо орқасига тисарилиб.

— Қайси ҳукуматдан?

— Энг каттасидан! Кеча идорада ёпиқ майлис бўлган экан, қарор қилишибди.

— Шу боғларни бузишга-я?

— Ҳа, шу боғларни бузишга, сеникиниям, меникиниям, ҳамма-никиниям.

— Йўқ-йўқ, — бобом бақириб юборди, — ҳозир бориб ҳаммасини чопиб ташлайман. Уғилларимни отиб, куёвимни уриб ўлдирди, еримни олди, белимни бўқди, энди боғимни бузадими? Йўқ-йўқ!.. Ҳаммасини чопиб ташлайман...

Бобом турган жойида тепиниб, ердаги теша, арра, ток-қайчиларни ҳар томонга отаберди. Энажоним югуриб келди. Ўтқазиб, бобомга совуқ чой ичирди, елпиди.

Мен нима қиларимни билмай жим туравердим.

Эшон бобом яна қочиб келдилар

Энди ҳаммасини бир бошдан айтаман, хўпми? Эшон бобомни қамоқдан озод қилиш учун ўлиб қолган айтқча болалари ўрнига боболар кўп қўй ҳайдаб кетишди, деб айтувдим-ку, ўша қўйларни район марказига ётқазиб боргунча роса қийналишибди. Ахийри, Аҳмадқул бобо, эшагидан тушиб битта қўйнинг бўйнига белбогини боғлаб, етаклаб олибди. Кейин бошқа қўйлар ўшанинг орқасидан маърашиб, бошларини эгиб кетаверибди. Борганларидан кейин Эшон бобомни қамаган катта бошлиқ шунақа хурсанд бўптики... Кафтларини бир-бирига мана бундай қилиб ишқаб, ў бобойлар, зап иш қилибсизлар-да, офарин, казармадаги аскарларга гўшт йўқ эди, маза қилишади энди, дебди. Ишонмасангиз Муродхондан, Ҳайитвой уртоғимдан суранг. Биз бу гапларни Аҳмадқул бобоникида, деразининг орқасида пойлаб туриб эшитдик. Кейин ўша бошлиқ, ия, нега қўйни тўққизта олиб келдинглар, яна битта қўшсаларинг, жуфт бўларди, жуфт нарсада хосият кўп, дебди.

Эшонқул бобо:

— Э болам, ташвиш тортма, қўйнинг ўрнига мана бу Аҳмадқулнинг кўл-оёғини боғлаб кетамиз, — дебди.

Энг катта бошлиқ хохолаб кулиб юборибди. Кейин чол боболар, энди Эшон ҳазратларини озод қилгин, эшакка миндириб олиб кетайлик, дейишибди. Энг катта бошлиқ оғзини очмасдан, қоринни силкитиб кулибди-ю, нариги хонага ўтинлар, озгина суҳбатлашасизлар, кейин бир гап бўлар, деб қовоғини солинтириб олибди.

Боболар энди пешонаси йилтироқ, кичкина бошлиқнинг хонасига ўтишибди. Кичкина бошлиқ:

— Хуш кўрдик, отахонлар, — дебди.

Боболар:

— Худое умринг узоқ бўлсин, — дейишибди.

Пешонаси йилтироқ бошлиқ:

— Демак, Хон Эшон Шодмонхон ўғли, сизларга ҳамқишлоқ буларкан-да? — деб сўрабди.

— Иншооло, шундай, — дейишибди боболар.

— Мелисахонадан қочиб, кечаси Хон Эшон тўппа-тўғри сизларнинг қишлоқларингизга бордимми?

— Совуқ кечада қаёққа ҳам борадилар?

— Қочоқ Эшонни энг аввал Эрка мингбоши беркитдимми?

— Эркавой мингбоши булган эмас, элликбоши булган.

— Э, бало бўлганда ҳам беркитганми, ахир?

— Нима, совуқ тунда Эшон ҳазратлари кўчада музлаб қолсинларми бўлмаса? — деб Аҳмадқул бобо оёғи билан бир ер тепиниб қўйибди.

— Бақирманг, — дебди пешонаси йилтироқ бошлиқ.
— Бақиравераман, — дебди яна Аҳмадқул бобо, — кўйнинг энг каттасини ўзим бердим-ку, нега бақирмас эканман.

Пешонаси йилтироқ амаки анчагача индамабди. Қоғозига ма-хорка ўраб чекибди. Кейин яна савол-жавобни бошлаб юборибди:

— Хуш, Эшон Ҳазратлари Эрка Ҳожимат ўғлиникидан чиқиб, кейин кимникага беркинди?

— Кейин меникида турдилар, — дебди Аҳмадқул бобо кўркмас-дан.

— Ўз уйингиздами?

— Йўқ, отамдан қолган уйда.

— Кейин-чи?

— Молхонага беркитганман.

— Кейин-чи?

— Кейин отамдан қолган катта туя сандиққа солиб қулфлаб ўтирдим.

— Кейин-чи?

— Кейин у ердан чиқардим.

— Кейин-чи?

— Кейин Қамбаралиникага утказдик.

— Кейин-чи?

— Кейин ўзларинг ушлаб олдиларинг-ку... Ҳадеб кейин-кейин деяверасанми?

— Демак, бобойлар ҳаммаларинг биргалашиб жиноятчи Хон Эшонни беркитгансизлар?!

— Юртимизнинг имони бўлганидан кейин беркитамиз-да, бо-лам.

— Биргалашиб намоз ҳам ўқигандирсизлар?

— Ёшмииз бир жойга бориб қолди, ўқимасак бўлмайди, болам.

— Имомликка Хон Эшон Ҳазратлари ўтдиларми?

— Бўлмасам-чи...

Мана шунақа савол-жавоблар сўнгида пешонаси йилтироқ бош-лик, эй бобойлар, мана бу қоғозларга қул кўйинглар, дебди. Э болам, биз қул кўйишни билмаймиз, керак бўлса, бармогимизни сиёҳингга ботириб босиб берақолайлик, дейишиб, бармоқларини босишибди.

Пешонаси йилтироқ бошлиқ энг катта бошлиқнинг олдига ки-риб, анча маҳал йўқ бўлиб кетибди. Боболар ҳозир Хон Эшон Ҳаз-ратларини бошлаб чиқишса керак, қучоқлашиб қуришиб, кейин қишлоққа олиб кетсак керак, Аҳмадқул, сен ҳали ёшсан, эшагингни Ҳазратга бериб, ўзинг тўқимидан ушлаб пиёда кетасан, деб масла-ҳатлашиб туришган экан, бир маҳал пешонаси йилтироқ бошлиқ қовоғини солиб чиқибди-да, уҳ тортиб, ҳаммаларинг хўжайиннинг олдига кирасизлар, дебди.

Бўёғи чатоқ бўпти, катта бошлиқнинг феъли айниб қолибди. Қочокни, давлат жиноятчисини беркитганларинг учун ҳаммаларинг қамаласанлар, мана, айбларингни бўйинларингга олиб, бармоқла-рингни босиб ҳам берибсизлар, деб бақирибди. Бақирганда кўзи ола-кула бўлиб кетибди. Боболар кўрқиб кетишибди. Ҳаммадан ҳам кўпроқ Аҳмадқул бобо кўрқиб, э мен қамалиб кетсам, набирам Ҳайитвойнинг тўйини ким қилиб беради деб уйлабди. Қамбарали бобо менинг ўғлим районнинг извошида юрадиган каттаси-ку, қа-машмаса керак, деб уйлаб, озроқ кўрқибди.

Катта бошлиқ ўрнидан туриб, анча маҳалгача жим турибди-да:

— Нега қочоқ эшонни беркитганларингни бўйинларингга олди-ларинг? — деб сўрабди.

— Рост гапни айтдик-да, бошлиқ ўғлим, — дейишибди боболар.

— Э, рост гапни айтадиган замонми ҳозир, каллаварам чол-лар?!

Ана шу гапни айтганидан кейин катта бошлиқ уҳ тортибди. Ни-ҳоят, майли, сизлар бораверинглар, лекин, Эшон Ҳазратларини ҳо-зирча бушатоқламайман, менинг устимда яна ўнта бошлиқ бор, бит-тасини кундирсам, бошқасини кундирилмайман. Ҳазратга мен ҳам ачинаман, мен ҳам мусулмон одамнинг фарзандиман, тезроқ ке-тинглар энди, дебди-да, боболарга жавоб бериб юборибди.

Уша куни қаттиқ шамол эсаётувди. Энам, бу — худонинг марҳа-мати, ерларни қуритади, дарахтларни қиш уйқусидан уйгоғади, ўти-ўланлар ўсиб чиқади, шамол эмас, оромбахш баҳорнинг элчиси бу, деди. Қоронгу тушгандан кейин шамолнинг гувиллаши яна кучайди. Худди қора девлар томимиз устига ўтириб олиб, туйнугимиздан пуфлаётганга ўхшайди. Кўрқиб, оёғи шишиб ётиб қолган бобомнинг пинжига кириб олдим. Энам, тур болам, чироқни ушлаб тур, мол-ларга хашақ солиб чиқайлик, кейин ётамиз, яхши эртақлар айтиб бераман, дедди, молхонага киргани кўрқаман, шамол келган кечаси уйларга қора девлар қамалиб олади, деб кўнмай, бобомнинг пин-жига баттарроқ тикилдим.

Энажоним молхонадан чиқиб, танчага ўт солиш учун ўчоққа эн-ди олов ёқаётгани, куча эшигимиз олдин сал пастроқ, кейин худди биров тош билан ураётгандек қаттиқ тақиллаб қолди. Энам иккови-миз чиқиб тамбани туширсак... Ие, Эшон бобом турибдилар! Ёнла-рида девга ўхшаган, новча бўйли, мўйлови буралиб-буралиб қуло-гининг орқасига бориб қолган битта амаки. Бир қўли билан девлар минадиган катта отнинг жиловидан ушлаб, бошқа қўли билан Эшон бобомнинг қўлтиғидан тутиб олган.

— Вой худойим-ей! — деди энам.

— Робяябиби, мен яна ташвиш бўлиб келдим, — зўрга нафас олиб дедилар Эшон бобом.

— Вой, яратганга шукр, — деди энам.

— Эркавой уйдаими?

— Марҳамат, кираверсинлар, уйдалар.

— Йўқ, чақиринг. Мен шу ердан кетақолай.

— Вой, ҳазратим, ундай демасинлар.

Шу пайтда ҳассасига таяниб, чўлоқланиб бобомнинг ўзи чиқиб келди. Ачомлашиб қуришиб кетишди. Девга ўхшаган амаки билан ҳам қўл бериб сўрашишди.

— Қани, ичкарига, меҳмон, отга ҳам жой бор, — деди бобом.

— Эркавой, мен яна қочиб келдим.

— Худонинг марҳамати бу.

— Мени деб бошингиз яна балога қолмасин, кетақолай.

— Пирим, сиз учун ҳамма нарсага тайёрмиз.

Галларидан ҳаммасини билиб олдим: Эшон бобомни бу гал ҳам яна мелиса амакиларнинг ўзлари қочиришибди. Девга ўхшаган амаки ҳам мелиса экан.

— Оқмачитданман дедингизми, ўғлим? — деб сўрадилар Эшон бобом, уша амаки билан хайрлашаётганларида.

— Ҳа, уша ерданман, отахон.

— Ёқуббойнинг ўғлимисиз?

— Ҳа, уша кишига фарзанд бўламиз.

— Исмингиз Ҳалимбоймиди?

— Худди шундай, пирим.

— Илоё овмин, — фотиҳа ўқидилар Эшон бобом, — тикилиб келган балодан, тухмату бемаҳал ўлимдан ўзи асрасин. Худо умр берса, қишлоғингизга бориб, сиздек фарзандни тарбиялаган ота-

онангизга раҳматлар айтаман, илоё уларни худойим ўз паноҳида асрасин!

Уйга кирганимиздан кейин жуда ғалати бўлди. Бир-бирлари билан ҳеч гаплашишмади. Ўзимнинг бобом, оббо пирим-ей, деса, Эшон бобом, оббо Эркавой-ей, дейдилар, холос. Ҳа билдим, мендан гапларини яширишмоқчи, кўчага чиқиб, ўртоқларига айтиб беради деб кўрkiшяпти. Бошимни танчага қўйиб туравердим, туравердим. Кейин уйқум келмаса ҳам атайлаб, энажон, ётаман, дедим ўзимни уйқусираганга солиб. Йўқ, айтдим-ку, уйқум келмаган эди, овозимни атайлаб шунақа чиқардим. Энам, катта уйимизнинг нариги чеккасига жой солиб берди. Қулогимни бобом томонга тўғрилаб жим ётавердим. Аввал пичирлашиб гаплашишди, кейин овозларини сал баланд қилишди, охирида қаттиқ-қаттиқ сўзлашишди...

Эшон бобомни энг катта бошлиқнинг ўзи қочирган экан.

— Йўғ-э! — деди ўзимнинг бобом.

— Худо шоҳид, — дедилар Эшон бобом, — кеча ўзи олдимга кириб қоровул болаларни уришиб берди, нега тағларига юмшоқроқ курпа тўшаб бермадиларинг, нега иссиқ овқат бермаяпсизлар, деган гапларни айтди. Кейин менга яқинроқ келиб, ҳазратим, сабр қилинг, бир иложини қиладиганга ўхшаймиз, деб шивирлади.

— Икромовнинг ўзи шу гапларни айтдимиз? — Энди овозини пастлатиб сўради бобом.

— Худо шоҳид, шундай деди.

— Яхши одам экан.

— Э, Эркавой, мелиса-мелиса деймизу, уларнинг орасида ҳам иймонли, мусулмон йигитлар кўп экан. Ҳай, ҳаммаси яратган эгамдан-да. Мана, ёруғ дунёга чиқиб ўтирибмиз. Кечки таомни ҳалиги отлақ йигит олиб кирди. Қоронғу тушиши билан ҳожатхонага боринг, кўча томоннинг гуваласи бўш, тўрттасини туширасиз, деди. Йўқ, болам, оёқ кургур чатоқ, узоққа юролмайман! Эхудойим, ўзинга шукроналар бўлсин... Остидаги от эмас, учқур тулпор экан, учириб келди-я. Тезроқ тоғ ичкарасига кетинг, ўша ёқлар ҳали мусулмон-обод дейди... Ҳа, Эркавой, яхши одамлар кўп бу дунёда...

Эшон бобомни тоғдаги қишлоқларга қочириш ҳақида маслаҳат қила бошлашди. Лаккон деган тожик қишлоқда, Боткон деган қирғиз қишлоқда ўзимнинг бобомнинг қариндошлари кўп экан. Аслидачи, бобомнинг энг катта боболари ўша ёқда яшаб, кейин ўлишган экан. Ёзда борганмиз, ўрик, ноклар еганмиз. У ерда тегирмонлар ҳам жуда кўп. Биттасидан ун чиқса, биттасидан ёғ чиқади.

Ўзимнинг бобом эшагимизни тўқимлагани кириб кетди. Энам жун ҳуржунимизга майиз, тут толқон, жиззали нонлар сола бошлади. Қариндошларимга олиб боринг деб ёнғоқ, анор ҳам берди.

— Ёзда Раҳмонбердига туй қилсак, албатта, келасиз, — деди энам.

— Худо хоҳласа, — дедилар Эшон бобом.

Кейин икковлари ташқарига чиқиб кетишди. Эшагимизнинг ҳанграгани, кўча эшигимизнинг «ғийч» этиб ёпилгани эшитилди.

Бобом танчага, энам менинг ёнимга кириб ётди.

— Энажон, Эшон бобом ёлғиз ўзлари кўрқмадиларми? — деб сўрадим.

— Вой шўрим, уйғоқмисан? — деб сўради энам.

— Ҳаммасини эшитиб ётудим.

— Вой худойим-ей.

— Кўрқманг, ҳеч кимга айтмайман.

— Болагинам-эй...

— Эшон бобомнинг орқасидан қувишмайдими?

— Жим ёт, ўғлим.

— Йўқ, ростини айтинг, қувишмайдими?

— Худо хоҳласа, қувишмайди.

— Қувишса, эшагимиз чополмайди. Агар думғазасидаги жунидан тортса, кейин яхши чопада, шуни айтдингизми?

— Айтдим, арслоним.

— Бўрилар учраб қолса нима қиладилар?

— Шамол куни бўрилар инидан чиқмайди, ухла энди.

— Ухлагим келмаяпти.

— Дуо ўқигин, ухлаб қоласан.

— Пичирлаб ўқийми?

— Овоз чиқариб ўқи, кўп ўқигин, кейин ҳаммамиз ухлаб қоламиз. Яхши тушлар кўрамыз.

— Савобини Эшон бобомга бағишлаймизми?

— Ҳа, пиримга бағишлаймиз.

— Энажон, Эшон бобомнинг хотинлари ўлганми?

— Йўқ, у киши уйланмаганлар, ўғлим.

— Ўгиллариям, қизлариям йўқми?

— Энди бас қил, булмаса ўрнимдан туриб бобонгнинг ёнига бориб ётаман.

— Йўқ-йўқ, турмайсиз. Мана, ўқияпман...

Энамнинг кўкрагига бошимни қўйиб, ҳў анови куни ўрганган дуоларини ўқий бошладим. Бир марта ўқиганимдан кейин, икковимиз чиндан ҳам ухлаб қолдик.

Аҳмадқул бобо тўғри айтибди: боғларимиз бузилар экан. Катталар келишиб, Бўрховуз бўйига ҳаммани тўплашди. Чол боболар ҳам, амакилар ҳам, бошига тўнча ёпинган бувилар ҳам боришди. Муродхон, Ҳайитвой ўртоғим ҳам — ҳамма-ҳаммамиз бордик. Мен тиззасини тишлаб олган ижроқум бобо, колхозимизнинг битта қулоғи йўқ раиси, битта новча, битта пакана мелиса амакилар катта-катта отларга миниб келишган экан. Отларини тобутхонанинг ёнидаги қозикларга боғлаб қўйишиб, қўлларидеги қамчи билан этикларининг кўнжига мана бундай қилиб уришиб мажлис қилишди. Мен ижроқум бобо кўриб қолмасин деб, катта одамларнинг орқасига беркиниб турдим.

Қишлоқнинг паст томонидаги ерлар пахта бермай қўйибди, шўр босиб қопти, давлатга кўп пахта керак экан, кўп пахта берилмаса, душманлар қишлоғимизни босиб олиб, ҳаммамизни қул қиларкан.

— Ҳозир қул эмасмизми? — деб сўради Аҳмадқул бобо.

— Худога шукр, ҳозир озодмиз, — деди битта қулоғи йўқ раис амаки.

— Озод бўлсак, нега боғимизни бузасан, Чиноқ?

— Отахон, чиноқ демай гапиринг.

— Битта қулоғи йўқни чиноқ дейишади-да.

— Гап шу, — деди раис амаки, — Беговот ариқдан пастдаги ҳамма боғлар бузилади. Мана, катталарнинг буйруғи ёзилган қоғоз қўлимда турибди... Ким бўйин товласа, қамалади, гап тамом!

— У, Чиноқ, — яна гапирди Аҳмадқул бобо, — менинг боғимга тега кўрма, уйимда Исталин бобонинг тўртта сурати бор, осиб қўйганман. Аҳмадқул чолга деб бармоғини ҳам босиб берган.

— Ўртоқ Сталин бармоқ босмайди, каллаварам чол.

— У, ўзинг каллаварамсан, Чиноқ.

Кейин ижроқум бобо гапирди, кейин мелиса амакилар гапирди. Бир туп олма, бир туп нок бир оилага етаркан, қолгани барибир

ерга тўкилиб, чириб кетаркан. Шунча боғнинг энди кимга кераги бор? Пахта эса ҳаммага ҳар куни керак бўлармиш.

— Хуш, устингдаги тўн нимадан? — деб сўради ижроқўм бобо.

Ҳеч ким жавоб қайтармади.

— Пахтадан, — деди пакана мелиса.

— Кўйлагингиз-чи?

— Пахтадан.

— Саллангиз-чи?

— Пахтадан.

— Иштонбогингиз-чи?

— Пахтадан.

— Кўрпангиз-чи?

— Пахтадан.

— Обруйингиз-чи?

— Пахтадан.

— Тариллаб турган трактор-чи?

— Пахтадан.

— Қозонга қуядиган ёгингиз-чи?

— Пахтадан.

Ижроқўм бобо билан мелиса амакилар ана шунақа суҳбат қилишаверди. Одамлар бошларини эгиб жим туришаверди. Мен ҳам, Ҳайитвой ўртоғим ҳам жим туравердик. Ижроқўм бобо, ҳозир бориб боғлардаги дарахтларни кесинглар, қаршилик кўрсатган ўн йилга қамалади дегач, отларига миниб жўнаб кетишди. Тўн ёпинган буви-лар йиғлашди. Чолбоболар бир нарсалар ҳақида маслаҳатлашиш-ганди, биз эшитолмай қолдик. Ахийри, ўзимнинг бобомнинг олдига келишди.

— Ў, эллиқбоши, бирор нарса десанг-чи, — деди Матмуса бобо, — барибир фойдали гап ўзингдан чиқади.

— Ў золимлар, ў золим замона, — деди-ю, бобожоним ҳеч фойдали гап айтмади.

Яна маслаҳат қилишди. Ахийри, Исталин бобонинг суратини топиб, боғимизнинг эшигига осайлик, шунда ҳеч ким меваларимиз-ни кесолмайди, дейишди. Кечаси билан ҳеч ким ухламади. Йўқ, мен жиндек ухладим-у, барибир, уйғониб кетдим. Қарасам, энажоним йўқ, сўрасам, Қашқар қишлоққа Исталин бобонинг суратини ахтариб кетган экан... Эҳ, эртасига жуда қизиқ бўлди-да. Ҳамма-нинг кўча эшигига Исталин бобонинг суратини ёпиштириб чиқди. Эси йўқ болалар йиртиб қўймасин деб, сал баландроқ ёпиштирдик.

Авал ҳам айтувдим-ку, дўхтиримиз Деҳқон шапка амаки жуда ақли, деб. Аҳмадқул бободан, ўзимнинг бобомдан ҳам ақли кўп унинг. Ақлим осмонга учиб кетмасин деб, доим бошига шапка ки-йиб юради. Ана шу амаки райондаги ҳамма ерларнинг, ҳамма боғ-ларнинг бошлигини биларкан. Бош танобчи экан ўша одам. Кечаси ухламай унинг номига хат ёзиб бериб, худо хоҳласа, боғларинг бузилмайди, дебди.

— Хатни мен олиб боролмайман, — деди бобом, — икки оёғим тенгдан йўқ бўп қолди, ўрнимдан туролмайман.

— Ким олиб боради бўлмаса? — аччиғи чиқиб сўради Аҳмадқул бобо.

— Ўзинг борасан, ўртоқ.

— Ҳаммасига мени югуртираверар экансизлар-да?

— Гапга чечансан, оёғинг енгил.

— Ўх, — деб Аҳмадқул бобо чиқиб кетди.

У ёғи яна чатоқ бўпти. Матмуса бобо мен ҳам боролмайман, қўш от қўшилган извошда юрадиган раҳбар ўғлимга гап тегиб қола-

ди, дебди. Ҳайрият, Эсонқул бобо дарров кўнибди. Қамбарали бо-бо бўлса эшагим йўқ, эшак топиб берсаларинг, боравераман деб-ди. Ахийри, тўртта бобо йўлга тушишибди. Боришса, уша бош та-нобчи идорасида утириб, истаканда чой ичаётган экан.

— Ну? — дебди у.

— Боғимиз... — дейишибди боболар.

— Так, — дебди танобчи чой ҳўплаб.

Кейин урталарида мана бундай суҳбат ҳам бўлиб ўтибди:

— Мевали боғни бузиш гуноҳ-ку, ўғлим.

— Так.

— Ота-боболаримиздан қолган нодир мевалар эди, болам.

— Так.

— Тирикчилигимиз ҳам шу боғлар туфайли ўтиб турибди, ўғ-лим.

— Так.

— Пахтага бошқа ер қуриб кетмагандир, ахир?

— Так.

— Ҳеч бўлмаса, Деҳқон шапканинг хатини ўқигин.

— Так.

— Боғни бузсаларинг, устимиздан ўт қўямиз.

— Так.

— Эй, менга қара, — дебди, ниҳоят, Аҳмадқул бобо жаҳли чи-қиб, — Нега ҳадеб так-так дейсан, нима сенга отманми, оёғимни тақалатгани келибманми?

— Так, — дебди яна бош танобчи.

Кейин билишса, бу амаки ўзбекчани билмас экан. Бошқа одам-ни қақришибди. Ҳамма гапни уша айтиб берибди. Так-так амаки, бу менинг қўлимдан келмайди деб, бош чайқабди. Чол боболар, э болам, қўлингдан келгунча идорангда ўтираверамиз, дейишибди. Ахийри, так-так амаки, майли, ижроқўмга хат қилиб бераман, бир иложини қилар, дебди.

— Боғ бузилмайдимиз? — шошилиб сўрабди Аҳмадқул бобо.

— Бузилмайди, — деган жавоб бўлибди.

— Гап деган мана бундай бўпти, умринг узоқ бўлсин, болам.

Севинганидан Эсонқул бобо йиғлабди, Матмуса бобо бу дунёда яхши одамлар кўп, дебди. Шодмон бобо худо хоҳласа, майда сўйиб, юртга худойи ош тортаман, дебди. Эшаклари у ёққа майда қадам бўлиб, секин-секин юриб борган экан, бу ёққа тумшукларини ол-динга чўзиб, қулоқларини диккайтириб ким ўзарга чошиб келибди. Ҳаммасидан ҳам Аҳмадқул бобонинг эшаги яхши чошибди. Келиш-са, хайрият, мен тиззасини тишлаб олган ижроқўм амаки идораси-да қатиқ ичиб ўтирган экан. Хатни ўқиб қошларини жийириб, пака-на мелисага бу амакиларингни тездан идорага олиб кир, дебди. Олиб кирган экан, энди устиларидан қўлфлаб қўй дебди. Қўлфла-ган экан, ўзи деразадаги темир панжара қаршисига келиб, битта қўлини мана бундай қилиб белига тираб, ҳалиги хатни ўқибди. «Ўртоқ Маъруфхўжа Эшонқулов, ушбуни олиб борган чоллар давла-тимизнинг пахта сиёсатига қарши тескари ташвиқот қилиб юрган ёт унсурлар ҳисобланади. Эсларини йиғиб олгунча қамаб қўйишингиз-ни маслаҳат бераман.»

— Эшитдиларингми? — сўрабди ижроқўм амаки.

— Ҳазилингни қўй, — дейишибди боболар.

Ҳазил эмас, чин экан. Роса қутишсаям, қоронғу тушгунча ҳеч ким келиб эшикни очмайди. Энди ҳаммалари бечора Аҳмадқул бо-бога ёпишибди. Сен гапга чечан бўлмай ўлгур, тинмай гапиравер-динг, мана энди бошимиз балога қолди, дейишибди. Аҳмадқул бо-

бо сабр қилинлар, бир иложини қиламан, лекин чизган чизигимдан чиқмайсиэлар, дебди. Пакана мелиса чакириб:

— Хой йигит, яхши одамнинг боласига ўхшайсан, бериоқ кел, — дебди.

Пакана амаки деразага яқинроқ келган экан:

— Мусулмон одамнинг боласимисан? — деб сўрабди.

— Худога шукр, — дебди мелиса.

— Худо хоҳласа, онанг ҳам мусулмондир?

— Алҳамдулиллоҳ.

— Намознинг савоби кўп бўлади, биласан-а, ўғлим?

— Биламан, отахон.

— Баракалла, ўғлим. Энди бизга озгина таҳорат суви бергин.

Шомни ўқиб олайлик. Савоби сенгайм тегар, — деди Аҳмадқул бобо.

Мелиса амаки дарров қумғонда сув илтиб келиб, олдиларига кирган экан, боболар «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим», деб бечорани ерга босишибди. Қўл-оёғини боғлашиб ташқарига чиқишибди-ю, оч қолганидан тўхтамай ханграётган эшакларини миниб бу ёққа, Қургончага қараб қочишибди...

Бу гапларнинг ҳаммасини мен Аҳмадқул бобонинг ўзидан эшитдим. Уиларида Ҳайитвой, Абдуҳалим, Дилижонлар билан ҳаммамиз бармоқ яширар уйнаб ўтирган эдик. Аҳмадқул бобо ҳовлиқиб кириб келди-да, эшагини ҳам боғламай, марказдан қандай хушбабар олиб келаркан, деб кутиб ўтирганларга шуларни айтиб берди-да:

— Энди баринг уйингга тарқал, — деди аччиғи чиқиб.

Ҳамма кўрқиб кетди. Мен ҳам уйимга қараб чопдим. Борсам, энам чарх йигиряпти. Бобом оёғи оғриётган бўлсаям, сандалнинг устига бир сават майиз қўйиб олиб чўпини тозалаётган экан. Эшитганларимни айтиб бердим.

— Оббо Аҳмадқул-эй, — деди ўзимнинг бобом сал-пал кулиб, — лекин, ўғлим, сен кўрқма, Аҳмадқулни қамашмайди, тегирмонга тушсаям бутун чиқади у. Шунчаки бир сиёсат қилишибди, холос...

Боғларимиз ёна бошлади

Уша кундан буён ҳар куни отлик амакилар келишади. Уйма-уй юришади, боғларимизни галтакка ўралган ип билан ўлчаб, Эрка чолники уч таноб, Аҳмадқул бобойники тўрт таноб, деб қалин-қалин дафтарларга ёзишади-да:

— Бугундан қолмай кўчасизлар, — дейишади.

— Тирик эканмиз, кўчмаймиз, — дейишади боболар.

— Ҳукуматга қарши бўлсангиз, қамаласиз, — дейди бошлиқлар.

— Э манқа, сен ҳукумат эмассан-ку, — дейди Аҳмадқул бобо.

Уша куни кечкурун Аҳмадқул бобомни қамоққа олиб кетишди. Тескари ташвиқот юргизган экан. Уғиллари, қизлари, Ҳайитвой ўртоғим — ҳаммалари йиғлашди. Ўзимнинг энам ҳам йиғлади, фақат бобом жим ётаверди. Эрталаб эса, азон вақтида отларнинг туёқ товушлари эшитилиб, кўча томон тапир-тупур бўлиб кетди. Ойим-қишлоқдаги аскарлар бўлса керак деб, кўчага қараб югурмоқда бўлувдим, бобом:

— Ер зах, оёғингга кавушингни илиб ол, — деди.

— Илсам кечга қоламан, — деб оёқ-яланг югурдим.

Рост, аскар акалар экан. Бўрҳовуз томонга бурилишаётганини кўриб қолдим.

— Тинчликми? — деб сўради бобом.

— Аскарлар келди, — дедим севишиб.

— Э, аттанг, — бобом бошини чайқади, — яхшилик белгиси эмас бу, болам.

— Нафасингизни иссиқ қилинг, — уришиб берди бобомни энам.

Бирпасдан кейин мошиналарнинг сигнал чалгани, тракторларнинг тариллагани эшитила бошлади.

— Бобожон, молларни оптовшувовқа олиб чиқиб боғлайми? — деб сўрадим.

— Вой, ўғлим, бугун эсинг кириб қолибдимми? — сўради бобом.

— Ҳа, кечаси ухлаганимда эсим кириб қолди.

— Оббо азамат-ей, энди кўп-кўп ухлагин, шунда эсинг янаям кўпаяди. Майли, молларни олиб чиқ, кейин қўйларингни ҳам боққа ҳайдаб юбор.

Ҳаммасини бажариб бўлиб уйга кираётган эдим, бобом «Оббо, ўғлим-эй, билиб турибман, уша ёққа боргинг келяпти, ҳа майли, борақол. Нима гаплигини билиб, дарров орқангга қайтгин», деб тайинлади.

Борсам, ўх-хў, юк ташийдиган тўрт гилдиракли машиналар, гилдирагини қорнининг ичига беркитиб олган танкалар, отлиқлар, ижрокўм амакию битта қўлоғи йўқ раисимиз, мелисалар... бари ўша ерда. Мозорбоши томондан катта машинада билагига қизил латта боғланган комсомол акалар ҳам келишяпти, ашула ҳам айтишяпти. Биз ҳам уларга тақлидан:

Олға бос,

Олға бос,

Олға бос! — деб оёқларимизни тапиллатиб жўр бўла бошладик.

Битта қўлоғи йўқ раисимиз тегирмон тошининг устига чиқиб, елкасида юлдузи бор катта бошлиқдан «Командир ўртоқ, аскарларингизнинг ҳаммаси келиб бўлдимми?» деб сўради.

— Келиб бўлди, — деган жавоб қайтди.

— Комсомоллар-чи? — яна сўради раисимиз.

— Биз шаймиз, — деб жавоб қайтарди қишлоғимиздаги ҳамма комсомолларнинг бошлиғи Юсуфали акам. У от минмабди, велосипедига суюниб турган экан. Қулижон ўртоғим, ана шу велосипеднинг кўнғироғи ичида шайтон бор, деб шивирлади менга.

Раис амаки қўлидаги қоғозга қаради. «Мирза бобонинг боғини бузгани Рапқондан келган ҳашарчи комсомоллар билан битта танка, тўртта аскар юборилсин,» деб ўқиди. Кейин у ўқийверди, аскар акалар, комсомоллар, танкалар жўнайверди. Билагига қизил таққан акалар машинага ўтираётиб ҳам ўша ашулаларини айтиб кетишди.

Ҳайрият, бизнинг боғимиз бузилмас экан, ана, рўйхатни ўқимаяпти-ку, деб турувдим, раис амаки, Эркавой Ҳожимат ўғлининг боғига Янгиқишлоқдан келган комсомоллар билан битта танка жўнатилган, деб қолди.

Додлаганимча уйимизга қараб югурдим. Тезроқ бориб кўча эшигимизни танбалаб олмоқчи эдим. Шунақа тез югурдимки, кавушимнинг бир пойи йўлда тушиб қолди, эртага келиб оларман деб, унга ҳам қарамадим. Келсам, биздан хабар олгани Захро холам билан арава миниб юрадиган баққол поччамлар келишган экан. Уларга ҳам қарамай тўғри бобомнинг бағрига отилиб:

— Боғимиз бузиларкан, — дедим ҳиқиллаб.

— Йиғлама, ўғлим, йиғлама! — бобом бошимдан, елкамдан сийлади.

— Юринг, кўча эшикни тезроқ танбалаб олайлик.

— Танбаласак, девордан ошиб тушишади.

— Милтигингизни олиб чиқинг бўлмаса, отамиз.
— Йўқ, полвоним, энди милтиқнинг ҳам фойдаси тегмайди.
— Жон бобожон!
— Йиғлама!
— Келишса, тиззаларини тишлайман, бетларини тимдалайман!
— Ундай қила курма, ўғлим.
— Ана, энажоним ҳам йиғлаптилар...
— Битта энангмас, бутун қишлоқ йиғлапти, бутун юрт йиғлапти, ўғлим.

Кўча эшигимиздан қаторлашиб чакмонига йилтироқ тугмалар қадаб олган тўртта аскар, кетидан болта, арра кўтаришиб ашула айтган комсомол акалар кириб келишди. Аскарлар тўғри бобомнинг олдига келиб:

— Эркавой Ҳожимат ўғлимисиз? — деб сўрашди.

— Ҳа, — деди бобом.

— Боғ яхши?

— Ҳа, яхши.

— Боғ бузилади?

— Ҳа, бузасан энди.

— Айб бизда йўқ!

— Ҳа, сенда йўқ.

Яна аскар ака анча нарса сўраган эди, бобом жавоб қайтармай, тескари қараб ўтираверди. Боққа чиқсам, комсомол акалар аллақачон дарахтларни кесишяётган экан. Мен яхши кўрган гилосниям йиқитишяпти. Энди бир мартагина ҳосил қилувди. Ёзда мевасини кўз-кўзлаб евдим, экаётганда танасини ушлаб турувдим, меваси ширин бўлсин, деб тагига тупроқ ҳам ташловдим.

— Бобожон, — дея орқамга қайдим, — менинг гилосимниям кесишяпти.

— Ҳой, мусулмонлар, ҳой, улар ҳали ниҳолча-ку, — шундай деб, бечора бобом оёғи шишиб кетган бўлса ҳам, қўлтиктаёғига таяниб, аскар акаларнинг олдига борди: — Ҳой, болаларим, сабр қилинглар, ниҳолларимни кўчириб олай, мусулмонсизлар-ку ахир, яхши одамларнинг фарзандларисизлар-ку... Ниҳоллар ҳам менинг фарзандларим, ахир, ўзим пайванд қилганман, отамдан, боболаримдан қолган навлар булар. Кўчириб беринглар, жон болаларим, қўй сўйиб бераман, катта қозонда ош дамлаб бераман... Баққол куёвим, қаердасан, қўйдан биттасини сўйгин... Жон болаларим, ниҳолларимни кўчириб беринглар, ҳой, аскар йигит, сенда ҳам айб йўқ, мажбур қилишган, қоракўзларинг мўлтиллаб турибди-ку, кофир бўлсанг ҳам ачинапсан, сезиб турибман. Айт, ниҳолларимни кўчириб беришсин, дуо қиламан.

Билагига қизил боғлаган акалардан биттаси келиб зах ерга ўтириб олиб зорланаётган бобомнинг қўлтигидан турғазди-да, отахон, куйинманг, ҳамма ниҳолларингизни кўчириб берамиз, биз ҳам кофир эмасмиз, деди. Уша ака жудаям яхши экан. Катта бўлганда, худо хоҳласа, менам шунақа ака бўламан. Бобомлар йиқилганда ўрнидан турғазиб қўяман, зорланса кўчатларини кўчириб бераман. Бобом ҳалиги аканинг елкасига осилиб юриб, мана булар анор кўчатлари бўлади, мана булар нокники, Намангандан келтирганман, мана булар анжир, жаннатдан чиққан деб курсатавердилар. Бошқа акалар кўчатларни кўчириб беришди. Ахйри, бобом ҳалиги аканинг елкасига суяниб туриб, кўзларини камганча бирпас жим турди-да, кейин гупиллаб ерга йиқилди. Ҳамма кўрқиб кетди. Аскар акалар ҳам, поччаму холам ҳам кўрқиди. Энам, югуриб келиб:

— Вой шўрим! — деб додлаб юборди, — Чолгинамдан айрилиб қолганга ўхшайман, мусулмонлар!

Бобожонимни чакмонга солиб, тўрт томондан авайлаб кўтариб уйга олиб боришди. Хайрият, кўзини сал очиб:

— Йиғлама, онаси, — деб кўйди.

Кейин у ёғи жуда тез бўлди. Баққол поччам битта кўйини сўйиб берганидан кейин, қолганларини сигиримиз билан бузоғимизга қўшиб қишлоқдаги уйимизга ҳайдаб кетди. Аскар акаларнинг катта машинасида аввал сандиқлардаги менинг тўйимга аталган майизу ўрикларимизни, кўрпаю кигизларимизни жўнатдик, энг охирида баққол поччамнинг эшак аравасида бобомнинг ўзини олиб кетдик. Тагига юмшоқ кўрпалар солдик, бошига қалин ёстиқлар кўйдик. Боргунча ҳам бобом кўзини очмади. Боғимизнинг деворларини бузаётган танкаларнинг овози то қоронғу тушгунча ҳам эшитилиб турди. Кейин... кейин... кесилган дарахтларнинг устига фонар ёғи қўйиб ўт қўйишган экан, алангаси осмонга кўтарилиб, эрталабгача ҳаммаёқни ёритиб турди.

Бобом гоҳо-гоҳо кўзини очиб:

— Қўрғончамиз жаннат эди-я, жаннатга ўт қўйишди-я, — дейди-ю, яна жим бўлиб, кўзларини юмиб олади.

Бобожоним жаннатга кетди

Қишлоқдаги уйимизга кўчиб келганимиздан кейин қоронғу тушганда бизни кўргани ўзимнинг бувижоним, ўғай отам, ошиқларимни ўғирлаб қўйишган ўғай акаларим келишди. Бобом юмшоқ кўрпаларда хуррак отиб ётувди, ўғай отам оёқларини силаб:

— Хафа бўлманг, мана, бир арава кўчат олиб келибсиз, ўзимиз сизга янги боғ қилиб берамиз, — деб кўнглини кўтарган бўлди.

Бобом кўзини очмай:

— Им-м, — деб кўйди.

Кейин ҳаммалари жим бўлиб уҳ тортишди. Захро холам билан ўзимнинг бувим бир-бирларининг елкасига бошини қўйиб озгина йиғлаб, бир нарсалар ҳақида пичирлашиб олишди.

Ўғай отам билан ўғай акаларим эшакларига миниб кетишгач, бувижоним билан ёлғиз қолдик. Уни жудаям соғинувдим. Эҳ, ҳозир Ҳайитвой, Дилижон ўртоқларим бўлганида роса мақтанардим. Улар ҳар ёққа кўчиб кетишди. Энди тополмайман уларни. Бувижоним сочингизнинг ҳидини соғингандим, бахмал тўнингизни соғингандим. Ана шу менга қараб турган кўзларингизниям соғинувдим. Мен ўпаяпман, бувижоним ўпади, ҳеч бир-биримизга тўймаймиз. Юзларига юзларимни босаман, бувижоним бўлса бошимдан, елкаларимдан оҳиста-оҳиста силайди. Қўллари бирам юмшоқ, юзлари бирам иссиқ, ҳидлари бирам ёқимли...

— Энди кетмайсиз-а, бувижон?

— Кетмайман, ўғлим.

— Бобожоним ҳам ўлмайди-а?

— Йўқ, ўлмайди.

— Ўлган отам ҳам тирилиб келади-а?

— Худо хоҳласа. Бор энди, энангнинг олдига чиққин, сигир соғаяпти, бузоқчасини ушлаб турасан.

— Йўқ, томга чиқиб боғларимизнинг ёнаётганини кўраман, қоронғида-чи, бувижон, аланга жуда яхши кўринади, — шундай деб қалта нарвонимизни тираб пастак молхонамизнинг устига чиқдим. Ҳа, ана, боғларнинг ёнаётгани энди яққол кўринапти. Яхлит бўлиб

эмас, йўқ, тўп-тўп бўлиб, ҳар жой-ҳар жойда ёняпти. Энг баланд ёнаётгани Аҳмадқул бобоники, уларнинг боғи катта, дараклари кўп эди. Эҳ, Аҳмадқул бобо қамалмағанда ҳаммасини боғларди... Ана, Рўзимат бобонинг боғидан ҳам пов этиб аланга кутарилди.

— Тайлоғим, тушақол энди, бобожонинг қақиряпти, — деб чақирди энам.

Эҳ, яна бирпас томоша қилсам бўларди-да. Кимнинг боғидан энг баланд аланга чиққанини билиб олмоқчи эдим. Билганимда ўртоқларимга ҳаммангдан олдин мен кўрганман деб мақтаниб юрардим. Кирсам, бобонинг орқасига ўн-тача ёстиқ қўйиб утирганга ўхшатиб қўйишибди. Кузлариям очиқ, катта-катта бўлиб очилибди.

— Ҳа, қизларим, — деб тўхтаб-тўхтаб гапиряпти, — олдин келган — олдин кетади... Заҳро қизим, берироқ кел, Сорабиби, шу ердамисан?... Оналарингни ёлғизлатиб қўйманглар, жаннати аёл бу... Розиман, ҳаммаларингдан розиман... «Вой отам»лаб йиғлайдиган ўғилларим ҳам йўқ, қабрга олиб кирадиган Аҳмадқул ўртоғим ҳам йўқ... Раҳмонберди, берироқ кел, қўлингни бер менга, баракалла... Бу йил мактабга борасан-а?

— Бораман, бобожон, — дедим йиғламсираб, — қўрқитадиган гапларни айтманг, йиғлагим келяпти.

— Яхши ўқигин, жон ўғлим.

— Яхши ўқийман, бобожон.

— Ўқиб-ўқиб муаллим бўлгин.

— Бобожон, муаллим бўлсам кўнгироқли велосипед олиб бера-сизми?

— Энажонингни ёлғиз ташлаб кетмагин.

— Кетмайман, энди бувижоним ҳам биз билан қоларкан. Угай отамникига бормас экан.

— Ҳар жума оқшомида менга бағишлаб фотиҳа ўқигин, хўпми, арслоним?

— Бобожон, унақа деманг, қўрқяпман.

— Ўқийман дегин, ўғлим.

— Ўқийман, бобожон.

— Қани, ўқигин-чи.

— Заҳро холамдан уяламан-да, бобожон.

— Уялма, ўқи, ўғлим. Овозингни эшитиб кетай...

— Аҳмадқул бобога ўхшаб ўқийми?

— Ҳа, ўшанга ўхшаб.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим...

Билганларимни ўқияпману овозим титраб, йиғлаворай деб турибман.

— Ўқи, азаматим, овозинг худди жаннатдан чиқаётгандек, фаришталарнинг овозидек ёқимли, ҳузурбахш... Ўқи, ўғлим. Онаси, шу ердамисан, ёзда Раҳмонбердининг тўйини қилгин. Карнайлар чалдиргин... Ана, раҳматли отам ҳам кеп қолди, улоқчи отини миниб кепти. Энди мени миндириб олиб кетади. Оҳ, онажоним, сиз ҳам келдингизми, оқ паранжингизни ёпинибсиз-а? Чимматингизни олинг, юзингизни яна бир кўрай, онажоним... Онаси, шу ердамисан? Фотиҳага келганларга кўчатнинг ҳаммасини улашинглар, икки-тадан, учтадан беринглар. Жаннатдан чиққан мевалар булар, денглар. Раҳмонберди ўғлим, қаердасан, мен сени кўрмайпман-ку?

Қарасам, бобожоним энди бошини баланд ёстиққа қўйиб, кўзларини чирт юмиб олибди. Ухлабди шекилли, секин хуррак ҳам тортяпти. Холам билан бувижоним овоз чиқармасдан хўрсиниб йиғлаб туришибди.

— Бобожон, соқолингизни бармоғим билан секин-секин тараб қўяйми, — деб олдига ўтмоқчи бўлуддим, энам мени кўтариб олди: да, — юр, нариги уйга чиқамиз, бобонг дамани олсин, эрталаб яна дуоларингдан ўқиб берасан, деди. Мен бобом билан ачомлашиб ётмоқчи эдим, бувим ҳам, Заҳро холам ҳам кўнишмади. Узимнинг бувим юр, тайлоғим, ахир, мен ҳам сени соғинганман, ҳеч бўлмаса шу кеча бирга ётайлик, деб қўлимдан етаклаб, тепа ёғочлари қорайиб кетган, тоқчалари чуқур, танчасига ўт солинмаган уйга олиб кириб кетди. Чиндан ҳам ачомлашиб ётдик. Ҳали айтудим-ку, бувимнинг сочидан қатикнинг ҳиди келади деб, мен ана шу ҳидни жудаям яхши кўраман. Уша ҳид-чи, бувим кетганидан кейин тушларимга кирган. Эртага яна кетиб қолса, тушимга кирсин деб тўйиб-тўйиб ҳидладим. Кейин ухлаб қолдим. Қаттиқ ухляпман, туш ҳам курибман. Уйғонувдим, ҳовли томонда хотинлар йиғлаётган экан. Чиксам, вой-буй, одамлар жудаям кўп. Қамбарали бобо, Эсонқул бобо, битта қўлоғи йўқ рисимиз — ҳаммалари келишибди. Бувим бахмал тўнининг устидан белини боғлаб:

— Бизни ташлаб қаерга кетдингиз, отажоним? — деб тиззасига қўлларини уриб-уриб йиғлаяпти. Заҳро холам ҳам қийиқ билан белини маҳкам боғлаб олиб, Бибиқиз аммамни кучоқлаганча меҳрибоним, боғбон отам, деб йиғлаяпти. Додлаб, бобом ётган уйга кирдим, йўқ, худди ўлмаганга ўхшаб ётган экан. Кўксига ўзимни ташлаб кучоқлаб олдим. Бетларидан ўпиб, соқолларини силаб қўймоқчи эдим, энам кўнмади, кўтариб олиб чиқиб кетди. Йўқ дейишимга ҳам қарамай, тўйимга атаб тикилган беқасам тўнимни, чамандагул дўппимни, гарчи бор, пистон қадалган этикчамни кийгизиб, белимни боғлаб, қўлимга ҳассача бериб:

— Сен ҳам «вой бобом»лаб йиғлагин, — деди ўзи ҳам йиғлаб. — Бобонинг куйиниб йиғлайдиган ҳеч кими йўқ.

Угай отам, баққол поччам, бобонинг жияни — Ғани амакимлар кўча эшигимиз олдида ҳасса ушлаб туришган экан, ушалар қаторига бордим. Энди отам ҳам, бобом ҳам йўқ. Аҳмадқул бобо ҳам қамалиб кетди, деб ўйлайман-у, барибир, йиғлай олмайман. Кечкача ҳам йиғлай олмадим. Қирғиз қишлоқдаги қариндошларимиз билан ўша ёққа қочиб бориб беркинган Эшон бобом келганларини кўриб, энди росмана йиғлаб юбордим. Тиззаларидан маҳкам кучоқлаган эдим, «Йиғлама, бўтам, Эркабой худонинг суюкли бандаси эди, худо хоҳласа жаннати бўлади», деб энгашиб бошимдан, елкаларимдан силаб пешонамдан ҳам ўпиб қўйдилар.

Чол боболар қўрқиб кетишди. Эсонқул бобо, ҳой, Эшон ҳазратлари, сиз қочиб юрган бандасиз, ушлаб кетишса, яна исноди бизга тегади, чакки келибсиз, ҳозир ҳам кеч эмас, миниб келган отингизнинг бошини ўша ёққа буринг, деб ёлворишди. Эшон бобо бўлсалар жим туравердилар-да, ахийри:

— Эркабойдак жаннати бир одам оламдан ўтади-ю, ҳай-ҳай, жанозасини мен ўқимасам, ким ўқиркан? — деб оёқлари билан ерни мана бундай қилиб бир тепиб қўйдилар. — Жанозасини ўқиб, худо хоҳласа, фотиҳасида ҳам туриб бераман. Майли, қамасинлар, майли, пешонамдан отсинлар. Аммо, Эрка чолнинг жанозасини ўқийман.

Энг охирида қиблага қараб иккови қўллари билан қўлоқларини ушлаб қаттиқ овоз билан «Салотин жаноза» деган эдилар, ҳамма жим бўлди-қолди. Хайрият, жаноза ўқилса, Мункарнакир бобонинг бошига гурзи билан урмайди, жаннатнинг дарвозасини очиб беради, ўша ёқда отишмада ўлган тоғаларимни, отажонимни кўради, ҳаммалари биргалашиб яшашади, деб ўйладиму, баттарроқ йиғлаб

юбордим. Энди мени ким азаматим деб эркалайди, ким дўппиларимни тўлдириб майиз-ўриқлар солиб беради, ким кечаси қўрққанимда орқамни силаб, қўрқма ўғлим, деб юпатади?! Ким мени сайилларга олиб боради?

— Бобожон, бобожоним! — дея додлаб ерга ётиб олдим.

Тургизиб қўйишди. Барибир йиғлай бердим. Юпатаман дейишса, қўлларини тишлаб олдим. Кейин овозимни чиқармасдан пиқиллаб йиғладим.

Мозорга боргандаям, бобомни қабрга қўйишаётганда ҳам ҳиқиллашим босилмади, кечаси тирилиб қолса, тепага қандай чиқади, деб ўйлаб баттар ҳиқиллайвердим.

Эшон бобо тиловат қилиб бўлганларидан кейин, Ғани амаким ўриндан туриб:

— Ҳой мусулмонлар, Эрка амаким қандай одам эди? — деб суради йиғламсираб.

— Жаннати эди.

— Хайру саховатли эди, — дейишди одамлар.

— Ҳой мусулмонлар, — деди яна Ғани амаким, — бобомиз қазо қилишларидан олдин жанозамга, фотиҳамга келганларга икки тупдан ниҳол улашгин, деб васият қилувдилар. Илтимос, уйга бориб, кучат олиб кетинглар.

Қабристондан қайтаётганда Эшон бобонинг қўлларидан ушлаб олдим. Кечаси бизникида ётиб қолувдилар, то уйқум келгунча бобомни дуо қилинг, тезроқ жаннатга борсин, деб ўтирдим.

Тонг пайтида ҳар хил овозлардан уйғониб кетибман. Ҳовлига чиқсам, одамлар кўп. Бобомнинг уртоқлари ҳам шу ерда.

— Жон бўтам, кечгача сабр қилгин, ҳеч бўлмаса фотиҳачиларнинг ярми келиб-кетсин, — деб гапиряптилар Эшон бобо.

Яна мелиса амакилар келишибди. Йўқ, кечаси Эшон бобони отга миндириб келган мелиса амаки эмас, бутунлай бошқалари кепти.

— Қаршилиқ кўрсатсангиз, қўлингизга кишан ураминиз, — деяпти биттаси.

— Юринг, тезроқ олдимга тушинг, — деяпти бошқаси. Одамлар шунча илтимос қилишса ҳам, барибир бўлмади, Эшон бобони олдиларига солиб ҳайдаб кета бошлашди. Бобом бўлса орқаларига ўгирилиб:

— Мени етти марта ҳайдаб кетишди, — деган гапни айтдилар, — худо умр берса, яна етти марта қочиб келавераман.

Фотиҳага келганларни Эсонқул бобо билан Матмуса боболар кутиб олишди. Мен чой ташиб турдим.

Кейин... ёзда тўйим бўлди.

Кейин...

Йўқ, қолганини кейин айтаман...

* * *

Бобомнинг номига қўйилган кўприк устида туриб, ана шуларни ўйладим. Катта Тағоб қишлоғининг тоққа яқин томонида, адирларда, бир замонлар гул-гул яшнаган, кейинчалик ёндирилиб, култепага айлантирилган жаннатий боғлар ўрнида ҳозир яна бепоеён боғлар барпо қилишибди. Кишилар бу қорашакар азорлар, нашватиларни, сарғайиб пишадиган беҳиларни, ширадор узумларнинг навларини Эрка бобо, Аҳмадқул бобо, Эсонқул бобо деган жаннати одамлар етиштиришган экан, дейишади. Меҳмон, марҳамат қилиб тўйиб-тўйиб энг, бола-чақаларга ҳам олиб кетинг, деб ҳам қўйишади.

Даштдан қайтаётганда, ота-боболаримизнинг руҳига фотиҳа ўқиш ниятида қабристонга кирдим. Ҳаммалари абадий уйқуда, жимгина ётишибди. Қабристон эстагида пишган гиштдан саҳни кенг, ўймакор эшик, деразалар қўйиб мўъжазгина масжид тиклашибди.

— Хон Эшон ҳазратларининг масжидлари, — деб тушунтирди мутавалли.

— У кишини билармидингиз? — деб сўрайман.

— Йўқ, эшитганмиз, кўп улуг инсон бўлган эканлар. Қани, ўтирсинлар ҳазратимнинг руҳи-арвоҳларига атаб бир тиловат қилайлик.

Ўтирдим. Мен болалигимда Эшон ҳазратларини кўрганимни, тиззаларида ўтириб эркаланиб, соқолларидан силаб дуолар ўрганганлигимни айтдим. Рўхсат берсангиз, тиловатни ўзим қилсам, дедим. Билганимча ўқидим. Хаёлларим шу дақиқаларда қанот боғлаб учди. Қизиқ, одам боласи дунёга келаркан, яшаркан, вақти келиб, кетар ҳам экан-у, лекин барибир, бирининг номи сарғайиб пишган беҳиларда, бирининг исми ширин-шакар узумларда, бошқасининг руҳи пештоқи баланд масжидларда қолар экан... Улмас экан. Улим йўқ экан.

Қолган гапларни эса кейинроқ айтарман...

Абдулла Содик

ОШУФТА КЎНГЛИМНИНГ ДИЛБАР СИНГЛИСИ

* * *

*Бир куни, барибир, тортаман енгил,
руҳим тулин ойдай ёришар ногоҳ.
Деразамни чертиб, мен кутган эпкин
энг мукаррам сирдан этади огоҳ.*

*Бир ширин сезги-ла хуррам, шодумон
англайман, олддадир мен битмаган шеър.
Барча андуҳларни унутгум шу он,
фикрим манглайдан тома бошлар тер.*

*Баҳор гиёҳидай уйғонар дилим —
талпинмоқлик учун олий жамолга.
Йўқса бу дунёга не учун келдим,
умр не, умид йўқ эрса висолга?!*

*Согинчим, бир тонгда қўллайди мени
буюк боболарим безавол руҳи.
Энг ёруғ суҳбатга ундайди мени
олис юлдузларнинг сирли шукуҳи...*

* * *

*Эй дил, уйғонмасанг яйрай олмассан,
Ошиқлар кўзига қарай олмассан,
Ёруғ сирлар сочин тарай олмассан,
Эй дил, уйғонмасанг нечун яралдинг?!*

*Боққил юлдузларнинг синоатига,
Қулоқ тут елларнинг қироатига,
Қушил майсаларнинг ибодатига,
Эй дил, уйғонмасанг нечун яралдинг?!*

* * *

*Менинг йўқотганим — туйғулар эмас,
эмасдир сирларнинг сўнгсиз карвони.*

*Умрим поёнига етмагандир, бас,
демак, ҳали кўп бор яйрайди жоним.*

*Музлаган кўксимни илитган баҳор —
ошуфта кўнглимнинг дилбар синглиси.
Сени чорлагандим тақрор ва тақрор,
келдинг, ҳур ва уйғоқ дунёлар иси.*

*Менинг йўқотганим — эмас нур оҳанг,
боладай қувонмоқ — бойлигим тенгсиз.
Бироқ, нечун руҳим кўзгусида чанг,
ҳеч не бой бермадим, деёлмам, эссиз?!*

*Ёниб яшамаган ҳар битта оним,
қайтиб кела олса эди бошимга.
Ором топармиди балки виждоним,
руҳим фарқ бўлмасди аччиқ ёшимга.*

*Энди қайтар бўлса, дўл бўлиб қайтар,
сўнгсиз ва қоронгу йўл бўлиб қайтар.
Баҳор бўлиб қайтмас, қайтмас гул бўлиб,
пойим куйдиргувчи чўл бўлиб қайтар.*

*Баҳор овунтиргин, таскин бер менга,
ям-яшил сочинга бир зум чулғонай.
Руҳим қондош бўлсин бир умр сенга,
бағрингда гул каби аста уйғонай...*

Кувасой

Абдулла Содик — Кувасой шаҳрида туғилган. Фарғона Давлат Дорулфунунининг филология куллиётини битирган. Шеърлари журналда илк бор чоп этилган.



...Ҳисларимга исм қўйиб бер

Кўнглум, яна гуноҳкор бўлдик,
тийнатида оқшомлар тонди.
Тўрт фаслнинг хиёнатидан
лабда фақат бир исм қолди.
Кўнглум, яна гуноҳкор бўлдик...

Гар муҳаббат дастбандим бўлса,
васлу ҳижрон қадарки йўлим.
Ишқ — нафратдан олинган бўлса,
мени сиздан рашқ қилар ўлим.
Шу муҳаббат дастбандим бўлса...

Кўзим билан қовушавер тун,
кириб боргин юрагим қадар.
Юракдаги битта ярадан
сирқиб ётар минг-минглаб қадар.
Кўзим билан қовушавер тун...

Сукунатни ҳайдаб соламан,
нигоҳ ғамни кияди беҳол.
Муҳаббатга ўрганиш осон,
айрилиққа кўникмоқ маҳол.
Сукунатни ҳайдаб соламан...

Кўнглум, яна гуноҳкор бўлдик...

Қайтмасман...
Гарчи ишонганим рўй бўлса-да,
гарчи юкинганим сабр даргоҳи.
Мен ҳақ деб билганим рив бўлса-да,
минг бор чорласа-да мени гуноҳим.
Кўнглумда қон ютиб ётса-да бир ҳис,
забонини йўқотса, у тилсим.
Дарахтнинг охири япроғи мисол
ташлаб кетса-да сўнги илинжим.
Қайтмасман...
Гарчи эғнимдаги либосим — азоб,
тийра кўзларимда ҳайратнинг ранги.
Тунлари уйқумни бузса-да, сенинг
кўнглунг синиқларин заиф жаранги.
Узун кечаларда кутганларимни
сўзлаб берса сенга йиғлоқ ҳасратим.
Бекаси танлаган йўлдан борса-да,
исмингни кўксига босган ҳайратим.

Қайтмасман...

Умримни талашиб ётса тўрт фасл,
бегона бўлсам-да, мен сароб қадар.
Телбадай кўнглумга қайтмоқ бўлсам-да,
йўлларим бошида турса-да аждар,
кўзларимга қараб жонимни эмас,
агар сўраб ётса менинг бардошим.
Бир кун тугасаю ёлгон эртагинг,
сени покласа-да бир кун кўзёшим.
Қайтмасман...

Сен менинг умримни эртақ қилиб бер,
тунлар хобгоҳингда ухлаган қизга.
Мен эса сенгамас, унга ҳам эмас,
ачингум азобда қолган бир ҳисга.
Энди кулганимни кўрмас кунларинг,
мен энди сокинман, қилмагин ташвиш.
Нигоҳим зарбига чидай олмасдан
қаршимдан кетади маккор кўникиш.
Қайтмасман...

Соғинчинг термулган кўзлари сўқир,
йўқ, ғамгин эмасман, ғамнинг ўзиман.
Менинг ҳисларимга исм қўйиб бер,
мақтула севгининг қотил қизиман.
Йўллар кетмоғимга бермаслар изн,
мен эса, исёним шовён этмасман.
Тилимни боғлаб ташлаган бир сўз,
ундан бошқасини аён айтмасман.
Қайтмасман...
Қайтмасма-а-н!!

Мен бир куни ўламан, Гулим!

Шамсия Худойназарова.

«Мен бир куни ўламан, Гулим»,
кўзларимда зангори титроқ.
Мени сизга ётақлар ўлим,
масканимга айланар тупроқ.
«Мен бир куни ўламан, Гулим!..»

Кўнларимиз хавлий қолар,
қирқ кун аза тутар андуҳим.
Сукут тортиб олса шевасин,
ёмғир бўлиб сўзлайди рўҳим.
Кўнглингизда қоламан, Гулим!..

Сизга мендан эртақ сўзлағай,
ҳижрон алдаб қўйган кечалар.
Қадамингиз ётган чоғ секин
исмим айтар уша кўчалар.
Юрагингиз тиламан, Гулим!..

Сиз дунёдан айро яшайсиз,
руҳингиз йўқ, йўқдир жисмингиз.
Қабрим гулдай ёриб чиқади
юрагимда ётган исмингиз.
Ёдингизга келаман, Гулим!..

Қирқ қиз сизни аллалаб қайтар,
бағрингиздай тўлмайди ҳилол.
Кўнглум лаби шивирлар сизга
эшитилиб кетади хиёл:
«Ой тўлган тун келаман, Гулим,
Ой тўлган тун келаман, Гулим!»

Шаҳрисабз.

Гулноз Муминова — шаҳрисабзлик. Мактаб ўқувчиси. Шу йилнинг март ойида утган, иккитдорли ўқувчиларнинг туртинчи жумҳурият куриги қатнашчиси. Мазкур тадбир бўлаётган кунлари унинг ҳайъатида иштирок этган Тоҳир ака қувониб келди. Беш-олтита шеърни менга бериб: «Сиз ҳам бир ўқиб кўринг!» деди. Булар — Гулнознинг шеърлари эди. Уқидим. Суюниб кетдим. Шеър бирдан қуюлиб келарди. Бирдан юракка ботарди. Бирдан дардинга айланарди. Бонси, тўйгуларнинг қуюқлигида. Ҳисларнинг руҳият қабатларидан сирқиб келаётган шафқатсизлигида эди. Шафқатсизлик шу маънодаки, ҳислар узини аямайди. Узнга санчилади. Гулноз шеърларидан бирида шундай битик бор:

Меннинг ҳисларимга исм қўйиб бер...

Еш шоира ҳисларининг исми юракда.
Муборак СУЗ! Муборак ДАРД!

Икром ОТАМУРОД

Наср

Сафар Барноев

ИККИ ҲИКОЯ

Йўлдаги одамлар

Ҳаммаси кечагидек эсимда.

Саратон оёи эди. Кўк гумбазга рўпара — болохона деразасидан утган-кетганга тикилиб ўтирибман. Йўловчилар сийрак. Кўчага чиқай десам, бундай пайтда ўртоқларимни топиш қийин. Улар кўпинча куннинг ҳовури қайтгач, уй-уйидан чиқишади. Кейин тўрт томондан ҳуштак товуши эшитилади. Шунда бирин-кетин гузардаги майдончада йиғиламиз. Кўпчилик бўлсак, Регистон сари юраимиз. Икки гуруҳга ажралиб тўп сураимиз. Озчилик бўлсак, ланка, чиллак уйнаймиз. Силлаамиз қуриб, очиққандагина уйга қайтамыз.

Болохонада бувим билан иккимиз ўтирибмиз. Бувим атрофига қуроқ деганни чош қилиб олиб, бир нималар тикяпти. У киши эришиш нималигини билмайди. Қуроқни олиб тиззада текислайди. Четлари буралиб қолган бўлса, лабига тегишиб намлайди. Кафтига қўйиб, четларини бир-бир босади. Уйимиздаги қуроқ кўрпачалар, дастурхончалар бувимнинг иши. Бирор нарсани чиқитга чиқармайдилар. Айниқса, кўчада бувимдан ё олдинроқ, ё орқароқда юришга ҳаракат қиламан. Доим тайинлайди:

— Ерга қараб юр. Йўқотганингни оёғинг остидан топасан.

Ғашим келади:

— Бибижон, мен нимани йўқотаман?

— Ҳеч бўлмаса, тош-пошга қоқилмайсан.

Оёқяланг юрмаймизми, тошга қоқилиб тирноғимиз кўчади, бармоқларимиз қора қонга бўялиб, тишни-тишга қўйиб уйга келамиз. Вой-войласак балога қоламиз: қўлоғимиз буралади. Ланка, копток тепавергач, ҳафта ўтмай оёқ кийимларимизнинг оғзи очилиб, таги кўчади. Буни кўриб, онам жовраб кетади:

— Ергина ютгур, сенинг оёғингга темир ҳам чидамайди. Битта патинка фалон сўм. Қорнингни тўйдирайми, оёғингни бутлайми?

— Қорнимни тўйдиринг.

— Ҳа, маҳмадана бўлмай кет. Яна гап қайтаради-я.

Бувим йўлда занглаган миҳ борми, тугмами, қўлга илингудек нима бўлса, эгилиб олиб, чўнтак ёки бозор халтасига солади. Буни кўриб, меннинг баттар жиғибийроним чиқади:

— Бибижон, буларни нима қиласиз?

— Бирор нарсага керак бўлади. Сён буни тушунмайсан. Ерда ётса, сён каби ялангоёқларнинг оёғига кириши мумкин. Ҳозир ким кўп-ялангоёқ кўп.

Шусиз ҳам айвон бурчагида бир нечта қуроқ халтача бор. Бири-да мих. Бирида тугма. Яна бирида ўймоқ. Бир чеккада темир-тер-сак. Бувимнинг жавоби битта:

— Керак бўлади. Йўлда ётганидан уйда ётгани маъқул.

Гумбаз теласидаги лайлак уясида кўз узмайман. Бошқа эрма-гим йўқ. Уяларига бағрини бериб димиқиб кетган лайлаklar аҳён-аҳёнда куйиб кетдик дегандек, ҳавога кўтарилмоқчи бўлиб қанот қоқади. Кейин тумшукларини чўзиб какирлаб, «ногора чалади». Бошқа гумбазу миноралардаги лайлаklar бу овозни эшитгач, биз ҳам бормиз, яшаяпмиз қабилда «ногорачи» лайлакка бирин-кетин жүр бўлади.

Лайлаklar товушини эшитган бувим тикаётган қуроғидан боши-ни кўтармай менга сўз қотади:

— Болам, қара, лайлаklar ҳам иссиққа чидай олмай безовта бўляпти. Ана кўрасан, ҳозир ҳаммаси шаҳар ташқарисига учиб кета-ди. Бу жониворларгаям салқин жой керак.

— Бувижон, — деб сўрайман, — нега лайлаklar мачиту мадра-салар, миноралар тепасига уй қуради?

— Баланд-да, болам. Баланд жой шамолгоҳ бўлади.

— Уларга маза-а?

— Нега, болам?

— Баланддан туриб, ҳаммаёқни кўради.

— Ҳа, — дейди бувим. — Лайлак дегани беозор жонивор. Беозор бўлгани учун осмонга яқин уя қуради.

Кўп ўтмай лайлаklar шаҳар ташқарисига қараб парвоз қилади. Мен улар бориб кўнадиган жойларни яхши биламан. Лайлаklarнинг кўнимгоҳи — ботқоғу кўлмак — унча узоқ эмас. Қўлдан чиқсангиз, зах сув оқадиган зовур бор. Қишин-ёзин суви кўкимтир. Ундан на-риси — кўлмак... Қор, ёмғир сувлари тўпланиб, ботқоққа айланган.

Кўнлар исиди дегунча мен тенги болалар шу ерлардан жой оламыз. Балиқ ови нималигини билмасак-да, ясама қармоқни сувга ташлаб ўтирамыз. Бизлар тўпланишимиз билан шапка, похол шляпа кийган, мўйловининг учи тамаки тутунидан сарғайиб кетган балиқ-чилар гулдураб, қармоғини кўтариб, биздан узоқлашади. Баъзилар-и тизза бўйи келадиган жойларда тўр суради. Жимжилоқдек кела-диган балиқчалар тўр тешикларидан чиқиб тўрт томонга қочади. Учиб келган лайлаklar ҳеч нарса билан иши бўлмай, кўлмакчалар оралаб юради. Тумшугини сувга тиқиб, ўлжа излайди. Баъзилари илоннинг думидан, бақанинг оёғидан тишлаб ҳавога кўтарилади. Шу кўтарилганча тўпла-тўғри уясига келиб кўнади. Тикилиб турар эканми, бувим этагимдан тартади:

— Ҳой, яна пастга тушиб кетма.

— Ерга қараяпман, бибижон.

— Кўзим ўтмаяпти, қоронғи қиялпсан.

— Куппа-кундуз куния?

— Деразани тўсма. Ма, мана бунга ип ўтказиб бер.

— Кейин кўчага чиқсам майлими?

— Кўчада пишириб кўйибдимми? Ҳеч бир қарашай демайсан.

— Мана, қараб ўтирибман-ку. Яна нима қилай?

Бувимнинг жаҳли чиқди. Нина билан ипни кипригигача олиб келади. Кузатиб туриб, бошимни қимирлатаман:

— Ўтказолмайсиэ.

— Ўтказаман. Куним сенга қолмасин.

— Бу ёққа беринг.

— Барибир кўчага чиққани кўймайман.

Нинага ип ўтказиб тургандим, дарвозахонадан овоз келди:

— Амма-а!

— Ие, — деди бувим, — ҳали дарвоза очик қолганми? Сира занжирлаб қўйиб демайсан. Эс-ҳушинг ўйинда. Қара-чи, ким экан?

— Бибижон, — дедим, — дарвоза очикми-занжирланганми, ни-мадан кўрқамиз? Барибир ҳеч вақомиз йўқ-ку.

— Ўғри топаман деса, топади.

— Ҳа, кўмиб қўйган бирор нимаиэ булса керак-да.

— Амма-а, ҳў-ў амма!

Бувим энкайиб, эшиқдан бошини чиқарди:

— Ким?

— Аммажон, мен келдим.

Бувим таниш овоздан довдираб қолди.

— Вой, Тўхтамурод-ку. Вой-вой, келдингми, жияним. — Бувим этагидаги қуроқларини қоқди. Нинани деворга санчиб, ёш боладай оёқяланг, зинадан пастга тушди. — Тўхтамуродим, келдингми?

— Келдим, аммажон, келдим.

Мен қаққайиб туравердим.

Бувим борасолиб ҳарбий кийимли, елкасида юк халтаси, ҳассас-га суюниб, бизга қараб турган тоғамга ёпишди.

— Жиянимдан айланай, вой, қадду қоматингни кўрадиган кун борақан-ку! — Бувим унинг юз-кўзларидан чўлп-чўлп ула бошлади: — Вой аммагинанг айлансин, сени кўрадиган кунам бор экан-ку. Амма-жон деган тилларингдан айланай.

Бувим анчагача уни қўйвормай, бағрига босиб турди. Мен ҳа-мон зина бошида қаққайиб туравердим.

Тўхтамурод тоғам мени чақирди.

— Қани, жиян, буёқ кел-чи.

Бувим мени койиб берди:

— Ҳали тоғанг билан кўришмадингми?

— Тортинапти-да, аммажон.

— Ҳа, бунинг тортинчоқми? Сан буни билмайсан. Кўча деса, бойлаб қўйган ипни узади.

— Уялтирманг, аммажон. Қани, қани, жиян...

Мен ийманиб Тўхтамурод тоғамга яқинлашдим. У қўлидаги ҳас-сасини деворга суюди. Бувим сўради:

— Тўхтамуроджон, ҳассанг ҳам борми?

Тўхтамурод тоғам жавоб бермай, елкамга қўлини ташлаб, пешо-намдан ўпди.

— Катта йигит бўлиб юрибсанми?

— Тоғаси, бунингга ақл кирмайди. Эртаю кеч жовратгани жов-ратган, — гапга қўшилди бувим.

— Шундайми, — сўради Тўхтамурод тоғам.

Индамадим.

— Аммажон, шаҳарда қиладиган иш йўқ. Бундоқ қўлига кетмон олиб ер чопсин, банд бўлади. — Менинг ёнимни олди тоғам. — Мана, эртага қишлоққа олиб бориб, ўзим бунга иш ўргатаман.

Бувим апил-тапил ўчоққа кўмғонни осди. Ҳадеганда олов ёна-вермади. Кичкина ҳовли юзини тутун қоплади. Тўхтамурод тоғам тутаётган таппига тикилиб сўради:

— Аммажон, таппи ёқяпсизми?

— Ўтин-кўмир олишга қурбимиз ётмайди, — ҳасрат қилди бу-вим. — Дала-даштга чиқиб таппи териб келаман. Қуриса-да, бу сабил тутаб ёнади.

Тўхтамурод тоғам уф тортди.

— Аммажон, ўзим силани қишлоққа кўчириб кетаман! Қўйинг, шаҳарни. Ўтин-чўп, мева-чева кўп қишлоқда.

— Шундай деганингаям раҳмат.
Болохонага чиқдик. Тоғам кўрпачага ўтиши билан ёнбошлади.
— Аммажон, оёқларим оғрийди. Ёстиқ беринг.
— Ҳозир, ҳозир, Тўхтамуроджон...
Тўхтамурод тоғам ёнбошлаб, оёқларини узатди. Бувим нонсандиқнинг қулфини очди. Кейин унғ қўлини чўзиб парварда тўла ликопчани олди. Яна нонсандиқни қулфлаб изоҳ берди:
— Тўхтамурод, бунинг ширинликка уч.
Мен тамшаниб қўйдим. Тоғам «Зўрсан-ку», дегандек кўз қисди.
Бувим ликопчани ўртага қўйди.
— Қани, оғзингни ширин қилиб ўтир.
Бувим чойнакни олиб келиб, энди чой қайтара бошлаган эди, бирин-кетин, узун-қисқа ҳуштак товуши эшитила бошлади.
— Утир, бугун ҳеч қаёққа чиқмайсан, — деди Бувим.
Тўхтамурод тоғам тушунмади.
— Қаёққа бориши керак, аммажон?
— Бунинг ошиқлари кўп. Бари ҳуштакчи. Ҳуштак эшитса бўлди, кўчага чопади.— Қизиқ-ку, — кулди тоғам, — чиқолмайман десангчи. Унда қандай жавоб қайтарасан?
Мен иккала кўрсаткич бармоғимни тилим устига қўйдим.
— Ҳу-ҳу-ҳушшт!
Бувим қулоқларини енги билан беркитди.
— Секинроқ. Чириллаб қулоғимни тешиб юбординг-ку!
— Ёмон эмас. Ёмон эмас.
Шу билан сўхбатга нуқта қўйилди. Тоғам чарчаб келган эканми, бир-икки пиёла чой ичар-ичмас, кўзлари юмила бошлади. Бувим унинг биқинига лўлаболиш тиради:
— Бирпас дамнингни ол, болам.
Тоғам шу сўзни кутиб ўтирган эканми, дарров уйқуга кетди. Бувим дастурхонни йиғиштирди. Чойнак устига қопқоғини кийдириб, мени имлади.
— Тоғанг нима сўрасаям, индамай туравер. Болалик қилиб айтиб қўйма.
— Нимани...
— Жим, уйғониб қолмасин.
Кечқурун ип-йигирув корхонасида ишлаётган онам ишдан келди. Мен суюнчи олиш учун атай пойлаб ўтирган эдим. Остонадан қадам қўйишлари билан олдиларига югуриб чиқдим:
— Онажон, Тўхтамурод тоғам келдилар.
— Худого шукр-ей, — хурсанд бўлди онам, — бизниям бирорта уруғимиз урушдан соғ-омон келадиган кун борақан-ку...
Тўхтамурод тоғам кўп ўтмай уйғонди. Дастурхон атрофида унга тикилиб ўтирибмиз. Ниҳоят, тоғам оғиз очди:
— Аммажон, қишлоқдагилар тинчми?
— Тинч-тинч, — Бувим менга қараб қўйди.
— Отам ҳалиям кигиз босяптиларми?
— Раҳмон тоғамни биласан-ку, тинч турармидилар. Қолганлар ҳам бир кунини кўриб юрибди. Фақат, йўқчилик одамларни қийнапти.
— Аммажон, уруш тугади. Оғир кунлар ўтди. Ана-мана дегунча яхши кунлар келади. Мана, мени айтди дерсиз.
— Айтганинг келсин, жиян. Етим-есирларнинг оҳи худого етсин.
Тоғам шундан кейин анчагача оғиз очмади. Менинг кўрққанам — ҳозир тоғам «аммажон, келинингиз-чи», деб сўраб қолса, ўтирганлар нима дейди? Бувим бўлса оғзингга маҳкам бўл, дегандек нуқул имлайди.

Юрагим гуп-гуп ура бошлади. «Тоғажон, Сиэнинг хотинингиз — янгам уч йил бурун бошқа эрга тегиб кетди. Катта Раҳмон тоғанинг ҳолидан хабар олмай қўйди. Сизни ҳамма урушда ўлган деб гап тарқатди». Тилим учида шу сўзлар айлана бошлади.

Тўхтамурод тоғам бошқа сўраб-суриштирмади. Тиззаларини силашга тушди.

— У ер-бу еринг оғрийдими? — деб сўради Бувим.

— Э-э, аммажон, — хурсинди Тўхтамурод тоғам, — баданларим илма-тешик бўлиб кетган. Уқ ялаб ўтмаган ерим қолмади.

— Уруш қурсин, жияним.

— Ҳа, ҳаммани қуритиб кетди.

Тўхтамурод тоғам бирам вой-войлаб чиқди. Онам чидаб туролмади.

— Она, тоғамни ўлдига чиқарганинг уйи куйсин-а.

— Секин.

— Айтмадийизми?

— Нимани?

— Ана у манжалақининг кетиб қолганини?

— Тоғангни биласан-ку. Азалдан камгап. Қара, ҳеч ўзгармабди. Хушига келса сурайди. Бошқа пайт — ичимдагини топ.

Бувим билан онам пичирлаб анчагача уйғоқ ётишди. Мен эсам тилимни «тишлаб» олганман.

Тўхтамурод тоғам эрталаб барвақт турди. Қўл-бетини юшиб бўлиши билан пойгада утириб олиб, кўнжли ботинкасини кия бошлади.

— Ҳа, — деди Бувим.

— Аммажон, қишлоққа кетаман.

— Бир-икки кун қолақол. Таниш-билиш келиб қолар. Узоқ йўл бўлса.

Бувимнинг сўзларида жон бор эди. Уша йилларда мошин кам, бориям онда-сонда шаҳарга тушар, асосий от-улов арава эди. Бозор кунлари шаҳар кўчалари, буш майдончалар аравага тўлиб кетарди. Бундан ташқари, карвонсарой кўп эди. Ҳовлисида бостирма ёки от-улов турадиган жойи бор уй эгаси қишлоқдан келувчиларни қабул қилар, улар учун ётоқхона ажратар, иссиқ-совуғидан бохабар бўлар, дала-дашт одамлари аҳоли рўйхатида турса-да, бирортаси бошпурт нималигини билмас, меҳмонхона йўлагига қадам босолмас, бир қаватли «Деҳқон уйи»га ҳамма сигавермас эди.

Тўхтамурод тоғам Бувимнинг ниятига тушундими-йўқми, аниқ айтолмайман. Салқинда йўлга чиқай деб туриб олди. Бир пиёла чойни ярим-ёрти ичиб, тоғамга ҳамроҳ бўлиб мен ҳам йўлга тушдим.

Шаҳардан чиқишимиз билан бир «политурка» мошинаси йўлдаги бор чангни кўтариб, ёнимизга келиб тўхтади.

— Ҳой, аскар ака, чиқинг.

Мошина эшигини очган ҳайдовчи мени ҳам таклиф қилди.

— Сан бачаям чик.

Ҳайдовчи ҳатто қаёққа боришимизниям суриштирмади. Мошинани ҳайдаб борар экан, тоғамга қараб қўйиб, худди эски танишлардек, оғзимизни очирмай гапга киришиб кетди:

— Ҳой, аскар ака, мана энди уруш йўқ. Пошистка қирон келди.

Нимага бу урушга кетганлар кам келопти? Ман ҳайрон. Бо яна бир гап борми? Мана, язнабиз, — у бармоғини санаб кўрсатди, — кетгонига олти йил бўлди. Йўқ. Военкоматига бордик. Йўқолган дейди. Ййби, товба. Игнамиди йўқолса? Тирик одам — йўқ, йўқолибди. — У тоғамга юзланди. — Ҳай, сизам урушга борганими?

— Борган, — деди тоғам.
— Ҳай, қолганлар омонми? Ё пошист ҳаммани отиб битирдимми? Охи, одам одамни отадими-а?! Бола-чақаси бор демайдимму?

— Демайди, — жавоб берди тоғам йўлдан кўз узмай.

— Ҳай, ман-ку ўқимаган. Шу мошинани ҳайдашни билман. Бу замонда яна етимбачча кўпайди. — Ҳайдовчининг қиёфаси бирдан ўзгарди. — Пошшолар урушади. Биз бечоралар бенубат. Етимларнинг охи-ноласи бир кун барини тутлади.

Шу алфозда Зарафшоннинг ёғоч кўпригидан ўтдик. Ҳайдовчи жим бораётган тоғамни туртди.

— Ака, сизам одам отганми? — Тўхтамурод тоғам жавоб беришга улгурмай, ҳайдовчининг ўзи давом этди: — Отманг, ака. Бир кун хуни тутлади. Кўп ёмон. Отам айтганлар. Болам, одамнинг кунглини ол, деганлар. Бу зангар пошист кўп одамни отди-я?

— Бизам отдик, — деди тоғам.

— Ман сизга айтсам, ака, отинг. Ёмонми, ўлсин. Яхшиларга тегманг. Кўкарсин.

Унг томонга кетадиган йўлнинг ярмига етганда машинани тўхтатди:

— Мана бу Чилонги. Ман ўшоққа бораман.

— Биз Богитурконга борамиз, — деди тоғам.

— Ййби, ташлаб келаман... Мана, бир қадам.

Қишлоғимиз кўриниши билан Тўхтамурод тоғам ҳайдовчини тўхтатди.

— Шу ерда тўхтатинг, минг раҳмат.

— Ййби, ўзим олиб бораман.

— Йўқ. Раҳмат. Буёғига пиёда бораман. Етти йил бўлди бу тупроққа қадам босмаганимга.

Пастга тушдик. Тоғам чўнтагини ковлай бошлади.

— Киссайиззи ковламанг, — деди хайрлашиш учун ёнимизга келган ҳайдовчи. — Уят бўлади. Ман сизларни кўтариб келмадим-ку. Дуо қилинг, ака, урушга кетган ҳамма одам сизга ўхшаб эсон-омон келсин. Бачалар етим қолмасин.

Ҳайдовчи қўлини дуога очди:

— Омин...

Тўхтамурод тоғам ҳайдовчини уйга таклиф қилди.

— Биродар, юринг, уйга борамиз, жуда очиқ йигит экансиз. Уйимизни кўриб кетасиз.

— Йўқ, — деди ҳайдовчи, — идорага бораман. Кеч қолсам, раис сўқади, қамчини бор, уради. Қишлоқда эркак йўқ. Ҳаммаёқ хотун. Ҳай, ака, исмиёиз нимади?!

— Тўхтамурод.

— Майли, ҳай. Ҳозир раисга бориб айтаман. Яна битта эркак урушдан келди, дейман.

Машина бурилиб, чангу тўзон кўтариб изига қайтди.

Тоғам юк халтасини елкасига илиб, йўлга тушди. Қишлоқ кўчаси бўм-бўш.

— Одамлар далада бўлса керак, — деди тоғам.

Ариқ бўйлаб бораётсак, челақ кўтарган аёл кўринди-ю, бизга кўзи тушиб, яқин келишимизни кутиб қолди. Мен уни дарров танидим. Бу...

Тўхтамурод тоғам «ие» деб қолди.

— Янганми?

Челақ кўтарган аёл тоғамнинг сўзини эшитиши билан, рўмоли билан юзини беркитиб, уйига кириб кетди. Тўхтамурод тоғам шошиб қадамни тезлатди.

— Ие, янган нега мендан қочапти? Қайси уйга кирди? Чақир. Мен ўзимни тутиб турулмадим. Куча ўртасига тушиб олиб, ба-кириб-чақириб чопа бошладим.

— Тўхтамурод тоғам келдила!.. Тўхтамурод тоғам келдила!

— Ҳай, бақирма. Тўхта!

Тоғам аёл кириб кетган эшикка яқинлашиб чақирди:

— Хадича, ҳой Хадича!

Мен ҳамон бақириб-чақирадим:

— Тўхтамурод тоғам келдила! Тўхтамурод тоғам келдила!..

Кўп ўтмай ариқ ёқасидаги уйлардан каттаю кичик чиқиб, тоғам томонга қараб чопди. Улар орасида Раҳмон тоғам ҳам бор эди.

— Болам, болам, — Раҳмон тоғам келасолиб, ўглини кучоқлаб олди. — Келдингми, болам? Нега бу ерда тўхтаб қолдинг? Уйингни эсингдан чиқардингми?

Тўхтамурод тоғамнинг лаблари қалтираб, ҳалиги аёл кириб кетган эшикни курсатди:

— Ота, Хадича...

— Кетди, кетди, болам. Юр уйга.

Тоғамнинг ранги оқарди. Ҳассасига суюниб қолди...

Раҳмон тоғамнинг ҳовлиси бирпасда одамга тўлди. Ҳамминг кўзи Тўхтамурод тоғамда. Қайси бир аёл тандирга ўт ёқди. Кимдир ўчоққа уринди. Раҳмон тоғам тинимсиз бир сўзни такрорларди: «Ҳассакашим келди. Худога шукр, ҳассакашим келди...»

Келиб-кетувчилар кўп. Айниқса, аёллар тўп бўлишиб, бировни бетиним қарғашар, қўлоғимга уларнинг «жувонмарг» деган сўзи тез-тез эшитилар эди. Ёз куни эмасми, ҳадеганда қоронғу тушавермайди. Кўп ўтмай аёллар тарқалишди. Дастурхон атрофида чоллар, эркаклар қолди. Кўриниб турибди, тоғам ўзини ноқўлай сезяпти. Бунинг устига, тиззалари оғриётган бўлса керак, бот-бот уқалаб кўяди. Одамларнинг кетгиси йўқ. Раҳмон тоғам қачон дастурхонга дуо ўқирканман, деб одамларнинг оғзини пойлаяпти.

Орага жимлик чўкиши билан Ҳайдар гумбаз деган киши чўкка-лаб олиб, тоғамдан сўради:

— Тўхтамурод, биззи жиянниям ўшоқларда кўрдингми? Сан билан олдинма-кейин кетган эди.

— Кўрмадим, — деди тоғам тиззаларини силаб.

— Шунча йил кетиб, бирор марта учрашмадингми?

— Менга қаранг, гумбаз, — Раҳмон тоғамнинг жаҳли чиқди. — Қаёқдаги гапларни сўрайсиз-а. Урушда одам-одамни танийдимми?

— Кигизчи, худди кўргандай гапирасиз-а? Кўриб келса, бирор жойи камаярмиди? Уғлийиз ҳам ўз жонини асраб юрган-да.

— Омин, — қўлини дуога очди Раҳмон тоғам. — Урушга кетган мўмин-мусулмон эсон-омон уйига қайтсин.

— Узийиззики қайтди-да, — шашт билан ўрнидан турди Ҳайдар гумбаз. — Бирпас гаплашиб ўтиришга қўймадийиз-а, кигизчи?

— Менам бир нафас гаплашай.

— Бундан кейин ётиб олиб гаплашаверасиз. Майли, биз кетдик.

Ҳовли юзида учовимиз қолдик. Раҳмон тоғам ўглининг елкасига қоқди:

— Болам, шундай бўлди. Кетди. Сабри чидамади.

Мен сўз кимнинг устида бораётганини аниқ билганим учун жим тинглардим.

— Сизга қийин бўлибди-да, ота.

— Жон соғ бўлсин, — деди Раҳмон тоғам. — Мама, эсон-омон келдинг. Такдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

Тоғамни келиб кўрувчилар сони икки-уч кун деганда камайди.

Раҳмон тоғам янги кигиз босиш билан овора бўлди. Тўхтамурод тоғам иккимиз у кишига қарашиб турдик.

Гоҳида эса...

Тўхтамурод тоғам айвон тўсинига суяниб ўтиради. Тиззасини ўқалашга тушади. Мен унинг ёнига чўккалаб оламан. У тушунтиради:

— Жиян, тиззамнинг кўзи зирқираб огрийди. Асколка бор.

— Асколкаси нима?

— Темир парчаси. Бу яралар бир кун мени ейди.

Кун ора тоғам билан офтобшувокда ўтираемиз. У баданини кун тигига тутади:

— Жиян, офтоб тегса этларим юмшайди. Оғриғи бироз босиларди...

Орадан бир ой ўтди. Ҳар тагидаги данакларни териб юрак эканмиз, «ди-дит»лаган товуш эшитилди.

— Мошин келди...

Тўхтамурод тоғам жилмайди.

— Шаҳарниям соғинибсан-да, жиян. Қишлоқда нима бор? Эрта тонгдан барча ризқу рўз излаб далага чиқади. Болалар уйин нима-лигини билмайди. Кеч кирди — апил-тапил овқатланади. Боши ёстиққа тегар-тегмас уйқуга кетади.

Машина нақ остонамиз олдига келиб яна «ди-дит»латди. Кабинадан тушган иккита шапкали одам тўғри биз томонга қараб қадам босди. Иккаламиз булар ким бўлди экан деб, саррайиб қараб турдик. Шапкали одамлар салом-алиқсиз сўрашди:

— Тўхтамурод Раҳмон ўгли сиз бўласизми?

— Ҳа, мен.

— Биз билан юринг.

— Қаёққа?

— Тегишли жойга.

Тўхтамурод тоғам ўриққа суяб қўйган ҳассасини олди. Бир томонга қийшайганча, ўнг оёғини зўрға кўтариб босиб, машина сари юрди.

— Машинага чиқинг.

Тўхтамурод тоғам машина гилдирагига чап оёғини қўйди. Иккала кўли билан тепага тирмашди. Келган кишилар кўмагида машина устига чиқиб олди. Шапкали одамлар кабинага ўтириши билан ҳайдовчи моторни ўт олдирди.

— Тоғажон, қаёққа кетяпсиз? — Қичқирдим машина атрофини гир айланиб.

— Ҳеч қаёққа, — жеркиб берди новча шапкали, — шовқин кўтарма, келади.

Машина жўнаб кетди. Куча бошига чиқиб, атрофга тикилдим. Бирор жонзот кўринмади. Ҳозир ҳамма қир этагидаги буғдойзорда бошқоқ теряпти. Раҳмон тоғам қайсидир қишлоққа кигиз босгани кетди. У киши алламаҳалда келади. Негадир мени ваҳима босди. Тоғамни яна урушга олиб кетишдимми? Йўғ-э. Уруш тамом дейишди-ку.

Гира-ширада тоғам эшикдан кириб келди. Унинг ранги ўчган, мадорсиз бир ҳолда эди. Келди-ю, кўрпача тўшашимга улгурмай шолча четига чўзилди.

— Тоғажон...

— Бошимга ёстиқ қўй, чарчадим, — деди тоғам.

Мен қора чироқни ёқиб, бундан кейин нима қилишимни билмай қолдим. Алламаҳалда эшагини «хих-хих»лаб Раҳмон тоғам келди. Эшакни биз тагидан данак терган ўриққа боғлади. Болбоғига ўроғлик иккита зоғорани менга тутқазди.

— Чой қайнатдингми, жиянча? Ие, — деди ҳовли ўртасига ке-

либ. — Тўхтамурод ухлаяптими? Турғиз, бемаҳалда ётмасин. Боши огрийди.

— Тоғам, тоғам...

— Нима, бирор ери огрияптими? Тўхтамурод, ҳой Тўхтамурод. — Раҳмон тоғам келиб, унинг бош томонига чўкди. Пешонасига қўлини қўйди. — Ия, иситмаси баланд-ку?!

Тўхтамурод тоғам чап томонга ағдарилди. Унинг инграган овозини эшитган Раҳмон тоғам беихтиёр кўзларига ёш олди.

— Тоғангни уруш еди, жиянча, гирмон еди. Ҳаҳ, уйгинанг куйсин...

Кечаси билан Тўхтамурод тоғам алаҳсираб, инграб чиқди. Раҳмон тоғам ўглининг пешонасига ҳўл латта қўйди, қўл-оёқларини силади.

Эртаси кун — чошгоҳ пайти Ҳайдар гумбаз халачўпини уйнатиб тўппа-тўғри биз утирган айвон тагига келди. Келди-ю, Раҳмон тоғамнинг тепасида туриб бидирлай кетди.

— Кигизчи, бу, ўғлийиз плинга тушиб қочган экан-да?

— Плинга, бу нима деганинг, гумбаз?

Ҳайдар гумбаз талмовсиради:

— Плини нимаиди? Ҳа, оти қурғур, нимаиди? Ҳаҳ, урушдан қочган.

— Ким айтди?

— Кеча «Инкивиди»нинг одами келиб, райёнга олиб кетди. Нима гаплигини бир билай деб келувдим.

Раҳмон тоғам гумбазнинг сўзига ҳам, ўзига ҳам эътибор бермади.

Ҳайдар халачўпи учи билан бирпас ер чизди. Ҳеч кимдан садо чиқмагач, изига қайтди.

Тўхтамурод тоғамни шу ўтган уч кун ичида бир неча марта туман марказига олиб кетишди. Лекин ҳар гал у жим қайтар, нима бўлганини айтмас, Раҳмон тоғам қанчалик суриштирмасин, «бориб келдим-да», дейишдан нарига ўтмасди.

Уша кундан бошлаб биз билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Қўшниларнинг кирди-чиқдиси йўқолди. Фақат, Ҳайдар гумбаз уйимиз олдида ўтган-кетганида:

— Ҳўҳў, — деб ғалати йўталади.

Буни эшитган Раҳмон тоғам паҳса девор орқасидан туриб сўкинади:

— Ҳе томоққинангга...

— Ҳўҳў-ҳўҳў!

— Ҳе, қишлоқнинг бойўғлиси!

Тўхтамурод тоғам отасини чақирди:

— Отажон, қўйинг, йўталса йўталар.

— Кўрмайсанми, бир плин дейди, бир йўталиб утади. Бу гумбаз гап ташийди. Доим қулоғи динг.

Тоғамни қўяверинг-у, ўзим ҳам «дит» деган товушни эшитсам, қўрқа бошладим. Ахийри, бир куни юрак бетлаб сўрадим:

— Тоғажон, сиз плинга қочиб юрганмисиз?

— Плин эмас, плен, — таъкидлади тоғам. — Урушда нималар бўлмайди? Рост. Бир жангда асир тушдим. Яна ўз қисимга қочиб ўтдим. Ушандан бери қора отлиман. — Тоғам келганидан бери ҳеч кимга кўрсатмай келган тугунчасини олди. — Бу орден, медалларни менга нимага беришди? Нима, жанг майдонидан териб келдимми? Урушда улганимда, бу азобларни кўрмасдим...

Мен тоғамнинг халтасидаги ялтироқ орден-медалларга қизиқиб қолдим. Очиғи, ҳавасим келди.

— Тоғажон, буларни менга беринг.
 — Тақиб юриб ҳали зерикасан. Унда мен...
 Этим жимирлаб кетди. Наҳотки, тоғажоним...
 — У кунларгаям яқин қолди, жиян, — деди тоғам.
 Бир-биримизга узоқ тикилиб қолдик. Тоғам бир дона туршакни оғзига солиб, лунжиде айлантира бошлади.
 — Ди-дит, ди-дит!
 — Яна келди, жиян! — Тоғам сапчиб ўрнидан турди. Ҳассасини кўлига олди. — Олиб кетса, олиб кетсин-а. Қачонгача сўроқ бераман? У ёқда озодсан, дейди, бу ерда ҳол-жонимга қўймайди. Бир менмидим асирга тушган? Келиб, яна хизматини қилдим-ку?..
 У икки қадам босмасиданоқ, мошина эшигимиз олдига келиб тўхтади. Бу гал нотаниш йигит ҳовлига кирди.
 — Э, ака, бормисиз?
 Танидим. Бизни шаҳардан қишлоққача олиб келган йигит. Тоғамнинг юзига қон югурди.
 — Ке, ука.
 — Булинг, ака, — қистади ҳайдовчи йигит, — мошинга чиқинг. Бизди почча урушдан келди. Яна битта эркак кўпайди. Сизди оёғингиз кўтлуг келди. Яхши одам экансиз. Ҳа, ҳозир яхши одам йў-ўқ. Поччамга айтиб эдим, бор, тез олиб ке, деди. Ука, санам мошинга чиқ. Шу ака, битта кўйди шарт оёғини тагига сўйдим. Иби, ахир поччам келди...
 Ҳайдовчи йигит иккаламизни ёнига ўтқазди. Кабина эшигини ёпди. Қишлоқдан чиқаверишда пахса девордан бошини чиқариб турган Ҳадича янгамни кўрдим.
 Кўрдиму, уша томонга тоғамнинг кўзи тушмасин деб кабина ойнасини ёпдим. Елкам билан тўсдим.
 Тўхтамурод тоғам ҳайдовчининг ҳар бир ҳаракатини кузатар, сўзларини эшитиб кулар, менинг хаёлимда, у бугун бошқачароқ эди...
 ...Мен унда атиги ўн бир ёшли бола эдим. Кейин...
 Анча йиллардан кейин тоғажонимнинг исми шарифини туман марказидаги жангчилар учун ўрнатилган мрамар лавҳада кўрдим.
 Аммо у йилларда тоғамни на мен, на қишлоқдошлари тушундик. Ҳайдовчи йигит ҳам Тўхтамурод тоғамни сўнгги бор хурсанд қилиб бораётганини хаёлига келтирмасди...

Чол ва бола

Нарзи бобо кечаси билан тўлганиб чиқди. Уйку этагини тутқизмади. Ётган жойида ёнбошлади. Турди. Чордана қуриб ўтирди. Невараси Сардор тўшагидан пастга сурилиб тушган экан, авайлаб, уйғотиб юборишдан чўчиб, кўтариб ўрнига қўйди. Сардор уйқусираб чолнинг қўлларига маҳкам ёпишди.

Нарзи бобо набирасининг қулогига секин шивирлади:

— Шу ердаман, шу ердаман, отажон, ухлайвер.

Сардор индамади. Чалқанча ётиб олди. Чол унга тикилди, пешонасини силади.

— Умринг узоқ бўлсин, отажон.

Сардор пишиллаб уйқуга кетди. Нарзи бобо юрагида аллақандай гурур тўйди. Ахир, бу дунёнинг нозу-неъматини ана шулар эмасми? Инсон дегани қизик. Келади, гуллайди, сулади. Нима қилган-даям, ўз тобуткашинг бўлсин экан. Кўйинадиган ҳам, изингни йўқотмайдиган ҳам ана шу неваралар. Богинг; тогинг шулар-да...

Кеча оқшом Нарзи бобо молхона тўсинига санчиб қўйилган бўлтани олиб, дамини эгловлади. Сардор келиб бобосининг ёнига ўтириб олди. Чол уни эрқалатди:

— Ҳай, булбулидан!

Сардор қиқирлаб кулди:

— Дадажон, нима қиялпсиз?

— Болтамиз занглабди. Шуни ўткирлаб қўяй. Керак бўлади.

— Дадажон, кейин нима қиласиз?

Нарзи бобо неварасига қаради. Бобосининг ниятини бу қаёқдан билди? Ё, бола кўнгилдагини сезади, деганлари шумикин?

— Отажон, яна жойига қўяман.

Невараси бошқа саволга тутмади. Кеч кириши билан куни бўйи ўйнаб, толиққан бола бобоси учун тўшалган ўринга кириб кетди. Чол ҳам унинг ёнига чўзилди.

Уйку қаёқда дейсиз? Кеча намунча узун бўлмаса? Нарзи бобо ҳовли юзига чиқиб, осмон тўла юлдузларга тикилди. Мана шу осмонга етмиш йилдан бери тикилади. Бу орада неча ой, йил ўтди. Қанчадан-қанча юлдузлар учиб, сўнди. У атрофга қулоқ солди. Қишлоқ жим-жит. Вақту бевақт ҳурадиган итлар, Камол бобонинг шитир этса ханграб юборадиган эшаги ҳам ухляпти, шекилли?

Нарзи бобо даҳлиз бурчагига суяб қўйган болтани кўлига олди. Яна қайтиб жойига қўйди. Ярим кеча тақиллатиб юрса, унча хуш келмас. Тонг отсин... ўзи билади.

...Пешин пайти эди. Нарзи бобо боғи бурчагида ўрнатилган кичкина чорпоёда ёнбошлаб, сал кўзи илинган экан, аллақандай таниш овоз қулогига чалинди:

— Ҳу-ў, Нарзи бува!

Нарзи бобо овоз келган томонга қаради.

— Ие, ке-ке.

— Келдим, — жавоб берди эшагини ариқ ёқасидаги дарахтга бойлаб, хуржунини елкалаб келаётган Мавлон солиқчи.

Нарзи бобо чорпоё қиррасига қўлини тираб, ўрнидан турди.

— Ке.

— Ўтиринг, ўтиринг, бова, мана шу ер меники, — Мавлон солиқчи чорпоё четига кўнди.

Нарзи бобо оёқларини чўзиб, лўла болишни биқинига тортди:

— Қани, омин. Юрт тинч, эл омон бўлсин, бошлиқларга худо инсоф берсин.

Мавлон солиқчи ўнг қўли билан юзига фотиҳа тортди.

— Бова, омонгина ўтирибсизми?

— Ман-ку, омонгина ўтирибман, ўзинг қалайсан? Ҳалиям оч бўрига ўхшаб қишлоқма-қишлоқ изғиб юрибсанми? Бир келганим-даям айтганим, қўй бу ишингни, деб. Ё ундан кетдингми?

— Ишим ўша, бова.

— Хуржун кўтариб келишингдан билгандим. Яна нимани бошлаб келдинг?

Мавлон солиқчи ўзини эшитмаганга олди.

— Ука, ёшсан, бу ишингни ўзгартир. Одамларнинг қарғишига қолма. Бева бор, бечора бор. Солиқ оларканман, деб дуч келганга ёпишаверма.

Нарзи бобо зимдан Мавлон солиқчига нигоҳ ташлади. Бунақаларга инсоф кирармиди? Ҳозир у сўзлариниям эшитаётгани йўқ. Яна нимани бошлаб келди экан? Жим ўтиришидан, шунчаки кўрган келган эмас.

Мавлон солиқчи анчадан кейин яна сўради:

— Бова, эсон-омонгина ўтирибсизми?

— Мана, кўриб турибсан. Эртаю кеч янги ҳовли-жойимга қарайман. Қачон кўчиб борарканман, деб.

— Бова, яна ҳовли-жой қилдйиэмми?

— Буниси сенинг рўйхатингда йўқ, — қулди Нарзи бобо.

Мавлон солиқчи таажжуб билан елка қисди.

— Нега ўтказмадингиз? Берухсат қурдийиэмми?

— Ука, ҳовли-жойга солиқ тўлайвериб зерикдим. Бир марта берухсат қурай дедим.

— Барибир ер ҳақи бор-ку.

— Э, ука, — деди Нарзи бобо, — у ердагиларнинг рўйхати сенда йўқ. Бир-бирининг ҳолидан хабар олмай, кирди-чиқди қилмай яша-шади... Дунёнинг галваси сану манда.

— Англайдиган қилиб гапиринг, бова. Нималар деяпсиз?

— Ука, сени эсу ҳушинг солиқ йиғишда. Боригаям, йўғигаям ишинг йўқ. Хуржунингни кўтариб келганинг-келган. Бирортасидан аҳволинг қалай, деб сўрамайсан.

— Хизматим шу, бова.

— Унда, бир гал солиқ солмайман, десанг, мен сенга янги уй-жойимни кўрсатаман.

Мавлон солиқчи иккиланиб қолди:

— Мен бунинг уддасидан чиқолмайман, бова. Рўйхатга олма-сам, гап тегади.

— Сенгаям қийин, — деди Нарзи бобо.

— Қийин-қийин, бова. Ҳозир аризаачи кўп. Дарров устингдан ёзишади.

— Эй, бу халқ ёзишни биладимми? — қўл силтади Нарзи бобо. — Нима десанг, хўп, деб келяпти-ку. Қани айт-чи, шу қишлоқда нечта хат-саводли одам бор? Дунёга нега келганини билмайди-ю, ёзар-миш. Бир-иккита саводлиман дегани аллақачон бу дунёни тарк этган. Қолган биттаси — мен. Эски, саводсиз. Мен ҳам сени кўрсам гапимни йўқотиб қўяман.

— Нега, бова?

— Ўзинг сезяпсанми-йўқми? Шу, сен кўриндинг, «солиқчи кел-япти», деб қақаглаб юрган товук ҳам катагига текилиб олади. Ҳидингдан билади чоғи. Одамни-ку қўявер.

Мавлон солиқчининг қовоғи осилганини кўриб, Нарзи бобо изоҳ берди:

— Ука, урушинг азоби ҳали юракдан кетгани йўқ. Шундай пайт-да бер-бер дегувчи кимга ёқади? Бу дунёда ол, бераман деган сўзлар ҳам бор.

— Буни менга айтасизми, бова!

— Ука, сенгаям қийин.

Нарзи бобо қишлоқ четидаги оппоқ шўр босиб ётган мозорни кўрсатди:

— Хў, анави шўр тепани кўряпсанми?

— Мозорними?

— Ҳа-да, яқинда ана ўша ерга кўчиб ўтаман. Ҳа, ўзларинг кўчи-риб ўтасанлар.

— Ие, ҳали ёшсиз, бова.

— Ўлимни буйнига олмаган мусулмон мусулмонми? Эртами-кечми, ҳаммамиз ўша ерга борамиз. Сенинг ҳам иморатингга жой бор.

Мавлон солиқчи безовталанди.

— Қўрқаяпсанми, ука. Қўрқма, бу дунё солиқчисиз қолмас.

Мавлон солиқчи Нарзи бобога қаради.

— Бова! барибир одам қўрқади.

— Ҳа, — деди Нарзи бобо. — Сендақалар кўрқади. Биздақалар ҳозир деса, ҳозир борамиз, деймиз. Мен мазордан қўрқмайман. Эртаю кеч ана шу сен ўтирган чорпояга чиқиб олиб, энг сунги борадиган манзилимга тикиламан. Ана ўша шўр тепалиқда қанчадан-қанча одамлар жим ётибди.

Нарзи бобо уйга ботган Мавлон солиқчини сўроққа тутди:

— Қани, гапир! Нега бирдан бўшашиб кетдинг? Қўрқма, сендан қарзимни узмай, жўнаб қолмайман. Менда инсоф бор.

Мавлон солиқчи дам шўр тепа томонга, дам Нарзи бобога қарарди.

— Бова...

— Гапир, ука. Нима, ҳали йиғадиган солиғинг кўпми?

— Нима қилай, бова? Ахир, хизматчилик. Менгаям ундириб ке, деб буюришади. Бола-чақа боқишим керак. Сиз нуқул мени гап билан кўзимни очирмайсиз. Мана, бу сафар ҳам...

— Яна қандай фавғони бошлаб келдинг?

Мавлон солиқчи хуржунинг кўзидан дафтарини олди:

— Мана, ўзийиз ўқиб кўринг.

— Манда хат-савод нима қилади? Ҳалидан бери қулогингга тан-бур чалаяпманми?

Нарзи бобо дафтар варақлаётган Мавлон солиқчидан кўзини узмай қолди. Айтди-ку, саводлиман дегани аллақачон шўр тепадан жой олди деб. Битта саводсиз ўзи қолди. Унга буни тушунтириб бўладими?

Йигирманчи йилларнинг охири эди. Алақандай шапка кийган одам қишлоқма-қишлоқ юриб, саводи борларни рўйхатга олди. Нарзи унда Бухородаги Мир Араб мадрасасида ўқир, Шўролар Ми-норай Қалтон тепасига қизил ялов ўрнатишгач, ўқишни ташлаб, қиш-лоққа кайтган эди.

Шапкали киши уйма-уй юриб, Нарзини ҳам рўйхатга олди:

— Хат-саводийиз борми?

— Эскича ўқийман. Арабчада.

— Саводсиз экансиз, — деди шапкали киши. — Эртага савод-сизлар учун очиладиган мактабга боринг.

Нарзи ёқасини ушлади:

— Мадрасада беш йил ўқиганим-чи?

— Энди у ўтмайди. Собет мактабида ўқийсиз.

— Шу ёшимда-я. Соқолимни селкиллабтиб ўқишга бораманми?

— Нима, собет мактабига қаршимисиз?

Нарзининг жаҳли чиқди. Шапкалига қаради. Ўзи жиккаккина-ю, маҳмадоналигини қаранг. Қулоқ-чеккасига бир туширса-ку, уч-тўрт кун ўрнидан туролмайди.

Шапкали киши биқинини қашиганди, Нарзининг кўзи унинг эта-ги тагидаги тўппончасига тушди.

Нарзи ана шунда хушёр тортди. Бу жиккакнинг тилини узун қилган нарса тўппонча эканига тамом ишонди.

— Хўп, — деди шапкалини кузатар экан. — Хўп.

Шапкали отига миниб жўнаши билан бошини сарак-сарак қилди:

— Замон шуларнинг қўлига ўтдимми-а?

Мавлон солиқчи Нарзи бобонинг уйга ботганидан беҳабар, боғ тамонга ишора қилди:

— Бова, бу йилги ҳосили қалай? Дарахтзор бўлиб кетибди-ку.

— Ёмон эмас, — деди Нарзи бобо, — ҳар ҳолда, бир рўзгорга етиб турипти.

— Ортганини нима қиласиз?

— Қуни-қўшнига берамиз.

— Шаҳарга олиб бормайсизми?
— Шаҳарда нима қиламиз?
— Сотиб даромад оласиз.
— Бё, — деди Нарзи бобо, — Сотиш менинг кўлимдан келмайди. Неваара-чевара, қариндош-уруғ кўп. Бири ўзига тинч, бири мундайроқ. Биласан. Бева-бечорага берсанг дуо қилади. Қишлоқнинг бир чеккасини хурсанд қилиб келяпман. Улардан ортса, қишга қоқи қиламиз. Олма қоқи, туршак, майиз ўзимиздан чиқади.
— Биламан, биламан, — Мавлон солиқчи букланган қоғозни очди, — Бова, гап бундоқ.
— Яна қандоқ, ука?! Чайналмай дафтарингни оч. Ўзинг ҳам қийналиб кетдинг. Тез бўл. Кейин чой-пой қиламиз.
Мавлон солиқчи бир варақ қоғозни Нарзи бобого узатди.
— Мана, ишонмасангиз ўқиб кўринг.
— Саводсизман деб неча марта айтдим? Ҳеч эсингда турмас экан-да. Фикри-зикринг пул ундиришда-я.
— Ҳукумат мевали дарахтларгаям солиқ чиқарган. Мана, ўша қоғоз.
— Нима чиқарган?
— Мевали дарахтларга солиқ чиққан.
— Ие, — деди Нарзи бобо. — Ҳали топиб келган гапинг шуми?
— Нима қилай, хизматчилик.
— Энди дарахтгаям солиқ чиқди де?
— Ҳаммасига эмас. Мевалига.
— Ҳукуматинг менинг боғимни кўриб солиқ чиқардимиз? Нима, ҳосилга киришини пойлаб юрдими?
— Бова, бу ҳамма учун.
— Астағфирулло, — чўккалади Нарзи бобо. — Мавлон, сен менга айт-чи, бу ҳукуматингнинг бошқа қиладиган иши йўқми? Энди боғларга қирон келтирмоқчимиз? Боғбоннинг уруғини қуритмоқчимиз? Айтдим-ку, бугун-эрта кўчиб кетаман деб. Куй, уч-тўрт кун баҳра олай.
Ҳамсуҳбати индамагач, Нарзи бобо унга тушунтирди:
— Ука, эсинг жойидами? Ҳовли-жой учун солиқ тўласанг. Мол-ҳол учун солиқ тўласанг. Келиб-келиб, ана энди ўзимиз эккан дарахт учун ҳам солиқ тўлаймизми?
— Ҳукумат...
— Бориб айт. Ўша ҳукуматингни уйи куйсин.
— Ундай деманг, бова, қамалиб кетасиз.
— Бир марта қамалганим етар. Бор, билганини қилсин.
Нарзи бобо унда ўттиз ёшда эди. Чўлда бир ой пода боқиб зерикдимми, саратоннинг ўрталарида уйдан хабар олгани қишлоққа қайтди. Кўприқдан ўтар экан, уйи олдида тўпланиб турган одамларга кўзи тушди. Тинчликмикан, деб қадамини тезлатди. Йул-йўлақай учраган ҳамқишлоқлари ундан кўзини олиб қочди.
— Мана, муллавачаям келди, — деди ичкаридан букланган гиламни кўтариб чиқаётган шапкали киши.
Нарзи дарров уни таниди. Бу ўша, уни саводсизга чиқарган тўппончали-ку!
Нарзи тўхтаб қолди. Хотини Мастура унга кўзи тушиши билан додлашга тушди
:— Дадажониси, бу хонасалотларга биз нима қилдик?
— Кўп шаллақилик қилма, ҳой хотин,— унга ўшқирди шапкали киши.
Нарзининг кўзи яна унинг тўппончасига тушди.
— Санларни бурро қилган ана шу, — демоқчи бўлди-ю, бирдан тилини тийди.

— Энди нима қиламиз? Булар ҳамма нарсамизни олиб кетишди. Дадажониси, буларга бир нима дёнг?!
— Йўлни бўшат,— бақирди шапкали киши.— Қани, қолган-қутган нарсаларни аравага ортинглар.
— Китобларни нима қилайлик? — сўради шапкалидан кўр Ашур.
Нарзи доддираб қолди. Шапкалига сўзи ўтмаслигини билдими, кўр Ашурга яқинлашди.
— Амаки, ўзимизникисиз. Айтинг, нима бўляпти?
— Э, нари тур, — уни жеркиб берди кўр Ашур,— бошлиқ нима деса шу-да.
Шапкали киши тўппончасини кўлига олди.
— Олиб чиқинглар.
Нарзи отилиб уйга кирди. Девор тагига чош қилиб қўйилган китоблар олдида тўхтаб қолди.
— Бунга тегманглар!
Шапкали киши келиб, этигининг учи билан ёйилиб ётган китобларни бир чеккага сурди.
— Олиб чиқинглар деяпман!
— Ҳой, номард, «Куръон»ни босма.
Нарзи энгашиб зарҳал чизикли китобга қўл чўзганди, шапкали киши қўли аралаш этиги билан босди.
— Тегма, мулла!
Нарзи сапчиб кетди.
— Қоч, номард. Суйиб ташлайман.— У белидаги пичоқ қинига қўл чўзиши билан шапкали киши унинг пешонасига тўппончасини тиради.
— Мана шу ерингдан дарча очаман-а, қани, олдимга туш. Кўлини боғланглар бун.
Кўр Ашур белидаги чилвирни ечиб, Нарзининг кўлини орқага қилиб бойлади.
— Амаки,— деди Нарзи силтаниб,— худо сизни бекорга кўр қилиб яратмаган экан. Қўшнимсиз-а...
— Ҳақорат қилма.
— Келиб-келиб, куним яна сизларга қолдимиз!
— Мулла, тилингни тий,— деди кўр Ашур,— собетти одамиман.
— Қани, кетдик.
Шапкали киши отига минди.
Нарзи, хотини Мастура, яна икки боласи улар қуршовида катта йўлга қикди. Шўро идораси олдида тумонат одам йигилди. Унеча тўқимсиз эшак қатор қилиб қўйилди. Олдин Нарзи, кейин хотини, болалари эшакка тескари миндирилди. Орқадан телки еган эшаклар тупроқ йўлни чангитиб йўргалай бошлади.
Нарзи шу кетганича ўн йилларча бу ерларни туш кўрмади.
Сургунда юрар экан, ўлиб қолсам ҳам мени хонавайрон қилган қишлоққа қайтмайман деб қасам ичди. Елкасига офтоб теккач, озодсан, деган сўзни эшитиб, бола-чақаси билан шаҳар яқинидаги хароба қишлоққа келиб қўнди.
Тўғилган юрт барибир жони-ҳолига қўймади. Бир ёқда ота-онасининг мозори. Бир келганида уни мазор бошида учратган кексалар ўртага олишди:
— Нарзибой, ўтган ишга саловат. Ким қилмагай, ким топмагай, деган гап бор. Сенга ўтказганлар жазосини тортди. Бола-чақасининг бири икки бўлмади. Кўчиб кел. Қўлимиздан келса кўмаклашамиз.
Янши одамлар ёрдамида ҳаш-паш дегунча бир бошпана қуриб олди.
— Ота юрт — ота юрт-да,— дейишди унинг ғайратини кўрган

кексалар.— Одам боласининг илдизи мустаҳкам бўлса, қуримайди. Гуллайди. Мана, чакалакзор ҳам обод бўлди...

...Нарзи бобо «товба» деб қўйди. Ахир, бу чакалакзорни обод қилгунча озмунча азоб чекдимиз? Мана, энди чеккан азобларинг учун ҳам солиқ тўла, деб туришса. Бундай кетаверса, одам ердан безади. Обод қилишдан қочади. Кейин тамоm қарғишга учрайди.

Мавлон солиқчи ўрнидан турди.

— Ҳа, кетмоқчимисан?

— Йўқ,— деди Мавлон солиқчи,— юринг, бирга мевали дарахтларни санаб чиқамиз.

— Саногини ўзим биламан,— деди чол.

— Олмадан нечта, бова?

— Ўн беш туп экканман.

— Ўн бешта. Ҳмм, агар элли килодан олма қилса... Ўн бешни эллика кўпайтирсак...

— Нималар деб алжираяпсан, бола?

— Ў-ҳу,— деди Мавлон солиқчи,— бу боғдан етти юзу элли кило олма оласизми? Бай-бай. Сотсайиз пулнинг тагида қолиб кетар экансиз-да, бова.

Нарзи бобонинг гаши келди.

— Бировнинг молини ҳисоб-китоб қилиб юргунча баракасини тила.

— Уриқдан қанча, бова?

— Э, бор, узинг сана. Ичида беҳи, нокиям бор. Яна ҳаммасини олмага чиқариб юборма.

Мавлон солиқчи зипиллаб боғ ичига кириб кетди. Ярим соат утар-ўтмас, келиб, бояги ўрнига ўтирди. Дафтарига бир нималарни ёзди. Бир варақни авайлаб, чолга узатди.

— Мана шунча тўлайсиз, бова.

— Қанча?

— Ҳар бир дарахт учун элли сўмдан. Жами. Бир юзу ўттиз учта мева берадиган дарахтингиз бор экан.

Нарзи бобо ўрнидан турди.

— Тур-э...

— Сўкманг,— деди Мавлон солиқчи,— янаги келишимга пулини тўғрилаб қўйинг.

— Йў-қ-ол!

— Бова, жаҳлийиззи босинг!

— Кўзимга кўринма деяпман! Сен-сен...— Нарзи бобонинг аъзои бадани жунбушга келди.— Ҳукумат одами экансан, уй-жойимни бировлар эгаллаганда қаёқда эдинг? Отасидан қолган мулкни қайтариб беринглар, деб нега орага тушмадинг? Дарбадар юрган-имда ҳол сўрамадиларинг? Ташландиқ, ҳамма кўрқадиган чакалакзорни обод қилганимда бирор марта бова, ҳорманг, деб келмадинг. Мана, энди, эга чиқяпсанларми? Йўу-қолл!

Мавлон солиқчи шоша-пиша эшагига минди-ю, жўнаб қолди.

Нарзи бобо «ё товба, ё товба»лаб қоронғу тушгунча ўзини қўярга жой тополмай қолди. Дастурхон атрофида ўғли, келини, набира-лари тўпланди. Мастура хола тусмоллаб сўради:

— Дадажониси, чарчадийизми, мазаийиз йўқ кўринади?

— Мазам жойида. Қачон бемаза бўлганман?

— Сўрадим-да, дадажониси. Дарров жаҳлийиз чиқади-я. Жойиззи тўшаб берайми?

— Тўша. Шуниям мендан сўраб ўтирасанми?

Мастура хола туриши билан Нарзи бобо юзига фотиҳа тортиб,

боғи томон кетди. Чол узоқлашиши билан Мастура хола дастурхон атрофидагиларга шивирлади.

— Дадажонийиззики тутиб турибди. Жим. Агар ҳозир яна бир нарса сўрасам, бошлайди.

Нарзи бобо кўп ўтмай изига қайтди. Эшик орқасига қўйилган кетмонга кўзи тушиб, бақириб юборди:

— Ҳой, кетмонниям шу ерга қўядими? Эшик ёпилса, нақ оёғинг устига тушади-я.

Нарзи бобо ҳовли юзига кўз югуртирди. Мастура хола чолининг елкасини силади.

— Дадажониси, сал жаҳлийиздан тушинг. Ҳаммаси саранжом-саришта. Кетмонни ҳозир олиб бошқа ерга қўяман. Қани, Сардоржон, бобонгнинг қўлидан ушла. Ҳа, мана, ана энди бориб бово-набира, ухланглар.

Мастура хола Нарзи бобонинг елкасига қоқди:

— Омон бўлгур, дадажониси, яхши ухлаб туринг. Сардоржон, қани, бобонгни етакла.

Нарзи бобо Мастура холага ҳўмрайиб қаради.

— Вой, қошу кўзингиз мунча чиройли? — деди хола.

— Ҳаҳ, кўп бидирлама-е,— жеркиб берди Нарзи бобо.

Мастура хола «хўп, дадажониси» деб ним таъзим қилди.

Нарзи бобо набирасини етаклаб, меҳмонхонага кириб кетгач, Мастура хола бошини қимирлатди.

— Болам, хўб даданг бор-да. Тутиб қолганида эски теша сопи қаерда, деб жанжални бошлаб юборади. Таъбига ёқмаган одам билан учрашса-ку, тамоm. Ўша куни ҳовлини гир айланаб, тўрт томонини қадам-бақадам ўлчаб чиқади. Ҳеч баҳона тополмас, сен ҳам узунасига қадамлаб чиқ, қани неча қадам чиқади деб, ўзлари бир чеккада санаб турадилар. Узиники билан тўғри чиқмаса, қайта-қайта қадамлатади.

— Биаламиз,— деди ўғли.— Юравериб ҳовлини титиғини чиқаргансизлар. Бугун уйда йўқ эдийиз-да. Йўқса, яна бир марта қадам-латардилар.

— Айтмадимми, болам. Ким келганди?

— Мавлон солиқчи,— жавоб берди ўғли.

Мастура хола ҳаммасини тушундим, дегандек, бошқа оғиз очмади.

Нарзи бобо Сардор билан Мастура хола тўшаб берган ўринга чўзилди. Кўп ўтмай, қишлоқ уйқуга кетди.

Нарзи бобо тонгга яқин болтани кўтариб, боғи томон кетди. Бир қатор бўлиб шигил мевага кирган олма, нок, беҳиларга тикилди.

— Ё Парвардигор,— у шундай деди-ю, биринчи учраган дарахт танасига болта урди.— Мана сенга солиқ! Мана буниси — ҳукуматга! Мана буниси — менга!

Танасига болта зарби тушган дарахт шохлари қаттиқ тебранди. Аллақайси шохдан тўп этиб иккита олма чолнинг оёғи остига тушди. Нарзи бобо эгилиб олмани олди.

«Бечорага ҳали шира кирмабди. Хомлигида чопиб ташлайман. Пишса кўз қиймайди...»

Нарзи бобо белбоғини очиб, пахса девор устига ташлади.

— Тақ-туқ, тақ-туқ. Тарс-турс. Қарс-курс...

Мастура хола чўчиб уйғонди. Қулоқ солди. Болта товуши шундоққина боғ томондан келар эди. Сарпойчан ўша томон чопди. Молхонадан ўтиши билан бақрайиб қолди. Ағанаб, шохлари бир-бирига сўяниб ётган дарахтларга кўзи тушди. Апил-тапил бориб, Нарзи бобонинг елкасига ёпишди:

— Дадажониси, нима қиялсиз? Дадажониси...
— Қоч, сениям чопиб ташлайман!
— Дадажониси, вой... — Мастура хола югура келиб Сардорни уйготди.— Тур, чоп, жон болам, бориб бобожонингни қулидан болтани ол. Бобонгга бир нарса бўлган. Сенинг гапингга киради.

Сардор кўзларини ишқалай-ишқалай, бобоси олдига борди. Бирпас қараб турди. Нарзи бобо боши барабари болтани кўтарганди, кўзи набирасига тушиб, карахт ҳолда туриб қолди.

— Турдийми, ўғлим?

— Нима қиялсиз, бобожон?

Нарзи бобо бирдан хушёр тортди. Қулидаги болта дўп этиб оёғи остига тушди. Бушашиб ён-верига қаради. Бир ёнда Мастура хола, ўғли, келини, нарёғда эса пахса девор орқасидан бошини чиқариб кўни-кўшни унга тикилиб турар эди.

Нарзи бобо набирасини бағрига босиб, узоқ туриб қолди.

— Нега дарахтларни чопдийиз, бобожон? — сўради Сардор.

Нарзи бобо жавоб бермади.

— Бобожон,— деди Сардор.— Кеча шу учун болтанинг дамини эгавлаганмидийиз? Ўзи, яшириб қўйсам бўлар экан. Юринг уйга.

— Тўғри қиласан,— гулдиради Нарзи бобо.— Узимиздан чиққан болталарниям кўзимдан яшириб қўй. То янги уй-жойимга кўчиб борганимча уларга кўзим тушмасин, болам! — Нарзи бобо кўзларига ёш олди.— Сени бекорга Сардор деб атамадим...

Уч кундан кейин шўр тепа томонда янги қабр пайдо бўлди...

ХАЛҚ ҲАЁТИНИНГ РАНГИН МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад 75 ёшда

Куп йиллар яшайдиган китоб қанақ бўлади? Қайси ёзувчи янги-янгидан китобхонлар авлоди қалбига кприб боришга қодир? Умуман, ёзувчилик истеъдоди деганда нимани тушуниш керак?

Бу саволларга ижод сирларини пиндан игнасигача урганган куп алломалар жавоб йлагадилар ва... ҳеч ким аниқ тухтамга келолмаган.

Инсон қисмати қанчалик чигал бўлса, ижод олами ҳам шунчалик мураккаб. Негаки, қаламкаш Одамни тадқиқ этади.

Ижодда озми-кўпми тажриба орттирган қаламкаш сифатида бир нарсани айтишим мумкин. Куп йиллар яшашга қодир китоб иккита энг холис ва энг бешафқат синовдан — Вақт ва Китобхон имтиҳонидан утишга мажбур. Аммо, гап фақат бунда ҳам эмас. Ўз даврининг талабларига жавоб берган ҳамма асарлар ҳам узоқ умр курулмаслиги мумкин. Шуро замонда «синфийлик», «социалистик реализм» талабларига тулақонли жавоб берувчи китоблар ҳарёқлама тарғиб қилинар, тақдирланар эди. Бугун «ишчи ҳазратлари» ҳақида роман ёзиш талаб қилинса, эртага «геолог ҳақида нега дoston йўқ» деган муаммо уртага қўйилар эди. Қўзғини шундаки, замон талабига лаббай деб жавоб қилган бундай китоблар беш-ун йил утиб «модадан қолар», «классик асар» сифатида дастур ва дарсликларга киритилган тақдирда ҳам ўқувчи унда нимадир етишмаётганини сезиб турар эди.

Китобхон синови деган гап ҳам амалда барибир исбий тушунча. Бугун минглаб китобхонлар уртасида шов-шув бўлган асар эртага эскириши мумкин. Мутахассис танқидчиларнинг ҳисоб-китобига қараганда, Қодирий домланинг «Ўтган кунлар»дан кейин кечган етмиш йил давомида ўзбек адабиётида салкам икки юзта роман чиқибди. Яна уша мутахассисларнинг фикрича, келгуси авлод — XXI аср китобхонли шулардан ақалли йигирма-ўттизтасини ҳаяжонланиб ўқиса катта гап экан!

Савол туғилади: нега шундай! Бу суроққа бирёқлама жавоб бериб бўлмайди. Мен кўпинча танқидчи дустларимга роман ёзиш докторлик иши билан тенг, деб ярим ҳазил қилиб гашираман. Чиндан ҳам, романдек катта асар яратиш осон эмас. Талай романлар ҳозирги кунга келиб эскириб қолгани учун айбни нуқул адиллардан пёлаш инсофдан бўлмайди. Албатта, уша икки юзга яқин роман орасида бадний сайёз асарлар ҳам бўлган. Бироқ шулардан камиде элликтаси катта истеъодлар томонидан битилган. Талантли адилнинг ҳатто бир қадар бушроқ асариде ҳам барибир чинакам санъаткорлик билан битилган ўринлар оз бўлмайди. Афсуски, империя сиёсати энг иқтидорли ёзувчиларни ҳам қолишга тикди. Халқимиз утмиши ҳақида ёзганлар «та-

рихни саҳналаштирувчи», «феодал утмишн улугловчи», деб сикувга олинди. Куп асарлар ёзиб булинганч, «қайла» ишланди. Замон ва инсон дардини ҳаққоний тасвирлаганлар миллатчи деб қамоққа тикилди. Абдулла Қодирий, Чуллош, Фитрат, Усмон Носир, Элбек, Отажон Ҳошим, Мунаввар Қорп, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон ва яна унлаб адиб у алломалар қисмати бунга мисол була олади. Оқибат шу булдикки, ҳатто энг яхши асарларда ҳам Спёсат биринчи уринга чиқди. Ҳолбуки, адиб истеъдодини белгилайдиган, узоқ умр кўрадиган асарда, аввало, Инсон Қисмати бўлмоғи керак эди!

Шу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, Саид Аҳмад бахтли адиб. Унинг асарларида — шапалоқдек миниатюрасидан тортиб, катта по- лотноларигача — Инсон акс этади...

Модомики гап Одам тақдирн устида бораркан, ёзувчининг уз ҳаёт йули ҳақида ҳам жиндаёй тухталишга тўғри келади. Саид Аҳмад қис- мати шахмат тахтасидаги пшёданнинг йулига ухшайди. Пшёда олга юраркан, бир гал оқ, бир гал қора катакдан утади. Адиб ҳаётнда нурли кунлар ҳам, қора тушлар ҳам оз бўлмаган.

Мана, неча йиллардан бери Саид ака билан қадрдонмиз. Кўплаб сафарларда бўлганмиз. Бир нарсаин ишонч билан айтишим мумкин. Узбекистонда Саид Аҳмад асарлари кўриб бормаган, ақалли телевизиор миниатюраларини кўриб завқланмаган хонадон йўқ, десак, муболага бўлмайди. Ёзувчи учун бу нарса ҳазилкама бахт эмас!

Шунақа-ку, бундан бир неча йил аввал рўй берган бир воқеани эсласам, ҳамон кўнглимда галати маъюслик уйғонади. Оқсоқол билан (биз шоғирлар Саид Аҳмадин шундай деб атаймиз) Фаргона водийси- га бордик. Учрашувлар қилдик, тоғларга чиқдик... Саид ака қайси даврга кирмасин — талабалар буладимки, кекса деҳқонларми — ҳам- ма ерда теша тегмаган ҳазиллар билан одамларнинг кўнглига шодлик солар эди. Шоҳимардонда ётиб қолдик. Туш оғаннда қарасам, оқсоқол айвожда йўқ. Тулни ой кечаси эди. Ташқари чиқдим. Разм солсам, Саид ака шарқираб оқиб ётган сой бўйнда, харсангтош устида синарет чекиб утирибди... Кундузги ҳазиллар, аскиялар руҳи менда тарқалма- ган эди. Ҳазиллашдим:

— Мучалингни ҳўрозми, нима бало? Ярим кечадаям ухламайси. Суфи азон чақирмасдан уйғониб, уйқунинг белига тепаси!

— Унақа дема, укам,— деди Саид ака аллақандай уксик оҳангда.— Уш бир ой «одиночка»да утирган бўлсам, кечаси билан кўзимга чироқ тўғрилаб қўйган бўлса, уйқуси буламан-да! Мендан утганини сен қайқдан биласан...— Шундай деди-да, тўсатдан ҳиқиллаб йиғлаб юбор- ди.— Мен уш бу дунёга азоб чекиш учун келган эканман...

Қаерга борса, давраларин гуллаб юрган, бир гапириб уш кула- диган, ёши етмишга бориб қолган одамнинг йиғлаганини кўриш оғир буларкан. Уша кеча тонготар дардлашдик. Саид Аҳмад катта ёзувчилигини билардим. Хонадоннда куп бўлганман. Зукко ва рияд табиатли Саид Зуннунова дастурхонидан туз тогганман. Ҳар яккала устозимга машқларини ўқитиб, маслаҳатини олганман. Саид Аҳмад қамалгач, Саид ака куп азоблар чеккан ҳам қўлогимга чалинган. Аммо оқсоқолнинг шунча дарди борлигини барибир ҳис этмаган эканман.

Саид Аҳмад 1920 йили Тошкентда туғилган. Ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам боболари уз замонининг олди одамлари булишган. Талай хайрли ишлар қилишган. Адиб болалик чоғидаёқ хонадонига келган куп алломаларнинг суҳбатини эшитган.

Афсуски, замонанинг зурлиги билан у усмир ёшга етиб-етмай, отасин «халқ душмани» деб қамоққа тикдилар. Йиғитлик чоғи эса уруш йилларига тўғри келади. 1950 йиллар бошида адиб ҳаётнда бир

қадар нурли кунлар бошланади. Туғиш китоблари чиқади. Саид Зун- нуновага уйланади...

Буни қарангки, тўй кечаси Саид опанинг укаси вафот этади. Тўй азага айланади. Келин-куёв бир-бирининг дийдорига тўйиб улгурмай, Саид Аҳмадин қамайдилар. Қўйилган айб ҳозирги кун мантқиқдан (ва умуман, оддий адолат назаридан) қаралганда, нақадар бемаъни булса, уша йиллар талаби бўйича гоит «асосли» эди: сен халқлар дуслигининг етарли даражада куйламагансан, китобларингда уртоқ Сталин образи йўқ!

Сууроқнинг «доно»лигини қаранг:

«— Чет эл журналларини ўқийсанми?

— Йўқ.

— Эслаб кур!

— Бир марта кўзим тушган.

— Қаерда?

— Сартарошхонада.

— Қанақа журнал эди?

— Билмайман. Инглиз тилида эди, шекилли.

— Нимани ёзибди?

— Мен инглиз тилини тушунмайман. Чамамда Америка журнали эди.

— Расмлари чиройлимиди?

— Ҳа, рангли эди.

— Қозоғи сифатлимиди?

— Йилтироқ эди.

— Мана эди ҳаммаси аён булди! Демак, Америкада кимё саноати яхши ривожланган. Бизда эса — чатоқ. Уларда қозоғ сифатли чиқади, бизда — расво! Шунақа дединг, тўғрими? Демак, сен чет эл агентсиан. Антисовет ташкилот аъзосиан. Ташкилотда Ойбек, Гафур Гулом, Шайхзода, Шўҳратлар борлигини биламиз. Яна кимлар аъзо? Яхши- ликча узинг айт!»

Саид Аҳмад ака ҳамон уксиниб:

— Мен-ку, «тройка»нинг ҳукми билан судсиз, адвокатсиз уш йилга кесилиб кетдим, Қозоғистон қўлларига ит азобини кўрдим. Бу ёқда Саидахонга жабр булди,— деди.

... Мен Саид Зуннуновани нозиктаёб шоира ва адиба сифатидагина эмас, одам сифатида ҳам бир қадар билар эдим. Саид ака уша меҳрибон ва ута қайсар табиатли аёл эди. Ҳатто бир гал Саид Аҳмад акага ярим ҳазил қилиб: «Саид ака электр симиға ухшайди. Одам яқинроқ бориш- га қўрқади», деганим эсимда. Саид аканинг ҳикоясидан англадимки, опани замона зайли шундай кескин ва қатъий қилиб қўйган.

Қама-қама авж олган паллада баъзи аёллар: «Мен эримнинг халқ душмани эканини билмабман, ундан воз кечдим», деб газетга эълон беришган. (Бир қисми эримнинг беғуноҳ қамалганини билиб турса ҳам, унинг маслаҳати билан азбаройи уш ва бола-чақасини омон сақлаш учун шундай қилган.) Уша йиллари Саид акага ҳам таклиф булган. Ёзувчилар уюшмасида: «Шунақа деб арза ёзсанг, омон қоласан, бул- маса Союздан ҳайдаймиз», дейишган. Уша пайтдаёқ таниқли шоира булган Саид Зуннунова оддий ва кескин талаб қўйган: «Мен эрим билан юзлаштиришлар, агар у «мен чиндан ҳам халқ душманман», деб уз оған билан айтса, бошқа гап. Булмаса, мен эримдан икки дунёда ҳам кечмайман!»

Бу — ёш аёлининг узига-узи ўқиган ҳукмномаси эди. Уш уюшма- дан ҳайдайдилар, ишсиз қолади. Китоблари у ёқда турсин, шеърлари ҳам босилмайди... Начора, яшаш керак. Муштипар қайнона билан уш- ни боқини керак.

Танқидли шопра машинисткалик қилади. Матн кучириб, чақа топиди...

Саид Аҳмад ака уша кеча сой буйида йиглаб айтиб берган бир воқеа мени ҳамон қаттиқ дарзага солади.

Эллигинчи йилларда Давлат нашриётида Касабов деган бухгалтер бўлган. Ёзувчилар қалам ҳақини нашриётга бориб олишган. Касабов Гафур Гуломдек алломадан тортиб биринчи китоби чиққан ёш ёзувчига, ҳаммасидан оз-моз «чутал» олиб қоладиган одати булган. Шунинг учун унга «Қассов» деб лақаб қўйишган... Саида Зуннунова ҳам матн кучириб топган пулинни олгач, «Қассов»га арзмаган «чутал» ташлаб чиқиб кетади. Шунда Касабов Саида опанинг ортидан югуриб йулакка чиқади. «Мени шунақа пасткаш деб уйлайсанми, қизим, келиб-келиб сендан юламанми, ма, пулингни ол, кўнглингни чуқтирма, эринг эрта-индин қўтилиб келади, ҳали сен кўрганга ҳеч ким кўрмайди, болам», дейди. Дуслар у ёқда турсин, энг яқин жигарлари ҳам хонадонига қадам босмай қўйганидан дийдаси қотиб кетган Саида Зуннунова бегона бир одамнинг бу сузларини эшитиб уқраб йиглаб юборади.

Саид Аҳмад қамалганидан кейин уч йил утиб, Сталин улади. Беш йил утиб, адиб қамолдан қайтиб келади. Ниҳоят, нури кунлар бошланади. Фарзанд қурадилар... Атиги битта фарзанд... Саида Зуннунованинг «Гудак ҳиди», «Ойдан тушган қиз», Саид Аҳмаднинг «Алла» ҳикоялари, адибнинг «Уфқ» романида Икромжон ёлғиз фарзандини нақадар палалашига оид манзаралар бежиз ёзилмаганини кейинчалик пайқадим...

Шундай қилиб, икки катта истеъдод, икки мушфиқ ижодкор оласига ҳам нур кприб келади. Аммо орадан кўп утмай, Саида опа ерга қўйсам чанг, осмонга қўйсам гард юқади, деган фарзандини, беш йил азоб билан кутган умр йулдошини ташлаб дунёдан куз юмади... Саида Зуннуновадан инсон туйғуларини куйловчи шеърлар, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини акс эттирувчи насрий асарлар қолди.

— Вилмаганлар мени нуқул ҳазил-мазах қилади дейди. Мен нега доим узимни ҳушчақчақ тутиб юраман? — деди уша кеча Саид ака. — Шунда қилмасам, аллақачон улиб кетган булардим...

Кунглимда турган гапни айтдим:

— Шуларнинг ҳаммасини нега ёзмайсиз? Ақалли қамоқлари лагерларда кетган кунларингиз, бу ёқда Саида опа чеккан азобни ёсангиз, бир эмас унта роман булади-ку!

Саид ака чуқур хурсинди:

— Нега тушунмайсан, болам? Мен ҳаяжонсиз ёзолмайман. Бу гапларни ёзишга юрагим чидамайди. Яримга етмай адо буламам...

Бу — чин дилдан айтилган гап эди. Саид Аҳмад ҳаяжонсиз ёза олмайди. Эҳтимол, истеъдодли қаламкашнинг энг катта бахти ҳам, энг катта фожияси ҳам шундандир.

Адиб 75 ёшга тулди. Ҳамон хушчақчақ, ҳамон ҳазилкаш. Истеъдодли қаламкашларни — халқ шoirи буладими, биринчи ҳикояси чиққан студентми — меҳр билан бағрига олади. Орадаги ёш ва даража масофаси эсдан чиқади. Шу боисдан ҳам Саид Аҳмаднинг уз устози Абдулла Қаҳҳордан мерос булиб қолган бог ҳовлиси ҳаминша гажум. Бир кун ширин-шакар набиралари келса, эртасига Эркин Воҳидов, Улмас Умарбеков, Худойберди Тухтабоев, Носир Фозиллов, Неймат Аминов, Мурод Муҳаммад Дуст, Эркин Аъзамов, Анвар Обиджон, Хайридин Султонов, Тоғай Мурод каби турли авлодга мансуб шoirларни гуруҳ-гуруҳ булиб келишади.

Табиийки, асарга ёзувчининг феълидаги айрим ҳолатлар кучини аниқ. «Келинлар қузғолони» комедиясида муаллифнинг хушчақчақ

кулгуси минглаб, юз минглаб томошабинга кучади. Баъзан мунаққидлар асар янги чиққан пайтда унда дурустроқ маъно йўқ, баъкана деб таъна қиладилар. Бошқалари эса, комедиядан замонга ҳос гоёни топгандек буладилар. «Келинлар қузғолони»да СССР халқларининг бузилмас дустлиги тасвирланган. СССРдаги ун беш республика — асардаги ун беш оила (етти жуфт оила ва карвонбоши Фармонбоби). Муаллиф уларнинг жипслигини тараннум этмоқчи. (Адибнинг уз ҳам бу фикрдан узоқ эмас эди.) Буни қарангки, СССР парчаланиб кетди. Тадқиқотчилар янги гап топдилар. Драматург аслида, ҳар бир оиланинг мустақил бўлишини хоҳлаган. (Адиб бу мулоҳазани ҳам маъқуллаб қўяқолди.) ...Аслида, гап бутунлай бошқа ёқда эди. Муаллиф уз асарига СССРнинг бирлигини ҳам, қачондир парчаланиб кетишини ҳам уйлаган эмас. Асарда ўзбекка ҳос ҳолат — халқимизда кексаларни беқийс пазат қилиш ва бу билан беихтиёр уз кексалиги учун замин тайёрлашдек оддий ва айни пайтда теран маъно ётади. Комедия шунинг учун ҳам у ёни Европа, бу ёни Осиёда катта шухрат топди. Бир суз билан айтганда, «Келинлар қузғолони»да ёрқин характерлардан ташқари катта умуминсоний маъно бор эди...

Саид Аҳмаднинг «Уфқ» трилогияси чиққанига уттиз йиллар булиб қолди. Бу роман, шубҳасиз, адибнинг энг ёрқин ва энг салмоқли асари... Роман уз вақтида кўп тилларга таржима қилинди ва юз мингларча нусхада қайта-қайта нашр этилди. Шунга қарамай, мен асарини қайта ўқирканман, «Уфқ»ни келаси аср китобхоналари қандай қабул қиларкин, роман Вақт талабига ҳам, Китобхон талабига ҳам бирдек жавоб беришга қодирмикин, деган савол муттасил хаёлимда турди. Қувонч билан таъкидлаш мумкинки, «Уфқ» трилогияси, гарчанд замоннинг ўткичи шабадалари сезилган айрим уривлари булса-да, ҳали кўп авлодларни ҳаяжонга солиши мумкин.

...Танқидчи дустларимизнинг одати бор. Аввал-бошда китобни мақтаб туради-да, кейин «савалаб қолади». Мен танқидчи эмасман. «Уфқ»ни мақташ ниятим ҳам, «савалаш» мақсадим ҳам йўқ.

Бундан 20-30 йиллар аввал ўқиганимда «Уфқ» гоёт мукамал китобдек туюлган эди. Энди билсам, асарда эътироз уйғотадиган баъзи нуқталар ҳам бор экан. Тасвирда бир қадар тақрорлар мавжуд. Баъзи манзаралар, аёл кишининг меҳри дарёлиги, Азизхоннинг «ерга урса осмонга сапчийдиган» шух-оловлиги қайта-қайта такрорланади. Албатта, бу камчиликларни тушуниш мумкин. Трилогия ун йил давомида ёзилган. Муаллиф саккиз йил олдин ёзган манзара ва ҳолатларни кейинги китоб битилаётганда унутган бўлиши мумкин... Муҳими бу эмас. Муҳими шуки, бу китоб ҳали кўп ўқувчиларни ҳаяжонга солади. «Уфқ»да бунга асослар кўп. Энг асосийси — романда инсонларнинг чалкаш, мураккаб қисматлари ёрқин буюқларда тасвирланган. Китобни ўқийганиз билан бир-бирига ухшамайдиган ва, айни пайтда, қайсидир жиҳатлари билан бир-бирининг қисматини тулдириб турадиган одамлар куз унгиингиздан ўтади. Уларнинг бошидан кечган кулфатлар ҳам, сурурли овлар ҳам хаёлингизни узоқ банд қилиб туради. Бунга эришиш — ниҳоятда мушкул вазифа.

Асарнинг ички қурилмаси, тили, қаҳрамонлар феъл-атвори ҳақида кўп гаплар айтиш мумкин. Булар «Уфқ» романини узоқ манзилларга олиб борадиган омиллар. Бироқ мен ушбу трилогиянинг бошқа бир муҳим фазилати — ундаги миллий оҳангларнинг жозибadorлиги, чинакам ўзбекона тасвирлар ҳақида гапиргим келади. Негаки миллийлик — умуминсонийликнинг жовбахш илдизидир. Адиб бошқа асарлари қатори «Уфқ»да ҳам ўзбек халқининг жумардлигини дунёга дoston қилди.

Шундай қилиб, романдаги гоёт нозик миллий ва, айни пайтда, умуминсоний жиҳатларини бир кўздан кечирайлик.

Китоб бошиданоқ муаллиф сизни соф ўзбекиона манзилларга олиб киради. «Гувала деворлар орқасида беркинган, чанг босган беҳи гура-ларни, теракча чирмашган аймоқни узумлар бу кўчага ажиб бир ҳусн бағишлайди... Тол пивжигга суқилган супада бир мўйсафид қийинги билан чойнакни ураб, уй ўйлаб утирибди...» Ниҳоятда аниқ ва эса қоладиган манзара! Ёки мана бу тасвирга эътибор берайлик. «Олди шох-шабба билан тўсылган чорбоғлардан мевасини кўтаролмай қадди букилган аворлар, сўриларга териб ташлаган ошқоқор, қирқма қовуялар кўринадди». Яна бир манзара: «Қизилган тупроққа бағрини бер-риб ётган мусича эришни кукулайди. Пахса деворга чаплаган қовуя уруғини арп талайди. Устига офтоб келиб қолган сизир орқага тисари-либ, арқонни узоқчи бўлади».

Бундай манзараларни куриш учун қанчалик тирач кузатувчанлик керак бўлса, уни китобхон куз унгида жонлантириш учун бундан ҳам катта маҳорат талаб қилинади. Мана бу ҳолат тасвирга эътибор бер-ринг. «Оқсоқол бармоқларининг орасигача тилини тикиб ялаб, маҳси-сига қўлини суртди». Улгудек эҳқна, очкуз Иноят оқсоқолнинг феълди шу ҳаракатида ноқ аниқ кўринадди. Иноят оқсоқол улган отнинг тақас-сини қочиб олишдан ҳазар қилмайдиган эҳқна одам. Бозор-учарга борса, эшакнинг, олдига хашак ташланган бошқа эшак ёнига боғлайди. У юрт бошига иш тушгандан фойдаланб бойлик туплайди, келини-нинг мулк қўлидан кетмаслиги учун Дилдорни қайинисига олиб бе-ришдан ор қилмайди. Адиб бу имонсиз чилин бир қадар киноя, яши-риқсиз галаз билан ёзади. Иноят оқсоқол қисмати тасвирда галати, соф миллий лавҳа бор. Оқсоқол камеб мол билан мелисанинги қўлга тушади. Қутулишнинг бошқа чорасини тополмагач «антқа» усулини ишга солади. Мелисага, агар қўйиб юбормасанг, боланг улсин деб қарғайман, дейди. Буни қарангки, еши қайтиб қолган мелисанинги катта угли урушда улган. Кузининг оқ-қораси — беш яшар яна битта угли бор... Шу гапдан кейин у титраб кетади ва оқсоқолни қўйиб юборади... Билмадим, эҳтимол мелиса бошқа халқ вақли булса, бу гапга парво қилмаслиги ҳам мумкин эди. Бироқ у ўзбек... Қизинги шундаки, китобхон уз бурчини бажармагани учун мелисани айбсит-майди. Аксинча, Иноят оқсоқолга нафратни баттар ошади.

Энг муҳими, адиб трилогия қаҳрамонлари характер мантиқини шу қадар аниқ тасвирлайдики, уларнинг хатти-ҳаракатига, ҳаётдаги бурлишларга, хуллас, қисматига тўлиқ ишонади. Азизхон уша шух, чапани йигит. Айни пайтда, содда-гўр. Суюклиси Лутфинисани амакис-си зурлаб узатаётганда инма қилишни билмай эсанкираб қолади. Охи-ри туй бўлиб турган жойдан қизни оқочиб кетади. Буни қарангки, биронининг пардадаги қизини нақ туйхонадан олиб қочган йигит севги-лиси билан аллақанча вақт бирга бўлади-ю, никоқи йўқлиги учун унга тегинмайди... Агар шундай ҳолат Европа ҳаётда руй берса, воқеалар оқими бошқача кечган булар ва бу табиий саналар эди. Азизхон билан Лутфиниса эса ундай қилолмайдилар. Негаки, улар — ўзбек. Туйхона-дан келиннинг қочиши ўзбек хонадонини учун ҳазиллакам исод эмас. Бундан Азизхоннинг ота-онаси, айниқса, келиннинг акиси Акбарали қаттиқ изтироб чекадилар. Номусига чидалмаган Акбарали ун беш яшар қизчасини синглисининг уринга урин куён олдига судраб келади ва муладан никоқи ўқини талаб қилади. Бундай даҳшатли қарорга келишга уни эркаклик ор-номуси мажбур этади. Акбаралининг қарори нақадар телбаллик бўлиб туюлмасин, сиз унинг орпятига тая берасиз. Азизхоннинг ота-онаси ҳам иссофли одамлар. Улар «эгилган бошни қилич кесмас» қабилида Акбаралига эланиб борадилар. Бироқ келин-

нинг акиси уларни ҳайдаб солади. Охир-оқибат синглисини пиқоқлаб улдирганида китобхон Акбаралидан нафратланади, аммо, кунглининг бир чеккасида унинг характер мантиқини шунга олиб келиши муқаррар-лигига ишонади.

Икромжон ва Жаннат холанин аччиқ қисмати гоёт мураккаб ва мантиқан пухта уйланган. Эрка угли Турсунбой урушдан қочиб қам-пишзорда беркинби юрганга оғир бетоб Жаннат хола улим олдидан ҳам қочоқ боласига овқат ташишдан тўхтамайди.

Эсимда, роман Ёзувчилар уюшмасида муҳокама қилинганда ай-рим мутахассислар адибга айб қўйган эдилар. «Наҳотки асарнинг ижобий қаҳрамони — совет аёли қочоқни, Ватан хонинни тутиб бе-риш уринга, унга овқат ташиш?» Шунда Саид Аҳмад, мен тасвирла-ган хотин «қаҳрамон» эмас, Ова, уни бошқача ёсам ёлгон бўлади, деган эди. Агар ушанда муаллиф Жаннат холани «сиёсий ҳушёр» аёлга айлантирса, роман уша заҳоти улган булур эди. Ёки бошқа ҳолатни эсланг. Икромжон чакалакзорда тасодифан қочоқ углини ку-риб қолади. Узи урушдан яримта бўлиб келган, бу ёқда «хониннинг отаси» деган тавқи лавнат... Устига-устак, бу дувёга келиб бир кун ҳам рўшнолик кўрмаган хотини оламдан утган... Бу аламлар устига узсин шунча маломатга қолдирган углини курган ота қандай аҳволга тушиниш маълум. Икромжон Турсунбойни кучи етганча савалайди, кейин боласини қучоқлаб узи ҳам йиғлайди. Турсунбой қампишзор орасига қочиб кириб кетаётганда орқасидан отади. Ва уша заҳоти «хайрият, тегмади», дейди. Гоёт таъсирли ва ҳаққоний ҳолат. Икром-жон дувёдан утган хотинини ўйлаб бир эзилса, ёлғиз боласининг аччиқ қисматини ўйлаб тагини бир изтироб чекади. Охири, чакалакзор-да очликдан улди қолган фарзандига қўлтиқтайғи билан унсиз фарёд чеклиб гур қазийди. Китоб хотимасида эса углининг ут олган мазорини қучиб, жон беради.

Агар бу воқеаларга сиёсий нуқтан-назардан қарайдиган булсак, Икромжоннинг ҳаракатларини қоралаш керак. Хўш, башарти биз уларга оддий одам, ота-бола деб қарасак-чи?

Афсуски, шуро сиёсати янгида-янги авлодларга уруш — шон-шараф иши, атрофимиз — нуқул душман, биз эса Ватан ҳимоячилари-миз деган гоёларни сингдириб келди. Бир қўли билан «СССР — тинч-лик посбони» деб ёзиб, иккинчи қўли билан Афғонистонга уруш очиш ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккавлар шунақа сиёсатдонлар эди. Тўғри, Иккинчи Жаҳон урушида советдаги турли миллат ва халқларнинг талай фазилятлари аён бўлди. Аммо уша урушдан кўксига олтин юлдуз тақиб келган қаҳрамонлар ҳам жанг ҳақида завқланиб эмас, ҳаминша изтироб билан гаширғавлар. Урушнинг яхшииси бўлмайди. Гар-чанд «Уфқ»да муаллиф ушбу ҳодисани бу даражада кенг миқёсда тасвирламаган бўлса-да (замон шароити буни кутармас эди), барибир асарда урушга инсбатан нафрат сезилиб туради. Китобхон Икромжон, Жаннат хола ва бошқаларнинг дардига шерик бўлади. Ахир, уруш деган палакати Икромжон ҳам, Жаннат хола ҳам ва ҳатто қочоқли-гини оқлаб бўлмайдиган Турсунбой ҳам ўйлаб топган эмас.

«Уфқ» трилогиясида бундай санъаткорона ҳолатлар оё эмас. Асар ана шундай ёрқин саҳифалари билан уқувчи қалбига чуқур кириб боради. Бу китоб ҳали кўп авлодлар томонидан ҳаяжонланиб мутолаа қилинади, деб умид қиламиз.

Устоз адибнинг бошқа асарлари ҳақида ҳам кўп гаплар айтиш мумкин. Бугунги кунда 75 ёшга чиққан адабиётимиз оқсоқоли яна янгида-янги китоблар билан мухлис-ялар қалбини ҳаяжонга солишга ишонаман. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.

Жалолоддин Румий

ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР

Туркчадан Улугбек
Абдулвахоб таржимаси

Одамлар, биз бу дунё уйда бирга эдик, дейишлари ва бир-бирлари билан гузал бир тарзда келишиб, боғланишлари керак. Инсон дўстини тез йўқотади. Чунончи, киши биттаси билан дўст тутини, дўст унинг кўзига Юсуф бўлиб кўринади. Шунга қарамай, ўзининг бир тубан ҳаракати билан сенинг назарингдан қолади, Юсуф каби бўлган юзи қора бўлади. Эртага яна бир сабаб билан бу зот бошқа кимсага айланса, сен унинг зотини яхши билмаганинг учун уни қандай қилиб танийсан? Хулласи калом, инсонда ўткинчи бўлган яхши ва ёмон сифатлардан ошиб, унинг ўзалигига бормоқ ва (уни) обдан танимоқ лозим. Одамларнинг бир-бирларига берган васфлари уларнинг аслий васфлари эмасдир. Бир ҳикоя айтиб берилган эди. Бир одам: «Мен фалончини яхши биламан, унинг бутун сифатларини сизга айтиб бераман», деди. Унга: «Эшитайликчи!» дедилар. Шунда ул киши: «У менинг чўпоним эди, иккита қора ҳўкизи ҳам бўларди», деб жавоб берди. Худди шундай, халқ ҳам: «Фалон дўстини кўрдик, уни таниймиз», дейди. Дарҳақиқат, уларнинг одамлар тўғрисида берган таърифлари ҳалиги зотнинг биров ҳақида: «Уни танийман, иккита қора ҳўкизи бор», дея сифатлаганига ўхшайди. Ҳолбуки, бу тавсиф кишининг аломати бўлолмайдиган бу аломат ҳеч бир ишга ярамайди. Одамнинг яхши ва ёмонлигини бир четга қўйиб, унинг шахсияти аслига эътибор бермоқ керакки, кўрамиз, ул зотнинг қандай ўзалиги ва жавҳари бордир. Кўрмоқ ва билмоқ мана шунақа бўлади.

Мен халқнинг: «Авлиёлар ва ошиқлар макони бўлмаган, сурати номавжуд, ҳеч бир хусусиятсиз оламга қандай кўнгли кўядилар, ундан ёрдам ва дастак оладилар, унинг таъсири остида қоладилар?» дейишларига ҳайронман. Бировни севиб қолган киши ундан кўмак, севиш ва ташвиш, билим ва тушунча олгани ҳолда, бундан ҳайратланмайдилар-у, аммо «Авлиё ва ошиқлар қандай қилиб олами ломаконга ошиқ бўладилар ва ундан ёрдам кўрадилар?» дея ҳайрон бўладилар.

Бир файласуф бу маънавиятни инкор қиларди. Бир кун у касалга чалинди. Қўл-оёқдан қолди. Ниҳоят, руҳоний бир ҳақим уни йўқлади ва «Нима истайсан?» деб сўради. Файласуф: «Соғлик», деб жавоб берди. Руҳоний ҳақим эса: «Соғликнинг шаклини, васфлари-

ни, қандай эканини тушунтирки, мен топиб келтирай», деди. Файласуф: «Унинг хусусияти, шакли шамойили йўқ», деди. Ҳақим: «Модомики у хусусиятсиз бир нарса экан, қандай қилиб уни талаб қиласан? Яхшиси, сен уни менга тушунтир, нима ўзи соғлик?» деб қўстади. Касал шундай жавоб берди: «Шуни биламанки, соғлик келиши билан қувватга кираман, тўлишаман, рангим ҳам қизариб, ўзим ёш ва нашъали бўламан». Ҳақимнинг: «Мен сендан соғликнинг ўзини, зотини сўрайман», деган хитобига бетоб: «Билмайман, у хусусиятсиз», деди. Ҳақим: «Агар маънабингдан қайтиб, мусулмон бўлсанг, сени даволайман, сенга соғлик бахш этаман», деди.

Мустафодан (Оллоҳнинг салоти ва салоти бўлсин): «Бу маънолар хусусиятсиз (хоссасиз) бўлишлари билан бирга, суратлари воситасида улардан фойдаланмоқ мумкинми?» дея сўраганида, Ул зот: «Мана, ер билан осмоннинг сурати. Бу сурат воситасида сен у қуллий маънодан фикр ол, фойдалан», дея буорди.

Фалақнинг айланиши билан коинот узра тасарруфни ва булутларнинг роса вақтида ёмғир ёғдиришини ҳамда ёзу қиш замонларининг алмашишларини кўряпсан. Буларнинг ҳаммаси бир ҳикмат ва саовбага таянади. Жонсиз бўлган булут вақтида ёмғир ёғдиришни қаердан билсин? Ўсимликка қара, бир ўрнига ўрни бераётган тупроққа боқ! Буларни бир зот қиляпти. Сен худди ана шу асликни кўр. Бу олам воситасида бундай ишларни бажаргани талаб эт ва ундан ёрдам сўра. Инсон суратидан унинг маъносини қандай англаётган бўлсанг, олам сурати воситаси билан унинг маъносидан ҳам хабардор бўл.

Пайгамбар сарҳуш бўлиб, ўзидан кетган пайтларида: «Оллоҳ айтди», дерди. Зоҳиран, унинг тили шундай сўйлар эди. Аслида, у (тил) орада йўқ эди, сўзларни Тангрининг ўзи сўйларди. Чунки у (пайгамбар) авваллари бундай сўзларни билмас эди. Энди у қачончи бу сўзларни айтиши билан ўзининг илгариги эмаслигини англари ва буларнинг барчаси Оллоҳнинг тасарруфидан иборат эканлигини биларди.

Мустафо (С. А. В.) ўзининг вужудга келишидан минг йиллар олдин яшаган ва улиб кетган инсонлардан, пайгамбарлардан, охир замонгача дунёнинг нима бўлишидан, арш ва курсидан хабар берган эди. Унинг борлиги кечага тегишли эди, муҳаққақки, бу хабарларни кейин вужудга келган борлиги бермаётган эди. Кейин пайдо бўлган нарса (ҳодис) эскидан мавжуд бўлгандан (қадим) қандай хабар бера олади? Кўринадики, буларни у сўйламаган, балки Оллоҳ сўйлагандир. Чунки (Куръон): «У орзу билан ҳам сўз сўзламайди. Сузи ваҳийдир, ваҳийдан бошқа нарса эмас», дея буорган.

Оллоҳ ҳар қандай сас ва ҳарфдан покиза. Унинг сўзи сас ва ҳарфдан ташқаридадир. Фақат сўзини ўзи истаган ҳар ҳарф, ҳар сас ва ҳар тилдан чиқаради. Масалан, йўллар устида ва карвонсаройларда ҳар ҳовуз бошида тошдан одам ёки қуш ясаб қўйганлар. Уларнинг оғзидан сув чиқиб, ҳовузга қўйилади. Ақлларнинг ҳаммаси сувнинг тош одам ёхуд тош қуш оғзидан чиқмаётганини, балки бошқа ёқдан келаётганини биладилар.

Инсонни танимоқчи бўлсанг, уни гапиртир: сўзидан унинг кимлигини билиб оласан. Чунончи, биров кисовур бўлсаю унга: «Инсонни сўзидан билишади», дейишса, у ўзини миршабга танитмаслик учун ҳеч гапирмайди. Қуйидаги ҳикоя ҳам шунга ўхшайди: Кичкина бир бола чўлда онасига: «Она, тунда менга шайтондек кўрқинччи

1 Давоми. Бошлиниши ойноманинг 3-4 сонларида.

1 Куръони Карим, 53/3-4.

шарпа кўриняпти, кўрқяпман», деди. Она боласига: «Кўрқма, шарпа кўзинга кўриниши билан унга қараб жасорат билан отилик, бунинг хаёл эканини биласан», деди. Шунда бола: «Оҳ, онажоним, агар у шарпага ҳам онаси шундай насиҳат қилган бўлса, мен нима қиламан? Агар унга: «Гапирма, кўринмайсан!» деган бўлса, мен уни қандай танийман?» деди. Она: «Унинг олдида гапирма, ўзингни унга от ва кут, балки оғзидан бирор сўз чиқар. Агар унинг оғзидан ҳеч сўз чиқмаса, истар-истамас сенинг оғзингдан бир сўз чиқади. Ёки сенинг қалбингда бир тушунча ёхуд сўз пайдо бўлади. Худди ана шу тушунча ёки сўздан унинг (шарпанинг) аҳволдан хабардор бўласан. Чунки у сенда бир фикр туғилишига сабаб бўлгандир. Сенинг ичингда вужудга келган ўша сўз ва фикр унинг тушунча ва аҳволининг аксидир», деб жавоб берди.

Шайх Муҳаммад Саррозий (Оллоҳ раҳмат қилсин) муридлари даврасида ўтирган эди. Муридлардан бирининг кўнгли калла кабоби тусади. Шайх: «Дарҳол бунга калла кабоби келтиринг», деди. Бошқалар: «Унинг кабоб истаганини қаердан билдингиз?» деб сурадилар. Шунда шайх: «Уттиз йилдир, мен учун керакли бўлган нарса қолмаган. Мен лозим нарсаларнинг барчасидан ўзимни тозолаганман, покизаман. Ниҳоят, мен ойна каби тоза ва порлоқ бўлдим. Энди эса, менинг кўнглим калла кабобини истади ва бу менга тегишли эмас эди, балки фалонки истаги менинг ойнамда акс этарди. Чунки ойнанинг ўзи соф ва шаклсиздир. Унда бирор шакл кўринса, демалки, бу ўзганинг шаклидир», деди.

Бир азиз киши мақсадининг ҳосил бўлиши учун чилла ўтирди. Унга: «Бундай бир юксак орзу чилла билан ҳосил бўлмайди. Ундан чиқ, улуғ бир зотнинг назари сенга тушсин ва шу тарзда орзуингга етишасан», дея ғойибдан бир овоз келди. У: «Улуғ зотни қаердан толайин?» дейиши билан, «Масжиддан», деган сас келди. Азиз: «У қадар кўп одамлар орасидан уни қандай танийман?» деган эди, сас: «Боравер, у сени танийди. Сени танишининг белгиси — кўлинг-даги кўзанинг тушиши ва сенинг ўзингдан кечишингдир. Шу вақтда унинг сенга қараганини тушунасан», деди. Азиз ўшундай қилди. Кўзани тўлдирди ва масжиддаги жамоатга сув тарқата бошлади. У одамларга сув бериб юраркан, илкисдан ўзида бир ҳол пайдо бўлганини билди ва «оҳ» дея йиқилди. Кўза қўлидан тушди. Сархуш ҳолда масжиднинг бир бурчагида қолди. Ҳамма кетиб бўлган эди. Ўзига келганда кўрдик, у ерда қолган одам унинг ўзи, улуғ зот ҳам йўқ эди. Аммо мақсадига эришган эди.

Оллоҳнинг шундай қўллари борки, Тангри уларни қизғонгани ва жуда буюк бўлганлари туйғайли кўринмайдилар, бироқ улар толибларни (ҳақиқатни излаганларни) мақсадларига етиштирадilar. Худди шундай, буюк подшоҳлар ҳам нодир ва нозли бўладилар.

Биз унга дедикки: «Сизнинг ёнингизга келишяптими?» У деди: Бизнинг ёнимиз ҳам, олдимиз ҳам қолмади. Зотан, анчадан бери йўқ эди. Агар келишаётган бўлса, ўша инонган, тасаввур этган мавҳум борлиққа келишмоқда. Исога (Оллоҳнинг саломи бўлсин) «Сенинг уйингга келяпмиз», дедилар. У: «Бизнинг бу дунёда уйимиз қаерда ва қачон уйимиз бўлган?» дея жавоб берди.

Ҳикоя. Ривоят қиладиларки, Исо алайҳиссалом қирни кезиб юрарди. Шу пайт шиддатли ёмғир ёға бошлади ва у бир қорақулоқнинг уясига кириб, ёмғирнинг тинишини кутди. Ваҳий келдики, қорақулоқнинг уясидан чиқ, чунки полапонлари сен туйғайли тинчланолмаётир. Исо: «Эй Оллоҳим! Қорақулоқнинг бу дунёда жон сақлайдиган жойи бор, меники эса йўқ. Қорақулоқ болаларининг ини бўлгани ҳолда Марям ўглининг на бошпанаси, на уйи ва на макони

бор», деб фарёд этди. Худовандигор буюрдик: қорақулоқ болалари уйининг мавжудлиги уларни ташқарига суриб ташлашга сабаб бўлолмайдик. Сенинг эса, бундай бир уйдан кетганинг бор. Уйинг бўлмаса ҳам, ундан кетмоқнинг лутфи ва сенга тегишли бўлган шундай муқофотга сазовор бўлмоқ шарафи сени ташқарида қолдирмоқда. Бу эса еру қукка, дунё ва охиратга, аршу курсига юзмингларча бадалдир, балки яна ҳам кўпроқдир, улардан афзалроқдир. Шундай экан, нечун кўрқасан?..

Буюрдик: Амир келди ва биз унга тездагина кўринолмадик. Бундан хафа бўлмаслиги лозим. Чунки бу зиератдан мақсад бизнинг нафсимизни ёки ўзини юксалтирмоқми? Агар бизнинг нафсимизни юксалтирмоқ гарази билан келган бўлса, яна-да кўпроқ ўтириб, кутмоғи керак. Шу йўсинда бизларни яна-да азиз тутган бўлади. Агар унинг мақсади савоб қозонмоқ эса, кутгани ва кутиб заҳмат чеккани учун савоби яна ортади. Шунинг учун амир нима ният билан келган бўлса ҳам, мақсади ортиғи билан ҳосил бўлганидан севинмоғи керак.

Фасл. «Бу қалблар бир-бирларини кўрмоқдалар» сўзи ҳар кимнинг дилида мавжуд бўлган бир нарсадир. Бу ҳикоя улар учун кашф қилинмаган. Йўқса: «Модомики қалб шохидлик бермоқда, сўзга не ҳожат бор эди, сўзнинг шохидлигига эҳтиёж бормиди?» дейишармиди?

Амир Ноиб: «Тўғри, қалб шохидлик беради, бироқ кўнглининг ўзига хос завқлиниши бор, шу билан бирга қулоқ, кўз ва тилнинг ҳам алоҳида хушланиш хусусияти бор. Шунга қура, фойдаларидан истифода этмоқ учун уларнинг ҳар бирига эҳтиёж мавжуддир», деди. Мавлоно буюрдик: «Агар кўнгли истиғроқ ҳолида бўлса, ҳамма нарса у билан маҳв бўлади ва тилга эҳтиёж қолмайди. Лайли раҳмоний эмас, балки жисмоний ва нафсий эди. Тўпроқ ва сувдан майдонга келган эди. Фақат, унинг ишқиди шундай бир истиғроқ мавжуд бўлганидан Мажнунни шу қадар ром этди ва ботирдики, энди Лайлини куриш учун кўзга, сўзини эшитмоқ учун сасга муҳтож эмасди. Ахир, Лайлини ўздан айро кўрмас эди-да...»

Шеър: (Сенинг хаёлинг менинг кўзимдадир. Исминг тилимда, зикринг дилимдадир. Шундай экан, қаерга мактуб ёзайин?)

Жисмоний бўлган бир кимсада шундай бир қудрат бормики, ўзини бундан узоқ кўрсин ва кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъм билиш ва ҳоказо барча туйғулари унда фарқ бўлсин? Шу тарзда унинг аъзолари ҳам бошқа лаззат изламасин. Лаззатларнинг ҳаммасини бир ерга тўпласин ва тайёр ҳолда кўрсин. Агар айтилган аъзолардан бири қандайдир завқ олса, қолган аъзоларнинг барчаси шу завқ ва лаззатга фарқ бўладилар ҳамда ўзга бир лаззат истамаслар. Агар бу туйғулардан биттиси бундан бошқа ҳам лаззат истаса, бу ҳалиги ягона аъзонинг тамомила бошқа лаззат олганидан ёхуд ундан мутлақо баҳраманд бўлолмаганидан далолат беради. Ҳар ҳолда, у (туйғу) лаззатга фарқ бўлмаганидан қолган туйғулар бошқа лаззат қидиради ва турли-туманликини хоҳлайди. Ҳар бир туйғу бошқа-бошқа лаззат олмоқчи бўлади. Инсондаги туйғулар маъно нуқтаи назаридан ягона ва жам, кўринишидан эса, айри-айридир. Бир аъзода истиғроқ ҳосил бўлиши билан қолган туйғулар ҳам унга фарқ бўладилар. Масалан, пашша учганда унинг бутун аъзолари — қанотлари, боши ҳаракат этади. Аммо асалга ботиб қолганда эса, унинг барча аъзолари бирлашади ва ҳаракат этолмай қолади. Истиғроқ шундай ҳолдирки, бу ҳолда бўлган киши шу орада йўқ бўлади ва унинг ҳеч бир ҳаракати, ғайрати, иши ўздан майдонга келмайди. У бутунлай сувга ботиб, йўқ бўлган бўлади. Ундан кўрилган ҳар бир

ҳаракат ва иш узиники бўлмай, сувга доирдир. Агар хануз қўлоғини у ён-бу ён уриб турса ёхуд «Вой, ботдим!» дея бақириб-чақирса, бу ҳолга истиғроқ дейилмас.

«Мен Ҳақман» (Анал-Ҳақ) дейишни одамлар буюкликни даъво қилиш ҳисоблайдилар. «Мен Ҳақман» дейишлик улуг бир камтарликдир. Бунинг урнига, «Мен Ҳақнинг қулиман» деган киши икки борлиқни — ўзи ва Тангри борлигини исботлаган бўлади. Ҳолбуки, «Мен Ҳақман» деган ўз борлигини йўқ қилгани учун «Анал-Ҳақ» демоқда. Яъни, мен йўқман, барчаси Удир. Тангридан бошқа борлиқ йўқдир. Мен мутлақо йўқликман, ҳечман. Бу сўзда камтарлик қўпроқ эмасми? Аммо халқ бунинг маъносини тушунмаяпти. Агар инсон Оллоҳга фақат Оллоҳ ризоси учун қўллик қилса, унинг қўлиги аён-дир. Оллоҳ учун бўлса-да, узини, ўз ишини ва Тангрини кўради. Бундай киши сувга гарқ бўлган бўлолмайди. Сувга гарқ бўлган зот ҳаракатсиз кишидир, унинг ҳаракати сувнинг ҳаракати ҳисобланади. Мана шундагина у чинакамига сувга ботган бўлади.

Арслон жийронни қувди. Улар иккита борлиқ эди. Аммо арслон ўлжасига етиб, уни панжалари орасига олганда, жийроннинг ҳуши бошидан учди: борлиги йўқ бўлди; узини йўқотди. Бу онда ёлғиз арслоннинг борлиги мавжуддир. Жийроннинг борлиги эса йўқ бўлгандир.

Истиғроқ Улуғ Тангрининг авлиёни ўзидан кўрқитиши ва бу кўрқувнинг Ҳақдан, ишончининг Ҳақдан, севинч ва ҳуррамликнинг Ҳақдан, овқат ва уйқунинг Ҳақдан эканлигини унга кашф қилдирмоғидир.

Оллоҳу акбар унга кўзи очиқлигида, бедорлигида махсус бир шакл кўрсатади: бу ё арслон, ё қоплон ва ё олов шаклидир. Тангри буларни унга бу оламдан эмас, балки ғайб оламининг шакллари эканлигини билдириш учун кўрсатади. Худди шундай, ўз суратини ҳам улуг гўзаллик ичра боғлар, бўстонлар, наҳрлар, ҳурилар, қўшқиклар, озиқ-овқатлар, шароблар, хильфатлар, буроқлар, шаҳарлар, уйлар в бошқа турли-туман ажойибликлар ҳолида намойиш этади. Авлиё буларнинг ҳақиқатан ҳам ушбу оламдан эмаслигини билади. Тангри буларни унинг кўзига кўрсатиб, тасаввур эттиради ва шу тарзда кўрқувнинг Оллоҳдан бўлганлиги ҳақиқати ҳосил бўлади.

Ишонч Тангридандир. Бутун ором ва мушоҳадалар Ундандир. Худди шунинг учун ҳам авлиёнинг кўрқуви халқининг кўрқувига ўхшамайди. Чунки буларнинг барчасидан кўринган нарса Оллоҳдир, бироқ буни қайд қилиб бўлмас. Ҳаммасининг ўзидан ҳосил бўлганини Тангри унга (авлиёга) очиқ-ойдин кўрсатган. Файласуф ҳам бундан хабардор. Бироқ у далил орқали билади. Далил доимий эмас, ундан туғилган гўзалликнинг, завқнинг умри ҳам қисқадир. Сен унга далил кўрсатгунингча, у ўзини мамнун ва покиза ҳис этади. Далилни намойиш қилганингдан кейин эса, унинг аҳволи ўзгаради, бир оз олдинги ҳарорат ва мамнунликдан асар ҳам қолмайди. Масалан, киши далил орқали бир уйнинг қурувчиси бўлганини англайди. Яна бир далил билан эса, уйни қурган устанинг кўзлари кўр эмас, очиқ бўлганини, қувватли бўлиб, ожиз бўлмаганини, йўқ эмас, бор бўлганини ва бу уй қурилмасдан аввал мавжуд эканлигининг шохиди бўлади. Бироқ буларни билгани ҳолда, далил давомли бўлмагани учун, тездагина ҳаммасини унутади. Лекин орифлар уй қурувчисини таниганлари, унга хизмат қилганлари ва уни айнал-ақийн ила қурганлари учун, у билан бирга еб-ичганлари, муносабатда бўлганларидан у (уста) (орифларнинг) кўз ўнпиларидан кетмас, тасаввурларидан йўқолмас. Шунинг учун ҳам

бундай киши Ҳаққа яқин бўлади. Энди унинг учун гуноҳ гуноҳ ҳисобланмайди, айб айб саналмайди. Чунки у Оллоҳда йўқ бўлмиш-дир.

Бир подшоҳ қўлларига: «Меҳмон келяпти, қўлингизга қадаҳ олинг», дея буюрди ва ўзига энг яқин бўлган қўлига ҳам: «Бир қадаҳ ол!» амрини берди. Бу қўл шоҳнинг юзини кўриши билан ўзидан кечди, боши айланди ва қадаҳ қўлидан тушиб, синди. Аҳволни кўрган ўзга қўллар: «Демак, шундай қилса булар экан», деб билатуриб қадаҳларни ерга отдилар. Шоҳ: «Нега бундай қилдингиз?» дея уларни койиди. Улар: «Энг яқинингиз бўлган қўл ҳам шундай қилдику!» дедилар. Ҳукмдор: «Эй аҳмоқлар! Буни мен қилдим, у қилмади», деб жавоб қайтарди. Қилинган бу ҳаракатларнинг ҳаммаси зоҳиран гуноҳ эди. Бироқ ўша биргина қўлнинг ҳаракати тоат эди. Бу ҳаракат ҳатто бутун гуноҳлару савоблардан афзалроқ эди. Мақсад — ўша қўл, қолган қўллар эса шоҳнинг буйруғи эди. Шунинг учун ҳам барча қўллар шоҳнинг ўша қўлининг буйруқлари саналарди. Чунки бу қўл шоҳнинг ўзидир, қўллик унда суратдан бошқа нарса эмас ва у подшоҳнинг гўзаллиги билан тўладир.

Улуғ Тангри: «Сен бўлмасайдинг, фалакларни яратмас эдим», дея амр этади. Бу айни замонда «Мен Ҳақман!» демакдир. Яъни, фалакларни ўзим учун яратдим, бошқача айтганда, «Мен Ҳақман!»

Улуғларнинг сўзлари агар юз турли бўлса ҳам, модомики Ҳақ ва йўл танҳодир, демак, сўз ҳам иккита бўлолмайди. Иккита сўз зоҳиран ҳар на қадар бир-бирига мос ва уйғун кўринмаса-да, маъно нуқтаи назаридан (улар) бирдир. Айрилиқ — кўринишда. Маъно эътибори билан уларнинг ҳаммаси бирлашгандир. Масалан, бир амир чодир тиқишни буюрса, (хизматкорларнинг) бири ип тайёрлайди, бошқаси миҳ қоқади, бири буз тўқса, яна бири тикади... Бу ҳаракатларнинг барчаси кўринишдан турли-туман ва бошқа-бошқа ишлар бўлса ҳам, маъно жиҳатидан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммаси бир иш қилмоқдалар, демакдир. Дунёга ҳам диққат билан қарасанг, шу ҳолни кўрасан. Ҳамма нарса Тангрининг қўлигини бажо келтиради. Оллоҳга қарши чиққан фосиқу шайтон, унга итоат қилган солиҳу малак... барчасининг Тангрига қўллик вазифасини адо этаётганликлари кўринади. Масалан, бир подшоҳ ўз қўллари орасидан қайси бири саботлию қай бири саботсиз, қайсиси вафодору қай бири вафосиз, сўзида турган киму турмаган ким эканлигини билиш учун турли воситалар билан уларни синамоқчи бўлди. Бунинг учун, яъни, сабрлини сабрсиздан фарқламоқ учун васвасали ва ҳаяжонли кимсага эҳтиёж бордир. Агар (булар) бўлмаса, унинг сабри қандай билинади? Тангри саботлидан саботсизни айирмоқ учун бир шамол юборди. Бу билан пашшани боғдан, дарахтлардан узоқлаштирмоқ истади. Шу тарзда пашша кетиб, собит бўлганлар қолди.

Бир малик одамларидан қайси бири хоину қай бири содиқ эканини синаб билмоқ учун жориясига: «Узингга оро бер ва қўлларининг олдига бор!» дея буюрди. Кўринишдан жориянинг бу ҳаракати гуноҳга ўхшаса ҳам, аслида бундай эмас, чунки у шоҳнинг буйруғини адо этапти, холос.

Тангрининг бу кишилари Тангри қўлигини яхши ёки ёмон даражада бажараётганликларини, Оллоҳнинг тоати билан машғулликларини далилсиз, ҳатто пардасиз кўрдилар. Бу хусусда Қуръонда: «Этти осмон, ер ва улардаги бору жонзот (Оллоҳни) поклар. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин Сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамасизлар. Дарҳақиқат, У ҳалийм ва мағфиратли бўлган

зотдир»¹, дея амр этилган. Шунинг учун уларга бу дунё қиёмат ҳисобланади. Чунки қиёматнинг маъноси ҳар кимнинг Тангрига қўлликни адо этиши ва ўзга иш билан машғул бўлишидан иборатдир. Улар бу маънони, «ларда кўтарилса-да, билимим ортмас» сўзида бўлгани каби, шу оламда кўрмоқдалар.

«Олим» калимасининг маъноси луғатда орифдан устун ва маъноли демақдир. Чунки Тангрига «Олим» дейилади. Бироқ ориф демоқ жоиз эмас. Ориф деганда, олдин билмай, кейин ўрганган деган маъно тушунилади, шунинг учун бу сўз Оллоҳга нисбатан айтилмаслиги керак. Шунга қарамай, урф-одат нуктаи назаридан (сўзнинг) ишлатилишига кўра, маъноси кўпдир. Чунки ориф урф-одат керагида оламни далилсиз ҳолда, кўзи билан кўрган ва кузатгандир. Олимнинг (эса) юз зоҳиддан афзал эканини гапиришади. Чунки зоҳид илм билан зоҳид бўлган. Илмсиз зўҳд бўлмайди.

Зўҳд нимадир? Дунёдан юз ўғирмак, тоат ва охиратга таважжух этмақдир. Бунинг учун инсон дунёни, унинг чиркинлигини, саботсизлигини ва охират гузаллигини, унинг доимий ва боқий эканлигини билиши керак. Чунончи, «нима қилай, қандай тоат билан машғул бўлай?» дея жаҳд этиши ҳам бошдан-оёқ илмдир. Шундай экан, илмсиз зўҳд бўлмайди. Шу эътибор-ла, зоҳид ҳам олим, ҳам зоҳиддир ва «Бир олим юз зоҳиддан афзалдир» фикри айна ҳақиқатдир.

Бу илм ва зўҳддан бошқа яна бир илм бордирки, Тангрининг зотиға тегишлидир. Мазкур иккинчи илм зўҳд ва илмнинг самарасидир. Бунга соҳиб бўлган олим юз зоҳиддан эмас, балки юз минг зоҳиддан ҳам устундир. Оллоҳ буни истаганига беради. Бу шунга ўхшайдикки, масалан, бир одам битта кўчат ўтқазди ва у катта бўлиб, мева берди. Шу мевали ёлғиз дарахт мева бермаган юзта дарахтдан яхшироқдир. Яна бир мисол: Каъбага етган бир ҳожи Каъба сари отланган, бироқ ҳали етиб келмаган ва йўлларда ҳаракатланаётган, Каъбага муяссар бўлишлари гумон бўлган ҳожилардан афзалроқдир. Чунки Каъбага мушарраф бўлишлик ҳақиқатан ҳам ўша биргина ҳожиға насиб этмиш. Бир ҳақиқат юзта шубҳадан авлодир.

Амини Ноиб: «Эришмаганнинг ҳам умиди бор», деди. Мавлоно буюрдики: Умидли билан эришган ўртасида қўрқув ила ишонч орасидаги қадар фарқ мавжуд. Бу тафовутни сўйлашга нима ҳожат бор? Уни ҳамма билади.

Баҳс мавзуи бўлган нарса ишончдир. Ишончдан ишончининг ҳам фарқи бор. Чунончи, Муҳаммаднинг (Оллоҳнинг саломи ва салоти бўлсин) ўзга набийлардан устунлиги ишонч билан боғлиқдир. Чунки барча пайгамбарлар ишончда собит, қўрқувдан эса озод эдилар. Бироқ Қуръонда: «(Эй Муҳаммад), Парвардигорингизнинг раҳмати (бўлмиш пайгамбарлик)ни ўшалар тақсимлайдиларми? (Йўқ, асло ундок эмас!) Уларнинг ҳаёти, дунёдаги маишат-тирикчиликларини ҳам уларнинг ўрталарида Биз Ўзимиз тақсимлаганмиз ва баъзилари баъзиларини қўл остига олиб (ишлатиш) учун айримларини айримларидан баланд даража-мартабаларга кўтариб қўйганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати — пайгамбарлик эса, улар тўплайдиган нарса (мол-дунё)ларидан яхшироқдир»², дея амр қилинганидек, ишончда ҳам бир қанча даражалар бор. Аммо қўрқув ва унинг даражалари тўғрисида бир аломат кўрсатиш мумкин-у, ишонч даражаларининг аломати йўқдир. Одамлар Оллоҳ йўлида нима фидо қилмоқдалар, дея қўрқув оламиға назар солинса, ким жонини,

ким молини, ким жисмини бағишлагани, бировнинг рўза тутгани ва яна бошқасининг тутмагани маълум бўлади. Кимдир ўн ракат, кимдир юз ракат намоз ўқийди. Шунга кўра, буларнинг манзилларини тасаввур қилса бўлади. Уларни кўрсатса ҳам бўлади. Бу гуё Кўнядан Қайсаригача бўлган масофада Қаймаз, Убрук ва Султон каби манзилларнинг маълум бўлишига ўхшайди. Бироқ Анталядан Искандариягача бўлган узунликдаги денгиз йўлида эса манзиллар аломати йўқдир. Буни фақат кема даргалари биладилар, аммо қора халққа ҳеч нарса айтмайдилар. Айтган билан улар ҳам тушунмайдилар.

Амир: «Бундай айтишнинг ҳам муайян фойдаси бордир. Улар озгинасини билсалар ҳам, англайдилар ва тахмин этадилар», деди. Мавлоно буюрадики: Фараз қилайликки, бир одам кундуз бўлишини кутиб, кечаси мижжа қоқмади. Кундузга қандай борилишини билмаса ҳам, у барибир ниятиға етишади. Ёхуд кечаси карвоннинг орқасига қўшилган киши қаердан ўтганини, қаерга борганини ва қанча йўл босганини билмаса ҳам, тонг отиши билан ушбу ҳаракатнинг самарасини кўради. Чунки у муайян манзилға келган бўлади. Ниҳоят, кимда-ким Оллоҳ учун икки кўзини беркитса, унинг чеккан заҳмати беҳуда кетмағай ва «Бас, ким (ҳаёти дунёдалик пайтида) зарра мисқолчалик яхшилик қилса, (қиёмат кунда) ўшани кўрур»¹ фақат, инсоннинг ичи қоронғу ва пардали бўлгани учун қанча илгариларнинг ҳозир қўролмаса ҳам, охирида мутлақо англайди. «Дунё охиратнинг даласидир» (Ҳадис), дея буюрилганидай, инсон бу ерда (дунёда) нимани экса, у ерда (охиратда) ўшани ўради.

Исо (алайҳиссалом) кўп қуларди, Яхё (алайҳиссалом) эса кўп йиғларди. Яхё Исоға: «Сен Тангрининг нозик ҳийлаларидан узок бўлганин учун куляпсанми?» деди. Бунга жавобан Исо: «Сен (эса) Тангрининг инжа, латиф ва ажойиб лутфаларидан воқиф бўлмаганин учун йиғлаяпсанми?» деди. Ҳодисадан бохабар бир авлиё Оллоҳдан: «Булардан қай бирининг мақоми юксакроқдир!» деб сўрагач, «Менга нисбатан яхши ниятда бўлгани афзалроқдир» (Қудсий ҳадис), жавобини олди. «Мен қулим хаёл қилган жойдаман» (Қудсий ҳадис), яъни, мен бандамнинг тахмини бор ердаман. Ҳар бир қулимнинг ичиди менинги бир хаёлим ва суратим бордир. У мени қандай тахайюл этса, мен ўша хаёлдаман. Эй менинги қўлларим! Хаёлларингизни поклайинки, у ер менинги мақомим ва еримдир, демақдир. Мен Тангри бор бўлган шу хаёлинг бандасиман. Ҳақ бўлмаган ҳақиқатдан сиқиламан.

Энди сен ўзингни сина ва кулмоқ ва йиғламоқ, рўза, намоз, ёлғизлик, биргалик... ҳамда бунга ўхшаш нарсаларнинг қай бири сенга фойдали, қайси йўлдан борсанг, аҳволинг тезроқ яхшиланади — ўйлаб кўр ва сенинги илгариларининг қайси иш таъмин этса, сен ўшани қил. Муфтилар ҳар қанча фатво берсалар ҳам, сен олимнинг фатвосига қулоқ ос. Сенинги ичингда бир маъно бор. Сен уни кўрсатгинки, ўйгун бўлганини танлаб олсин. Масалан, хастанинг олдига келган ҳақим ишни аввало қасалнинг ич ҳақимидан сўрашдан бошлайди. Сенинги ичингдаги ич ҳақим мижозингдир. У нарсани ё қабул этади ёки йўқ. Шунинг учун ҳам ташқаридан келган ҳақим ундан: «Фалон нарсани еганда ўзингни қандай ҳис қилдинг?» каби сўроққа жавоб олади. Ва шунга кўра ташҳис қўяди. Бунга асос бўлган нарса ўша ич ҳақимдир — инсон мижозидир. Мабодо бу ҳақимнинг фаолияти бузилса, шакарни аччиқ, сиркани ширин дейди. Шунинг учун бетоб ўз мижозига (ич ҳақимига) ёрдам бериш ва

¹ Қуръони Карим, 17/44

² Қуръони Карим, 43/32

¹ Қуръони Карим, 99/7.

уни аввалги соғлом ҳолатига келтириш учун чет ҳакимга муҳтож бўлади. Кейинроқ эса, у яна ўзини ўз ҳакимига кўрсатади ва ундан йўл-йўриқ олади. Худди шундай, инсоннинг ҳам муайян маънавий бир мижози мавжуддирки, агар заифлашса, ички туйғуларнинг айтган ва кўрган нарсалари аксинча бўлади. Авлиёлар мана шу мижознинг яхшиланиши, қувват олиши учун ёрдам қилган ҳакимлардир. Чунки ҳатто Пайгамбар (алайҳиссалом) ҳам: «Нарсаларни менга бўлгани каби кўрсат» (Ҳадис), дея Тангрига ёлборган эди.

Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли-туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир. Зулмат ва пардаларнинг бўлишига қарамай, инсон ичидаги бир нарсага ўқий олади. Энди қара, уртадан пардалару қоронғуликлар кўтарилса, у нималарни билиб олмайдди, дейсан. Ахир, тикувчилик, меъморлик, дурадгорлик, заргарлик, мунажжимлик, ҳакимлик ва яна саноксиз санъатлар ҳам инсондан, унинг ичидан юзага чиққан, тошдан ё кесакдан ҳосил бўлмаган. Инсонга улиқни мазорга кўмишни қарга ўргатганини айтишдади. Ҳайвон инсоннинг бир парчаси эмасми? Бундай бўлса, парча бутунига қандай ўргата олади? Масалан, одам чап қўли билан ёзмакчи бўлади. Қаламни олади, қалби қувватли бўлишига қарамай, ёзаркан, қўли титрайди, аммо қалб амри билан барибир давом этади.

Баъзилар: «Амир келганда Мавлоно буюк ва муҳим фикрлар айтиди», дедилар. Мавлоно буюрадики: Амир келганда менинг сўзим бўлинмайди, чунки у сўз аҳлидир ва ҳаммаша сўзни ўзига тортади. Сўз ҳам ундан айрилишни хохламайди. Масалан, дарахтлар қишда япроқ ёзиб, мева бермаса, уларни меҳнат қилмаяпти, дема. Улар ҳамма вақт ишлайдилар. Бироқ киш йғиш, ёз эса сарфлаш пайтидир. Ҳамма ҳаржланганни кўради, тўпланганни эмас. Чунончи, бир одам зиёфат бериб, сарф-харажат қилса, қолганлар буни кўради. Лекин шу зиёфат учун озо-оздан йиққанини ҳеч ким кўрмаган. Асос бўлган нарса тўплангани, киримдир. Чиқим киримдан майдонга келади. Биз боғлиқ бўлган кишимиз билан ора-сира гаплашиб тураемиз. Чунки биз у билан бирмиш, боғлиқмиз. Сукутга чўмган ёки сўзлашган, у бор ёхуд йўқ, ҳатто калтаклашишган вақтимизда ҳам у билан баробармиз. Биз бир-биримизга киришиб, қоришиб кетганмиз. Масалан, бир-биримизни муштласак ҳам, барибир гаплашавраемиз. Сен бизнинг бир-биримизга отган муштни мушт санаман, унинг ичида узум (маъно) бордир. Ишонмасанг, оч, қара, у ерда қимматли жавҳарларни кўрасан.

Аслида бошқалар ҳам назм ёки насрда ҳақоиқ ва маърифатдан баҳс этмоқдалар, аммо Амирнинг майли ва яқинлиги бизга мувофиқдир. Унинг ташрифидан мақсад маориф, нозиклик ва ваъз талаби эмас. Чунки ҳамма жойда ҳам шундай билимлар ва назокат бордир ҳамда улар бизникидан асло кам эмас. Унинг мени севиши ва мени кўрмоқчи бўлганига сабаб булар эмас, балки Амир менда ўзгаларда бўлмаган бир жиҳатни — бир нурни кўрмоқдадир. Ривоят қиладиларки, бир подшоҳ Мажнунни чақириб, унга: «Сенга нима бўлди ва ниманг борки, ўзингни бунча расво қилдинг? Оилани тарк этдинг, хароб бўлдинг. Лайли ким бўпти, қандай гўзаллиги бор унинг? Кел, мен сенга гўзалларни кўрсатай, уларни сенга бағишлайин», деди. Гўзаллар Мажнуннинг олдида саф тортиб турганда, у ақалли бошини ҳам кўтариб қўймади. Шоҳ: «Ҳеч бўлмаса, бошингни кўтариб, бир назар сол!» дея койиди. Мажнун: «Қўрқяпман, Лайлининг ишқи қиличини олди, агар бошимни кўтарсам, ундан айрилла-

ман», деди. Лайлининг ишқига шунчалар мубтало эдики, ўзгага боқмоқ унинг учун улим қилчи ҳисобланарди. Аслида, бошқа гўзалларда ҳам кўзлар, дудоқлар ва бурунлар бор эди. Лайлида нима кўрган эдики, бу аҳволга тушди?

Фасл. (Мавлоно): «Сизни кўришни жуда хохлаяпмиз, фақат, халқ юмушлари билан банд эканлигингизни билганимиз учун безовта қилмоқчи эмасмиз», деди. У (Парвона): «Бу бизнинг вазирамиз эди. Даҳшат ўтиб кетди. Энди биз сизни зиёрат қилгани борамиз», деб жавоб берди. Мавлоно яна буюрди: «Фарқи йўқ, ҳаммаси бир, демакдир. Сизда ўша лутф борки, натижада барчаси бир бўлмоқда. Хайрлар ва эзгу ишлар билан шуғулланганингиз учун, албатта, биз ҳаммаша сизга йўналганмиз».

Энди бундан баҳс очамиз: Бир одамнинг боқадигани (болачақаси) бўлса-ю, бошқа бировда бўлмаса, одатда (бола-чақаси) боридан олиб, (бола-чақаси) йўғига берадилар. Зоҳиран қараганлар: «Бола-чақалари бордан олиб, бола-чақаси йўққа беряпсан», дейди. Ҳолбуки, тийран нигоҳ билан назар солсанг, бола-чақа эгаси унинг узидир. Шунга ўхшаб, кўнгил аҳли ва жавҳар эгаси бўлган зот ўзга бировни уриб, бошини ёрса, ҳамма калтакланганни мазлум дер. Аслида эса, урган мазлумдир. Золим ҳеч қандай хайрли ва фойдали иш қилмаган кимсадир. Шунга кўра, ҳалиги таёқ еган ва боши ёрилган золимдир, калтаклаган эса, шак-шубҳасиз, мазлум. Чунки у жавҳар соҳиби ва у қилган ҳар бир иш Тангрининг ишидир. Сабаб — у тангрида фойли бўлгандир. Тангрини золим демайдилар. Масалан, Мустафо (Оллоҳнинг салом ва салоти бўлсин) ҳам қон тўқди, қирғин қилди, ўлдирди. Булардан қатъи назар, улар золим-у, Мустафо мазлумдир. Яна бир мисол: Жавҳар соҳиби мағриблик Мағрибда яшамоқда. Бир шарқлик Мағрибга келди. Бу ерда ғариб ўша мағриблиқдир. Ахир, шарқдан келган нечун ғариб бўлсин? Чунки бутун олам бир уйдан ортиқ нарса эмас. У (шарқлик) бор-йўғи бу уйдан нариги уйга кирган ёхуд уйнинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига ўтган, холос. Аммо ҳамма бу уйда эмас, жавҳар соҳиби бўлган мағриблик уйга ташқаридан келган. Пайгамбар: «Ислому ғариб бўлиб зуҳур этти» (ҳадис), дейди, аммо «Шарқдан келган ғарибдир», демаган. Худди шундай, Мустафо вайронга учраган пайтида ҳам, вайрон қилган чоғида ҳам, барибир, мазлумдир. Чунки ҳар иккала ҳолда ҳам халқ унинг қулидир ва у ҳақлидир. Мазлум ҳақли бўлган кишидир. Мустафонинг асирларга юраги ачиди. Улуғ Тангри унинг хотири учун ваҳий индирди ва асирларга: «Ҳозир сиз ҳатто шундай занжиру арқонлар билан чирмаб боғланганингиз ҳолда, агар хайр тиласангиз, улуғ Тангри сизни қутқаради ва қўлингиздан кетган нарсаларни ортиги билан қайтиб беради!» Ризвон ва Ғуфрон охиратда мавжуд бўлган икки хазинадир. Бири сизнинг қўлингиздан чиққан, иккинчиси эса охиратнинг хизинасидир», дея амр этди.

Бир одам: «Банда бир амал қилганида, тавфиқ ва хайр ана шу амалдан ҳосил бўладими ёки бу Оллоҳнинг лутфидан келадими?» деб сўради. Мавлоно буюрди: Тангрининг лутфидан. Бироқ Улуғ Тангри ўта лутфкор бўлгани учун буни қулга ҳадя этар ва ҳар иккаласи учун ҳам: «Буларнинг иккиси ҳам сендандир», дея амр этади. «Бас, уларнинг қилиб ўтган амалларига мукофот қилиб улар учун беркитиб қўйилган кўзлар қувончини (яъни, охирағ неъматларини) бирон жон билмас!».

Савол берган яна сўради: «Модомики Оллоҳ шу қадар лутфкор

экан, у ҳолда ҳар ким орзуини айтиб, ҳақиқий талаб билан ғайрат кўрсатса, мақсадига етадимми?» Мавлоно буюрадики: Фақат, бир бошсиз (яъни, муршидсиз) бўлмайди. Мусо Тангрига итоат қилганида, Оллоҳ денгизда унинг учун йўллар пайдо этмиш. Мусо ва унинг одамлари денгиздан осонликча ўтишди, бироқ итоатсизлик бошланиши билан фалон чўлда бир қанча йил қолиб кетишди. Шундан кейин, раҳбар уларни йўлга солишга ҳаракат қилади, уларнинг садоқатига назар солади. Масалан, бир қанча аскар бир амирнинг хизматида бўлса ва унга бўйин сунса, амир ҳам бутун ақлу закосини қўл остидагилар аҳволини яхшилашга сарфлайди. Агар хизматкорлар итоат этмай қўйса, амир ҳам ўз ақлини уларнинг эҳтиёжларини қондиришга ишлатмайди.

Ақл инсон вужудида бир амир кабидир. Мабодо вужуд раиятлари унга бўйин сунса, барча ишлар текис кетади. Агар аксинча эса, ҳаммаси издан чиқади. Сархушлик келиши билан бу қўлу оёқдан ва вужуднинг барча аъзоларидан ҳар хил номаъқулчиликни кутса бўлади. Эртасига эса, киши ўзига ўзи «Оҳ, нима қилиб қўйдим, нега урдим, нега сўқдим?» дейди. Шунинг учун ҳам раҳбар бўлганда ва унга итоат этилганда, ишлар жойида бўлади. Масалан, ақл «Кетаман!» деганда, оёқ унга бўйин сунсинки, кета олсин, йўқса кетишни ўйламайди ақл. Шу тарзда ақл вужудда амир ҳисобланади, қолганлар халқдир ва ўз билимларию нуқтаи назарларидан қатъи назар, ақл учун улар хизматкордир. Ақл улар орасида валий саналади. Агар халқ ақлга итоат қилмаса, ишлари доимо пушаймонлик ва паршонлик ичида бўлгуси. Лозим бўлганидек итоат қилинса-чи, уларнинг ўз ақлларига мурожаат этишларига ҳожат қолмайди. Чунки улар масалани ўз ақллари билан (балки) тушуниб етмаслар. Шунинг учун ҳам ақлга бош эгишлари зарур. Чунонки, тикувчилик дуконига берилган ёш бола устага итоат қилиши лозим. Модомики боланинг мақсади ушбу касбни ўрганмоқ экан, демак, у ўз тасарруфидан воз кечиб, устанинг амрига «Лаббай» деб жавоб бериши шарт. (Худди шундай, биз ҳам) Улуғ Тангридан фақат Унинг инояти асирлари ҳисобланган юзмингта заҳмат ва риёзатдан устунроқ бўлган иноят сўраймиш.

(Куръонда айтилган) «Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир»¹, ояти билан «Оллоҳ тарафидан бўлган бир жазба бутун инсонларнинг ибодатларидан хайрлироқдир» (Ҳадис), сўзи бирдир. Яъни, бир ишда Унинг инояти ҳосил бўлса, инсон юзминг марта заҳмат чекишдан ҳосил бўлган ишни майдонга келтиради. Инсоннинг янада кўпроқ ишламоғи яхшидир, ҳушдир, фойдалидир, аммо Унинг инояти олдида буларнинг нима қиймати бор?

(Биттаси): «Иноят ғайрат берадимми?» деб сўради. У жавоб берди: «Нега бермасин. Иноят келиши билан ғайрат ҳам келади. Исо кўрсатган ғайратга қара — ҳали бешикдалигидаёқ: «Мен Оллоҳнинг бандасиман. У зот менга китоб — Инжил ато этди ва мени пайғамбар қилди»² деди. Буюрдики: Расулulloҳ Мухаммад ҳам меҳнат қилмасдан бу мақомга восил бўлдимми? У жавоб берди: «Ахир, Оллоҳ кўксини Ислому учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир нур — ҳидоят устида бўлган киши (куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурими)?!»³

Авалдан бўлган фазлдир. Инсон ўз ичидаги исвандан қутулса,

буни Оллоҳнинг фазли ва карами, дея билмоғи керак. Йўқса, у билан бирга булган дуствларида бу ҳол нечун воқеъ бўлмади? Фазл ва мукофотдан кейин оловнинг учқуни сингари сачраган бир ҳол пайдо бўлади. Илк учқун атодир (бағишловдир). Агар учқунни парвариш айлаб, оловини орттирсанг, ундан фазл ва жазо ҳосил бўлади...

... Мавлонога «Сизни жуда ҳам севишади», дедим. (Ҳазрат) буюрдики: Менинг зиёратим ҳам, сўзларим ҳам дўстлик нисбатида эмасдир. Мен ақлимга келганини сўйлайман. Тангри истаса, шу сўзни ҳам фойдали қилади ва кўксингизга жойлайди. Бундан фавқуллодда буюқ фойдалар ҳосил этади. Тангри истамаса, юзминг сўз айтилган бўлса ҳам, уларнинг ҳеч бири қалбингизга кирмайди, келиб-кетилади, унутилади. Масалан, оловнинг бир учқуни кийимга тушса, Тангри истаса, шундан ўт чиқади, агар истамаса, юз учқун тушса ҳам, барчаси сўнади, таъсир этмайди.

«Осмонлар ва ер қўшинлари ёлғиз Оллоҳникидир».¹ Бу сўзлар Тангрининг қўшинидир. Унинг раҳбарлигида қолганларни олади-лар. Тангри мингларча аскарга: «Боринг, фалон қалъага кўрининг, фақат, олманг», деса, улар айтилгандек ҳаракат қиладилар. Агар биргина отликқа: «Анави қалъани забт эт!» деса, у ҳеч қийинчиликсиз қалъани забт этади. Тангри бир пашшани Намрудга бало қилди ва шу тарзда уни ҳалок этди. «Орифнинг назарида бир қақа билан олтин, арслон билан мушук тенгдир», дейилганидек, агар Улуғ Тангри истаса, бир қақа билан минг динорлик ишни қилса бўлади ва аксинча, минг динор билан киши бир қақалик иш қилолмайди. Намрудга пашшани офат қилгани каби, (Тангри) инсонга бир мушукни бало этса, бас, унинг куни битади. Агар ўлдиришни истамаса-чи, арслон ҳам инсоннинг қаршисида титраб қолади. Ёхуд унинг эшагига айланади. Чунонки, баъзи дарвешлар арслонни эшақдай минишган.

Тангри Иброҳимнинг ўтда куйиб кетишини хоҳламагани учун олов пайғамбарга совуқ бир модда каби таъсир қилди. Ҳатто, айтиш мумкинки, оташ гулистонга айланди. Тангридан умид қиламизки, бизнинг бу сўзларимизни вужудингиз қулоққа айланиб эшитасиз. Агар сизнинг ичингизда сўзимизга хайрхоҳ бир туйғу бўлмаса, айтганларимиздан наф йўқ. Ахир, ичкаридаги ўғри келиб эшикни очиб бермагунча, ташқаридаги ўғри уйга киролмайди-да. Яна бир мисол: дарахтга намлик аввало унинг илдизидан келмаса, сенинг юқоридан қўйган сувингнинг фойдаси йўқ.

(Бу дунёда) юзмингларча нур кўрсалар ҳам, нурнинг аслидан ўзгасига қиймат бермайдилар. Агар кўзда бир нур бўлмаса, бутун оламни тўлдириб турган нурни кўрмайди. Бунда асос бўлган нарса нафсдаги қобилиятдир. Нафс бошқа, руҳ бошқа. Кўрмаяпсанми, ахир, инсон уйқуда экан, нафс қаерларга бориб келмайди? Руҳ эса, ҳамisha вужудда қолади. Айланиб юрган нафс ва у унинг каби бир нарсадир.

Биттаси: «Алининг нафсини билган Тангрини ҳам билади, деганлари нафсини?» деб сўради. У: «Бу нафсдир, дейилса, уни чулу биёбонга отмаслик лозим. Биз нафсни англагасак, тушуниб қолар. Чунки у нафсни билмайди», деди. Бу — сўз билан тушуниладиган нарса эмас. Сўз билан шу қадр бўлади. Бизнинг демоқчи бўлганимиз бу: Шундай бир олам борки, уни қидирмоғимиз керак. Бу дунё ва ундаги гўзал, хуш нарсалар инсоннинг ҳайвонлик тарафининг

¹ Куръони Карим, 97/3

² Куръони Карим, 19/30

³ Куръони Карим, 39/22.

¹ Куръони Карим, 48/4.

насибасидир. Улар ҳайвонликка куч беради. Асос бўлган инсонлик жиҳати эса, кундан-кунга заифлашади. «Инсон гапирувчи ҳайвондир», дейишади. Демак, у икки нарсадан иборатдир. Бу дунёдаги унинг ҳайвонлик тарафининг озукҳати шаҳват қўзғатувчи нарсалар ва орзулардир. Инсонлик тарафининг озукҳати эса билим, ҳикмат ва Тангрининг Жамолидир. Инсоннинг ҳайвонлик тарафи Ҳақдан, инсонлик тарафи эса, дунёдан қочади. «Сизлардан (айримларингиз) кофир, сизлардан (айримларингиз) мўминдир». Вужудда икки шахсият доимо жанг қилмоқдадир. Кураммиз, толеъ кимга кулиб боқаркан!

Жамадодни¹ нечун жамадод дейишади? Чунки улар жонсиз ва дўниб қолгандир. Модомики, киш йўқ экан, у ҳолда булар нега жонсиз ва музлаган аҳволда? Оламнинг маъноси мужарратдир². У кўзга кўринмайди, фақат таъсир воситасида англашилади, холос. Бу олам ҳамма нарсаси яхлаган ва ўлик ҳолда бўлган бир киш мавсумига ўхшайди. Аммо бу қандай киш бўлди? Бу ақлий бир кишидир, ҳиссий эмас. Илоҳий ҳаво эсиши билан саратон жазирасида бутун музликлар эриганидек, тоғлар ҳам эриб, олам сув ҳолига келади. Қиёмат кунини ҳам ана шу ҳавога ўхшайди, зуҳур этиши билан ҳаммаёқ эрийди. Улуғ Тангри мазкур калималарни бизга аскар қилиб берди. Душманга қарши қўймоқ ва уни даъф этмоқ учун атрофингизга бир саъд³ тиклайдилар. Фақат, асос шуки, ичкаридагилар душмандир, ташқаридагилар эса, ҳеч вақо. Ахир, кўрмаясанми, мингларча кофир бир кофирнинг асири, у эса ҳаммасининг подшоҳидир. Нафси кофир ҳам душманларнинг асиридир. Демак, англашилмоқдаки, бу ерда муҳими — тушунча. Бундай ожиз ва жирканч тушунчага мингларча одам, ҳатто бутун олам асир бўлса, ҳисобсиз тушунчалар мавжуд ерда унинг буюклиги ва шон-шухрати қандай булиши зарур? Булар оламларни қандай қилиб қўлга киритади, душманларни қандай йўқ этади? Сонсиз-саноқсиз инсонларнинг, охири кўринмаган улкан қўшиннинг бир одамга асир бўлганини кўрмоқдамиз. Одамнинг ўзи эса, арзимаган бир тушунчанинг қулидир. Бир ожиз тушунчанинг асири бўлган булар буюк ва мислсиз, таҳликали, қўтлуғ ва улуғ тушунчалар қаршисида нималар қилар экан? Демак, англаяпмизки, иш тушунчаларнинг қўлида ва суратлар (инсонлар) уларга боғли, уларнинг қуролидир. Инсонлар тушунчасиз ҳеч нарсага ярамайдилар, жамадод ҳисобланадилар. Кўринишдан юз ёшда бўлса ҳам, аммо нарсаларнинг фақат зоҳиринигина биладиганлар ҳали боладирлар. Пайгамбар: «Биз кичик урушдан катта урушга ўтдик», дейди. Ҳа, биз суратлар билан жанг қиладиган эдик, энди эса, тушунчалар қўшинлари билан олишмоқдамиз. Эзгу тушунчалар ёвуз тушунчалар ўрнини эгаллаши учун курашмоқдамиз, демақдир. Аслида, энг буюк жанг ва кураш шу эмасми? Шунга кўра меҳнат қилган, ишлаган тушунчалардир. Улар ўртада вужуд бўлмаса ҳам, фаолиятда бўла оладилар. Чунончи, энг фаол ақл ҳеч қандай воситасиз фалакни айлантормоқда, бизга, олатга муҳтож эмаслигини исбот этмоқда...

... Амал ҳамда илм мавжуддир. Баъзиларнинг амали бор-у, илми йўқ. Баъзиларда эса, аксинча. Агар инсонда ҳам амал, ҳам илм бўлса, у ўта муваффақиятли зотдир. Бунга ўхшаган нарса шудир: бир одам йўл юради, аммо бу унинг йўлими-йўқми; билмайди, кўр-

кўрона ҳаракат этади. Ниҳоят, қаршисидан маъмур бир ер чиқади ёхуд хўрознинг қичқиринини эшитида. Бошқа биров эса йўлни ҳам, манзилни ҳам билади. Унинг учун аломату ишоратга ҳожат йўқ. Иш унинг қўлидан келади. Энди қиёсланг, бу одам қаердаю наригиси қаерда? Демак, илм ҳамма нарсадан устундир.

Фасл. Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Кеча узундир, уни уйку билан қисқартирма, кундуз порлоқдир, уни гуноҳлар билан қорайтирма», деди. Кеча Тангрига сир айтиш ва ёлбориш учун узундир. Бунда инсон дўст ва душманлари томонидан безовта қилинмайди ва Тангри билан ёлғиз қолади. Улуғ Тангри инсон амалларини кўз-кўз этишдан сақланишини ва фақат Оллоҳ учун қилинишини таъминлаш мақсадида кечани бир пардадек тортган. Аммо шу зулмат тунда ҳам амалларини фақат кўрсатиш ниятидагина адо этганлар ёлғиз Тангри учун қилганлардан ажралиб туради. Кўз-кўз учун амал қилган кимса ярамасдир. Бундай иккиюзламачи одам ўзи: «Модомики мени ҳеч ким кўрмас экан, унда нега ибодат қилайин» дер. Жавобан: «Сени кўрмоқда, фақат сен сени кўрганни кўра оладиган инсон эмассан», дейишади. Сени шундай бир зот кўрмоқдаки, ҳар ким Унинг қудрати қўлидадир ва ожиз қолганларида ҳамма Уни қаҳиради. Одамлар бирор жойлари оғриганда ё бирор фалокат юз берганда ўзларини ишончли аҳволда ҳис этмаганларида Унга мурожаат қиладилар ва илтижоларининг мустажоб бўлишига инонадилар. Бироқ Оллоҳ улар тилақларини бажо келтирганда, улар яна оёққа турганларида, такрор хаёлга бериладилар ва: «Эй Танграм! Зиндоннинг бир бурчагида минг «Қулҳуваллоҳ...» ила зерикмасдан Сени чорлаган эдик ва Сен бизга ёрдам бердинг. Энди биз ташқаридами, бироқ зиндонда бўлганимиздагидек ҳамон Сенга муҳтожмиз. Бизни қоронғу оламнинг зиндонидан чиқар-да, набийларнинг оламига етказ. Ахир, бизга ўша зиндондан чиққан ва дарддан халос бўлган онимиздаги ихлос нечун келмаётир-да, бунинг ўрнига, юзминг турли хаёл ҳосил бўлмоқда? Хаёлларнинг фойда бериш-бермаслиги ҳам аниқ эмас. Улар фақат дангасалиғу зерикши ҳиссини уйғотаётир. Буларнинг қулини кўкка совурган ишонч ва аниқлик қаерда?» дея Улуғ Тангрига ёлворадилар. Жавобан улуғ Тангри буюрадики: Менинг бундан мақсадим сиздаги ҳайвоний нафсдир. Бу мен ва сизнинг душманимиздир. Эй мўминлар! «Менинг душманам ва сизларнинг душманларингиз (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар»¹ Бу душманни ҳар доим мужоҳада зиндонда ушла туринг. Чунки зиндон аро бало ва дард исканжасида экан, ихлосингиз қувватланади. Тишинг ё бошинг оғриганда, бирор нарсдан қўрққанда, Тангрига нисбатан ичингда ихлос пайдо бўлишини минг марта синаганинг ҳолда, нега яна танангнинг роҳатига боғланиб қолдинг? Ҳар доим уни боқдинг, парвариш қилдинг, нега? Ипнинг учини қочирманг: нафс хоҳишларини адо этишдан сақлангангиз, абадий муродингизга етасиз ва ушбу зулматхонадан — зиндондан қутуласиз. Шунинг учун ҳам Қуръонда: «Энди ким ҳаёти дунёлик пайтида Қиёмат кунини Маъшаргоҳда Парвардигорнинг (ҳузурда) туриши ва У зотга ҳисоб-китоб бериши (дан қўрққан ва нафсини ҳавойи хоҳишлардан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина) унинг учун жой бўлур»², дейилган. Фасл. Шайх Иброҳим дедики: Сайфуддин Фаррруҳ бир одамни калтақларкан, унинг айбини атрофдагиларга ҳам айтарди. Натижада, ҳамма айблини урди, ҳеч ким уни қўтқаришга ҳаракат қилмади.

¹ Жамадод — тош, тупроқ каби қаттиқ жисмлар.

² Мужаррат — ёлғиз, соф.

³ Саъд — девор.

¹ Қуръони Карим, 60/1.

² Қуръони Карим, 79/40-41.

Мавлоно буюрдики: Бу оламда кўрган нарсангнинг ҳаммаси у дунёда ҳам айна шундоқдир. Бу дунёда юрганлар балки у дунёдан намунадир ва уларни ўша ёқдан келтиргандир. Куръонда: ...«ҳар бир нарсанинг асли — манбаи Бизнинг даргоҳимиздадир»,¹ дея амр этган.

Дўкондаги нарсалар омборхонадагиларнинг қисмларидир. Ахир, омборлардагини дўконга сигдириб бўлмайди-ку! Инсон ҳам ана шундай дўконга ўхшайди. Унга ҳам Тангрининг сифатлари ҳазиналаридан бирор-бир парча (эшитиш, кўриш, гапириш, ақл, билим, мардлик ва ҳоказолардан) берилган. Демак, инсон Тангрининг сайёр сотувчиларидир ва у тижорат билан машгул. Кундузи савдо қилиб идишларни бўшатади, кечаси эса бўш идишлар яна тўлдирилади, қувватлантирилади.

У оламда турли-туман кўзлар, назарлар бордир. Улардан инсонга ҳам намуна берилди. Кўрмоқ. Бу инсоннинг кўришидан иборат эмас, бироқ у бундан ортиғига бардош этолмайди. Ушбу сифатларнинг ҳаммаси сунгисдир, бироқ улар муайян ўлчовларда тақсим қилинади. Ахир, ўйлаб кўргин, шу вақтгача қанчадан-қанча одамлар келиб кетди ва улар бир денгизда тўпландилар. Агар ҳар ким ана шу денгизнинг на қадар улканлигини билса, оламнинг ҳам шундан майдонга келганлигини ва яна ўша ерга қайтиш бўлажagini қабул қилмоғи лозим. Чунки «Албатта, биз Оллоҳнинг (баъдаларимиз) ва албатта, биз у зотга қайтгувчилармиз»,² дея буюрилган. Ёъни, бизнинг барча парчаларимиз У ёқдан келгандир, У ёқдан бир намунадир. Ва яна Унга қайтажаклар. Бу катта-кичик ҳайвонлар учун ҳам тегишли.

Инсонларда айрим васфлар гизли сақланади, бироқ маълум бир ташқи таъсир воситасида ошкор бўлиб қолади. Сифатларингга боқ. Фикр юритиб қараганингда, ўзингга ҳеч қандай сифат тополмайсан. Чунки сифатлар яшириндир. Бу денгиздаги сувга ўхшайди, тўлқин бўлмагунча ташқарига чиқмайди. Тўлқин — ичиди ташқи восита бўлмай вужудга келган ҳаракатдир. Денгиз сассиз ва сокин бўлгани учун буни кўриб бўлмайди. Сенинг гавданг денгиз бўйидадир, руҳинг эса денгиздир. Ундан не-не балиқлар, илонлар ва қўшларнинг чиқиб-кирганларини кўрмайсан. Сенинг қизишмоқ, қизганмоқ, шаҳват ва яна бошқа сифатларинг бошларини шу денгиздан чиқарадилар. Мазкур васфлар Тангрининг латиф ошиқларидир. Уларнинг гўзалликларини кўриб бўлмайди. Фақат дил либоси воситасида илғаш мумкин, ечинганларида эса латифликлари боис кўзга кўринмайдилар.

Фасл. Инсонда шу қадар улкан ишқ, ҳирс, орзу ва дард бордирки, юзмингларча олам ўзиники бўлса ҳам, кўнгли тинчмайди. У машгул бўлган ишида, санъатда, илми нужумда, ҳақимликда... ҳамма-ҳамма жойда ҳам ҳузур тополмайди. Чунки истаган нарсасини кўлга киритолмаган. Ёр дилоромдир, ёъни кўнглини тинчлантирувчи, демақдир. Шундай экан, кўнгли бошқа билан қандай хотиржам бўлсин? Завқ ва орзулар зинапоёга ўхшайди. Зиналар утириб, дам олишга мослашмаган, аксинча, устига босиб ўтилади, холос. Умрини шу зиналарда беҳуда ўтмазмаслик учун рофилликдан тез уйғонган ва аҳволнинг моҳиятини англаб етган зот қандай бахтли!

Кимдир: «Мўғуллар молимизни тортиб олишяпти, бироқ орасирада яна қайтиб беришяпти. Қизик, бунинг мантиғи не?» деб

сўради. Мавлоно буюрдики: Мўғул олган ҳамма нарса гўё Оллоҳнинг ҳазинасига кирмоқдадир. Чунончи, денгиздан бир кўза сув олсанг, энди бу сенинг мулкинг бўлади ва биров келиб уни талаб қилолмайди. Бироқ сен сувни денгизга такрор тўксанг, энди у ҳар ким учун ҳалол бўлгуси. Чунки сув бундан буён сенинг молинг эмас. Шу нуктаи назардан, бизнинг молимиз уларга ҳаром, уларнинг моли эса бизга ҳалолдир.

«Ислом динида уйланмаслик йўқдир. Жамланиш раҳматдир». (Ҳадис). Мустафо кўпчилики билан ҳаракат қилди. Чунки жамланган руҳларнинг буюк асарлари мавжуддир. Инсон ёлғиз экан, бундай асар ҳосил бўлмайди. Масжиднинг қурилишидан мақсад — маҳалла халқининг у ерда тўпланиши ва Оллоҳнинг раҳматини орттиришидир. Уйларнинг бўлак-бўлак бўлишининг фойдаси эса, одамлар айбларини беркитмоқдан иборат. Шаҳар халқининг тўпланиши учун жомеъ барпо этилган. Каъбани аввало зиёрат қилишлари учун, қолаверса, бутун дунёнинг бир ерга жамланиши учун вожиб этдилар.

Бири дедик: Мўғуллар дастлаб бу ерга келганларида қип-яланғоч эдилар. Минадиган ҳайвони ҳўкиз, қуроллари эса ўтин эди. Энди эса, қоринлари тўйди, барча яхши нарсаларга эга чиқдилар. Энг гўзал араб отлари ҳам, энг кучли қуроллар ҳам уларнинг кўлларида. Мавлоно буюрдики: уларнинг кўнгиллари чўкиб, ўзлари ожиз қолганлари пайтда Тангри илтижоларни қабул этди ва ёрдам берди. Энди эса, шу қадар муҳташам ва бақувват бўлган дамларида халқнинг фақирлиғиго заифлиги воситаси билан улуг Оллоҳ уларни даф қилади. Шу тарзда улар Тангрининг кўмаги билан дунёни забт этганликларини, ўз куч-қувватлари билан эса, ҳеч қаерга боролмасликларини англамоқлари учун халқнинг қудрати ила Оллоҳ уларни йўқ қилади. Илғари улар узоқ бир чўлда фақир, яланғоч ва бечора бир аҳволда яшардилар. Фақат баъзиларигина тижорий мақсадлар билан Хоразмга келиб, ўзлари учун кийим-кечак олиб кетарди. Хоразмшоҳ бу тижоратни манъ қилиб, тўжжорларни ўлдиришга ҳўкм этарди. Ўз савдогарларининг ҳам улар тўжжорлиғига борлишларини истамасди. Омон қолган мўғул тўжжорлари¹ эса, ватанларига қайтиб, подшоҳларига воқеани айтиб бердилар. Ҳўкмдорлари ун кунга изн олиб, бир горнинг ичига кириб кетди ва чин дилдан ибодат этди, Оллоҳга ёлворди. Ниҳоят, Улуг Тангридан: «Сенинг тилагингни, илтижоларингни қабул этдим. Ташқари чиқ. Қаерга борсанг ҳам музаффар бўл!» деган бир сас келди. Шунинг учун ҳам улар Тангрининг буйруғи ила йўлга тушганлари боис қаршиларига қип-яланғоч қандай кучни босиб-янчдилар, ер юзини қопладилар.

Кимдир: «Татарлар ҳам қиёматга ишонишади ва албатта, ҳисобкитоб кўни бўлажак», дейишяпти, деди. Мавлоно буюрдики: Ёлғон айтишади, ўзларини мусулмонлар билан бир қилиб кўрсатмоқчилар. Ёъни, биз ҳам биламиз ва ишонамиз, демоқчи бўлишади. Туядан «Қаердан келяпсан?» деб сўрашса, у: «Ҳаммомдан» деб жавоб берибди. Шунда: «Тўпигингдан маълум», дейишибди. Худди шундай, агар улар ҳам қиёмат кўнига инонсалар, бунинг далили қани? Ахир, бу гуноҳлар, зулмлар, ёмонликлар усти-устига ёққан қордек қатлангандир. Кўёш қорларни эритганидек, гуноҳ қилишдан воз кечиб, Ҳаққа қайтиш ва пушаймонлик кўёши ўша қат-қат музликларни эритади. Шунда Тангридан қўрқилади ва дунёнинг ҳақиқий аҳволи аёнлашади, исён тарк этилади. Агар киши: «Мен кўёшни кўрдим, саратон иссиғи билан устимга нур сочи» деса-ю, ўзи

¹ Куръони Карим, 15/21.

² Куръони Карим, 2/156.

¹ Румий уларни бу ўринда «татарлар» деб атайди. — Тар.

қор ва муз ҳолида бўлса, унинг гапларига ишонса бўладими? Сара- тонда қор ва музнинг эримаслиги бўлмағур гапдир. Улуғ Оллоҳ ҳар нақадар яхши ва ёмон амалларнинг жавоби қиёматда берилади, деб ваъда қилса-да, биз намуналарини бу дунёда ҳам ҳар лаҳзада кўроқдамиз. Масалан, бир одамнинг кунгли фарахланса, демак, у кимнидир севинтирган ва ундаги қувонч ана шу ишнинг мукофоти- дир. Худди шундай, инсоннинг хафагарчилиги унинг бошқа биров- нинг кунглини огритганига муносиб жавобдир. Булар у дунёнинг армуғонлари, жазо кунининг ўрнақларидир. Мақсад — оз нарсалар орқали одамларга кўпни тушутириш. Омбор тўла бугдой ҳақида тасаввур бериш ниятида бир ҳовуч бугдойни кўрсатишдек гап бу.

Сенга майдонга келган нохушлигу касалликларнинг барчаси қа- чонлардир қилган ёмонликларинг ва гуноҳларинг таъсиридандир. Жуда кўп ёмон ишлар қилдинг, бироқ билимсизлигинг тужайли уларнинг ножоиз эканини билмайсан ёки бир динсиз ўртоғининг таъсирида қолгансан. Ҳатто сен буларнинг гуноҳлигини тушун- майсан. Энди сен буларнинг жавобига боқ — қанча қувончинг бору қанча ғам-ғуссанг бор. Ғам-ғусса мутлақо бир гуноҳнинг муқобили, қувонч эса, албатта, ибодатнинг мукофотидир. Шунинг учун ҳам Мустафо алайҳиссалом бармоғидаги узукни айлантларкан: «Сизни беҳудага вақт ўтказсин ва ўйнасин, деб яратмадик!» дея койинган эди. «Ёки сизларнинг гумонингизча, Биз сизларни беҳуда (яъни, дунёда сизларга бирон вазифа бермайдиган, охиратда ҳисоб-китоб қилмайдиган ҳолда) яратдикми?» дея буюрилганидек, сен ҳам куч- қувватингни Тангрига ибодат этишу савоб амал қилишга бағишла- дингми ёхуд гуноҳга сарфладингми — қиёсла. Тангри Мусони халқ билан машғул айлади. Бироқ Тангри ҳикмат билан унинг фақат бир томонинигина халққа боғлади. Хизрни бутунлай Ўзи билан банд этди. Мустафони эса, аввал Ўзи билан, кейин: «Халқни даъват қил, тузат ва уларга уғит бер!» дея амр этди. Мустафо: «Эй Тангрим! Мен нима гуноҳ қилдимки, ҳузурингдан қувяпсан. Халқни иста- майман», дея йиғлаб-сиқтади. Улуғ Тангри: «Эй Муҳаммад! Сен ҳеч хафа бўлма, сени халқ билан банд қилиб қўймайман. Улар билан машғул бўлган чоғингда ҳам мен билан бўлурсан. Халқ билан бўлган- нинг вақтда бошингдаги сочининг бир толасини ҳам камайтир- майман. Нима қилсанг-да, барибир вуслат ичра бўлурсан», дея буюрди.

Биттаси: «Азалий ҳукмлар ва Тангрининг тақдир айлаганлари ҳеч ўзгарадими?» дея сўради. Мавлоно буюрдики: Тангрининг азал- да: «Ёмонликка қарши ёмонлик, яхшиликка қарши яхшилик бўлиши керак», деган ҳукми асло ўзгармайди. Чунки Улуғ тангри Ҳокимдир ва «Сен ёмонлик қил, яхшилик топасан»¹, деймайди. Ахир, бугдой экиб арпа, арпа экиб бугдой ўриб бўладими? Бўлмайди! Барча авлиёю анбиёлар ҳам: «Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликни- ки ёмонликдир», деганлар. «Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқолчалик яхшилик қилса (қиёмат кунида) ўшани кўрар. Ким зарра мисқолчалик ёмонлик қилса, уни ҳам кўрур!»²

Азалий ҳукм тўғрисида билмоқчи бўлган нарсангни ўргатдик, атрофлича тушутирдик. Бу асло ўзгармайди. Тўғри, баъзан қилган яхшилигинг ёки ёмонлигинг миқдорида муқобилини ололмайсан. Бироқ яхшилик ва ёмонликнинг жавоби мутлақо бўлажақдир, яъни, асл ҳукм ўзгармасдир. Бир маҳмадона кимса: «Биз Тангри саодати-

дан маҳрум бўлган гумроҳнинг охират саодатига муяссар бўлган сайд, сайднинг эса гумроҳ бўлганини кўраямиз», деди. Мавлоно буюрдики: бўлиши мумкин. Чунки гумроҳ яхшилик қилингани учун сайд, сайд эса ёмонликка яқин юргани учун гумроҳ бўлгандир. Масалан, Иблис: «Мени оловдан, уни (одамни) эса тупроқдан ярат- динг», деб, Одамнинг яратилишига эътироз қилгани учун Тангри- нинг лаънатига абадий учради ва малакларга раҳбарликдан, биз- нинг ҳузуримиздан қувилди. Шунинг учун биз ҳам: «Яхшиликнинг жавоби яхшилик, ёмонликнинг жазоси ёмонлик», деймиш.

Ҳамма нарсани сабабга боғлайдилар. Фақат авлиёларгагина сабаблар яратувчисини билиш ва сабабларнинг ўзлари ҳақиқатни тўсиб турган парда эканлигини англаш насиб бўлган. Чунончи, одам парда орқасидан туриб гапирса, бошқалар гапнинг эгаси пар- да дея ўйлайдилар. Унинг бор-йўғи бир рўмол эканини билмайдилар. Қачонки одам парда орқасидан чиққанда, парданинг бир тўсиқ бўлганини тушунадилар. Тангрининг валийлари эса, сабаблар орта- да зоҳир бўлган ва қилинган ишлардан бохабардилар. Масалан, тоғдан туя чиққан, Мусонинг асоси аждарҳога айланган, метиндек тошдан ўн иккита чашма сизиб чиққан, Мустафо бир ишорат билан ойна иккига бўлган, Одам ота-онасиз дунёга келган, Иброҳим учун эса олов бўстонга дўнган ва ҳоказо. Авлиёлар буларни кўрганда, сабабларнинг уртадаги баҳона эканлигини, аслида эса ишни ўзга Зот бажарганини биладилар. Сабаблар авомнинг машғул бўлишляри учундир, улар бажарувчини кўришга монелик қилган пардадан бошқа нарса эмас. Ушбу ҳақиқат валийларга кундек равшан. Улуғ Оллоҳ Закариёга: «Сенга фарзанд ато этаман», деди. У бўлса: «Мен ҳам, аёлим ҳам жуда кексайиб қолганмиз. Айниқса, аёлим, у бола кўролмайдди. Эй Танграм, бундай аёлдан қандай қилиб бола туғила- ди?» дея йиғлади. Унга: «Эй Закариё, бундай дема, калаванинг учини йўқотдинг. Мен сенга сабаблардан холи бўлган ишларни юз- минг марта кўрсатганим ҳолда, сен барчасини унутибсан, баҳона эканлигини ҳали ҳам билмайсанми? Шу онда Мен кўзинг унгида сендан (аёلسиз ва ҳомиласиз) юзмингта бола дунёга келтира ола- ман. Бунга кучим етади. Ҳатто бир ишоратим билан етук олим одамлар майдонга келади. Ахир, сени (ҳам) руҳлар оламида ота- онасиз яратмадимми? Сендан олдин сен ҳақингдаги лутф ва иноят- ларим йўқмиди? Буларни нега унутяпсан?» дея амр этди.

Анбиё ва авлиёнинг, яхши ва ёмон барча хилқатларнинг аҳвол- лари даражаю жавҳарларига кўра шундайдир. Чунончи, кофирлар юртидан мусулмон вилоятларига турли ёшдаги қўлларни келтири- шиб сотадилар. Ёш қўлар мусулмонлар орасида усаркан, ўз мам- лакатига тегишли урф-одатларни унута бориб, кексайганда эса, бу- тунлай эсидан чиқаради. Эс-ҳушини таниган пайтда келтирилган қўлнинг хотирасида эса анча-мунча нарса қолади. Баъзилар ҳеч нарсани эсдан чиқармайдилар. Бунинг каби, руҳлар ҳам у оламда Тангрининг ҳузурини шундоқ эдилар. (Масалан) Тангри: «Мен пар- вардигорингиз эмасманми?» деб ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: «Ҳақиқатан, Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳид- миз»,¹ деб жавоб беришган. Уларнинг емиш ва кийим-кечаклари Тангрининг ҳарфсиз ва сассиз бўлган каломидир. Руҳларнинг ҳам баъзилари бола ҳолида келтирилганликлари учун имазкур каломни эшитишганда аҳволини тушуниб етмайдилар, ўзларини бу каломга ёш ҳисоблайдилар. Бундайлар тамоман куфр ва разолатга фарқ

¹ Қуръони Карим, 23/113

² Қуръони Карим, 99/7-8

¹ Қуръони Карим, 7/172

бўлгандир, руҳлари пардалангандир. Бошқалари эса озроқ хотирлайдилар, у оламнинг ҳавоси, таъсири буларда ора-сира ўзини намоян қилади. Булар мўминлардир. Яна шундайлар ҳам борки, улар ўша каломни эшитишлари билан аҳволни айнан хотирлайдилар, пардалар кўтарилади, ҳамма нарса ўз жойига тушади. Булар пайгамбарлар ва валиилардир.

Мен Ерonga: «Ичингизда маъно келинлари юз кўрсатиб, сирлар ошкор бўлганда, эҳтиёт бўлинг, бегоналардан яширинг, бизнинг сўзимизни ҳаммага ҳам айтманг», деб васият қиламан. Чунки: «Ҳикмати барчага ҳам берманг, агар берсангиз, ҳикматга нисбатан зулм қилган бўласиз. Уни аҳли ҳикматдан ҳам гизламанг, ёмонлик этган бўласиз» (Ҳадис). Ахир, «Мени ҳеч кимга кўрсатма, мен сени киман», деб уйингга беркиниб олган гўзални бозорга олиб чиқиб, «Келинлар, мана бу ҳурлиқога қаранглар», деб ҳаммага кўз-кўз қилишинг тўғрими? Бу ишинг билан сен гўзалдан ҳам айриласан, ҳам у сендан нафратланади ва бошқаларга кетади. Жаҳаннамдагилар жаннатиларга: «Қани, сизнинг мардлингиз, Улуғ Тангрининг сизга берган емишларидан, бошқалардан садақа қилинг. Биз, қулларнинг кўнглини олиш учун бир нарсалар беринг. Тупроқнинг мардлар косаси ортигидан насибаси бордир (Мисра). Биз олов ичра ёнмоқдамиз, эримокдамиз. Сиз мевалардан, жаннатнинг ширин сувидан озгина берсангиз нима бўлади?» дедилар. Жаннатилар: «Тангри буни сизга ҳаром қилган. Мазкур неъматларнинг уруғи нариги дунёда эди. Бу тўғрилиқ, иймон ва яхшиликнинг уруғи эди. Сиз меҳнат қилишдан қочиб, уни экмадингиз. Шундай экан, бу ерда нимани урасиз? Биз сизга берганимиз билан, Тангри буни сизга ҳаром қилгани учун томогингиздан ўтмайди, бўзгингизда қолиб, сизни азоблайди», деб жавоб бердилар.

Мустафонинг ҳузурига иккиюзламачи ва бегона одамлардан бир гуруҳи келаётган эди. Диннинг асрорини тушунтираётган пайгамбар ишора билан асҳобга: «Идишларингизнинг оғзини беркитинг», деди. Мавлоно буюрди: «Бу, бегоналардан ҳикматни гизланг, уларнинг олдига тилингни тийинг, оғзингни очманг, чунки улар сичқондир, ҳикматга муносиб эмасдирлар, демакдир».

Фасл. Буюрдики: Севилган киши гўзалдир. Аксинча бўлмайди. Яъни, ҳамма гўзаллар-да, севилавермайди ва севилиши шарт ҳам эмас. Гўзаллик сеvimлиликнинг бир жузъидир. Севимли бўлмоқ асдир. Бу бўлгандан кейин гўзаллик ҳам мавжуддир. Ҳар бир нарсанинг жузъи қуллдан айри бўлолмайди, улар биргадир, яъни, қисм бутун биландир. Мажнуннинг замонида ҳам гўзаллар бор эди ва улар Лайлидан ҳуснлироқ эди. Бироқ Мажнун уларни севмади. Унга: «Лайлидан гўзалроқларини сенга кўрсатайлик, берайлик», дедилар. Мажнун эса: «Мен Лайлининг суратини севганим йўқ ва у кўринишидангина иборат эмас. Лайли менинг қўлимда бир қадаҳ кабидир. Мен бу қадаҳдан шароб ичяпман ва чунки мен шаробга ошиқман. Сизнинг кўзингиз фақат қадаҳда, ичидагидан хабарингиз йўқ, гофилсиз», деди.

Менинг қўлимга олтин безакли бир қадаҳ тутқазсалар-у, ичидаги нарса шаробдан бошқа нарса бўлса, бунинг нима фойдаси бор? Мен учун шароб тўла эски ва силлиқ бир идиш олтин безакли бу ва бунинг каби юзта қадаҳдан яхшироқдир. Қадаҳдаги шаробнинг маъзасини билиш учун ишқ ва шавқ керак бўлади. Чунончи, неча кундан бери ҳеч нарса емаган оч билан кунда беш маҳал овқатланиб юрган тўқнинг нонга қарашлари бир хил эмас. Чунки тўқ ноннинг суратинигина кўрса, оч унинг сийратини кўради. Нон қадаҳ бўлса, маъзаси қадаҳдаги шароб кабидир. Бироқ шароб фақат иштаҳаси ва

шавқи бўлган кўзгагина кўринади. Сен ҳам ўзингизда иштаҳа ва шавқ ҳосил этки, фақат суратни эмас, балки сийратни ҳам кўрасан. Бундай одамларнинг сурати қадаҳларга ўхшайди, илм ва билимлари эса, ана шу қадаҳларга солинган нақшлар кабидир. Қадаҳ синиши билан нақшлардан асар ҳам қолмайди. Демак, қиёмат қадаҳ сингари бўлган вужудлардаги шаробдадир ва бу шаробни ичган киши унинг ўлмас яхши нарса эканлигини билади.

Савол берган зот иккита жиҳатни яхшилаб тушуноғи керак бўлади. Биринчиси: мен сўраган нарсамда янглишдим, менинг билганимдан бошқа нарса бордир. Иккинчиси: бундан устун бўлган ва билишга муносиб бир сўз ва бир ҳикмат мавжуддир, бироқ мен уларни билмасдим, энди ўргандим, демоғи лозим. «Жуяли савол бериш билимнинг ярмидир», дейишди, ахир.

... Ҳар ким бир зотга юзини ўгиргандир ва ҳар кимнинг истаги Ҳақдир. Шу умид билан умрларини ўтказурлар. Бироқ бу орада кимга дуч келинганини ва шохнинг таъғи кимнинг юзиде ўз изини қолдирганини билиш учун бир ҳакам лозимдирки, у мувоҳҳид¹ бўлсин. Бундай одам сувда гарқ бўлгандир ва сув ундан голиб чиққандир. Сузувчи ва сувда гарқ бўлган кишиларнинг ҳар иккаласи ҳам сувдадир. Фақат, гарқ бўлганни сув олиб кетади, сузувчи эса, ўз кучи билан ҳаракатланади. Демак, сувга гарқ бўлаётган одамнинг ҳар бир қилган иши ва айтган сўзи ўзидан бўлмай, сувдандир. У (одам) ўртада бир баҳонадир. Масалан, девордан бир овоз келса, буни девор сўйламаганини биласан. Чунки деворнинг ортида кимдир бор ва унинг гаплари деворникидай туюлади. Авлиёлар ҳам шундай. «Улар ўлмасдан аввал ўлгандир», девор ва эшик ҳўқмини олгандир. Улардан эса, борлиқларидан қилча ҳам нарса қолмаган. Улар Тангрининг қудрати қўлида бир бошпаноҳ кабидирлар. Бошпаноҳнинг ҳаракати улардан эмас. «Анал Ҳақ» (Мен худоман) сўзининг маъносини ҳам шундай бўлиши керак. Бошпаноҳ: «Мен орада йўқман, ҳаракат Оллоҳнинг қўли билан ҳосил бўлмоқда», дейди. Бошпаноҳни Ҳақ дея билинг, Тангрига қарши чиқманг. Чунки бундай бошпаноҳни яраламоқчи бўлганлар аслида Тангрига исён этган бўлади. Одам (алайҳиссалом) замонидан шу вақтгача исёнкорларнинг бошларига қандай балолар келганини эшитгандирсиз. Фиръавн, Шаддод, Намруд ва Од қавми Лут ва Самуд ва ҳоказолар қандай мусибатларга мубтало бўлдилар? Бошпаноҳлар итоатгўйни исёнкордан, душманни авлиёдан фарқ қилмоқ учун ҳамиша қоимдирлар. Уларнинг баъзиси набий ва баъзиси валий бўлиб кўринадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир авлиё халқнинг ҳўжжатларидир. Халқнинг ўрни ва даражаси унга бўлган муносабати нисбатида бўлади. Душманлик қилса ҳам, дўстлик қилса ҳам, Тангри қилган ҳисобланади. «Уни кўрган — мени кўрган, унга қасд қилган — менга қасд қилгандир», дея буюрилгани каби. Тангрининг хос қўллари Оллоҳ қатининг маҳрамидирлар. Тангри бу ходимларнинг шаҳват ва ёмонлик томирларини кесиб тозалаган. Шундай қилиб, улар дунёнинг маҳдуми (ўғли) ва афандиси, сирларнинг маҳрами бўладилар. Қуръонда: «уни фақат таҳоратли — пок кишиларгина ушлайдилар», дея амр этилган.

Мавлоно буюрдики: Агар у орқасини олғуларнинг қабрига ўгирган бўлса, буни уларни инкор этгани ёки билмагани учун қилмаган. Бундан гараз — юзини руҳга томон ўгирмоқдир. Бизнинг оғзимиздан чиққан бу сўз уларнинг жонидир. Ахир, жасадга орқа ўгириб, руҳга юз тутса, бунинг нимаси ёмон?

¹ Мувоҳҳид — Оллоҳнинг бирлигига иймон келтирган.

Менинг шундай одатим бор — бировнинг мендан хафа бўлиши-ни истамайман. Самовъ этаётган чоғимизда баъзилар менга тўқнашиб кетишади. Шунда ёрондан кимлардир уларга моневълик қилмоқчи бўлишади, бироқ бу менга ёқмайди. Уларга қайта-қайта: «Мени деб бошқаларга бир нима деманг!» дедим. Ахир, мен ҳузуримга келган ёроннинг зерикмаслиги ва инжимаслиги учун қўлимдан келган барча чораларни кўраман, ҳатто шеър ўқийман. Йўқса, мен қаердаю шеър ўқиб қаерда! Тўғриси, шеър ўқийдиган роса тўйдим, зерикдим. Назаримда бундан ёмонроқ нарса йўқ оламда. Масалан, мезбон меҳмоннинг истагига кўра ишкамба шўрва тайёрлаш учун қўлларини ошқозоннинг ифлосликларига ботиради. Менинг ҳам аҳволим шундайдир. Яна бир мисол: тужжор шаҳар аҳлининг эҳтиёжига қараб, энг паст, энг сифатсиз молни ҳам сотишга мажбурдир.

Фозиллар, ақлли, узоқни кўра оладиган, теран тушунчали зотлар, муҳаққиқлар ташриф буюрганида, уларга ҳақиқатдан, нодир ва нозик масалалардан, нафсда сўз очмоқ учун кўп илм ўргандим, заҳмат чекдим. Улуғ Тангрининг ўзи ҳам шуни истаган эди. У барча билимлар ва ранжили шу ерга тўплади. Ва мени шу ишлар билан машғул бўлишга йўллади. Аммо нима қилайинки, бизнинг юртимизда ва бизнинг миллатимизда одамни шоирликдан баттарроқ уялтирадиган иш йўқ. Агар биз ўша мамлакатда қолган бўлсаяқ, у ердагиларнинг феъл-атворларига, фитратларига мувофиқ равишда яшаган, дарс берган, китоб ёзган, ваъз ўқиган ва зўҳди тақво ҳамда зоҳирий нарсалар билан банд бўлиш баробарида уларнинг истакларини бажо келтирган булардик.

Амир Парвона менга: «Асл бўлган нарса амалдир», деди. Мен унга айтдимки, «Қаерда уша амал аҳли, қани амал талабгори? Келсин, мен унга амални курсатай. Мана, сен ҳам ҳозир сўз хоҳлаясан. Агар айтмасам, хафа бўласан. Қанийди, амал истасанг-у биз уни сенга курсатсак. Бу дунёда биз амал талабгори бўлган бир мартдни хоҳлаймиз. Аммо амал муштарийсини тополмадик, бироқ сўз муштарийсини мавжуд бўлганидан биз ҳам сўз билан машғулмиз. Сен амалдан нима тушунасан? Чунки амал қилуви эмассан. Амал амал орқали, илм илм билан, маъно маъно воситасида, шакл шакл ёрдамида англашилади. Сен бу йўлда йўловчи эмассан. Шунинг учун ҳам унда амал билан нимани кўра оласан? Бу амал нимадан иборат, намоз ва рўзаданми? Булар амалнинг суратидир. Амал ичаридаги маънодир. Одамдан Мустафо кўринганча намоз ва рўза ҳозирги шаклда эмас эди. Аммо амал мавжуд эди. Демак, бу суратлар амал бўладими? Амал инсондаги маънодир. Масалан, сен «Дори таъсир (амал) қилди», дейсан, аммо бу ерда амалнинг шакли (сурати) йўқ. У бор-йўғи уша гапдаги маънодир. «Мана бу одам фалон шаҳарнинг энг кўп амал қилувчиси», деганда, унинг сурати эмас, балки ишлари кўзда тутилади. Демак, амал халқнинг ундан англаган нарсаси эмас. Халқ зоҳиран кўринган нарсани амал деб тушунади. Ичи бошқаю ташқи бошқа бўлган одам амалнинг кўринишини бажо келтирса, бунинг унга фойдаси бўладими? Чунки унда боғлилик, тўғрилиқ ва ишончнинг маъноси йўқдир. Ҳар бир нарсанинг асли сўздир. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «Бўл» дейиши билан у ҳам бўла қолди» (Ояти карима).

Иймон қалбадир. Бироқ уни сўз билан ифода қилмасанг, фойдаси бўлмайди. Намоз ҳам феълдир (амалдир). Куръон ўқимасанг, ўқиган намозинг саҳиҳ бўлмайди. Сен ҳозир «Сўзнинг аҳамия-

ти йўқ», дейишинг билан ўзингни ўзинг инкор этиясан. Чунки сен шу фикрни ҳам сўз билан ифода қилмоқдасан.

Бири: «Биз хайр қилганимиз, эзгу ва тўғри ишларни амалга оширганимиз эвазига Тангридан бир эҳсон кутсак, бунинг билга зарари бўладими, йўқми?» деб сўради. Мавлоно буюрдикки: Валлоҳи, умидли ва иймонли бўлиш зарур. Қўрқув ва умид ҳам шудир. Биттаси менга: «Умид гўзал ва хушдир, аммо кўрқув нима?» дея савол берди. Жавобон шундай дедим: Менга кўрқувсиз бир умид ёхуд умидсиз бир кўрқувни кўрсатгин-чи? Улар бир-биридан айди эмас. Шундай экан, нега бу саволни берясан? Чунончи, буғдой экан одам унинг битишига ҳам умид боғлайди. Шу билан бирга «Оллоҳ сақласин, бир офат бўлиб, зарар келтирмасин!» дея яна кўрқади. Демак, кўрқувсиз умид йўқдир, умидсиз кўрқув эса, тасаввурга сизмайди. Инсон умидли бўлса-ю, ҳеч қандай эҳсон кутмаса, у мутлақо яна-да ҳаракатчан ва жиддий тарзда муносабатга киришади. Умид ва кутмоқ инсоннинг қанотидир. Қанотлар қанчалик бақувват ва соғлом бўлса, у шунчалик юксакка уча олади. Умидсиз қолса-чи, тамбаллашади, ўзи хайр қилолмагани етмаганидек, бандалик вазифаларини ҳам адо этолмайди. Масалан, хаста тотли емишларни тарк этиб, аччиқ дориларни ича бошлайди. Агар унинг соғайиши — умиди бўлмасаиди, бунга қандай таҳаммул этарди?

«Инсон гапирувчи ҳайвондир». Унинг хусусияти ҳайвонликдан ва гапиришдан иборат. Ҳайвонлик унда доимийдир, айрилмасдир. Сўз ҳам шундоқ. Инсон кўринишдан ҳеч нарса демаса ҳам, ичида ҳамиша гапирди. Бу ҳол гўё лой қоришган сув тошқинига ўхшайди. Тошқиннинг тоза суви инсоннинг сўзи (нутқи), балчиғи эса ҳайвонлигидир. Бироқ балчиқ унда ўткинчи бўлиб, вақт келиб улардан асар ҳам қолмайди. Яхши ёки ёмон бўлишига қарамай, сўзлари, ҳикоялари ва билимлари қоляпти. Кўнгул аҳли бир бутундир. Сен уни кўришинг билан ҳаммасини кўрган бўласан. Чунки «Овнинг бори ёбон эшагининг ичидадир», дейишади. Дунёдаги жамики хилқатлар унинг жузьларидир ва у куллар (бутундир).

Байт: (Барча яхши ва ёмон нарсалар дарвешнинг жузьларидир. Агар бундай бўлмаса, у дарвеш эмасдир).

Куллни шубҳасиз равишда кўрганинг учун бутун оламни ва кейинроқ ҳар кимни кўрасан. Уларнинг сўзи шу кулнинг ичидадир ва бу сўзларни эшитганинг сабабли энди эшитадиган ҳар бир сўзинг такрордан иборат.

Байт: (Ким уни бир ерда кўрган бўлса, гўё ҳар инсонни ва ҳар ерни кўрган бўлади).

Шеър: (Эй Тангрим китобининг нусхаси бўлган сен ва эй Шоҳлик Жамолининг ойнаси бўлган сен! Оламда сендан холи бўлган нарса йўқдир. Ҳар истагингни ўзингдан иста, чунки ҳамма нарса сенсан).

Фасл. Ноиб: «Авваллари кофирлар бутга топинишарди. Ҳозир биз ҳам шундай қиялпмиз. Мўғуллар ҳузурда эгилиб, уларга ҳурмат курсатяпмиз, шу билан бирга, ўзимизни мусулмон ҳисоблаяпмиз. Ичимизда ҳам ҳирс, ҳавас, қизғониш сингари кўплаб бутларимиз бор. Биз уларга итоат қилмоқдамиз. Демак, ҳам ичдан, ҳам ташқаридан кофирлар қилган ишни биз ҳам қиялпмиз. Ўрни, ҳам топиняпмиз, ҳам ўзимизни мусулмон деб билияпмиз», деди. Мавлоно буюрдикки: Бу ерда бошқа нарса бор. Модомки, буни ёмон нарса деб билар экансиз, демак, сизнинг қалб кўзингиз беназир ва жуда улуғ бошқа нарсани кўрган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам улар кўзингизга хунук ва нуқсонли кўринмоқда. Чучук сув ичиб юрган одамгина шўр сувнинг тузли эканлигини пайқайди. Ўрни, ҳар

қандай ашёнинг сифати зидди билан маълум бўлади. Улуғ Тангри сизнинг қалбингизни иймон нури билан безагани учун ҳам қалбингизга бу нарсалар чиркин туолмақда. Агар қалбингиз шундай бўлмаганда, нарсаларга бу тарзда қарамас эдингиз. Бошқалар эса, бу дарддан маҳрум бўлганлари учун ҳам ўз муҳитларидан мамнундилар ва «Асосий ишни қилаётган нарса будир», дейдилар. Улуғ Тангри сизга истаганингизни беради, нимага эришиш йўлида ҳиммат кўрсатсангиз, ўшанга сизни муяссар айлайди. Чунки «Қуш қанотлари билан юксалади, мўмин ҳиммати билан».

Яратилар уч қисмга бўлинади. Биринчиси — малаклар. Булар нуқул ақлдор. Ибодат, қуллик ва зикр фитратларида бор. Малаклар шулар асосига яшайдилар. Гўё балиқдек. Балиқнинг тириклиги сувдан, ётоғи — сув, ҳаёти — сув. Малаклар шаҳватдан йироқдир. Шаҳват билан машғул бўлмаслик, нафс истаklarини адо этмаслик, буларнинг барчасидан пок-покиза бўлмоқлик буюк бир давлатдир! Шундай экан, малаклар учун ўз табиатлари билан ҳеч қандай мужоҳада бўлиши мумкин эмас. Улар ибодатларини ибодат ҳисобламайдилар, чунки бу улар фитратининг заруридир ва ибодатсиз яшай олмаслар.

Иккинчиси — ҳайвонлар синфи. Булар нуқул шаҳватдан иборатдир. Уларни ёмонликдан қайтарувчи ақллари ҳам йўқ.

Учинчиси — ақл ва шаҳватдан ташкил топган заволли инсондир. Устига-устак, инсон учун тақлиф бор, ҳайвон ва малаклар учун бу — истисно эди. Демак, инсоннинг ярми шаҳват, ярми малак, ярми ҳайвон, ярми илон, ниҳоят, ярми балиқдир. Балиқ қисми уни сувга тортса, илон бўлаги тупроққа судрайди. Ана шу тарзда доимий жанг барҳаёт. «Ақли шаҳватидан бастун келган киши малаклардан афзал, шаҳвати ақлидан ғолиб чиққан кимса эса, ҳайвондан тубандир» (Ҳадис).

Байт: (Малак билими билан, ҳайвон билимсизлиги билан қутулади. Бани одам (эса) шу иккаласи ўртасида аросатда қолди).

Баъзи инсонлар ақлга шу қадар эргашадиларки, натижада бутунлай малаклардир, нур бўлдилар. Булар анбиё ва авлиёлардир. Улар умид ва қўрқувдан қутулгандир. «Огоҳ бўлингизки, албатта, Оллоҳнинг дўстларига (охиратда) бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар».¹ Шаҳват ақлларида устун келган кимсалар тамоман ҳайвонлардир, баъзилари эса икки ўт орасида қолиб қийналмоқдалар. Валийлар мўминларни ўз даражаларига етказмоқ ва ўзлари каби бўлдириш учун уларнинг ўзларига келишларини кутадилар. Шайтонлар ҳам ўз навбатида мўминларни ўз томониغا ва жаҳаннам тубига тортиқилайди.

Байт: (Уни биз ҳам истаймиз, бошқалар ҳам. Кўрамыз, толеъ кимга қулиб боқаркан ва дўст кимни севажак?)

«Оллоҳнинг ёрдами ва ғалабаси келса...»² Қуръоннинг зоҳирига боққан муфассирлар ушбу оятни қуйидагича тафсир этишади: Мустафо: «Бутун дунёни мусулмонлаштирайин, Ҳақ йўлига йўллайин», дея қурашди. Бироқ ўлишини тушуниб етгандан кейин: «Халқни истаганимдек даъват қилиш учун яшай олмадим!» деди. Жавобан Улуғ Тангри буюрдики: «Хафа бўлма, сен бу дунёдан кетаётган дамда қўшин ва қилич билан олган вилоятларнинг ҳаммасини сенга қўшинсиз итоат қилдириб, иймонга келтираман. Халқнинг бирин-бирин мусулмон бўлаётганини кўрганинг сенинг ўз даъватингнинг қамоли эканлигига шохидлик беради. Тангрига тасбеҳ айт ва Ундан

ғушоратинг учун авф сўра. Чунки бу сенинг у ерга чиқишингдан ишоратдир.

Муҳаққиқлар эса, оятнинг маъносини бундай талқин этишади: Инсон ёмон васфларини ўз амал ва ғайрати ёрдамида бартаф этишини ўйлайди. Бу йўлда у ўзининг бутун куч-қувватини имконини сарфлайди. Шунда Улуғ Тангри буюрадики: Сен бу ишни ўз кучинг билан адо этмоқчи бўлган эдинг. Бу менинг бир қоидамдир. Яъни, сен бизнинг бахшидамизга етишиш учун боринг ва йўлнинг йўлимизда фидо қилмоғинг керак. Сенинг бу сўнгсиз йўлни заиф оёқларинг билан тугатолмаслигингни билганимиз ҳолда, ундан юришни амр этмоқдамиз. Сен ҳатто юз минг йилда бу йўлнинг бир манзилига ҳам етолмайсан. Бироқ йўлдан юраркан, кўчдан, тоқатдан қолсанг, Улуғ Тангрининг инояти сенинг қўлингдан тутади. Масалан, гўдак улгайиб ўзи юрадиган бўлгунча уни етаклайдилар, кейин ўз ҳолига қўядилар. Ниҳоят, сенинг қувватинг битди. Куч-қувватинг борлигида, кураш асносида биз сенга дамба-дам лутфимизни кўрсатардик, сен ҳам умидланардинг. Энди бундай восита қолмаган ҳолда, бизнинг лутфларимиз ва иноятларимизга боқ. Улар оқиб келмоқдалар. Сен илгари ғайрат кўрсатмаган, бунинг заррасини ҳам кўрмаган эдинг. Шунинг учун «Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтиш билан У зотни ҳар қандай «шериклардан покланг ва У зотдан мағфират сўранг!» дея буюрилган. Сен ишни Бизнинг қўлимизда эканини кўрмай, ўз қўлингдан келишини ўйлардинг. Шу тушунчанг учун Оллоҳдан уэр сўра.

Биз Амирни дунё манфаатларимиз ёхуд унинг тарбияси, билими ва амали учун севганимиз йўқ. Бошқалар эса уни шулар учун севишади. Чунки улар Амирнинг юзини эмас, орқасини кўрадилар. Амир ойнага ўхшайди. Бу сифатлар эса ойнанинг орқасида ишланган олтин ва қимматбахо инжулар кабидир. Улар ана шу инжуларга боқишади, кўзлари ойнанинг орқасида. Ойнага ошиқ бўлганларнинг кўзлари эса, олтинларда эмас. Булар ойнанинг ойна эканлиги учун севишади. Чунки унда ғўзал бир юзни кўрганлари боис қарашлари билан ичлари сиқилмайди. Хунук бўлганлар эса, ойнадан юз угуриб, унинг орқасидаги инжуларни томоша қиладилар. Шунинг учун ҳам ойнанинг орқасига минг турли жавҳарлардан шакллар ясашади. Бироқ бунинг ойнага не зарари бор?

Улуғ Тангри ҳар иккаласининг маълум бўлиши учун инсонлик билан ҳайвонликни бир ерга тўплаган. Ахир, ашё қиймати зидди билан аён бўлади. Зидди бўлмаган нарсани таъриф этмоқлик имконсиздир. Улуғ Тангрининг зидди бўлмагани учун ҳам «Мен гизли бир хазина эдим, билинмоқни истадим» (Ҳадис) дея буюрилганидек, нурнинг ошкор бўлиши учун қоронғу этиб яратилган мазкур оламни мавжуд айлади. Пайғамбару авлиёларни ҳам «Менинг сифатларим билан чиқ, халққа кўрин», дея вужудга келтирди. Улар тангри зиёсининг мазҳаридирлар. Дўст душмандан шулар воситасида фарқ этилади. Чунки бу маънонинг маъно сифатида зидди йўқдир, фақат сурат (шакл) йўлида кўрсатиш мумкин. Масалан, Одамнинг қаршиси Иблис, Мусонинг қаршисида Фиръавн, Иброҳимнинг қаршисида Намруд ва Мустафонинг қаршисида Абу Жаҳл пайдо бўлганидек. Шу ҳолда, маъно эътибори билан зидди бўлмаса ҳам, авлиёлар воситасида Тангрига зид пайдо бўлмоқда. Чунончи, «улар Оллоҳнинг нурини (яъни, Исломини) оғизлари (яъни, беҳудга гаплари билан) ўчирмоқчи бўлурлар. Оллоҳ эса, гарчи кофирларни истамасалар-да, Ўз нурини (яъни динини) тўла ёйғувчидир»,¹ дея

¹ Қуръони Карим, 10/62

² Қуръони Карим, 110/1.

¹ Қуръони Карим, 61/8

букорилганидек, улар қанча душманлик қилсалар, буларнинг ишлари шунга илгарилайди, атрофга ёйилади.

Шеър: (Ой зиё таратади, ит эса ҳуради. Ахир, итнинг яратилиши шундай бўлса, ой нима қилсин? Кўкдагилар ойдан нур олмоқдалар. Биллурнинг ўрнидаги бу ит ким бўлди?)

Шундай кимсалар Борки, Улуғ Тангри уларни мол, неъмат, амирлик ва куч-қувват бериб, азоблайди. Чунки уларнинг руҳлари бундай нарсалардан кечади. Фақир бир араб юртида бир амирнинг отга минганини кўриб, пешонасида набийу валийларнинг нурини мушоҳада этди ва: «Мен куллари неъматлар воситасида азобга учратган Оллоҳни мадҳ этаман», деди.

Фасл. Бу ўқувчи Қуръонни тўғри ўқийди. Бироқ фақат суратини. Унинг маънодан хабари йўқ. Агар унга маъно англлатилса ҳам, барибир, кўр-кўрона ўқийверади. Бу шунга ўхшайди: Қўлида қундуз ушлаб турган одамга уникадан яхшироқ бошқа бир қундуз берсангиз, олмаса, демак, у қундузни билмайди. Чунки унга кимдир қундузнинг қундуз эканлигини айтган, холос. Ва бу одам тақлидан қўлига қундуз олган. Яна бир мисол: Ёнғоқ ўйнаётган болага ёнғоқ мағзини ёки ёғини берсангиз, олмайди. Чунки бола ёнғоқдан чиқаётган овозга ишқибоз. Мағиз ва ёғ эса, сас чиқармайди. Тангрининг хазиналари ва илмлари беҳисоб... Қуръон ўқиган бир одамга тушунтирдимки, Қуръон: «Айтинг: агар барча денгиз Парвардигорининг сўзларини (яъни, илму ҳикматларини) битиш учун сиёҳ бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигорининг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар!» дея буоради. Қуръон эллик дирҳамлик сиёҳ билан ёзилиши мумкин. Бу Тангрининг илмидан бир парчадир, холос. Унинг бутун билими бундангина иборат эмас. Ахир, бир аттор қоғозга озгина дори ўраб берса, сен: «Бутун дўкон шунинг ичидами?» дейсанми? Бу аҳмоқлик булар эди. Ниҳоят, Мусо, Исо ва яна бошқаларнинг замонида ҳам Қуръон мавжуд эди, Ҳақнинг камоли бор эди. Фақат арабча эмасди. Мана шуни айтмоқчи эдим.

Ўқувчига қарасам, таъсир қилмаяпти, мен ҳам унинг ёқасини бушатдим (яъни, уни ўз ҳолига қўйдим).

Ривоят қиладиларки: Пайғамбар замонида асҳобдан кимда-ким яримта ёки битта сура ўрганса, уни улуғ одам ҳисоблаб, «Яримта ёки битта сура билади», дея бармоқ билан кўрсатар эдилар. Чунки улар одатда Қуръонни ёйишарди (ҳазм этишарди). Бир ёки ярим ботмон нонни бирданига ёйиш ҳақиқатан ҳам қийин иш. Бироқ оз-оздан чайнаб еса, юзминг эшакка юк бўладиган нонни ҳам еса бўлади. Пайғамбар: «Қанча Қуръон ўқиган бордирки, Қуръон уларга лаънат айтади», демаганмиди? Бу Қуръонни ўқиган, аммо маъноси тушунмаган кимса ҳақидадир.

Дунёни қуриш ва бошпана айлалари учун Тангри бир қавмнинг кўзини ғафлат-ла боғлади. Агар одамларнинг бир гуруҳини ана шу тарзда у дунёдан гофил этмасайди, бу дунё ҳеч бошпана булармиди?

Бу маъмуриликни у дунёдан гофил бўлмоқлик вужудга келтирган. Чунончи, ҳеч нарсадан хабарсиз ва бўш бўлгани учун бола улғаяди, ўсади. Ақли камолга етиши билан улғайиш тўхтайдди. Демак, қурувчиликнинг сабаби ғафлат, бузувчиликнинг сабаби эса ақллиликдир. Буларни айтишдан мақсадимиз севгили дўстни маънога томон тортмоқдир.

... Маънога юзланишни инсон дастлаб унчалик севмайди. Бироқ вақт ўтган сайин ёқтира боради. Бу жарён суратда (шаклда) аксинча кечади. Чунки сурат бошида хуш ва латиф туюлади, бироқ у

билан қанчалик кўп бирга бўлганинг сари ундан шунчалик қаттиқ соғуб борасан. Қуръоннинг сурати қайдаш маъноси қайда! Худди шундай, инсонга боқ! Агар инсон суратидан маъноси кетса, жасади қолади. Жасадини эса, ҳеч ким ушлаб турмайди.

Мавлоно Шамсиддин буюрдики: Йўловчиларнинг катта бир гуруҳи чўлда кетишаётган эди. Қаттиқ чанқашди. Тасодифан челақсиэ бир қудуқ топиб олдилар. Ўз челақларини ипга боғлаб қудуққа туширдилар. Бироқ челақ қайтиб чиқмади. Аҳвол бир неча марта такрорланди. Кейин одамларни туширдилар. Одамлар ҳам гойиб бўлдилар. Ниҳоят, бир ақлли одам туша бошлаган эди, қудуқнинг тубида кўрқинчли бир арабга дуч келди. Аммо ўзини йўқотмади: «Бошга келганини кўрамин, муҳими ақлимни йўқотмайин», деди. Занжи: «Менинг асиримсан. Аммо саволимга тўғри жавоб берсанг, озод қиламан. Айт-чи, энг яхши жой қаердир?» деди. Ақлли одам ўзига-ўзи: «Мен ҳозир унинг тўтқуниман. Агар Богдоғ ёки бошқа ерни яхши десам, унинг яшаётган жойини ёмон деган бўламан», деб: «Энг яхши ер инсоннинг дўсти яшаётган жойдир ва бу макон ернинг остида ё сичқон тешигида бўлса ҳам, энг хуш жойдир», жавобини бердим. Занжи қувониб: «Офарин, қутулдинг. Ер юзидаги ягона инсон сенсан! Сени ва сенинг шарофатинг учун келганларни ҳам озод этаман. Бундан буён қон тўкмайман. Сенга бўлган севгим туфайли дунёдаги барча одамларни сенга бағишладим», деди. Кейин эса, бутун йўловчиларни сувга қондирди.

Демак, мақсад маънодир. Маънони бошқа шакл билан ҳам суймоқ мумкин. Аммо тақлидчилар фақат моддий ва аниқ бўлгандаги сўзни қабул қиладилар. Уларга сўз тушунтирмоқ мушкул. Чунончи, уларга шуни бошқача айтсанг, англашмайдилар.

Фасл. Буюрдики: Тожиддин Қубойига: «Бу илм талабаси орамизга кириб, халқнинг диний эътиқодига пугур етказмоқда», дедилар. У: Йўқ, улар бундай қилмаяптилар, худо сақланг, улар биздан эмасдир. Масалан, бир итга олтиндан тасма тақсанг ҳам, у ов итига айланиб қолмайди. Барибир ўша куча ити ҳолида қолади. Ов ити бир турдандир. Жубба ва салла билан одам олим бўлмайди. Олимпик инсоннинг зотида бўлган бир ҳунардир. Бу ҳунар ипак ва ё бўз ичида бўлсин, фарқи йўқ. Масалан, пайғамбар замонида иккиюзламачи кимсалар динга гов бўлмоқ ниятида иймони заиф кишиларга ўзларини мусулмон қилиб кўрсатардилар. «Бас, намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган (намозхон)ларга ҳалокат бўлгайки, улар риёкорлик қиладиган ва рўзгор буюмларини ҳам (кишилардан)манъ қиладиган (яъни, бирон кишига фойдалари тегмайдиган) кимсалардир!»¹ Бутун сўз шундан иборат. Сенда ўша нур бор, бироқ инсонлик йўқ. Сен инсонлик тила. Исталган нарса будир, қолгани сўзни чўзишдан бошқа эмас. Сўз кўпайганда мақсад унутилади, йўқолади.

Баққол аёлни севарди ва унга хизматчиси орқали хабар юборарди: «Мен сенинг ишқинда куйдим, ёндим, ўлдим, Ҳузурим йўқ, фақат сени уйлайман...» Хизматчи аёлнинг олдига келиб, баққолнинг севгани деганини айтди. Аёл: «Шу қадар соғуқ айтдимми?» деб сўраган эди, хизматчи: «Узоқ ва ёниб сўйлади, бироқ демоқчи бўлгани шу эди», деб жавоб берди. Дарҳақиқат, асос бўлгани мақсаддир, қолгани бошгоғриғи.

Давоми келгуси сонда

¹ Қуръони Карим; 107/4,5;6,7.

УЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТҮРТ ЙИЛЛИГИГА Маъруф Жалил. Туроним	3
НАСР	
Эркин Самандар. Тангри қудуғи. Роман	6
Худойберди Тўхтабоев. Жаннати одамлар. Роман	133
Сафар Барноев. Икки ҳикоя	173
НАЗМ	
Толиб Йўлдош. Тўртликлар	127
Фароғат Камол. Кўкнинг равоқидан тўкилди саслар	129
БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ	
Абдулла Содиқ. Ошуфта кўнглимнинг дилбар синглиси	168
Гулноз Мўминова. Ҳисларимга исм қўйиб бер	170
ҚУТЛОВ	
Ўткир Ҳошимов. Халқ ҳаётининг рангин манзаралари	191
МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ	
Жалолiddин Румий. Ичиндаги ичиндадир	198

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин * Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди * Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади * Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) буйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни * Обунага монетлик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темури тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 10.05.95. й. Босишга рухсат этилди. 25.08.95 й. Қоғоз формати 84X108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт ҳисоб табоғи 18,48. Буюртма № 3456. Адади 12598.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри! Буюк Турон кўчаси, 41.

